

КОНСТАНТИН  
СИМОНОВ

---

*Кўришмаймиз  
энди сен билан*

«Камалак»



КОНСТАНТИН  
СИМОНОВ

*Кўришмаймиз  
энди сен билан*

*ҚИССА*

Тошкент  
«Камалак»  
1991

Абдуворис АБДУМАЖИДОВ таржимаси

С  $\frac{4702010201-5}{356(04)-91}$  55—91

ISBN 5--633--00614--3

© «Художественная литература», 1982 г.

© Абдуворис Абдумажидов (таржима), 1991 г.



— 1 —

Барча хавф-хатар ортда қолганидан кейингина қизи Лопатинни кўргани Тимирязевқадаги госпиталга келди. Аслини олганда, энг хатарлиси у ярадор бўлиб дастлабки икки ҳафтани ўтказган Шепетовка остонасидаги армия госпиталида бўлганди. Лопатинни Москвага олиб келишганда у энди сал-пал тузалиб қолганди.

Бу ерга, Тимирязевқадаги офицерларга мўлжалланган палаталардан бирига қизини Гурский бошлаб келди. Одатда у редакциядан икки кун ўтказиб учинчи кунни зўрға вақт топиб келарди, кўпинча эса бунинг урдасидан чиқолмасди, шу боисдан унинг иккинчи кунни ҳам келгани Лопатинни ҳайрон қолдирди.

— Нима бало, муҳаррирга иш ташлаш эълон қилдингларми? — сўради Гурскийни кўриб Лопатин. Гурский ўзига ёқадиган олифтанамо сарғиш костюми ва редакциянинг яшил жомакори устидан халат ташлаб олганди.

— Аҳволинг қ-қалай? — ҳамон эшик олдида туриб сўради Гурский. — Н-нега бугун ё-ётибсан, н-нега юр-маяпсан?

— Кеча рентгенга туширишган эди, ўпкамнинг кўриниши ёқмабди. Даволовчи врач ҳам комиссия кел-гунга қадар ётишни маслаҳат берди, акс ҳолда бу ердан чиқиб кетишга рухсат беришмасмиш...

— Агар ш-шунақа бўлса, у-узокдан етиб келган бир аёл зоти к-касалингга т-таъсир қилмасмикан?

«Наҳотки у, барибир, Москвага келган бўлса? Гурский уни бу ерга бошлаб келаверибти-да!» — Лопатин ўзининг собиқ хотинини ўйлади ва ҳозир саломатлиги ҳар қандай нарсага чидаш беришини айтди.

— Хузурингга сен ўйлаганингдан кўра б-бутунлай бошқа одамни бошлаб келдим, — Гурский жилмайиб эшикни очди-да, ортига ўгирилиб деди: — У сонна-соғ экан, киравер.

Палатага бўйдор, елкалари кенг, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, фақат болаларга хос аввалги чеҳраси билан ўзига ўхшаш қизи кириб келди. Остона хатлаб бир дақиқа тўхтади-да, ингичка ва узун оёқлари билан икки хатлаб каравот ёнига борди ва ёстиқнинг остидан кўтариб дадасини қучоқлади. Унинг эҳтиёт-корлигини сезиб, Лопатин у ёқдаги, Омскдаги госпиталда қизи иккинчи йили тунги санитаркалик қилаётганини, шу боисдан у ёстиқ билан қучоқлаган ва суйкалишдан қўрқиб фақат юзига лабини тегизиб қўйганди.

— Қўрқма, яна ўзинг чийиллаб қолма, — деди у қизининг елкасидан маҳкам қучоқлаб ва шунда у саломатлиги яхшиланиб қолганини, қўллари ҳам илгаригидек, қизи болалигида эслаб қолганидек кучли эканини сездди.

— Чийилламайман, — деди ўзини бахтиёр сезиб қизи ва болаларга хос чеҳрасидаги онасиникига ўхшаш думалоқ мовий кўзлари билан дадасига боқди. Лекин, барибир, бундан икки йил аввал Харьков остонасига кузатиб қўйган чеҳра эмасди. Юзи бир оз кенгайиб, ёноқлари бўртиб чиққан ва лаблари эн тортганди — қизалоқники эмас, балки аёлларникига ўхшаб қолган. «Катта бўбқонти, анча катта бўбқонти қизим!» деб қўйди ичида Лопатин.

Дадасига қараб туриб бир неча марта киприк қоқди-ю, аммо йиғламади.

— Қиз эмас, ч-чақмоқ тошнинг ўзгинаси! — деди Гурский каравотнинг нариги томонидаги курсига ўтириб. — Мендек кекса ҳаёсининг, т-тушуняпсанми, кўзойнаги терлаб кетди-ю, у бўлса йиғламайди-я.

У кўзойнагини олиб дастрўмоли билан артишга тутинди — ҳазиллашяптими ёки чиними, ким билади, уни ҳеч тушуниб бўлмасди.

— Мен ҳечам йиғламайман, — деди Нина ғурур билан. Кейин хижолат бўлиб қўшиб қўйди: — Энди ҳеч қачон йиғламайман. — Афтидан ўшанда, қирқ иккинчи йилда ҳозир ҳеч қачон йиғламаслигини айтган мана шу Гурскийнинг ҳузурида дадасининг шинелига юзини тутиб йиғлаганини эслаб қолди.

— Умуман, бу гапинг ҳақиқатга яқинроқ, — деди. Лопатин осмондан тушгандек Омскдан келиб қолган қизининг думалоқ мовий кўзларига тикилиб онасининг қуйилиб келаверадиган кўзёшларини эсларкан.

— Сени ким олиб келди?

Лопатин ёстиқни сал орқароқ суриб ўтириб олди.

— Бу ерга — Борис Александрович, — деди Гурский томон ўгирилиб Нина.

— Борис Александрович эмас, Боря амаки. С-сен билан бу ҳақда атиги икки йил аввал келишиб олгандик, дарров унутганингни қара-я.

Нина кулиб қўйди. Лопатин ҳам унга қўшилиб кулди.

— Бу ерга мен олиб келдим. Москвага эса иккала-мизнинг муҳарриримиз, — деди Гурский. — Бундан бир соат аввал у хонасига чақириб: «Г-гурский, бугун аллақайси поездда Омскдан Лоп-патиннинг қизи келиши керак. Мен чақиртиргандим, уни жўнатиб юборишибди. Лекин мен қайси поездлиги ёзилган қоғозни й-йўқотиб қўйдим. Қизни тошиб, Лопатиннинг ҳузурига олиб боринг. Аммо ёдингизда бўлсин, соат йигирмагача б-бош мақолани ёзиб бўлишингиз керак», деди. Унинг хонасидан чиқишга улгурмай, қоровул қўнғироқ қилиб, мени пастда аллақандай хонимча кутаётганини айтди. Ўзимнинг хонимчаларимга редакция остонасига қ-қадам босмасликни қатъиян тайинлаганим учун бу сенинг қизинг эканини, редакцияга етиб келишга ақли етганини дарров сездим.

— Госпиталга ҳам ўзим топиб келаверардим, — деди Нина.

— Мана шунга йўл қўймадим, мана энди қизинг

р-рўпарангда турибди. Сизлар б-бемалол гаплашиб олинглар, мен йўлакда чекиб тураман. Мен яна б-бош мақола хусусида ўйлаб олишим керак. Бунақа нарса-ларни муҳаррир ҳеч қачон унутмайди, бу поезд номери ёзилган қоғоз эмас.

Гурский палатани, Лопатиннинг чап томонидаги бошини адёл билан ўраб ухлаб ётган қўшнисини ва халати билан ўзининг каравотида ўтириб уларнинг суҳбатини иштиёқ билан тинглаётган ўнг томондаги қўшнисини кўздан кечириб чиқди.

— Майор, чекувчилардан бўлсангиз, ю-юринг, мен-да «Қазбек» бор, бирга чекамиз.

— Чекувчиларданман, аммо унвоним капитан, — ўрнидан туриб деди ўнг томондаги қўшни.

— Барибир майор бўласиз-да! Тескарисини айтма-ганимга хурсанд бўлсангиз-чи.

Улар чиқиб кетишди.

— Уч йиллик уйқини уряпти, — ухлаётган қўшни-сига ишора қилиб деди Лопатин. — Ичидаги ўқ ва снаряд парчалари ҳали олиб ташланмагану асаблари гинг демайди. Мутлақо зиён-заҳматсиз.

— Ўзим навбатчилик қилганимда бир хил ярадор-ларнинг уйқисини кўриб ҳайрон бўламан. Бир хиллари мутлақо ухлашолмайди, бошқалари эса уйқидан бош-ларини кўтаришмайди, — деди Нина.

— Мен ҳам оғриққа қарамай, аввалига нуқул ух-лайвердим. Врачларнинг гапига қараганда, бу, кўп қон йўқотишдан экан.

— Буни биламан. Қанақа оғриқ, нимадан оғри-япти?

У ҳазилга йўймоқчи бўлувди, аммо қизи жиддий тортиб, сўзини бўлди:

— Дада, мен билан онамга гапиргандек гаплаш-манг! Агар ўзингиз тушунтириб бермасангиз, даволовчи врачдан ўзим суриштириб оламан. Ҳаммасини бошидан гапириб беринг.

Қизининг жиддий талабчанлиги унинг кулгисини қистатди.

— Майли, бошидан бўлса бошидан-да! Лекин так-рор бўлиб қолмаслиги учун кимдан нимани билиб олга-нингни айтиб бер.

— Ҳеч кимдан ҳеч нимани суриштирганим йўқ. Мен ахир тўғри вокзалдан келяпман-ку, — деди у ўпқаланиб.



— Гурский-чи? — сўради Лопатин унинг сочларини силашдан ўзини зўрға тийиб.

— Гурскийнингиз фақат ҳазиллашишни билади. «Ҳозир азамат д-дадангни кўрасан. У бутунлай соғайиб кетган. Ўзи сенга ҳаммасини г-гапириб беради». — Нина жаҳл билан Гурскийга тақлид қилди-ю, лекин бу жудаям ўринли чиққани учун ўзи ҳам кулиб юборди. — Мен фақат телеграммангиздаги: «Кўкрагимдан яраланиб, Москвага жўнатилдим, хатардан ўтиб олдим. Ҳеч қандай беҳуда гапларга ишонма. Даданг», — деган сўзларни ёддан биламан. Шундай ёзилганмиди? — сўради у телеграммани ёддан ўқиб.

— Шундай. Катта бўбқолганингни ҳисобга олиб сенга ёзганимга хурсанд бўл, тўғри сенга ёздим, амманга эмас.

— Тўғри қилгансиз. Аммам йўғида телеграммани олганим яхши бўлди. Кейин икки кун уни гапга тайёрладим.

— Қариб қолдимми? Жудаямми? — Катта опасининг табиати оғир экани ва уни бир нимага тайёрлаш лозимлигини тасаввур қилолмай хавотирлик билан сўради Лопатин.

— Нима деб ўйловдингиз? — Катталарга хос алам билан деди Нина. — Албатта, қариб қолганлар. Ҳозир ўқитувчиларга қанчалик оғир эканини биласизми?

— Тасаввур қиляпман.

— У раҳбар бўлган синфда ўқиётганлардан ярмидан кўпрогининг отаси йўқ. Ўзи эса йигирма олти йилдан бери шу мактабда ишляпти. Собиқ ўқувчиларидан қанчаси ҳалок бўлганини ҳисоблагани-ҳисоблаган. У деярли ҳаммасини билади. Кўни кеча уйга кела солиб йиғлаб юборди — аллақайси Виктор Подбельскийни ўлдиришибди, у қирқ беш ёшда экани, бир синфда икки йил ўқигани, революциядан кейинги биринчи битирувчилардан бўлгани, эндиликда набиралари борлигини йиғлаб айтиб берди. Кейин йиғидан тўхтаб: «Энди мен юз ёшдаман», деди. «Амма, қанақасига юз ёшда бўласиз?» — сўрадим ундан. «Йўқ, шу воқеалардан кейин энди мен юз ёшдаман. Мен энди яшашни истамайман. Зарур бўлгани учун яшашим мумкин, лекин буни истамайман», деди. Андрей Ильич ҳам... — Нина хўрсиниб тўхтаб қолди.

— Андрей Ильичга нима бўлди? — сўради Лопатин. Андрей Ильич опасининг эри эди.

— Менимча, у аста-секин адои тамом бўляпти. — деди Нина. — Ҳзига-ку билинмайди-я, аммо мен борганимдан бери хаста. Аммам эса, биласизми, бу йил тўсатдан... — У мана шу «тўсатдан»ни яхшироқ тушунтироқчи бўлгандек тўхтаб қолди. Лопатин эса ўзи билган опаси бошқача бўлиб қолишига, барибир, ишонгани келмасди.

Қизи нима дейишини кутиб, индамай унга қараб қолди. Гурский чекаётган ва йўлакда кутиб турганини унутмай, Лопатин унга бошидан ўтганларини гапириб берди.

У бу йил баҳорда бўлиб турган анчайин аҳмоқона бир воқеага дуч келиб қолди. Тернополь қамал қилинган пайтда телеграф орқали иккита мақола юборган Лопатин шаҳар озод қилинганидан сўнг редакцияга чақиртирилди ва у учинчи, қоралама мақола билан Москвага жўнади. Бемаънилиқ шундан иборат бўлдики, бандерачиларга дуч келиб қолишидан қўрқиб, у бошқа мухбирлар билан бирга фронт штабига тунда йўлга чиқишга юраги дов бермади — сафарни эрталабга қолдирди. Мухбирлар тундаёқ эсон-омон етиб олишди, у бўлса куппа-кундуз куни ўрмонда отишмага дуч келиб қолди. Фронт штабига етиб олиш учун унинг ихтиёрига берилган шофёр тезликни ошириб олға юриш ўрнига машинани тўхтатиб, ўзини зовур панасига олди, Лопатин эса баранкани ушлашга улгурмай кўкрагидан ўқ еди. Агар орқадан аллақайси команда билан «студебекер» келиб қолмаганида шу билан унинг куни битган бўларди. Солдатлар автоматлардан ўрмонга қарата ўқ узишди. Афтидан бандерачиларнинг ҳоли вой эканми, тумтарақай қочишибди, шофёр зовурдан чиқибди, бояги команданинг санитария инструктори кўкрагини бинт билан боғлаб қўйибди: уч километрдан кейин аллақандай медицина қароргоҳи чап томонда эканини билдирувчи кўрсаткичга дуч келишибди-ю, йигирма минутдан кейин уни операция столига ётқизишибди.

— Ярам оғир эмас, — гапини хулосалаб деди у, — ўқ кўкрагимни тешиб ўтган ва анчагина қон йўқотганимни ҳисобга олмаса, асорати унчалик бўлмайди. Икки ҳафтадан кейин мени бу ерга, Москвага жўнатиб юборишди. Шунинг учун ҳам енгил ярадор эканимни кўрсатиб турибди, буни медицина ходими бўлган сен кўпроқ билсанг керак. Телеграмма юборганимнинг бои-

си шундан иборатки, Москвада тили бир қарич одамлар ваҳималироқ бўлиши учун: «Ўқ яна бир сантиметр чапга ёки ўннга текканида тамом-вассалом бўларди», деб гапни юракдан бошлашни афзал кўришади. Шунанга бўлмасин деб, ҳар эҳтимолга қарши телеграмма юборгандим.

— Кейин нега яна оғриқ турди? — сўради Нина. — Пневмоторакс<sup>1</sup> бўлибдими?

— Жа олим бўлиб кетибсан-а! Йўқ, бундан ҳолиман. Плеврит<sup>2</sup> оғриққа сабабчи бўлган. Кейин эса аллақерда — балки мени бу ерга олиб келган самолётда — йўтални орттириб олдим, менга эса шу пайтгача ҳали йўталиш мумкин эмас. Чекиш ҳам мумкин эмас, қачон «мумкин» бўлиши ҳам маълум эмас. Лекин жудаям хумор қиляпти.

— Бечорагинам! — У дадасининг бошини силаб қўйди.

— Аммангни аҳволдан гапириб бер, — деди Лопатин хаёлан опасига қайтиб. — Менинг ярадорлигимни билдириш учун олдиндан уни тайёрлаш лозим бўлганига ишонмайман. Унинг табиатида бунақайин мулойимлик йўқ.

— Ишонмай қўяқолинг, лекин мен шундай қилиш лозимлигини билардим. Кунбўйи мактабда ўзларини тутиб юрадилар, уйда ҳам, Александр Ильичнинг олдида ҳам ўзларини тутиб турадилар. Менинг олдимда эса ўзларини тутолмайдилар. Ахир кимгадир ёрилиш керак-ку! Аммам сизга хат бериб юбордилар, лекин унда ўзлари ҳақида бир оғиз ҳам ёзмаганлар, нуқул мен ҳақимда: сиз мени Москвада қолдирмаслигингиз лозимлигини, агар яна фронтга жўнаб кетсангиз, бу пайтда ойимлар қайтиб келиб қолсалар менга ёмон бўлишини, мен сизларга копток эмаслигимни ва бошқа гапларни тайинлаганлар.

— Нима, хатни очиб ўқидингми? — сўради Лопатин.

— Ўзлари менга бердилар. «Билиб турибман, мазмунига қизиқяпсан, мана, ўқийқол», дедилар. Мен эса Москвада мутлақо қолмоқчи эмасман.

У ўзи билан олиб келган эски портфелидан хатни

<sup>1</sup> *Пневмоторакс* — ўпка шамоллаш касалликларидан бири.

<sup>2</sup> *Плеврит* — ўпка пардасининг яллиғланиши.

олиб дадасига узатди. Лопатин уни олиб курсининг устига қўйди.

— Кейин ўқийман. Москвада қолмайдиган бўлсанг, хўш, унда нима қилмоқчисан?

— Сизникида бир оз бўлиб, кейин қайтиб кетаман. Мактабни битирганимдан сўнг ҳамширалар курсига ўқишга кираман. Битирганимдан кейин, яна икки-уч ой ўзимизда — Омскдаги госпиталда ишлайман — ишга олишга ваъда беришган. Ҳамшираликни обдан ўрганиб олганимдан кейин армияга жўнаб кетаман. Нима, бўлмайдимми?

— Бўлади, — деди Лопатин қанча вақт кетишини ўзича чамалаб чиқаркан; бир ойдан кейин мактабни битиради, кейин медицина ҳамширалари курсида ўқийди, сўнг госпиталда ўзи айтган амалиёти бошланади... Демак, келаси қирқ бешинчи йилнинг бошларида... — Фақат бир нарса — ишни жадаллаштириш қолибди.

— Қанақа ишни? — тушунмади Нина.

— Қанақа экани маълум-ку! Урушда қилинадиган ишни-да. Сенга ўхшаганлар, ҳар қандай истак бўлса ҳам, урушда қатнашолмайдиган ишни. Сенлар улгуролмай қоладиган ишни. Ҳайрон бўлма. Фақат сенларда эмас, балки ота-оналарда ҳам бемаъни орзу-умидлар бўлиши мумкин. Сенларда унақаси, бизларда бунақаси. Онангдан хат олмадингми?

— Кейинги пайтларда ёзмай қўйдилар, — деди Нина онаси ҳақида у билан гаплашгиси келмай. — Нима, мени медицина ҳамширалари курсини битириб, фронтга боришимга қаршимисиз? Сиздан буни кутмагандим.

— Йўқ, қарши эмасман, — деди Лопатин, — шунчаки, бундай фикрга ҳали кўникканим йўқ. Сени икки йил кўрмадим, кичкинагина эдинг, энди бўлса, капкатта бўбқопсан. Кўриб довдираб қолдим.

— Довдираб бўбсиз!

— Ким довдирайди? — сўради палатага кириб Гурский.

— Дадам, — деди Нина.

— Унинг ўрнида бўлганимда мен ҳам довдираб қолардим. Бурни билан кокилидан бошқа ҳеч нимаси бўлмаган аллақандай нимжон пашшадек эдинг, энди бўлса биргина оёғингнинг ўзи б-бир ярим метрча келади. Қизармай қўяқол, тентак, агар оёғинг бошинг ҳисобига катталашмаган бўлса — бу яхши. Хўш, т-ташқи кўринишинг ҳақида етар энди. Менга қарагин-да,

ташқи кўриниш — бу энг кейинги масала эканини умр бўйи ёдингда сақлаб қол. Энди менга қулоқ сол, — у ўзича жилмайиб қўйди ва Гурский энди ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ҳал қилиб қўйганини билдирувчи Лопатин яхши биладиган ўша жумлани ахийри барибир айтди: — Менга йўл-йўлакай г-гапириб берган, сенга эса ҳали айтишга улгурмаган унинг режаси бундай: агар сени у жўнаб кетгунча бу ердан чиқариш-маса, госпиталда яшаб вақтинчалик ҳамшира бўлиб ишлаш. Менинг режам бундай: унинг р-режасини асосан маъқуллаш, аммо т-тузатиш киритиш шарти билан. Сибирдан у чўчқа боласи каби иркит бўлиб к-келган экан, тезда уни бундай пайтда қадим замонларда айтилмиш камтарона лаш-лушлари ётган «эмка»га ўткизаман-да, уйимга олиб бораман, у ерда менинг онам Берта Б-борисовна уни уйимизда бор нарса билан меҳмон қилади, ювинтиради ва иккита кресло билан битта с-стулни бирлаштириб, ўшатда ухлатади. Қ-қизча, умр бўйи ёдингда бўлсин, дудуқни гапдан тўхтатиш мумкин эмас, акс ҳолда к-касалланиб оқибатда қазо қилади. Эртага эрталаб муҳаррир уйғониши билан сенинг истагингни унга ётиги билан т-тушунтираман. У госпиталнинг бошлиғига қўнғироқ қилади, бу одамсиз ҳеч ким сени бу ерда қ-қолдиролмайди. Бизнинг муҳарриримиз генерал, генералларда эса и-ишонтириш истеъдоди бор. Эътироз билдирмай қўяқол, бу ерда ҳеч қандай н-ноқулайлик йўқ, сен ахир ундан ашула ва рақс ансамблига етук артистликни эмас, балки санитарликни илтимос қиляпсан! Даданг шу ерда қолади ва эртага эрталабгача бундан кейинги тақдирингни ўйлаб ётади. Сен эса меникига бориб эрталабгача уйимда овқатланасан, ювинасан ва ухлайсан, ора-чора онам Берта Б-борисовнанинг носоғлом синчковлигини қондирасан. Шахсан мен онамниқидан ташқари ҳар қандай синчковликни қондиришга қ-қодирман. Кўрамиз, сен буни қандай у-уддаларкинсан. Хўш, қалай? — Лопатинга ўгирилиб сўради у.

— Ҳар сафаргидек, ҳаммадан кўра оқилсан.

— Ташаккур. Менинг шухратпарастлигим қондирилди ва биз бу ерни тарк этамиз, чунки ҳечам вақтим йўқ, б-бош мақола ёзиш осонмас!

Гурский кириб келганда ўрнидан қўзғалган Нина Лопатиннинг каравотига омонтига ўтириб, секин сўради:

— Шунга розимисиз, шундай қилинса ҳаммаси тўғри бўладими?

У ҳеч нима демади, фақат бошини ирғаб қўйди.

— К-кетдик, — Нинанинг қўлидан тутиб Гурский эшик томон бир-икки қадам юриб тўхтаб қолди. — Редакцияга унинг онасидан х-хат келувди, орқамга қайтиб шуни қизингга билдирмай секин қ-қўлингга бериб кетмоқчи эдим-у, аммо ўйлаб кўриб уялиб кетдим, бу қизингга нисбатан дўстона м-муносабат бўлмасди. — У Нинанинг қўлини бўшатиб Лопатинга яқинлашди-да, Ксениянинг хатини унга узатди. Конвертнинг қалинлигига қараганда узундан-узоқ ёзилган хат бўлса керак.

Лопатин қизига қаради, Нина ҳам конвертнинг қалинлигини сезгандек туюлди унга.

— Сизга квартирани алмаштириш хусусида ёзган бўлсалар керак. Бу ҳақда мени уч ой олдин хабардор қилиб, сизни кўндиришимни мендан илтимос қилгандилар.

Унинг овозида болаларга хос бўлмаган совуқлик бор эди.

— К-кетдик, — Гурский яна унинг қўлидан тутиб палатадан олиб чиқиб кетди.

## — 2 —

Ксениянинг мактубини Лопатин онаси йўллаган хат ётган курси устига қўйди-да, кўзларини юмиб, қизининг етти ёшлик пайтини, Ксения билан бирга уни биринчи мартаба мактабга олиб боришганини эслади. Ўшанда унинг оёқлари узун бўлгани учун Лопатин Нинани жирафа деб тегажоқлик қилса ҳам у бунга ҳафа бўлмаганди: тез юрадиган жирафалар унга ёқарди. Кейин эса онаси орзу қилгандек эмас, балки бичимсиз қизча бўлиб етишди. «Хўш, нега, нега бунақа? — дерди Ксения. — Мен азоб чекаётганимда фақат гўзал қизалоқни орзу қилгандим, у бўлса борган сайн сенга ўхшаб кетяпти».

Ксения туғруқхонага етиб бориши билан осонгина бўшаниб олган бўлса ҳам «азоб» сўзини нуқул такрорлайверарди, бу унга хуш келарди-ю, аммо қизининг Лопатинга ўхшаб кетиши унча ёқмасди, чунки боши-

дан Нина ўзига ўхшаган бўлишини ва ҳамма бунга эътибор беришини истаганди.

Энди бўлса Нина иккаласидан ҳеч бирига ҳам ўхшамасди. Қўққисдан яна узун оёқлар пайдо бўлди, фақат аввалгисига ўхшаб тойники каби узун эмас, балки худди югурувчиларникидек хушбичим ва бақувват эди, қадди-қомати ҳам онасиникига ўхшаб шалвираган эмас, балки ўзини эркин тўтадиган, серғайрат эди.

Лопатин жилмайиб қўйди. Ксения билан бўлган оилавий ҳаётнинг бутун бемаънилиги, бир-бири билан қовушолмаслиги, худди масхара қилгандек, қизнинг чеҳрасида ўз ифодасини топганди: чиройли кўзлари Ксениядан, бу кўзлар оралиғидаги бурун Лопатиндан андаза олган. Ҳа, қизчанинг бурун хусусида омади келмади, яхшиям устига кўзойнак қўндирмайди, бу меросдан ҳоли қолган. Бир марта унга хат ёзиб кўзини суриштирганда, яхши деб жавоб берганди. Аммо у госпиталда юрган пайтида, барибир, кўз докторига кўрсатсинмикан?

Ўшанда у Ксения билан бирга Нинанинг қўлидан тутиб мактабга етаклаб боришганди. Кейинчалик Ксения шу кунни эслаб юрадиган бўлди, дилгирликка мубтало бўлиб қолган пайтларида эса буни оилавий ҳаётнинг сўнги энг бахтли кунни дерди.

Бу нотўғри эди. Шу сўзнинг маълум маънодаги бахтли кунлари кейин ҳам бўлганди, акс ҳолда яна етти йил бирга яшамаган бўлишарди. Ксения назарда тутган бенуқсон маънодаги бахтли кунлар эса бунгача ҳам аллақачондан бери бўлмаганди. Шунчаки ота билан она, бири ўнг қўлидан, бири чап қўлидан тутиб қизини янги ҳаёт бошлаши учун биринчи синфга етаклаб бораётган пайтидаги жозибадор манзара Ксениянинг ёдида қолганди. Ҳар бири ўз қўли билан етаклаб бориб қизчанинг келажаги ҳақида ўзича фикр юритарди.

Ксения яна бу кунни Лопатин қизчанинг мактабда ўзини қандай тутиб юришини кузатиб бориш лаззатидан уни аста-секин маҳрум қилгани учун ҳам шунчалик эслаб қолганини гапириб юришни ёқтирарди. «Ҳа, шундай», — ҳеч бир афсусланмай ўзича деди Лопатин. Аввалига маҳрум этишни хаёлига ҳам келтирмаганди, кейин эса ўз-ўзидан аста-секин шунақа бўлиб қолди. Унинг ўқитувчиларга айтган мактаб хусусидаги аҳмоқона, аслини олганда, беадаб гаплардан кейин бу вазифани узил-кесил ўз зиммасига олди. Бу унчалик

қийинчилик ҳам туғдиргани йўқ. Ксения учун буни ҳам гапириб бериш имконияти юзага келиб қолди.

Лопатин ҳали ўқиб чиқиши лозим бўлган Ксениянинг хати ҳақида ўйлади.

Ҳа, албатта, аллақандай моддалар асосида Ксения билан яшаётганда ҳеч қачон унга ён босмаган. Бундай моддалардан бири Ксения кўзёши, жанжал ва кетиб қолиш билан пўписа қилиб кабинетининг ёпиқ эшигини муштлаши мумкин бўлган кундалик тўрт соатлик иш вақти оилавий муҳокамага тегишли эмасди. Яна бир модда у ҳеч қачон рад этмайдиган гоҳида кўпга чўзиладиган узоқ сафари эди: Ксения ҳаргал ёлғиз қолишни истамаётгани — аввалига бу гап самимий, кейинчалик тилёғламачилик билан айтиларди — маълум бўларди-ю, аммо самимият қачон тугади-ю, тилёғламалик қачон бошланганини айтиб беролмасди.

Қизи ва уни тарбиялаш учинчи модда эди. Бу адолатли бўлишга ҳаракат қилишдан ва фақат у сенинг қизинг бўлгани учунгина уни ҳимоя қилмаётганингни кўрсатишдан иборат эди, қизининг нималар ҳақида ўйлаётганини билиши, яъни ундан фақат рост гапиришни талаб қилиши ва ўзи ҳам унга ростини айтиши лозим эди. Ҳар ҳолда ўзи ҳақида бор гапни айтиши керак. Аслини олганда, у қизининг Ксенияга эмас, балки ўзига тортишини истарди. Хотини, дарров бўлмаса ҳам, буни тушунди.

У сўзида туриб олган ва Ксения ҳар қанча уринса ҳам уни жойидан қўзгатолмаган моддалар мана шулар, холос.

Уларнинг қолган ҳаёти эса урушнинг дастлабки ёзида оилавий ҳаётининг бир парчасини кўриб Гурский бир пайтлари ҳазиллашиб айтгандек, ўзаро тотувсизлик руҳида ўтарди.

Аёл эрталаб ўрнидан туриб: «Хўш, мени ҳурмат қилишингни энди менга айт-чи!» деб илтимос билан тугайдиган қадимги ғамгин латифада унга ўзининг оилавий ҳаётини эслатувчи аллақандай аламли биг нима бор эди. Уларнинг турмушида ҳам шунақа бўлади — фақат илтимос эмас, балки: «Хўш, энди ме ҳурмат қилишингни айт!» деган буйруқ бўларди. талабни у бир неча марталаб бажарди, «Йўқ, ҳурма қилмайман» деб айтмоқчи бўлиб юрган пайтида ҳам бажарди. Аммо бунақа жавобдан кейин эртасига, индинига, ундан кейин бирга яшаб бўлармиди?



Ҳозир у Ксения билан ўтказган ўзининг ҳаёти ҳақида қанчалик бешафқат ўйласа, икки нарсадан бирини: ё ўн беш йил бирга яшаган аёл хусусида шунчалик беадаблик билан эслаш ёки у ҳақда бошқача ўйлай олмас экансан, демак, агар бошидан бўлмаса ҳам ҳар ҳолда аллақайси кун ва соатдан бошлаб у билан бирга яшаш адабсизлик бўлганини шунчалик аниқ ҳис этди. Бегона жисмининг бу жисмга бегона бўлган сенинг ҳаётинг устидан кўп йиллардан бери ҳокимлик қилишида аллақандай кечириб бўлмас итоаткорлик бор эди.

«Лекин қалбинг муҳаббатдан учиб кетади, жисминг эса ёлғиз ўзи яшагиси келмайди» — ҳозирги ёш шоирлардан бирининг фронтда баланд овоз билан ўқиб берган шеърини эслади у. Эслади-ю, масалани ҳал этиш оппа-осон эканлигидан кулимсираб қўйди. Унинг ҳаёти оғирроқ бўлди, қалби учиб кетди-ю, жисми эса барибир бундан кейин ҳам узоқ яшашини истади, хўрлик билан шуни истади. Суйкангани учунгина хўрланмади, йўқ, бу нарса бўлмаган, бу жиҳатдан ҳаммаси жойида эди. Фақат мана шу «жойида»нинг ўзида ҳам хўрланишга монанд бир нима, аллақандай — жин урсин буни — кўзбоғлагич ўйини бор эди.

Бундай фикр янги эмас-у, фақат одатдагидан кўра қаҳрлироқ эди. Медицина ҳамширалари курсини битириб, фронтга йўл олиш орзусида бугун етиб келган қизи унинг аввалги оилавий турмушидаги саботидан бир далилдир. Бироқ ўзининг заифлигининг ўз саботлигининг билан ёнма-ён турса, янада яққолроқ кўринар экан. Ксениянинг хатини эса, хоҳласанг-хоҳламансанг, барибир ўқиб чиқишинг керак, ўқиб бўлиб бир нима қилиш лозим, чунки хат анчайин қалин эди, бунақа қалин хатни эса Ксения бир нима қилиш зарур бўлгандагина ёзарди.

Хатга кўз қирини ташлаб қўйди-да, умуман ҳаётида Ксения бўлмаганини бемаънилик билан ўзинча тафаввур қилиб кўрди. У шунчаки бўлмаганди, йўқ ва бўлмайди — на илгари, на ҳозир ва на бундан кейин ҳам.

У хатни олмоқчи бўлиб, каравотда ётқич бурилди-ю, қичқириб юборишига сал қолди: қолурғаси анча битиб қолган, аммо сезилар-сезилмас нуқулдай қимирлаб қўйса ўзидан дарак бериб қўяди — ўтқа-пардасига тегиб кетарди.

Ксениянинг хатини ўқиш заруратини орқага суриб, у, барибир, аввал опасининг мактубини кўришга олди.

«Қизинг сени кўргани кетаётганидан хурсандман. У яхши ўқияпти, агар бир ҳафтадан кўп тутиб қолмасанг, мактабни кўнгилдагидек битиради. Уни ўзинг билан олиб қолишни хаёлингга ҳам келтирма. Ўзингни эмас, уни ўйла. Шу пайтгача буни уддалаб келясан. Сен командировканга жўнайверасан, қайтиб келаверасан, у бўлса Москвада сенсиз сандироқлаб юради, онаси ҳам исталган пайтда келиб қолиши мумкин. Бу масалада унинг ёлғиз қолишига ҳали вақт эрта. Қайтиб келсин, мактабини битириб, ҳамширалар тайёрлайдиган курсга боради. Бунга мен мажбур қилганим йўқ — у навбатчилик қилаётган госпиталдаги хирург ўз таъсирини ўтказибди, буни мен ҳам маъқуллаяпман. Гоҳида биз, педагоглар, урушгача ўз ўқувчиларимизни аллақандай бошқача тарбиялаганимизни эшитиб қоламан. Бунга ишонмайман. Болаларда ўз жонига қасд қилишга тайёр туришни олдиндан тарбиялашни амалга оширмаганман ва буни хаёлимга ҳам келтирмайман. Уларда фақат турмушда ва шу жумладан урушда ҳам нима қилишни қатъий буюрадиган ор-номус ва виждонийликни тарбиялаганман ва бундан кейин ҳам шундай қилавераман. Бошқача фикрдаги одамлар билан, шу жумладан ўзини педагог, мени эса пацифист<sup>1</sup> деб ҳисобловчи одам билан чўқишиб қолдим. Бу ҳақдаги ўз фикрингни қизингга айтиб қўй. Қизинг мени эмас, уни ҳақ деб ҳисоблаяпти, чунки у жанг қилган уруш инвалиди, мен эсам — жанг кўрмаган ва уруш нималигини татиб кўрмаган бир кампир эмишман. Жанг қилмаганим тўғри, аммо урушни татиб кўрмаганим нотўғри: татияпман, худонинг берган қуни татияпман. Медиклар педагог эмас. Ҳар доим медиклар ҳақ. Айниқса уруш кетаётганда. Майли, медикликка борақолсин. Мен ҳам маъқуллайман. Тирик жоннинг мурдага айланишига йўл қўймаслик — энг олижаноб касб... Хатни ўқиш учун қизингга бераман. Барча масалада у билан неча марталаб гаплашганмиз. Андрей Ильич сенга салом йўллаяпти, бахтга қарши унинг аҳволи ёмон. Нина гапириб беради. Саломат бўл. Анна.»

Қизик, педагоглардан қай бири уруш инвалиди

---

<sup>1</sup> *Пацифист* — ҳар қандай урушларга, шу жумладан миллий озодлик уруши, адолатли урушларга қарши чиқувчи буржуа оқимининг тарафдори.

экан. Анна Николаевна чўқишиб олишга улгургани янги директормикин?»

Лопатин уйланганидан кейин орадан кўп ўтмай, Москвага, уларниқига келган Анна Николаевна кечкурун Ксениянинг биринчи дийдиёсини эшитиб, эрталаб ўз танишлариникига жўнаб қолганини эслади.

Ксения ҳеч қандай гуноҳи йўқлиги ва ҳеч нимага тушунмаётганини айтиб роса йиғлаганди.

Лопатин бунинг сабабини билмоқчи бўлиб опасининг олдига борди. Опаси унга хотинининг шахсий ҳиссиётларини дуч келган қариндошига тўкиб солишдан аввал, ўзи тушуниб олишни истамаётганлиги бегоналар ҳисобига — бегоналарнинг чўнтаги ҳисобига эмас, балки ундан баттари саналувчи бегоналар қалби ҳисобига яшаш одатидан ўзга нарса эмаслигини айтди.

Буни эшитиб Лопатин ундан: «Ксения сизга нима деди?» деб сўради. «Мени эрлари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги аёлларнинг гапларини эшитишга тоқат қилолмайдиган нодон, деб атади. Кейин ҳаётда энг жозибали бир нимадан ўзини маҳрум этган чинакам нодонни кўргандек менга ачиниш билан тикилиб қолди. Сенга айтадиган гапим шу: ўйлашимча, иккалангиз турли хил маънавий қонун асосида яшаётган одамларсиз ва сенга иккитасидан бирини танлашга тўғри келлади, яъни, ё уни ўз маънавий қонуниятинг асосида яшашга мажбур этиш учун ўзингда куч пайдо қиласан, ёки қўлингни кўтариб таслим бўласан. Учинчи йўлнинг бўлиши мумкин эмас!» Ана шу масалада у янглишди... Худди учинчиси рўёбга чиқди. Ксения ўзининг маънавий қонунияти, у эса ўзининг маънавий қонунияти билан яшайверишди. Опаси буни турмуш деб ҳисобламаслиги бошқа масала.

Йўқ, хатига қараганда, аммаси жиянига туюлгандек ҳали унчалик ўзини олдириб қўймаганди. Балки руҳий қувват ва заифлашган жисм орасидаги номутаносиблик қизчанинг кўзига яққол кўриниб, унда бемор кампирга нисбатан оналик туйғуси пайдо бўлгандир? Унда, қизида бечора ожизанинг мижозидаги кучли томонларни кўпроқ ўзига олиб қолиш иштиёқи бўлган.

Ҳа, ўткир қизи бор. Унинг айрим хатларини ўқиб шундай туюлганди, бугун ҳам шундай туюляпти. Уруш Лопатиннинг кўз ўнгида барча авлодни битта ўғирда туяётган бўлса ҳам, у бугунги кунда ҳали тўлиқ ўн етти ёшга тўлмаган, ҳали кўпчилиги урушда бўлмаган,

худо хоҳласа, урушда бўлмайдиган ёшларни, барибир, яхши билмасди. Қандай қилиб уларнинг кўзи билан урушни кўриш ва тушуниш мумкин? Шу йиллар мобайнида Сибирдан қизи йўллаган хатларни ўқиб ниманидир у тушунгандек бўлди, ниманидир тушунди, лекин ҳаммасини эмас. Госпиталда навбатчилик қилаётган пайтида ярадорларнинг оҳ-воҳи бу қизчалар учун урушнинг асосий садоси бўлган. Салютларни радиодан тинглашган. Тунда эса палатада ярадорларнинг нола ва инграшини, оғриқдан фарёд чекишини, ўлим олдидаги ғарғарасини эшитишган. Ана шуни, айти урушнинг мана шу садосини эшитса ҳам, барибир, ҳамширалар курсига ўқишга киришга, кейин эса фронтга йўл олишга аҳд қилибди. Хўш, нега бундай қилишининг сабаби нимада? Оқибат мана шу қўлтиқтаёқлар, чўлтоқлар, фасод, йиринг, минг азоб билан бинтларни хўллаб кўчиришлар бўладиган энг оғир, энг даҳшатли бир нимада иштирок этиш иштиёқими? Ҳаётидаги, майли, энг оғир ва энг асосий нарсдан четлаб ўтиш, уни бой бериб қўйишдан хавфсирашми? Еки шунчаки отасидан ўзини кам кўрмай, у юрган жойларда бўлиш истагими? Еки фронтга кўнгилли равишда жўнаб кетган қайсидир болани кузатаётганда у бўладиган жойга етиб боришга онт ичиб, бунинг амалга ошишига бўлган ишончми? Уруш деярли уч йилдан бери давом этапти-ю, аслида унинг қанақа экани ва ўз билгингча танлашга боғлиқ эмаслиги ҳақидаги тасаввур ҳамон йўқ эди.

— 3 —

— Василий Николаевич, шахмат ўйнамайсизми? Лопатин кўзини очди. Гўё қизининг қалбига назар ташлашда қулайроқ бўладигандек каравотда суяниб ўтирган ҳолда кўзларини юмиб хаёл сураётган экан.

Чекиш баҳонасида ташқарида анча қолиб кетган капитан шахмат тахтасини қўлтиғига қисиб, тепасида турарди.

— Йўқ, Миша, ҳозир ўйнолмайман. Ҳали почтани ўқиб чиқолганим йўқ. — Лопатин курсидан Ксениянинг хатини олиб, адёлга бурканиб хуррак отаётган қўшниси томон имо қилди. — Полковник билан ўйнайқолинг, энди уйғонса ҳам бўларди.

— У билан ўйнашнинг қизиги йўқ, — деди капи-

тан. — Нукул унга ён беравериб безор бўламан, сиз бўлсангиз, фриц қирқ биринчи йилда қилганидек аямай савалайверасиз, савалайверасиз, галабага бўлган менинг иродамни тоблайсиз.

— Агар шунақа бўлса, тунда ҳам ўйнайверамиз. Сизни тоблашгаю тоблайман-а, лекин бу ердан соғайиб чиққунингизга қадар мени ютаман, деб ўйламанг. Комиссия сизни қачон текширар экан?

— Ҳозир айтишди, сизники каби уч-тўрт кундан кейин экан.

— Янаям яхши. Иккаламизнинг ўртамиздаги ҳарбий ҳаракатларда ўзгариш содир бўлмайди.

— Шахматда шунчалик кучли эканингизни ўшанда, Қримда билмагандим.

— Билмаганингизга сабаб мен сизга қари, ҳар нарсага лаёқатсиз, ландавур, сиз эса менга сурбет адъютант бўлиб туюлганмиз-да. Кейинчалик, Пантелеевни олиб кетаётганингизда, йўл-йўлакай йиғлаб борганингиздан сўнг аввал ўйлаганимдан кўра бошқача эканингизни фахмладим.

— Пантелеевни тез-тез эслаб тураман, — деди капитан. — Айниқса, шу баҳорда, Қримни қайта қўлга киритганимиздан кейин энди у қанчалик асқотаётганини тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим.

— Ўшанда ҳозирги сиз кабилар унга қанчалик етишмагани хаёлингизга келмадими? Ҳозирги сиз кабилар билан балки Қримни қўлдан бермаган бўлармидик! Ўша пайтдаги сиз кабилар билан Қримни ташлаб чиқишга тўғри келди. Уруш эндигина бошланганда биз ҳаммамиз ўша пайтдаги эмас, балки ҳозиргидек бўлиб қолишимиз учун нима қилиш лозим, деган саволга жавоб беролмайман. Гарчи гоҳида ҳаммамизни ҳозирги тажрибамиз билан вақт машинасига ўтқизиб урушнинг бошига қайтаришса, Қримни немисларга топширмаган бўлардик, деган хаёлга борсам ҳам жавоб беролмасдим. Бошқа кўнгина масалада ҳам.

— Ҳатто шахматда ҳам юрган йўли қайтарилмайди. Бу ахир уруш-ку, — деди капитан. — Агар мен билан ўйнамасангиз йўлакка чиқиб бирортасини кўндирақолай. — У эшик томон юриб сўради: — Айтгандек, кизингиз шахмат ўйнайдими?

— Хатида хабар қилмаганди, лекин ҳаммаси бўлиши мумкин. Эртага ўзидан сўрайқолинг.

— Сиз ижозат берсангиз, сўрайман.

— Ижозатсиз сўрайверинг.

— Эҳтиёт бўлинг, Василий Николаевич, ҳали уйланмаганман.

— Эслатиб қўйганингиз учун раҳмат, энди эҳтиётини қиламан, — деб кулди Лопатин. Қизи ўн етти ёшга тўлгани ва унинг учун мана бу уч марта яраланган, госпитал идорасининг темир сандигида учта ордени ҳамда Олтин юлдузи сақланаётган йигирма беш ёшли гвардиячи капитан Велиховнинг уйланган ёки уйланмагани ғалати туюлса ҳам қизи учун аҳамиятга эга эканини ўйлаб хайрон бўлди у.

Ўн беш кун аввал у қўлида хасса, қўлтигида шахмат билан бошқа палатадан кириб келганди:

— Ўртоқ офицерлар, мурожаат этишга рухсат беринглар. Ҳамширанинг менга айтишига қараганда, сизлардан кимдир шахмат бўйича биринчими, иккинчими категорияга эга экан.

— Иккинчисини билмайман-у, аммо бир пайтлари биринчисига эга эдим, — деди Лопатин. — Сиз-чи?

— Мен энди иккинчисини илинтирмоқчи бўлганимда уруш ҳалақит бериб қолди. Ўйнаймизми?

— Ўйнаймиз, — жавоб қилди Лопатин ва капитан хассасини деворга тираб ҳамда курсига ўтириб шахмат доналарини териб чиққунча унга диққат билан разм солди. Бу кишини Лопатин қаердадир кўрган. Лекин нимадир: ё кўркам чехрасида ғалати номутаносибликни бўрттириб турган ёногидаги ўйдимлик, ё халат билан хасса, ё ишбилармонлик одати ва бўғиқ овози уни таниб олишга ҳалақит берарди. Капитан иккита пиёда-ни қўлига яшириб, танлаб олиш учун узатгандан кейингина унинг анчагина ёш эканини кўргач, тўсатдан ҳаммаси Лопатиннинг ёдига тушди.

— Айтинг-чи, Велихов, мен янглишаётганим йўқми, дарҳақиқат сизмисиз? — сўради у янглишмаётганини энди билса ҳам.

У ёстигининг тагидан кўзойнагини олиб тақди: кунбўйи кўзойнагида ётиб чарчаб кетгани учун гоҳида уни олиб қўярди.

— Мана мен ҳам энди сизни дарров танидим, — талмовсираб деди Велихов. Кейин унинг қўлларини эҳтиёт билан узоқ силкитиб кўришди.

Ҳа, у каттакон бошлиқ ҳузуридаги адъютантликдан худди шу Симферополни қирқ биринчи йилда ташлаб чиққан, энди эса, қирқ тўртинчи йилда қайта қўлга

киритган бир пайтлари Алоҳида Қрим армияси аталмиш ўз армиясининг ўқчи батальони командирлиги-га кўтарилган ўша Велихов эди.

Шу йилнинг ўн учинчи апрелида ўша ерда, қирқ биринчи йил тунларининг бирида Пантелеевнинг жасадини олиб ўтишган кўчада у бутун уруш мобайнида учинчи марта оёғидан яраланди. Қаерда ва қачон ярадор бўлганини биринчи куниеъ гапириб берди-ю ўз батальонининг олдинги сафида Симферополга ёриб кирган, бунинг учун Олтин юлдуз билан мукофотланганини фақат учинчи куни, капитан бўлатуриб, майор ва ундан юқори унвонлилар палатасига нега тушиб қолганини тушунтириб бераётганида айтиб қолди. Ҳозирги Велиховда у уруш ҳақида гапираётганда аллақандай ашаддийлик бор эди. Урушда бир кунда ҳеч нарсани ўрганиб бўлмаслигини билса-да, турли пайтда буни эпломмаган ёки қўлидан келмаган ўзини ва бошқаларни аёвсиз равишда сўкарди. Шахматни ҳам ҳеч бўлмаса битта ўйинда ютиб чиқишига қатъий ишонган ҳолда ниҳоятда берилиб ўйнади. Госпиталдан чиқишга рухсат беришларига санокли кунлар қолган бўлишига қарамай, қониб шахмат ўйнаш учун Лопатин ётган палатада бўшаган ўринга ўтиб олди. Унинг шахматга бўлган ишқибозлигида фақат бу ўйинга нисбатан муҳаббат эмас, балки яна бутун урушга етадиган аллақандай куч бор эди.

Шу боисдан ҳозир рад этиш ва у билан бир қўл ўйнамаслик гуноҳ эди, бунинг устига Ксениянинг қалин хатини унчалик ўқигиси келмасди. Аммо ўзини мажбур қилиб бўлса-да, ўқиб чиқиши лозим эди.

Ксениянинг хати ҳеч қаёққа кетиб қолмаслик илтимоси билан бошланган эди. «Мен яраланганингдан хабар топиб аввалига жудаям ташвишландим, айтгандек, буни телеграммадан билган бўлсанг керак».

Бу телеграммадан шуни тушундики, Ксения уни ниҳоятда пухта ўйлаб ёзган ва балки қораламасини танишларига бир неча марта ўқиб берган бўлса ажабмас. Телеграммада ўртадаги ўзаро муносабат қандай бўлишидан қатъи назар, Ксения ҳаммавақт ундан хавотир олиши, у тирик ва соғ-саломат қолишини оллотолодан ҳамиша илтижо қилгани ва бундан кейин ҳам шундай қилиши ёзилганди. У худога ишонмасди, лекин «худодан илтижо қилиш» ҳозир ҳаммага, ҳар ҳолда

артистлар орасида одат бўлиб қолганди. Шу боисдан ҳам у илтижо қиларди.

Энди бўлса хатида унинг соғайиб, яна фронтга отла-наётганини чамалаб ўзи Москвага етиб боргунча бундай қилмаслигини ёзибди. «Мен боргунча сабр қил, чунки мен мўлжаллаб бораётган иш иккаламиз учун ҳам ни-хоятда муҳим». Иккалови учун ниҳоятда муҳимлиги шундан иборатки, Лопатин квартирани алмаштириш хусусида энди у билан бирга шуғулланиши лозим эди. Лопатин ўзининг квартирасига — учта хонанинг икки-тасига — хотинининг ҳозирги эри билан бир квартирада яшаган аллақандай одамларни қўйиши керак эди. Ксе-ния илгари айтганидек, ҳозирги эрининг Москвада квартираси эмас, балки биттагина хонаси бўлган, энди эса ўша одамларнинг иккита хонасини эгаллаб, эри билан бирга, ўзининг айтишича, одамларга ўхшаб яша-моқчи экан. Маълум бўлишича, бу хатни жўнатиш арафасида театрнинг қайтиши билан боғлиқ бўлган ишлар юзасидан Москвага учган ҳозирги эри қайтиб келибди. У эрига Лопатин билан квартира алмашиш хусусида эркакчасига айтиладиган ҳамма гапларни бир варақ қоғозга ёзиб берган экан-у, аммо «сен анчайин соғайиб қолган бўлсанг ҳам, ҳамон госпиталда ётга-нингни билиб Евгений Алексеевич, табиати нозик эмас-ми, сени безовта қилгиси келмабди. Энди мен бориб безовта қиламан — қисматим ўзи шунақа!» Хатининг мазмунидан у Евгений Алексеевичнинг ортиқ даражада нозиктаъблигидан хафа бўлгани сезилиб турарди.

Унинг ёзганларидан шу нарса маълум бўлдики, Лопатин унга ёрдам бериши, чунки бу янги эри билан бахтли ҳаёт кечериши ва қизининг бахти учун лозим экан.

Хатни ўқир экан, Лопатинга, аввалига, бирор жойда яшаши лозим бўладиган қизини Ксения унутиб қўйгандек туюлган эди. Йўқ, барибир, эслабди.

«Билмадим, балки урушдан кейин сен билан менинг унга ҳожатимиз қолмас, балки у бирортасига кўнгил қўйиб турмушга чиқиб кетар». Буни ўқиб Лопатин кулимсираб қўйди: бошпанаси бўлмаганидан кейин, албатта, энг яхшиси тезроқ турмушга чиқиш керак-да. «Агар бундай бўлмаса, — деб ёзибди Ксения, — агар мен унга яна керак бўлсам, қаерда ва қандай яшашимдан қатъи назар, меникида тураверсин, бир хонада яшасак ҳам, бошимда ўтирса ҳам, барибир, ҳеч



иккиланмай шундай қиламан, чунки, она оналигича қолади».

«Нега энди битта хонада бўларкан ва нега энди бошида ўтирар экан? — Тўсатдан асаби қўзғаб кетди Лопатиннинг. — Ксения алмашиш билан шуғулланиб ҳозирги эри билан уч хонали квартирада яшашга тайёрланаётган пайтда нега энди бошида ўтирар экан? Нега бошида бўларкан? Чунки, урушдан олдин ўзлари яшаган Москвадаги учта хонанинг биттаси қизига тегишли экани, бу хонадан чиқиб кетиш-кетмаслик қизининг хоҳишида экани ҳақидаги фикр унинг, онанинг хаёлига ҳам келмасди.

Ҳа, албатта, Ксения на баджаҳл, на хасис ва на қўпол эмас, агар кайфияти яхши бўлиб қолса, бировларнинг кўз ўнгида бир ҳафта оёқ учида юриб юмушларни бажариши, қизига ётган жойига сут обориб ичириши, сочини ўриб қўйиши ва меъдасига теккунга қадар оналик ролини бажариши мумкин. Ҳа, роль ўйнайди. Шундай бўлганидан кейин ўзи ҳақида «она оналигича қолади», деб ёзишга қандай журъат этди экан?

Лопатин бундан бир ярим йил аввал, қишда Тошкентга кетаётганида поездда жуссаси кичкина, нимжонгина қозоқ кампирни кўрганини эслади. Жуссаси шунанқаям кичкина эдики, у билан бирга кетаётган катта ёшдаги икки аёл унинг қизлари, ўзидан баланд бўйли ўн олти ёшлардаги бола кенжа ўгли, купеда тикилишиб ўтирган яна учта қизалоқ билан иккита болакай набиралари эканига кишининг ишонгиси келмасди. Ушанда кампирга тикилиб ўтириб, у ўзидаги ҳамма нарсани шуларга бахшида этгани, шу сабабли улар соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишгани, энди бўлса ўзи эти бориб устихонига ёпишган, на қорни ва на кўкраги бўлган озгин аёлга айланган. Лопатин ўшанда уруш машмашалари орасида дуч келиб қолган оналик бахшидаси ҳақидаги ўзини ҳайратга солган бу фикрни ҳатто ёзиб олганди. Ушанда ёзиб қўйганди, энди эса Ксениани ўйлаб шуни эслаб қолди. «Она оналигича қолади». Бир пайтлари уни сен туққан бўлсанг ҳам ва ҳатто вайсақи дугоналарингдан бири келиб қолиб эмизмиш билан кўкрагингни расво қиласан, деб уқтиргунча деярли икки ой эмизган бўлсанг ҳам қанақасига унга онасан?..»

Ўтмишни эсга солган бу фикрларни ўзида сақлаб

қолиши керак: аммо бошқалар ҳақида, хатнинг асл моҳияти хусусида қизи билан гаплашиб олишга тўғри келади, Нина яхшиям келган экан.

Ксениянинг хати, айниқса, хотимаси Лопатинни аччиғлантирган бўлса ҳам, аслини олганда, у ўзича-ҳақ эди. Уч йилдан бери уруш кетяпти, яна қанча давом этиши номаълум. Лопатин тирик, қизи вояга етиб қолди, собиқ хотини турмушга чиққан, эндиликда эри ва театр билан Москвага эвакуациядан қайтиб келмоқчи — шундай бўлганидан кейин урушнинг тугашини кутиб ўтирмай, бундан кейин ким қаерда ва қандай яшаши лозимлигини аниқлаб олишга тўғри келади.

Кейинги пайтларда Лопатиннинг Москвадаги ҳаёти фронтга сафар қилишлар билан бўлиниб турди ва қирқ иккинчи йилнинг баҳорида хотинининг жавобини бераётганида Москвадаги квартира унга урушнинг охиригача зарур бўлмаслигини айтувди-ю, лекин ўйлаганидан бошқача чиқиб қолди. Бу квартира аллақачон унга зарур эди — жудаям эмас-у, аммо керак эди. Редакцияда ҳеч ким кўпдан бери казарма ҳолатида яшамасди, бир пайтлари олтинчи қаватида мухбирлар истиқомат қилган «Москва» меҳмонхонасида энди москваликларга жой беришмасди. Куз ва қишдаги фронт сафаридан қайтиб келгач, у ҳали онасини эвакуациядан олиб келмаган Гурскийникида яшаб турди. Хуллас, госпиталдан чиққанидан кейин дарров фронтга жўнатишмайди, қаердадир ўтириб муҳаррирга ваъда қилинган ҳикояни ва ўзидан бошқа ҳеч кимга кераги йўқ ҳамда ваъда қилинмаган, ярадор бўлиб бир ярим ойдан бери қўл ҳам урмаган кундалигини ёзиш учун эса Москвада яшайдиган жойга ҳам эга эмас. У ўзининг уйига, кабинетига қайтгиси, ўзи ўрганиб қолган диван-каравотда ётгиси, ўзи одатланган столида ручка қитирлатгиси келди. Қолган ҳамма нарсага тушурмоқчи бўлди. Ундаги алам ўрнини аллақачон гижиниб қўйиш эгаллаган, гижиниш билан эса яшаш мумкин. Кейинги бир йилдан бери эса Ксенияга бир пайтлари айтган сўзлари уни госпиталдан уйга қайтишга тўсқинлик қиларди. У сўзининг устидан чиқмасликка одатланмаган эди.

Ксениянинг бугунги хати аҳмоқона тафсилоти билан ишни осонлаштирганди. Бошқалари ҳақида ўйлаб кўриш керак, аммо Ксения келадими-келмайдими, у Москвага келгунча Лопатин фронтга жўнаб кетадими-йўқми, барибир, госпиталдан уйига, ўзининг шах-

сий кабинетига кўчиб ўтишига ҳеч қандай тўсиқ қолмаганди.

Ўнг томондаги ҳамхонаси — тўпчи полковник уйқудан уйғониб каравотида ўтирар ва ташқарига чиқиш учун қўлтиқтаёгини олишга ҳозирланарди. У ҳам Велихов каби оёғидан яраланган, лекин ундан кўра оғирроқ эди.

— Росаям уйқини урдингиз-да, — деди унга Лопатин.

— Уруш бўлмаганидан кейин тағин нима ҳам қилардинг? — Полковник қўлтиқтаёғига таяниб ўрнидан турди. — Бизнинг алоқа батальонимиз командири подполковник Трофимов деган кимса қаерда ётганини бир айланиб разведка қилиб келай. Бизнинг армияда бўлганингизда у билан учрашмаганмисиз?

— Йўқ, — деди Лопатин.

Мана бу тўпчи полковник ва ўзи бориб кўрган армияни ташкил этувчи минглаб бошқа одамлар билан бўлганидек подполковник Трофимов билан ҳам илгари учрашмаганди. Ҳатто битта армиянинг ўзига неча марта борсанг ҳам, барибир, кўпчиликни танийвермайсан.

— Қизиқ, бизнинг армиямиз Қримдан кейин қаерда жанг қилаётганикин? — деди полковник. — Олаётган хатларимдан бирининг мазмунига қараганда, Белоруссия фронтида бўлса керак. «Келсанг шу ерда доволанасан, — деб ёзишибди. — Саломатлик учун жудаям фойдали бўлган арча ва қайин дарахтларининг ҳидидан тўйиб нафас оляймиз». Сарв дарахтлари эмаслигига шамма қилишибди.

Полковник оқсоқланиб палатадан йўлакка чиқди, Лопатин эса ёзги ҳужум бошланганда эндиликда арча ва қайин дарахтларининг ҳидидан нафас олаётган мана шу армияга тушиб қолсам яхши бўларди, деб ўйлади. Уруш қанчалик илгарилаб борса тирик қолганларни шунчалик ўтмишга етаклайди. Шу боисдан ҳам, бу ерда, госпиталда икки томонингда ётган қўшнилариинг сен илгари бўлган иккита армиядан эканлиги унчалик тасодиф эмас. Бошқа барча фронтларда жанглар тиниб, айнан шу икки армия сафида полковник бўлгани ҳам, Велихов хизмат қилгани ҳам — Қримда энг сўнгги шиддатли баҳорги жангларни олиб боргани, агар ҳозир госпитални айланиб чиқишса, доволанаётган ҳар учинчи офицердан бири Қримдан эканлиги маълум бўлиши аниқ эди.

Бугун қизи билан учрашганидан кейин ўйлаганларининг ҳаммаси уни урушининг одатдаги изидан чиқариб юборганди, ҳозир хаёлига келган фикр эса яна уни ўшоққа қайтарди. Ҳа, ҳали баҳорнинг сўнгги куни бор, ҳали ёз эмас: у атиги учта каравот қўйилган ва агар зарур бўлса яна учта каравотни бемалол жойлаштириш мумкин бўлган палатани кўздан кечирди.

«Жойлаштиришади ҳам! Яқинда ялпи ҳужум бошланиши билан госпиталларнинг ҳаммаси енгил ва оғир, тирик қолишидан умид узилмаган ярадорлар билан тўлиб кетади...»

У ўзи истамаган ҳолда тўсатдан кўндан бери ўйла-масликка ҳаракат қилаётган ўша аёл билан бўлган биринчи суҳбати — унинг отаси ва янашидан умид узилганлар госпитали ҳақидаги суҳбатни эслади.

— 4 —

Уйқуга тўймаган муҳаррир эртаси куни эрталаб газета чиқиши билан етиб келди-ю, лекин Лонатиннинг олдига кирмай бош врач ва даволовчи врач билан гаплашиб ҳамма ишни ўзича ўзгартириб юборди.

— Гурский билан бирга иккита ақлли одамнинг қанақадир бўлмағур нарсани ўйлаб топишганини қаранг, — деди у саломлашиш ўрнига. — Мен қизингни санитарка қилиб ишга жойлаштириш учун Сибирдан чақиртириб келганим йўқ.

— Чақиртирмасдан аввал мендан сўрасанг бўларди.

— Сендан нега сўрар эканман? Хурсанд эмасмисан?

— Хурсандман.

— Хурсанд бўлсанг бориб у билан ўзингни квартирангда яшайвер. Бизнинг АХОда қолдирилган кали-тингни унга беришни тайинладим.

— Квартирамга жўнаб кетишни менга қачон буюрасиз, ўртоқ генерал? — сўради Лонатин.

— Сенга уч-тўрт кундан кейин рухсат беришади. Мен гаплашиб қўйдим. Охири марта рентген ва бошқа муолижаларни қилиб бўлиб рухсат беришади. Қизинг бўлса, бу ерда тувак кўтариб юрганидан кўра, ҳозирча квартирангни сипириб-сидирсин. Ўзиям молхона бўлиб кетгандир?

— Ким билади дейсан, — елка қисди Лонатин.

Ўтган йилнинг ёзида, у фронтда бўлган пайтида

Ҳасения уни Москвадан тополмай ўзи яратган иккинчи калитни олиб квартирани сипириб-сидиргани ҳақидаги хатни редакцияга олиб бориб берганди. Шундай экан, квартира йиғиштириб қўйилган. Аммо шунга ҳам салкам бир йил бўляпти. Қандай йиғиштирилгани ҳам номаълум.

— Қизинг йиғиштириб бўлсин, кейин госпиталдан чиқарсан, — деди муҳаррир. — Агар уни Москвада олиб қолишни истасанг — қолдираверасан. Бунинг учун бирор нима қилиш лозим бўлса — бажарамиз. Врачлар ҳозирча ишга чиқмаслик шарти билан рухсат беришяпти. Озиқ-овқатдан кўмаклашиб турамиз. Ўйлашимча, китобинг чиққан экан, албатта, пулинг бўлса керак.

Лопатин кулиб қўйди. Муҳаррир билан Гурский бошқалар учун масъулиятни зиммага олишда бир-биридан қолишмасди.

— Редакцияда эмас, балки фронтнинг аллақаерида менга қандай командирлик қилган бўлишингни ўйлашман. Қизиқ-да!

— Агар фронтга жўнатишса, сени чақириб олишим мумкин. Қизиқ бўладими, қизиқ бўлмайдами ўшанда кўрасан. Унгача ҳикояни ёзавер. Ҳали бошламадингми?

— Ҳозирча йўқ.

— Шундай экан, уйингга боргач, дарров бошлайвер! Фронтда сокинлик, газета эса бўм-бўш. Беш-олти номерга кетадиган давомли ҳикояни берса бўладиган вақт. Акс ҳолда, сен эриниб ишга киришгунингча, катта воқеалар бошланиб кетиб, саҳифалар тўлиб кетади, кейин ҳикоянгни ўрин қолмайди!

Муҳаррир яна Лопатинга нима демоқчи бўлганини эсламоқчи бўлиб пешонасини тириштирди ва бир оз жим туриб ниҳоят эслаб қолди:

— Умуман, кайфиятинг қалай?

— Кечадан бери жудаям яхши. Қизим билан дийдор кўриштирганинг учун раҳмат. Бу ҳаммага ҳам насиб этмаслигини яхши биламан. Қизим ҳам тушунади...

— «Раҳматингни» саҳифага қўйиб бўлмайди, — деди муҳаррир. — Менга ҳикоя керак. Агар бу ерда бошлалмас экансан — ҳеч бўлмаса қандай ёзишни ўйлаб кўргин-да.

Шу йўсинда хайрлашишди. Ўшандан кейин орадан роппа-роса уч кун ўтиб, Лопатин қизи билан ўз квартираси томон йўлга тушди. Қирқ биринчи йилнинг де-

кабрида Ксениянинг тўсатдан келиб қолиши ва худди шундай тўсатдан жўнаб кетишидан бошлаб ҳисоблаганда у бу квартирада икки ярим йил бўлмаган экан. Лопатинни урушдан қайтган пайтидагига ўхшаш галати бир ҳиссиёт чулғаб олганди. Уруш тамом бўлмагунча бу квартирага қайтмайман, деган фикрга кўникиб қолганди. Энди эса гўё чидаш беролмаётгандек туюлпти.

Госпиталга уни санитар машинада ётқизиб олиб келишганди. Ўшанда сел қуйиб, уйларнинг юқори қаватлари ва томларидан бошқа ҳеч нимани кўриб бўлмаганди. Энди бўлса, ўнкасини яна шамоллатиб қўймаслиги учун ойналари кўтариб қўйилган «эмка»да қизи билан ёнма-ён ўтириб кетяпти. Аммо ойна ортидан ёзги илиқ Москва кўриниб турар, кўйлақда юрган аёлларнинг оёқларида пайпоқ йўқ, — ё дабдурустдан бошланган ёздан қувониб кетишган, ё кузгача пайпоқни асраб қўймоқчи бўлишган. Ҳозир пайпоқни қаердан ҳам топардинг?

Шу ўтган уч кун мобайнида у қизини кам кўрди. Йигиштириш билан ҳолдан тойиб, қизи кечкурун госпиталга етиб келганида бўлажак жиддий суҳбатни кетга — ўзи госпиталдан чиққандан кейинга суриб тезроқ уйига қайтариб юборарди.

Ҳозир ҳам Москва бўйлаб боришар экан, кундалик ишлардан гаплашишарди.

— Йўлак билан ошхонанинг бўялган поли яхши ювилди, — деди қизи. — Хоналардаги паркет эса қанча ювганим билан кири кетмади. Пичоқ билан қиртишлаб ҳам кўрдим, барибир қоп-қора! Паркетнинг анчагина бўлаги ўрнидан чиқиб кетган. Кеча Василий Иванович ўша жойларини қоқишда менга ёрдам бердилар.

— Албатта чиқиб кетади-да, — ўгирилмай деди ҳайдовчи. — Икки йилдан бери берк ҳолда қуриб ётибди. Кейинги учта киш фаслидан фақат бу йилгисида уйларни иситишди, шу боисдан тоб ташлаган-да!

— Раҳмат, — деди Лопатин.

— Арзимади, — ҳамон ўгирилмай жавоб қилди Василий Иванович. — Қарасам, зўр бериб уннайпти-ю, ҳеч удалолмаяпти.

Лопатин Василий Ивановични ҳали у муҳаррирни «эмка»да олиб юрган фин урушидан бери танирди. Бу урушда эса муҳаррирда янги ЗИС пайдо бўлгач, Василий Иванович уни ЗИСда Москва бўйлаб олиб юрмади.

Ўзининг серямоқ, лекин ҳаммавақт сафарга шай «эм-ка»си билан қолди ва унда дам муҳаррирни, дам мухбирларни фронтга олиб бориб турди. Биринчи жаҳон урушидаёқ зирхли автомобиль ҳайдаган бадқовоқ, ёши ўтиб қолган бу одам бошқаларга қараганда Лопатинга нисбатан ўзининг тенгдоши сифатида мурувват қиларди. У Лопатиннинг қизи хусусида айтган «уннаяпти» сўзи юксак даражада маъқуллаганини билдирарди.

Аммо Нина унинг феъл-атворини тушунмай, у ерда, Омскда — аммасининг уйида ҳам, госпиталда ҳам — ҳамма ерда бўялган пол чип-чиннидай бўлиши учун қандай ювишни билгани, бу ерда эса паркетни ҳеч уддалолмаётганини айтиб ўзини оқламоқчи бўларди.

— Жўмракни бурасам шунақаям бўтана сув оқдики, — деди у, — занги тамом бўлгунча зўрға чидаб ўтирдим: сувга ачиниб кетдим.

Лопатин у ерда, Омскда опасиникида сув челақ билан ташилишини эслади.

Уйга етиб келишгач, Лопатин Василий Ивановичга ташаккур айтиб, қизи билан юқорига кўтарила бошлади. Мана шу зинапоядан бундан икки йил аввал Ксения эшикнинг олдиғача кузатиб қўйиб, квартирага қадам ҳам босмай, пастга тушиб кетган, Ксения эса ортидан қараб қолганди.

Нина дадасининг қўлидан оғир чамадонни олиб, зинапоядан юқорига олиб чиқди. У ерда, госпиталда ҳали дезинфекция ҳиди кетмаган формали кийимлари жойланган чамадонга Гурский бир ой давомида дадасига келтирган китобларни зўрға тикиштирганди.

Лопатин уруш бошланганидан бери биринчи марта кўйлак, ички кийим, ботинка ва шляпа билан бирга, қизи тозалаб, дазмоллаб госпиталга олиб келган фуқароча костюмда уйига қайтди. Костюми ўзига лойиқ келди, уруш уни ҳеч нима қилолмаганидан — на озмаган ва на семирмаганидан, қандоқ бўлса шундоқ қолганидан — ҳатто мамнун бўлди Лопатин. Фақат у-бу нарсалар ўзи одатланиб қолган ўрнида эмаслиги унга қизиқ туюлди: тўншончаси камарида эмас, балки шимининг орқа чўнтагида; кўзойнакнинг заҳас ойнакли гилофи, одатдагидек, гимнастёркасининг ўнг кўкрак чўнтагида эмас, балки камзулининг ён чўнтагида; хужжатлари юқори чўнтагида эмас, балки камзулининг ички чўнтагида эди.

«Кийимга ўрганиш унда қандай кўринишингдан

эмас, балки нимани қаерда сақланишидан бошланар эканда...» — ўзича кулимсираб ўйлади у. Агар ҳамон чекаётган бўлганида ҳозир папирос билан гугуртни олиш учун қўлини камзулининг чўнтагига эмас, балки шимининг чўнтагига тикқан бўларди...

Қизи у кўрганидан бошқача калит билан эшикни очди. Демак, Ксения ўтган йили иккинчи калитни яса-тибгина эмас, бошқа қулф ҳам қўйдирибди-да.

«Мана бу хўжайинни қаранг-а, ҳатто етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди, — деб ўйлади Лопатин. — Унга ким ўргатганикин? Янги эримикан?»

Буни йўл-йўлакай ўйлаганди, лекин ичкарига киришганидан кейин яна шу фикрга қайтишга тўғри келди. Нинанинг тушунтириб беришига қараганда, онаси редакцияда қолдирган калит ҳалқасида иккита: кираверишдаги эшик билан Лопатиннинг ҳеч қачон қулфланмаган хонасининг калитлари бор экан. Бу хонанинг эшигида у эрталаблари ишлаб ўтирганида Ксения кириб ўзаро муносабатини тиниқлаштиришни одат қилиб олганидан кейин Лопатиннинг ўзи ичкаридан ўрнатган сурма лўкидон бор эди, холос. Энди эса Ксения кираверишдаги эшикка эмас, балки унинг кабинети, ўзининг хонаси ва ҳатто ўзларича емишхона деб юритган учинчи, чоғроққина хона эшикларига ҳам қулф ўрнаттирибди. Учинчи хона бошидан қизига тегишли бўлиб, онда-сонда, кечқурунлари меҳмонлар келишганда, емакхонага айлантириларди, Нина эса дарсини тайёрлаш ва гоҳида ухлаш учун дадасининг хонасига ўтарди.

— Боря амаки билан бу ерга дастлаб келганимизда, нима қилишни билмай ҳатто довдираб ҳам қолдим, — деди у.

«Ахир ўзини Боря амаки дейишга ўргатибди-да», — деб қўйди ўзича Лопатин. Кейин иккаласи бир куннинг ўзида турли фронтга жўнаб кетаётганларида Гурскийнинг: «Қани, к-келишиб олайлик: агар қ-қўққисдан сен қ-қиё бўлсанг, қизингни мен ўғил қилиб оламан. Агар мен қ-қиё бўлсам, онам сени ўғил қилиб олади». деган сўзларини эслади.

— Унинг жудаям жаҳли чиқиб кетди, — деди Гурский ҳақида Нина, — кейин пастга, машинанинг ёнига тушиб чиқди-да, шофёр билан бирга қулфни бузишди. Аввалига улар билан тортишиб, бундай қилмасликни, мен сизнинг кабинетингизда ётиб юришимни айтдим,



лекин у ҳеч қанақанги ўзбошимчаликни ёқтирмаслигини айтди. Шундай деб эшикка ёпишди. Мен индамай қўяқолдим, чунки сиз ёзиб ўтирганингизда кимнидир жигингизга тегишини ёқтирмасингизни эслаб қолдим. Мен жўнаб кетганимдан кейин ойимни ранжитмаслик учун қулфни қайта ўрнатиб қўйишингиз мумкин.

— Буни хаёлимга ҳам келтирмайман, — деди Лопатин, — онанги хонасини бузмаган бўлсаларинг керак.

— Албатта, йўқ.

— Худога шукр, — деди Лопатин иккита хонани алмаштириш хусусида Ксения хатида билдирган фикр унда ўтган йилиёқ пайдо бўлганини ўйлаб.

У ошхонага, кейин емакхонага, ундан сўнг ўзининг хонасига кириб чиқди — ҳаммаёқ топ-тоза эди.

Ёзув столи ёнидаги кресло гичирляптими-йўқми, деган маънода суянчигидан тутиб силкитиб кўрди-да, одати бўйича столга тирсагини қўйиб ўтирди. Бу стол ёнида кўндан бери, деярли икки ярим йилдан бери ўтирмаганди!

Ўзини уйга келмай яшашга ўргатгани учун гўё бутун урушга етадиган бир маромдаги ҳаётни ўзгартирмаслик унга осон эди: фронтдан тўғри редакцияга келади, редакциядан тўғри фронтга йўл олади! Мана шундай, одатдагидек столга тирсагини қўйиб ўтирганда шу ерда қолиш ва ҳеч қаёққа энди жўнаб кетмаслик истасанга туғилиб қоларди...

— Сизни ҳарбий кийимда атиги уч-тўрт марта кўргандим, — деди Нина унинг рўпарасида туриб диққат билан дадасига тикилар экан. — Шунга қарамай, у ерда, Омскда сизни фуқароча кийимда ҳечам тасаввур қилолмадим. Билмадим, агар сиз урушда бўлмаганингизда балки мен бошқалардан уялган бўлармидим...

— Бунинг бемаъни гап.

— Мен, барибир, уялган бўлардим. Бир оз чўзила-сизми?

— Йўғ-е, ижозатинг билан ўтиравераман. Мана шу вазиятда маза қилиб ўтириш учун келдим-да.

— Сиз ўтиратуринг, мен ҳозир нонушта тайёрлайман. Эрталаб улгуролмадим, ухлаб қолибман. Шунанга уйқичиманки, ўзим уялиб кетаман. Поезда жуда кўп ухлаганимга ҳамма ҳайрон бўлувди.

У хонадан чиқиб кетди. Лопатин эса ёлғиз қолиб, бир минг тўққиз юз йигирма тўққизинчи йили аҳоли-

ни рўйхатга олиш ўтказилганда Помирда учта чегарачи билан бирга тушган деворга осиглик эски сурагга тикилиб бир неча минут ўтирди. Ушанда у ҳаётида биринчи марта мушкул аҳволга тушиб қолганди, агар мана шу учта чегарачи бўлмаганида оқибати ёмонлик билан тугарди. Унга биринчи марта милтиқдан ўқ отишга, ёнгинасида ярадорнинг оғриқдан қандай қичқаришини эшитишга тўғри келганди. Эртаси куни улар — беш киши эсдалик учун расмга тушишди, олтинчиси касалхонада эди.

Бунақа ишлар ҳақида одам кейинчалик гапириб берадими-йўқми, индамайди ёки ёлғонни қўшиб-чатадими — барибир, дастлаб бошидан кечирган даҳшат қалбининг энг тубида қолаверади. Ва ҳатто хавф-хатарга кўникма, деб аталмиш осонликча қўлга киритилмаган хислат умуман кўникма эмас, балки ўзида зўрма-зўраки ҳосил қилинган хавф-хатарни кутиб олишга шай туриш хислатидир. Хавф-хатар неча марта такрорланмасин, унинг муқаррарлиги олдида, барибир, юрагинг орқага тортиб кетаверади. Оёқ, қўл, лаб, овоз бошқа масала... Ана шу «бошқа масала» уларга қўрқувдан букилишга, қалтирашга, дудуқланиб қолишга имкон бермайди. Мана шу биз ўз мақолаларимизда бир хилларни тириклигида, бошқаларни ўлимидан кейин гўё уларни орден билан тақдирлагандек довюраклик кўрсатди, деб ёзишга шошганимиз бардошликнинг ўзи бўлиб чиқади.

«Ўтган йили немислар ўзларининг ёзги кампанияларини бешинчи июлда бошлашган эди, — деб ўйлади Лопатин. — Агар бу йил ҳам ундан эртaroқ бошлаб қўйишмаса кундалик билан шуғулланишга улгуриш мумкин. Бугун атиги учинчи июнь...»

У календарни олдига сурди. Календарь эски, қирқ биринчи йилники эди ва очиб қўйилган варағи у охириги марта шу стол ёнида ўтириб ишлаган йигирма еттинчи декабрни кўрсатиб турарди. Аниқроғи, ишлади эмас, балки эрталабдан ишламоқчи бўлганида Ксения келиб қолган, кейин эса тушга яқин фронтга, Калуга остонасига жўнаб кетганди.

Бу календарь қирқ тўртинчи йилники эмас, балки қирқ биринчи йилники эканини яхши билса-да, у, барибир, олдига суриб учинчи июнга етгунча тескари-сига варақлай бошлади.

Календарнинг мана бу варағида ўзи қолдирган:

«Бугуннинг ўзида Пугаченковга қўнғироқ қилиш керак» ва «Театрга билет олиб келиш лозим», деган иккита ёзув бор эди. Ён томонида эса Ксениянинг қўли билан йирик думалоқ ҳарфлар билан Пугаченков хусусидаги ёзув рўпарасига: «Буни кейинроқ ҳам қилиш мумкин», театр ҳақидаги ёзув рўпарасига эса: «Мана буни эса дарҳақиқат унутма», деб ёзиб қўйилган.

Уруш бошланишига ўн тўққиз кун қолганда қўнғироқ қилишни ўзи зарур, Ксения эса шарт эмас, деб ҳисоблаган ўша Пугаченковнинг кимлигини у ҳозир ҳечам эслолмасди. Театрга эса билет олгани ва кечқурун Ксения билан «Нора» спектаклини томоша қилишгани, уйга қайтаётганларида ва уйда Ксения бу спектакль унинг қалбини тилка-пора қилганини, саҳнадаги ҳаёт билан унинг уйдаги ҳаёти ўртасидаги ўхшашлик унинг учун азоб эканини гапириб бергани ҳамон ёдида турибди.

Лопатин унинг гапларини эшитиб жаҳли чиқарди. Ҳеч қанақанги ўхшашлик йўқ. Саҳнада толеи паст бир оилавий ҳаёт кўрсатилган, уларники ҳам бахтсиз оилавий ҳаёт, аммо бутунлай бошқача. Ксения эса ўзининг ўхшашлигини вайсагани-вайсаган.

— Ҳа, майли, — деди у ниҳоят. — Мен — Хельмер, сен эса — Нора. Шундай бўлақолсин. Хўш, кейин нима бўлади?

— Вой, сени ҳафа қилмоқчи эмасдим, — деди у айтиш шунини истаган бўлса ҳам.

Ҳа, ўшанда, учинчи июнда бу уларнинг урушдан олдинги кечки жанжалларининг сўнгиси ва тунги ярашишларининг сўнгиси бўлганди. Бундай нарсаларни, албатта, бошқача аташ ҳам мумкин, аммо бу билан унинг моҳияти ўзгармайди.

У ёзув столининг ғаладонларини бирин-кетин очиб кўрди. Стол қадимдан қолган бўлиб, анчайин кенг эди. Бир пайтлари, улар Сокольниковидаги битта хонада ўз оилавий ҳаётларини бошлаганларида Лопатиннинг бор бисоти шу стол бўлганди. Қўлёзмалари ҳам, китоблари ҳам, папирослари ҳам, кўйлак, чойшаб. дастрўмоллари ҳам — ҳаммаси шу стол тортмаларида бўларди. Чунки хонанинг қолган ҳамма қисмини у ўша пайтда севган ва унинг ишлашига ҳалақит бермай ортида оёқ учида оҳиста юрган Ксения бутун борлиги билан тўлдирган эди.

Ксения кейинчалик аллақандай, эшитмаслик мум-

кин бўлмаган аллақандай алоҳида гичир-гичир билан оёқ учида кириб келишни ва бармоғини лабига босиб — нима учун бундай қилиши номаълум, балки шунчаки унга халақит беришдан қўрқишини шартли белги билан тушунтирмоқчи бўлгандир — кейинчалик ҳеч хожати бўлмагани билиниб қолувчи бирор нимани қидириб анчагача ғивир-шивир юришни одат қилиб олди.

Аммо буларнинг ҳаммаси кейинчалик бошланиб узоқ давом этди, гўё илгари ҳеч қачон бошқача бўлмагандек туюлди. Лекин бир пайтлари бошқача эди...

У бирин-кетин очган стол тортмаларида ҳамма нарса ўз ўрнида эди. Қўл теккизилмаган нарсалари билан бу тортмалар ҳозиргача, урушнинг тўртинчи ёзигача етиб келибди. Столдан керосин ҳиди анқирди, афтидан Нина тортмаларни артаётганида латтани керосинга ботириб олган бўлса керак. Демак, ҳамма нарсани бу ёққа олиб қўйган, лекин қайта солаётганида қандай бўлса шундай жойлаштирган.

Столнинг ўнг томонидаги пастки тортмасининг энг тагида тасма билан боғланган каттагина папка бор эди. Унга урушдан аввал бирга кечирган ўн беш йиллик ҳаёти мобайнида Ксения ёзган хатлар солинганди. Ксения ўзининг хатларини олиб кетган, деб ўйлаганди Лопатин. Йўқ, олиб кетмабди. Нега олиб кетмаганикин? Балки, унинг ҳозирги эри рашкчидир — ўзи билан Тошкентга олиб кетишни истамабди, йиртиб ташлашга эса кўзи қиймабди, чунки ўзига раҳми келган. Хатларида ёзилган рост ва ёлгон гаплар, нима деганда ҳам, ўзлигининг бир қисми эди-да! Мана шу боисдан ўзига ачинган!

Улар бу уйга кўчиб келишганида у Ксенияга кейинчалик ўзининг кабинетига айланган хонани таклиф қилганди. Бу хона тўртбурчак шаклида бўлиб, энг шинам кўринишда эди. Аммо Ксения ўзига ётоқхона учун бошқасини — деразаси ҳовлига эмас, балки Горький кўчасига қараган каттароқ хонани танлади. У Горький кўчасида яшаётганларидан ниҳоятда хурсанд бўлди ва кўчиб келганларининг биринчи йилиёқ гап орасида: «Бизга узоқ эмас, биз шу ерда, Горький кўчасида яшаймиз» ёки «Бизниқидан, Горький кўчасидан барча театрларга қўл етгудек» деган жумлаларни қўшиш одатини чиқарди.

Унга ўшанда, ўттиз саккизинчи йилда, мана шу

квартирани беришганида ўзи ҳам довдираб қолганди. Аввалига папанинчиларни музликдан олиб чиққан экспедицияда қатнашгани учун «Хурмат белгиси» орденини топширишди, яна бир ҳафтадан кейин эса Сокольникида, бир хонада ўн бир йил яшаган уч кишилик оилага дабдурустдан киши бошига биттадан хонаси бўлган мана шу квартирани беришди.

— Қани, юринг, сизни овқатлантирай, — деди хонага сассиз кириб келган қизи орқасидан унинг елкасига кўлини кўйиб.

— Ҳозир...

— Нималарни ўйлаяпсиз?

— Бир пайтлари мана шу квартирага қандай кўчиб келганимизни эслаяпман.

— Мен уйни йиғиштираётганимда ҳеч нимани ўйламадим, — деди Нина. — Хаёлим ишни тезроқ туғаллашда бўлди. Артавердим-артавердим, ювавердим-ювавердим. Кейин эса, кечқурун ётганимда — мен шу ерда, сизнинг катингизда ётиб юрдим — уйқига кетишдан аввал — мен одатда дарров ухлаб қоламан — шипни кўздан кечириб чиқаман, шипнинг карнизга яқин бурчак томонида ёрилган жойи бор, биз бу ерга кўчиб келганимиздаёқ кўргандим.

— Мен ҳам сезганман, — деди Лопатин. — Бу ерда ёлғиз ўзим шипга қарайман, деб ўйлама...

У қизининг аллақандай муҳим бир гапни айтишга чоғланганини тушунмай ҳазиллашди. Нина эса унинг ҳазилини сезмай ёки сезганга олмай деди:

— Мен уни жудаям яхши эслаб қолганман. Кеча ҳам ухлаб қолгунимча унга тикилиб ётиб ўйладим: наҳотки бизнинг уйда ҳамма нарса бошқача бўлиши мумкин бўлмаса? Наҳотки, бошидан бошлаб бошқача бўлиши мумкин бўлмаган бўлса? — такрорлади у афсус-надомат билан.

— Билмадим, — жавоб қилди унга Лопатин. — Бошқача деганинг нимаси? Буни қандоқ тушуниш мумкин? Агар, масалан, мен калтабинлик қилиб урушга эмас, балки сизлар билан кўчиб кетганимда онанг кетиб қолмаган бўлармиди? Билмадим, балки шундай-дир. Ҳар ҳолда мен буюмларимни йиғиштираётганимда шунга ўхшашроқ бир фикр хаёлимдан ўтганди.

— Наҳотки, сиз ўша пайтдаёқ бу ҳақда ўйлаган бўлсангиз? — унинг гапини бўлди Нина.

— Йўқ, бутунлай бошқа нарса ҳақида — Минскка

неча кунда етиб боришимни ўйлагандим. Аммо ойингни бирпасда мазаси қочиб вокзалга бормади ва шунда бемаъни бирор нима бўлиши кўнглимга келди. Кўнгил гашликдан бўлак ҳеч нима йўқ эди.

— Майли, сиз бошқача йўл тутолмас эдингиз, лекин ойим, ойимлар бошқача йўл тутишлари мумкин эди-ку? У Москвада қолса бўларди-ку!

— Москвада у қололмасди— ҳар ҳолда, редакция ходимларининг хотинлари кўчирилган ўн бешинчи октябрдан кейин қолдириб бўлмасди. Онанг билан сени бошқа-бошқа жойга эмас, балки битта жойга кўчириш, бу, бутунлай бошқа гап.

— Мен, масалан, шундай бўлганига ачинмайман,— деди Нина қатъий равишда.

— Ишонаман. Лекин нима бўлиши мумкин эди, нима бўлиши мумкин эмасди, деб гумон қилишдан бошқа ўтмиш ҳақида фикр юритишнинг бошқа усули ҳам бор: яъни нимани биз тўғри қилдик ва нимани нотўғри? Менимча, онанг сенсиз кўчиб кетиб нотўғри иш қилди. Бу унинг мен айблайдиган ягона қусуридир.

— Сизни ташлаб кетиб тўғри иш қилдиларми? Бу, сизнингча, тўғрими?

— Мен бу мавзуга қайтмоқчи эмасдим,— деди Лопатин.— Аммо гап очилдими, уни ниҳоясига етказамиз. Ташлаб кетиш хусусида айтиб қўяй, болани, чўлоқни, ночор кексани ташлаб кетиш мумкин. Ўзи бақувват, ақли расо, хотираси зўр одамни ташлаб кетишмайди— уни тарк этишади. Гоҳида у бунга халақит беришга уриниб кўради, гоҳида йўқ. Мен ҳам уриниб кўрмадим.

Ҳозир қизи «нега» деб сўрашини кутганди, лекин у бунга сўрамади, бутунлай бошқа нарсани суриштирди:

— Сиз ҳозир ойимларни қайтиб келишларини истган бўлармидингиз? Жудаям истармидингиз?

— Йўқ, истамайман.

— Ойимлар эндигина кетиб қолган пайтларида, мени ёзда чақиртирганингиздаям фикрингиз худди шундаймиди? Сиз анча гамгин бўлиб қолувдингиз. Ўшанда қайтиб келишини истамаганмидингиз? Ўшанда сиздан сўраганимда тўғриси айтганмидингиз?

— Тўғриси айтувдим. Хурсандчиликни ўрни йўқ эди. Аммо қайтиб келишини ўшанда ҳам истамагандим.

— Жудаям хурсандман,— деб хайқириб юборди Нина. Унинг нақадар завққа тўлиб кетганидан хайрон бўлди Лопатин.— Ҳаммаси жойида экани ҳақида ойим-

лардан хат олиб сизга ачингандим. Сиз бўлсангиз ҳечам бунақа хат ёзмадингиз. Ойимларни ҳамма ишлари жойида-ю, сиз бу пайтда унинг қайтиб келишини орзу қилганингизни ўйласам сизга раҳмим келарди. Сиздан неча марталаб сўрамоқчи ҳам бўлдим. Лекин қандай қилиб? Хат орқалими? Шу тўғрими?

— Тўғри.— У мана шу икки йил мобайнида ҳамма ишлари яхши экани ҳақида ёзиш учун қисқа бўлса ҳам вақт тополган бўлишини ўйлади-ю, аммо қизига бу ҳақда нима деб ёзарди: «Яхши» дейилганда нимани тушуниш мумкин? Сен хўрланмаганинг ва энди сени севмайдиган аёлни— бу аёл қизининг онаси бўлса ҳам— энди севмаслигинг қизингни қувонтирмоқда. Бироқ унинг онасиз ёлғиз яшашининг яхшилиги— бир масала, у билмаган аёл билан яшаши бутунлай бошқа масала. Бу унинг сенга бўлган меҳр-муҳаббатиниң синовдан ўтказишга қодир бўлган бутунлай бошқа «яхши»дир.

— Онангга тез-тез хат ёзиб турасанми?— сўради Лопатин кутилмаганда хаёлига келган фикрни ўзидан қувиб. Унинг бошқа аёл билан бахтли ҳаёт кечиришига қизи қандай муносабатда бўлиши муаммоси кўпдан бери мавжуд эмасди, ўртада муаммо ҳам, бахтли ҳаёт ҳам, аёл ҳам йўқ эди... Мавжуд бўлмаган масалага қайтиш беҳуда эди.

Қизи елкасини қисиб деди:

— У хат ёзса ҳаммавақт жавобини ёзиб юбораман. Бу йил менга учта хат юбордилар ва мен учаласига ҳам жавоб ёздим. Нима, сизга шикоят қилдиларми?

— Бир марта шундай бўлганди.

— Нима учун?

— Сен унинг саволларига фақат жавоб берар экансан, ўзинг бўлсанг ундан ҳеч нимани суриштирмас эмишсан.

— Ундан бирор нима сўрашни истамайман.

— Нега?

— Сабаби шундаки, мен урушдаги одамдан ҳеч қачон кетиб қолмаган бўлардим. Ҳеч қачон, нима бўлганда ҳам кетмасдим! Ундан нимани ҳам суриштирардим? Сиз бўлсангиз «Нега, нега?» деб суриштирарасиз.— Унинг лаблари титраб кетса ҳам йиғлаб юбормади. Дадаси гапларига тушунмаётгани унга алам қилди.

— Майли,— деди Лопатин ва камзулининг чўнтаги-

дан госпиталда ўқиб чиққан Ксениянинг хатини олиб қизининг олдига қўйди. — Онангни хатига қандай жавоб ёзиш ўзингни ишинг. Аммо иккаламизга тегишли бўлган мана бу хатга қандай жавоб ёзишни биргаликда ҳал қилишга тўғри келади. Қандай жавоб ёзиш ва нима қилишни!

Нина конверт ичидан хатни олиб ўқишга тутинди-ю, лекин ўша ондаёқ дадасининг кўзига тикилиб сўради:

— Менга айтинг-чи, агар ҳозир ойимлар уёқдаги ҳамма нарсани ташлаб ҳузурингизга келсалар-да, кечирим сўраб, шу кундан бошлаб ҳаммаси бошқача бўлишига ваъда берсалар, сиз нима қилган бўлардингиз?

Лопатин тўсатдан бундай савол беришининг сабабини тушунолмади. Балки у онасига нисбатан кўрсатаётган раҳмсизлигига қарамай, бирор мўъжиза рўй беришини кутаётганмикан? Ёки, аксинча, ҳали хатни ўқиб чиқишга улгурмай, дадаси ўзининг бўшанглиги билан қизининг у ҳақдаги тасаввурини ўзгартириб юбормаслигини олдиндан билиб олмоқчи бўляптими?

— Онангни бундай қилиши тасаввуримга сиғмайди. Энди мен у билан бирга яшолмаган бўлардим. Менимча, онанг ҳам яшолмасди. Нима, демак, гоҳида бизни қовуштириш фикри хаёлингга келиб тураркан-да? Бу ҳақда ўйлашнинг ҳожати йўқ. Ҳеч биримиз бахтиёр бўлолмаймиз. Сен ҳам. Ундан кўра мана бу хат хусусида яхшилаб ўйлаб кўр. Кейин, хатни ўқишдан чўчима, унда шунчаки ҳал этиш лозим бўлган ишлар бор.

Нина хатни ўқий бошлади, у эса қизига тикилиб ўтириб ўйга чўмди: қизини ҳамон ёш боладай кўриш одатини тарк этолмаётган бўлса ҳам, барибир, у билан очикчасига гаплашиб олиши лозим. Акс ҳолда, эрта-ми-кечми қизига ҳозир ниҳоятда қимматли бўлган— хаёлига келганини ҳеч иккиланмай унга айтиш имкониятига путур етади.

— Ўқиб чиқдим. Хўш, нима бўбди? — Нина хатни конвертга солиб қўйди. Унинг овозида Лопатинга ҳали тушунарли бўлмаган аллақандай оҳанг бор эди.

— Сен билан биргаликда хатда ёзилганларни ўйлаб кўрамиз, вассалом. Аммо, аввал, бошқа масалани гаплашиб олайлик. Бундан бир ярим йил аввал мен бир аёлни севиб қолдим. Кейин бундан ҳеч вақо чиқмади. Лекин шунақаси бўлди. Сенга шуни айтиб қўйишим керак.



— Бу ҳақда оймлар менга ёзиб юборгандилар. Гўё кимдир юзига тарсаки туширгандек бўлди-ю, у ортига ўгирилиб қарашга улгурмай кўздан ғойиб бўлгандек туюлди унга.

— Нима ҳақда ёзганиди?— Зўр қийинчилик билан ўзини хотиржам тутиб сўради Лопатин.

— Тошкентга яхши кайфият билан борганингизни, унинг аллақандай дугонасини дарров севиб қолганингизни ва бундан у ниҳоят даражада хурсанд бўлганини ёзибди.

У тўсатдан юз берган бу дилизхорликнинг соддалигидан ва ўзи ноқулай аҳволга тушиб қолганидан кулимсираб қўйди.

— Лекин мен ўшандаёқ бунга ишонмагандим.— Қизи кулимсираганини сезмай қолди.

— Нега?

— У бунга аллақандай бир ғалати оҳангда ёзгани учун ҳам ишонмадим.

— Сенга ёзганчалик бўлмаганди-ю, лекин шунақароқ эди.

— Жудаям яхши. Агар мен ҳам хабардор бўлганимда сизга унчалик ачинмаган бўлардим. Гоҳида сизни мендан бошқа ҳеч ким яхши кўрмаслигини ўйлаб ниҳоятда ачиниб кетардим, ҳатто кўзларимга жикқа ёш келарди.

У бунга шунчалик куюниб айтдики, Лопатинга ўзининг ҳолатини унга билдирмаслик учун ўрнидан туриб кетишга ва хона бўйлаб юришга тўғри келди.

— Сен билан зерикмас эканман,— деди сочи ўғил болаларники каби калта қирқилган қизининг гарданидан ўпиб.

— Албатта зерикмайсиз,— унга томон ўгирилмай деди қизи.— Нима, у ҳам сизни яхши кўрармиди?

— Менга шундай туюлганди.

— Нега бўлмаса бирор натижаси бўлмади?

У жавоб бермади. Фақат елкасини қисиб қўйди.

— Нега бундай бўлаётганига тушунолмади қолдим. Аллақандай оқсуяклар уяси! Ҳамма бир-бирини яхши кўради-ю, барибир ҳаммалари бирор иш чиқазишолмайди!

— Нима, жаҳлинг чиқяптими? Мени бошқатдан уйлантирмоқчи эмасмисан?

— Сизга яқин одам ёлғиз мен бўлишим ва бошқа ҳеч ким бўлмаслиги яхшими? Мана, сиз охири марта

фронтга жўнаб кетаётганингизда ким кузатиб қўйди? Ҳеч кимми?

У бош иргаб қўйди. Сўнгги марта фронтга жўнаётганида ҳам, бошқа пайтларда ҳам ҳеч ким кузатмагани рост. Ўшанда, аёзли тонг пайтида Тошкентдан Кавказ фронтга жўнаб кетганидан бери ҳеч ким кузатмаган.

— Шу тўғрими?— такрор сўради Нина у бош иргаб қўйгач.

— Агар жиддий гаплашадиган бўлсак, фронтга отланган қўпгина одамларни фақат бир марта, жўнаб кетаётганларида кузатиб қўйишади. Агар тирик қолишса, қайтиб келганларида бир марта кутиб олишади. Шундай бўлгач, менга ачинишнинг ҳожа-ти йўқ.

— Буни биламан. Ҳаммасидан хабарим бор,— та-жанглик билан деди у.— Лекин сизнинг вазифангиз шунақа, ҳаммавақт жўнаб кетиш ва қайтиб келишдан иборат. Фронтда қолишни истамаганингиз учун эмас, балки вазифангизнинг ўзи шунақалигидан қайтиб келасиз. Шундайми?

— Умуман тўғри. Агар ростига кўчсам, зарурияти бўлмаса ҳам Москвага қайтган пайтим бўлган. Яна уч-тўрт кун қолишим мумкин эди-ю, лекин қолмагандим. Тўғри, бошқача вазият ҳам юз берган пайтлари бўлган. Шундай экан, ўзимга тухмат қилишни истамайман.

— Хўш, нима бўбди? Сизнинг ҳеч қанақанги уйингиз бўлмаганидан кейин, наҳотки буни «уйга қайтиш» деб бўлса? Немислар Москва остонасига келиб қолишганида, ҳаммани— кетишга рози бўлганларни ҳам, рози бўлмаганларни ҳам— кўчирув қилишган пайтдаги вазиятни ўзим ҳам биламан. Кейинги пайтларда ҳамма бу ерга қайтпти-ку! Мана, Боря амакининг онаси ҳам қайтиб келибди. Етмиш икки ёшда бўлса ҳам кепти. Уч ойдан бери Москвада яшашпти. Боря амакининг айтишларича, бу ерга ҳар қанақанги одамлар келаётганмиш. Ҳатто Боря амаки умуман Москвага қайта киришни истамаган одамлар ҳам қайтаётганмиш.

— Демак, бу масалани у билан муҳокама қилибсизларда?

— Албатта, муҳокама қилдик! Сиз бўлсангиз нуқул ёлғизликни ёқтирасиз. Ёлғиз жўнаб кетасиз, ёлғиз қайтиб келасиз.

— Нима ҳам қилардим, ёлғиз қолмаслигим учун кўчиб келақол.

— Нега бунақа деяпсиз? Бундай қилолмаслигимни ўзингиз биласиз-ку! Агар жудаям ёш бўлганимда ёки аксинча қариб қолганимда, мен, албатта, қайтиб келган бўлардим. Лекин сизга курсни битириб фронтга боришимни айтганман. Фикримни маъқуллаб сиз рози бўлгансиз.

— Мен бунақа демаганман.

— Йўқ, айтгансиз. Очиқчасига бўлмаса ҳам айтгансиз. Афтингизга қараб нима демоқчи бўлганингизни билмайди, дейсизми? Илтимос, тегажоғлик қилманг, акс ҳолда йиғлаб юбораман-да, кейин бу қилиғимдан ўзим уялиб юраман. Яхшиси, ҳеч бўлмаса бир ҳафтага бизникига, Омскка келинг, ўша ёқда сизни уйлантириб қўяман.

Нина ўрнидан туриб сочларини тартибга солмоқчи бўлгандек ҳаракат қилиб кўз ёшларини артиб олгандек туюлди унга.

— Ҳозир эса, сизнинг соатингиз бўйича роппа-роса беш минутдан кейин овқатлангани тулинг. Картошка қайнаётган сувга туз солсам бас, қолганлари тайёр, ошхонада овқатланамиз,— қўшиб қўйди чиқиб кетаётганида.— Ойимлар беркиттириб қўйган ошхона эшигини бузиб кирганимизга ўзимни ноқулай сезяпман, ҳатто бу ерга киргим ҳам келмаяпти.

— Бемаъни гап. Бузилдими бўлди, тамом-вассалом!— деди Лопатин.

— 5 —

Картошка унинг кўнглидагидек қилиб пўсти билан сувда қайнатилган экан. Лопатин иссиқ картошкани у кўлидан бу кўлига олиб, бармоқлари билан пўстини арчирди. Яна стол устида у, айниқса, эрталаблари ботириб ейишни хуш кўрадиган бир банка қатиқ бор эди. Нина қатиқ билан бир бойлам укропни бозордан сотиб олганди.

— Нега энди ҳозир алмаштириш хаёлларига келиб қолганини билолмадим-да,— деди Нина дадасининг рўпарасида ўтириб у ҳам қайноқ картошкани арчир экан.— Нега энди уруш тугагунча сизни тинч қўёлмаяпти? Ахир, ҳамма нарсам етарли, дадангдан менга ҳеч

нима керакмас, деб ёзганди-ку, энди бўлса—демак, керак экан-да!

— Онангни койима, айниқса, ортидан бунақа қилма. Бу квартирада кимдир— ё у, ё мен— ҳозирми, кейинроқми, барибир яшамаслиги керак. Шундай бўлгач, мен унинг хоҳишига бўйсинишим керак, албатта, имконият даражасида. Нуқул ўзингча: «Ҳозирча уруш бўляпти», «Агар тирик қолсак», деб такрорлайвериш тентаклик бўлади. Агар тирик қолмасак, бу ҳақда гапиришнинг ҳожати бўлмайди. Демак, сен билан мени тирик қолиб урушдан қайтиб келади, деб ҳисоблаш мумкин.

У чўзилиб дадасининг стол устидаги қўлига кафтини қўйиб сиқиб қўйди. Бу унинг «сен билан мени» сўзи учун миннатдорчилиги эди.

Лопатин шунчалик тўсатдан, осонлик билан унинг гапларига, агар қизи урушда қатнашишга тўғри келса, бу розилиги унга ўлим келтириши мумкин бўлса ҳам, рози бўлгани учун ўзини койиб қўйди.

— Гап бундай, — деди у анча чуқурлашиб бораётган фикрини ўзидан қувиб. — Уруш тугаганидан кейин сен билан мен бирор жойда яшашимиз керак. Мен билан бирга туришинг шарт эмас, сен алоҳида яшашинг мумкин. Лекин яшаш учун мана бу ёки бошқа бошпана керак. Немислардан озод этилган жойлар бўйлаб юрсанг, сон-саноксиз вайроналарни кўриб газабланиб кетасан! Урушдан кейин яна йигирма йилча шунақа жойларда яшайдигандек туюлиб кетади кишига. Мана шунинг учун ҳам ўзингга тегишли чоғроққина хонани онанг дабдурустан алмаштирмақчи бўлган одамга бермаслик тарафдориман. Менимча, шундай бўлиши керак.

— Менга қолса, майли, алмаштираверсинлар, мен ўз кунимни бир амаллаб кўрарман. Агар урушдан кейин ўқишга кирсам, ётоқхонада яшайман. Уларга халақит бермай қўяқолайлик, нима қилсалар қилаверсинлар. Акс ҳолда, келганларидан кейин бундай қилиш унга нимага кераклиги ҳақида дийдиё ўқиб хафа бўладилар ва шунчалик ҳоли-жонингизга қўймайдиларки, натижада сизни тинч қўйишлари учун, барибир, қўнишга мажбур бўласиз! Мен ахир биламан-ку! Жин урсин шу хонани, менга кераги йўқ, ойимлар сизга азоб бермасалар бўлгани.

Лопатин кулиб қўйди:

— Албатта, иккаламизни ҳам яхши биласан, кўз

ўнгингда бирга яшаганмиз. Лекин кейинги йилларда ёмон томонга қараб ўзгардимми, деб қўрқаман ва шу боисдан менга азоб бериш осон эмас. Бироқ онанг келгунча Москвада бўламанми-йўқми ёки унга хат ёзишга тўғри келадими, барибир, унга сенинг фикрингни, мен бунга рози бўлмасам ҳам унга қўшиб-чатмай ёзиб юбораман.

— Ойимлар сизни Москвада учратмасликлари мумкин, деб ўйлайсизми?

Онасининг нима иш қилиши хусусида олдиндан мулоҳаза қилмасликни аллақачондан бери ўзига одат қилиб олганини унга айтиб қўйишига сал қолди. Лекин бунинг ўрнига, ҳаммаси бўлиши мумкин, деди холос.

— Сизнинг-ча, қандай, яна фронтга боришингизга қачон рухсат беришаркин?

— Мени тузалаётганлар командасига ёзиб қўйишди, деб ҳисоблайвер. Мен каби ярадор бўлган солдатларни бу командада қанча ушлаб туришади? Уч-тўрт ҳафтами?

У ўйлаб олиб бош ирғади.

— Уруш, сизнинг-ча, қачон тугаркин? Бу аҳмоқона савол эканини кўп марталаб эшитганман, ўзим ҳам бемаъни эканини биламан-у, лекин, барибир, ҳаммадан суриштиравераман.

— Қанчалик бемаъни бўлмасин, бундан қочиб қутилолмайсан,— деди Лопатин.— Бу саволга ўзингча турли хилда жавоб берасан. Шунақаям бўлганки, сени ғам-ғусса чулғаб олади, ҳозир эса, аксинча ўтган киши ва баҳор фаслида Киевдан Карпатга етиб борганимизни эслаб, ҳазил-ҳазил билан шу йилнинг ўзида Германияга етиб борсак-а, деб ўйладим. Шунда менинг қизим Нина Васильевна медицина ҳамширалари курсини ҳам битирган, ундан кейин амалиёт ишларини ҳам ўтаган бўлади-ю, лекин менинг бахтимга, урушга боришга улгуролмайди. Урушнинг қачон тамом бўлишини билмайман ва бу хусусда алдолмайман ҳам. Ундан кўра, сен қачон курсни битиришингни ҳисоблаб чиқайлик!

— Нимасини ҳисоблайсиз? Биринчи июлда машғулот бошланади, йигирма бешинчи декабрда битириб чиқилади, ҳаммаси олдиндан маълум.

— Мени кўргани келганинг сабабли ўнинчи синфнинг йиллик баҳолари чиқазилаётганида қийналиб қолмайсанми?

— Қийналмайман. Мен поездда ҳам кела-келгунча дарс тайёрладим.

— Менга эса ухладим деганийдинг.

— Ухладим ҳам. Ухламаган пайтимда мутолаа қилдим. Ҳозир ҳам идиш-товоқларни ювиб бўлиб, шўрвага олов ёқаман-да, кейин мутолаага бериламан.

— Айнан хирургия ҳамшираси бўлмоқчимисан?

— Ҳаммадан зарури шу... Менинг қўлларим бақувват.

— Буни қаёқдан билақолдинг?

— Зоя Павловна менинг қўлим хирургларникига ўхшашини айтди. Мен хирургия ҳамшираларига яра-ларни боғлашда кўп марталаб ёрдам берганман. Ҳатто қон ҳам қуйганман ва гипсли ўровни ҳам бажарганман. Зоя Павловна шунақаям операция қиладики, бошқа қизларнинг кўнгли айниб кетади, мени эса ҳатто бошим айланмайди, ҳечам қондан қўрқмайман, бунга ўзим ҳам аввалига ҳайрон бўлганман.

— Мен ҳам қўрқмайман,— деди Лопатин.— Урушнинг бошларида ярадорнинг мажақланган тўртта панжасини қаламтарош билан кесиб ташлашга тўғри келгани: бармоқлари терига осилиб турарди. Илтимос қилувди— кесишга мажбур бўлдим.

У бу иши беҳуда кетганини, ярадор деярли ўша жойнинг ўзида немис ўқига учраб ҳалок бўлганини қўшимча қилмоқчи бўлди-ю, ўзини тутиб қолди, айтмади. Бўлмаса, ҳозир фақат кундалигида ёзилган урушнинг дастлабки кунлари ҳақида яна суриштираве-рарди. Лопатин бу кундаликни келажакка, агар шунга мушарраф бўлса, асраб қўйган.

— Қуршовдан чиқаётганингизда бўлганмиди?— сўради Нина.

У бош ирғади.

— Зоя Павловна ҳам урушнинг бошларида Бол-тиқбўйида қуршовда қолган экан. Немислар уларнинг медсанбатига ҳужум қилганида ҳатто уч кун асирликка тушиб қолибди-ю, кейин кийимларини ўзгартириб қочибди, қуршовдан эсон-омон чиқиб олибди. Эри мед-санбат командири экан, уруш бошланганида Зоя Пав-ловна қизини Омскка, қариндошлариникига юбориб, ўзи эри билан бирга қолган экан. Эрини ҳам ўлдири-шибди. Шундоққина ёнгинасида. Бир куни ундан бе-маънилик қилиб, бу воқеанинг қандай юз берганини суриштирибман. Шунда у менга қараб деди: «Хўш,

қандай бўларди? Мана, сен билан ҳозир бир-биримиздан уч қадам масофада турибмиз, иккаламиз ҳам тирикмиз, эшик тақиллаб қолади, сен ўшоққа қарайсан, кейин мен томон ўгириласан, мен эса йўқман. Тамом-вассалом. Сенга яна қандай тушунтирсам экан?»

Кейинги икки йил мобайнида қизининг ҳаётида, афтидан, муҳим роль ўйнаётган мана шу Зоя Павловна ҳақида Лопатин қизи ёзган хатларидан билиб олганди. Зоя Павловна мана икки йилдан бери қизи ҳафтасига уч марта навбатчилик қилаётган госпиталнинг етакчи хирурги эканидан, унинг қизи Нинанинг тенгдоши ва дугонаси эканидан, иккаласи мактабда ҳам бир партада ўтиришидан, навбатчиликка ҳам бирга боришидан хабардор бўлса ҳам, лекин қизи ҳозир оғиз очган гапларга на унинг хатларида, на ўзаро суҳбатда дуч келмаганди.

— Зоя Павловнанг ҳақида батафсилроқ гапириб бер-чи. Келажакда ким бўлишни, афтидан, унинг таъсири остида ҳал қилиб қўйган бўлсанг керак? Ўзининг қизига ҳам шунақанги тақдирни мўлжаллаб қўйганми?

— Ҳа.

— Худди шундай деб ўйлагандим. Сендан гина қилмоқчи эмасман. Аммо нега у билан яқин тутиниб, аммангдан юз ўгирганингни билмоқчиман.

— Юз ўгирганим йўқ. Шунчаки аммамнинг мадори қолмади — на мен билан гаплашишга, на гапларимни эшитишга ва на ўзи гапиришга. Андрей Ильични операция қилмай, касалхонадан қайтариб олиб келишгач, аммам ҳаммасига тушунди ва эндиликда ёлғиз қолишини ўйлаб даҳшатга тушяпти. Ҳамма ишни одатдагидек бажаряпти-ю, лекин фақат шу ҳақда ўйлаяпти. Зоя Павловнага эса ҳаммавақт бор гапни айтиш мумкин. Тўғри, унинг ҳам вақти зиқ, аммо Оля билан госпиталнинг ўзида истиқомат қилишади: илгари ўн йиллик мактаб бўлган пайтида фаррошлар учун хона бўларди, энди мана шу хона уларга берилган, иккаласи шу ерда истиқомат қилишади. Мен Оля билан шу ерда дарс тайёрлайман, энди тунги навбатчиликдан кейин уйга бормайман-да, дарс бошлангунча, иккинчи смена бошлангунча шу ерда бўляпман. Албатта, бир оз мизгиб оламиз, кейин эса яна дарсга ўтирамиз.

«Ҳа, онангга нисбатан бунчалик дарғазаб ҳолга келишингга уларни ўзинг билан таққослаб алам қилиш ҳам катта роль ўйнаган, — деб ўйлади қизи ҳақида

Лопатин. — Бир томондан улар — қизи билан онаси, иккинчи томонда сен — онасиз қиз...»

Нинанинг гапларидан у илгари тушунолмаган бир нимани: нега хирурглик касби бўлган бу аёл урушни фронтда бошлаб, кейин Омскда қолиб кетганини энди англаб етди. Албатта, хирурглар ҳамма ерда керак, лекин бу аёлнинг феъл-атвори у фронтга интилиши лозимлигини кўрсатиб турибди. Маълум бўлишича, худди шундай бўлган, у бир неча марта рапорт ёзиб берган бўлса ҳам уни жўнатишмаган.

«Қочишдан уч кун аввал асирликда қолгани бунга сабаб бўлган, ўша лаънати уч кун! — деб ўйлади Лопатин ҳаммасини таққослаб. — Фронтга ҳам ҳар эҳтимолга қарши шу боисдан жўнатишмаган, унвонини ҳам оширишмаган — ҳар ҳолда ўша уч кунни рўқач қилиб медицина хизмати капитанлигидан оширишмаяпти».

Бу аёлда, афтидан, Нинага, балки ўзининг қизига ҳам тушунарсиз бўлган ахлоқий бир куч бор, аммо, албатта, ўзига аён бўлган ҳаётини мушуқуллаштираётган вазият уни ерга буколмабди, деб ўйлади Лопатин унга нисбатан меҳри товланиб ва мана шундай жиддий суҳбатдан кейин Нина дабдурустдан унга ўзининг Зоя Павловнасини мақташга тушганини кўриб кулиб юборишига сал қолди. Маълум бўлишича, унинг қадам ташлашлари ғаройиб тарзда енгил ва умуман госпиталь бўйича энг гўзал аёл, ёши ўттиз саккизда бўлса ҳам худди қизлардек хушбичим, айниқса, халат билан оқ шапка кийиб юрганида — буларсиз ҳам — гўзал экан, сочига бирорта оқ ораламаган ва сочини болаларники каби калта қирқтиргани ўзига жудаям ярашаркан. Нина соч хусусида оғиз очганида Лопатин қизига қараб қўйди-ю, унинг соч қирқтириш услуби ҳам Нина меҳр қўйган ва афтидан дадасининг уйланишига рози бўладиган аёлникига ўхшашлигини кўрди.

У кулимсираб қўйди, лекин ҳамон ўзининг Зоя Павловнаси ҳақида — унинг кўп мутолаа қилгани ва ҳатто ҳозир ҳам китоб ўқишини, Лопатиннинг ёзганлари унга ёқишини, чунки бошқа кўпчиликникига қараганда уники ҳақиқатга яқинроқ эканини мароқ билан гапираётган Нина буни сезмади.

— Демак, астойдил медик бўлмоқчисан?

— Ҳа. Чунки медицина ҳақиқатда ҳам ягона фойдали иш, — тўрсиллаб деди Нина.

— Наҳотки ягона бўлса?



- Ҳа, ягона.
- Зоя Павловна шундай деяптими?
- Йўқ, улар бунақа демайдилар. Ўзим шунақа деб ўйлайман. Чунки медицинада менга ҳаммаси аён.
- Бошқа мутахассисликда аён эмасми?
- Аён эмас. Омскка борганимда Аня аммамнинг уйда дафтар текширишларини кўриб, аввалига, ўқитувчи бўламан, деб ўйлагандим, энди эса истамайман.
- Нега?

— Чунки мен тушунмаяпман. Мана, мактабимизнинг янги директори урушнинг икки йили мобайнида собиқ ўқитувчидан, запасдаги лейтенантдан полк командири даражасига етди, иккита ордени бор, тўрт марта яраланган: уч марта энгил, кейингисида оғир — бизнинг госпиталимизда оёғини кесиб ташлашди, шу боисдан у мактабимизга келиб қолди. Уни госпиталдаёқ кўриб гаплашгандим. Ажойиб инсон, ҳали революцияга қадар Андрей Ильичнинг ортидан Сибирга, сургунга борган экан. Аня аммам ҳам ажойиб инсон. Унинг қанчалар шогирдлари бор — ҳаммаси ҳурмат қилишади. Энди бўлса аммам мактабни ташлаб кетиш ҳолига етди. Директор Николай Петрович билан педсоветда айтишиб қолишибди: иккаласи ўз сўзида туриб олишибди...

— Бу ҳақда менга ёзганди,— деди Лопатин.

— Аммам ҳаммасини ёзмаганлар. Урушнинг бошларини, унга бизнинг тайёр турмаганимизни эслаб директоримиз қақшаб кетади: «Биз, ўқитувчилар, нотўғри тарбиялаганмиз,— дейди у,— бошқача тарбия беришимиз лозим эди. Мен буни,— дейди у,— урушга борганимдан кейин, бирорта иш қилишга улгурмай ҳалок бўлган болакайларга командирлик қилганимда тушундим». Аммам эса: «Хўш, сиз айтгандек бўлганида биз болаларни немислар тарбиялагандек итоатгўй хизматкор қилиб тарбиялашимиз лозим эди! Бунақанги тарбия ишида қатнашмаганман, қатнашмайман ҳам. Мен урушгача нимага ишонган бўлсам, ўшанга ишонапман ва бундан кейин ҳам ишонаман, ҳар қанақанги фашистлар қанчалик яхши жанг қилишмасин, нечта мамлакатни босиб олишмасин, барибир, бу ҳақдаги фикримдан қайтаролмайди. Йиртқични энгиш учун йиртқич тарбиялашни истамайман ва бу ишни қилмайман!» дейди.

— Мана шу даҳанаки жанг педсоветда қизиб кетди-ми?— ҳайрон бўлиб сўради Лопатин.

— Йўқ, у ерда фақат бошланибди, холос. Болалар ва қизлар ажратиб қўйилгани, алоҳида ўқитилаётгани ҳақида педсоветдаги гапдан бошланиб кетибди. Николай Петрович бу тадбирни мақтабди, агар урушгача шундай қилинганида, яхшироқ жанг қилган бўлардик, депти. Аммам эса ўрнидан туриб кетибди — биз яна эркаклар ва аёллар гимназияларини очиш учун революция қилмаганмиз! Ўртадаги гап-сўзлар шундан бошланган, кейин эса Николай Петрович кечқурун ўзи бизникига — ҳали ернинг музи эрмаган, сирпанчиқ пайтда трамвай бекатидан бир километрча олисдаги уйимизга қўлтиқтаёқда келди ва аммамни ҳурмат қилишини, уни ўз обрўсига путур етказишини истамаслигини, у билан педсоветда эмас, балки шу ерда юракдан гаплашиб олмоқчи эканини айтди. Аммам бўлсалар яна бирдан бобиллаб бердилар: «Агар биз педсоветда юракдан гаплашолмасак, шундан кейин биз қанақасига педагог бўламиз?!» Кейин гапираверди, гапираверди! Аммам билан у, барибир, хайрлашиб чиқиб кетди, аммам эса хайрлашмади. Мен ернинг сирпанчиқ эканини билардим, қўлтиқтаёғи билан йиқилиб тушишидан қўрқардим, шу сабабли уни трамвайгача кузатиб қўйдим. Йўл-йўлакай бир оғиз гапирмади. Афтидан, аммам ҳақида бирор ножўя гап айтишни истамади. Фақат трамвай келганидан кейингина тўсатдан: «Аёллар ва эркаклар гимназиялари унинг хаёлидан кетмаяпти, менинг хаёлимдан эса биз мактаб партасидаёқ урушга бошқачароқ тайёрлаганимизда, балки ярмиси тирик қолиши мумкин бўлган ўзимнинг солдатларим нари кетмаяпти — мана шу миямни чулғаб олган! Унда ўзининг гимназияси, менда эса — мана шу!» деди.

— Сен унга нима дединг?— сўради Лопатин. У ҳам шу кунгача урушнинг бошланиши хусусида ҳаддан ташқари кўп номаълум масалаларни ҳал этишга уришиб қийналаётган одамдек ҳис этарди ўзини.

— Ҳеч нима демадим. Қўлтиқтаёғидан ушлаб, трамвайга чиқишига кўмаклашдим-у, сўнг у жўнаб кетди.

— Буни нима деб ўйладинг?

— Бу хусусда ҳеч нимага тушунмаётганимни ўйладим. Аня аммам ҳам, директоримиз ҳам ажойиб одам. Улар шунақанги баҳслашишдики, агар аммамнинг ўрнида бирор эркак бўлганида уни қўлтиқтаёғи билан тушириб қолган бўларди. Хирург бўламан, тамом-вас-

салом! Уни кузатиб қўйганимдан кейин фақат хирург бўлиб етишишни узил-кесил ҳал қилиб қўйдим.

— Нима ҳам дердим, баракалла, — деди Лопатин. — Энди фақат нима қилишни буюришингни билолмай турибман. Балки, ўз касбимни ташлаб қариганимда ким ҳақ, ким ноҳақлигини ўй-ўйлаб қийин аҳволга тушиб қолмаслик учун санитария инструкторлари курсига ўқишга кирсаммикан?

Унинг овозида отаси билан гаплашаётганида ҳали Нина бирор марта эшитмаган дағаллик бор эди. Нина бунақа муомилани фақат дадаси бошқалар билан гаплашаётганида эшитганди.

— Мен балки ноҳақдирман, — деди Нина, — аммо, барибир, хирург бўлмоқчиман, бошқаси керакмас. — Бу гапни гуноҳкорона бошлади-ю, лекин дадасига ўхшаб кескин тугатди.

— Урушда шубҳасиз хирурглик ва умуман медиклик касбининг олдига тушадигани йўқ, бу жиҳатдан ҳақсан. Лекин бир нарсани билиб қўйишингни истайман: одамларни ҳатто уруш ҳам фикрлаш заруратидан халос этолмайди. Ҳозирча уруш бораётган экан — ўйлашга, фикрлашга тўғри келади. Уруш тугаганидан кейин ҳам шундай. Медик бўлиш истагинг мақтовга лойиқ, аммо буни ўйламай қилаётганинг менга ёқмайпти.

— Барибир, сиз кимни ҳақ деб ҳисоблайсиз: Аня аммамними ёки Николай Петровичними?

— Ҳозир менга муҳими — сенинг фикрингни билиш, — деди Лопатин. — Бунақа нарса ҳақида фикр юритиш осон бўлмаса ҳам ўзинг ўйлаб кўр, бир хулосага келганингдан кейин менга айтарсан. Ўшанда иккаламиз бир фикрга келамиз ёки баҳслашамиз. Энди сен мени ҳаммадан кўра билимдон, деб ҳисоблайдиган ёшдан ўтгансан. Сенинг-ча, ҳозир мен ниманидир сендан кўра яхшироқ, ниманидир ёмонроқ биламан. Шундай эмасми?

— Шундай, — деди Нина.

— Хўш, энди, агар иккаласига ҳам қодир бўлсанг, шўрвангни пишириб, дарсингни тайёрлашга киришавер. Мен хонамга кириб муҳаррирга ваъда қилинган ҳикояни ҳеч бўлмаса бошлаб турай.

У ўзининг хонасига кирди-ю, бироқ стол ёнидан жой олиб ҳикояни ёзишга киришмади, бунинг ўрнига боғичини ҳам ечмай ботинкасини нари улоқтирди-да, камзулини стулнинг суянчигига осиб қўйиб катга чўзилди. Кафтларини бошининг тагига қўйиб, шипга тикилганича қимир этмай бир соатча ётди. Қизининг таърифига қараганда, ҳам яхшигина, ҳам ақлли ва ҳатто гўзал бўлган аёлни танимади ва кўришни ҳам истамади, лекин ўзи билган ва бахтга қарши унутолмаган бутунлай бошқа бир аёл билан дийдор кўришни истарди. Ўзини неча марталаб қойиди, аҳмоқона ва кулгили ҳолга солиб кўрди — қисқаси, зўр бериб уни унутишга ҳаракат қилди-ю, бу ишнинг уддасидан чиқолмади.

Ўшанда, қирқ учинчи йилнинг қишида у Ника билан Тошкент вокзалида хайрлашаётганида, Москвага қайтиши билан унга биринчи мактубни йўллашни ўйлар экан, Кавказ фронтига қилажак сафарининг қисқа бўлиши хаёлига келган эди-ю, бироқ бунчалик чўзилиб кетишини тасаввур ҳам қилолмаганди. У Москвага тўрт ойдан кейин қайтиб келди, бунгача барча жанубий фронтларда ва ҳатто ўзи учун кутилмаганда Воронеж фронтида ҳам бўлишга улгурди. Немислар Харьковни иккинчи марта босиб олишгач, у бутун уруш давомида учинчи марта қамалдан чиқар экан, бир неча кун лой кечиб юриб, ниҳоят Москвага қайтиб келди-да, муҳаррирга дарров мақола ёзишга ўтиришини айтган бўлишига қарамай, аслида кечаси билан Тошкентга хат ёзиб чиқди. Маълум бўлишича, эрталаб фотомухбир Витька Брагин оиласи яшаётган Тошкент яқинидаги Чирчиққа кетаётган экан — бу йигит сал саёқ бўлса ҳам ишончли эди, агар ваъда бердимиз, бас, бажаради. У Лопатинга агар эрталаб соат бешгача хат тайёр бўлса Тошкентга етказиб беришини, тўппа-тўғри эгасининг қўлига топширишни ваъда берди.

Лопатин бу хатни яқинда ўзи қирқ етти ёшга тўлишини, Ника эса ўттиз ёшда эканини, у вокзалда кузатиб қоларкан: «Келинг, хат ёзиб туришга ваъда беришдан ўзимизни тийиб турайлик», деганини эслаб минг азоб билан узоқ ёзди. У борганда ва жўнаб кетганидан кейин унга биттагина қисқа муддатли яқинлик билан бир неча марталик давомли суҳбатдан бошқа ўзининг

ҳаётига боғлиқ бўлмаган ва охиригача тушунолмаган Никанинг шахсий ҳаёти давом этаверганини яхши тушунарди.

Шунга қарамай, барибир ёзаверди, чунки мана шу қисқа муддатли яқинлик ҳақида ҳам, мана шу давомли суҳбатлар ҳақида ҳам такрорланиши лозим бўлган бахт сифатида ўйлади. У, бошқа аёл билан узоқ умр кечирган, ажралишган, кап-катта қизли, ёши анча ўтиб қолган ва урушдан энди толиқа бошлаган киши хатда нега бу ҳақда Никага ёзишга ҳақли эканини тушунтириб бериши лозим эди.

Эрталаб соат бешгача хат ёзиб бўлиниб, фотомухбирга берилди.

Хатни етказиб беришнинг осон йўлини Лопатин тушунтириб берар экан, Брагин қўл силтаб деди:

— Хавотир олманг, Василий Николаевич, агар ёш ва гўзал бўлса, унинг ўз қўлига топширмасам аблаҳ бўлай!

Унинг юз ифодасидан Лопатин хат ёзган аёлнинг ёш ва гўзал бўлишига шубҳа қилаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Брагин иш бошланмасдан азонда учади, шуни билиб Лопатин, барибир, редакцияга қайтиб келадиган «эм-ка»да уни аэродромгача кузатиб қўйишга ижозат сўради. Брагиннинг дала сумкасидан жой олган мана шу хат билан гўё йўлнинг бир қисмини босиб ўтмоқчи бўлгандек у билан аэродромга жўнади. Бу етмаганидек, ўзини тутиб туrolмай, у ерда, Тошкентда уни театрдан дарров топиш мумкинлигини яна бир неча марта тушунтирди. Элликка яқинлашиб қолган кишининг ҳаяжони балки йигирма беш ёшли Брагинга ғалати туюлган бўлса керак. Кейин, ҳаммаси яхшилик билан тугаганида Лопатин бу тафсилотни эслаб кулиб қўйган бўларди. Аммо ҳаммаси аксинча бўлгач — ўша ҳожатсиз аэродромга бориш ҳам, ўзининг ҳовлиқиши ҳам қандайдир кулгили чиқди.

Брагин «аблаҳлик» қилмади, хатни тўппа-тўғри эгасининг қўлига топширди. Кечқурун, спектакль бошланганидан кейин Ника аллақайси артисткага кийинишга ёрдамлашаётган сахна ортига ўтди.

«Исму шарифи сиз айтганингиздек Нина Николаевна экан, сўраган эдим, дарров жавоб берди, хатни топшириб, икки ҳафтадан кейин жавобини олишга келишим мумкинлигини айтувдим, ўзим хат ёзиб почта

орқали дарров жўнатаман, деди. Баланд бўйли, қорачадан келган, бошқасини унча англолмадим, саҳнанинг орти бир оз қоронғироқ эди, яна бир марта киришга вақтим бўлмади», — ўн етти кунда қайтиб келган Брагин шоша-пиша ахборот берди Лопатинга. Отпускадан икки кун кечикиб келгани учун пўстагини қоққани муҳаррир хузурига чақиртирилди. Пўстаги қоқилгач, ўша куннинг ўзида уни Карелия фронтига ҳайдашди. У касал бўлиб қолгани ҳақида справка олиб келиб, рухий жиҳатдан хатога йўл қўйди: муҳаррир бундай ҳолларда айбига иқроп бўлишни афзал кўрарди.

Брагин отпускадан қайтганида ҳали Никадан хат келмаганди. Орадан бир ҳафта ўтди, яна бир ҳафта... Брагин гуноҳини ювиб Мурманск остонасидан буғи қўшилган чаналарда ярадорлар ташилаётгани тасвирланган фотосуратлар юборди. Бу суратларни ҳам, кейин юборганларини ҳам босиб чиқаришди. Тошкентдан эса ҳамон хат йўқ эди.

Лопатин навбатчи стенографистдан тунда подполковник Губер Туркистон ҳарбий округи бўйича Тошкентдан ўзининг навбатдаги мақоласини бераётганида уйғотишни илтимос қилди. Икки кун Губер ҳеч нима бермади, учинчи куни эса стенография бюросидан қўнғироқ қилиб, ўзининг кабинетида ечинмай ухлаб ётган Лопатинни уйғотишди ва у Губерга Никанинг иш жойи, исми-шарифини айтиб, у ердан, театрдан унинг бор-йўқлигини, сиҳат-саломатлигини, аввалги иш жойида ишляптими-йўқми, шуларни суриштириб хабар беришини илтимос қилди.

Яна орадан бир неча кун ўтгач, Лопатинни иззат-ҳурмат қилувчи катта стенографчи унга Губернинг теришга топширилган мақоласидан қирқиб олинган уч сатрли қоғозни келтириб берди. Унда: «Лопатинга етказинг, тирик, саломат, аввалги жойида ишляпти, йигирма бешинчи апрелда хат жўнатганини айтди. Губер», деб ёзилганди.

Бундан чиқди, агар ёзилган бўлса, агар йўқолмаган бўлса хат Тошкентдан деярли бир ойда келаяпти! Агар йўқолмаган бўлса! У яна уч кун — тўлиқ бир ой бўлгунча кутишга, кейин эса хат йўқолгани хусусида телеграмма беришга аҳд қилиб қўйди. Аммо эртаси куни азонда хат редакцияга етиб келди.

Лопатиннинг унга ёзган хати аёллар ё «ҳа», ё «йўқ» деб жавоб бериши лозим бўлган хатлар тоифаси-

дан эди. У бунга «йўқ» деб жавоб берибди. Лопатин ундан барча мавжуд ва келажақда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларга қарамай, уруш давом этаётган, ҳижрон давом этаётган, яқин ойлар, балки йилларда уларнинг дийдор кўришиш имконияти чекланган ва номаълум бўлишига қарамай, иккаласининг ҳам фарзанди борлигига ва ҳар бирида ўзининг ўтмиш хотираси бўлишига қарамай, уларнинг қисмати ва шахсий куч-ғайратлари бир шаҳарда ва бир том остида қачон қовушиши номаълум эканига қарамай — шуларнинг ҳаммасига қарамай, у ўзини, барибир, улар бошқа-бошқа эмас, балки бирга яшайпмиз, деб ҳисоблашга тайёрмикан? Тайёрми-йўқлиги ҳақида жавоб кутганди. У бунга «йўқ» деб жавоб берибди.

Хатнинг мазмунидан у ўзини аямаётганлиги — тўғрироғи, аксини қилаётгани кўриниб турарди. Унинг ёзишича, Лопатин жўнаб кетганидан кейин у ўзининг Лопатин бу ерга келмасидан илгариги ҳаётига қайтибди. Унинг бу ҳаётидан ўзи севмаса ҳам барибир келаверадиган киши яна ўрин олибди. У яна шу ҳаётига кўникиб қолибди.

«Сиз Тошкентда бўлган вақтингизда менга ўзимга нисбатан ишонч туғдиришга кўмаклашдингиз, сизнинг ёнингизда куч-ғайратга тўлдим ва сиз менга чиқиб олишимда ёрдамлашган ҳаётга энди қайтмайман, деб ўйлагандим. Аммо сиз жўнаб кетганингиздан кейин гўё бутун дарди дунёим қоронғилашиб кетгандек бўлди. Ўшанда, қишда сизга ўзим ҳақимда ва сиз тўғрингизда айтганларимнинг ҳаммаси рост. Лекин ҳозир сизга ёзаётганларим ҳам рост. Мен сиз учун иккинчи Ксения бўлишни истамайман, бошқача бўлишни жудаям истагандим-у, лекин буни удалолмадим. Менга хат ёзманг. Сизга жавоб ёзмаслик уят бўлса ҳам жавоб бермайман».

Бундан бир йил аввал олинган ва кейинчалик неча марталаб ўқиб чиқилган хат шу мазмунда эди. Ўшанда, ўтган йили унинг илтимосига қарамай, барибир, қисқа, ниҳоятда қисқа хат ёзди: «Шундай бўлақолсин. Хайр». Тушунганини ва ҳаммасига нуқта қўйганини у билиб қўйиши учун ёзди. Энди эса, бир йилдан кейин маълум бўлишича, нуқта қўйилибди-ю, лекин кўп нуқта чиқиб қолибди.

Лопатин ўшанда, Тошкент вокзалида, сўнгги минутада шоша-пиша кўзойнагини юлқиб олганини ва Ника

унинг юзидан ҳам, кўзидан ҳам ўпганини эслаб, ҳар қанча онт ичган бўлса ҳам, барибир, иккинчи Ксения бўлолмайдиган мана шу аёлни ачиниш билан кўмсаши-ни ҳис этди. Аммо, барибир, нуқта қўйилган. Ушанда у гўё бундан кейин ҳеч нима бўлмаслигини билгандек, худди мархумни ўпаётгандек кўзидан ўпган экан.

Буларнинг ҳаммаси ҳақида қанча ўйласанг ҳам ҳемирилиқ фойдаси йўқ, на қувонч келтиради, на куч бағишлайди, қалбингни ғам-ташвиш кемираётганини ҳеч кимга билдирмай иродангни чиниқтириш эса талаб қилинмасди. Ҳеч ким бу билан қизиқмасди.

Ўйнинг ичи жимжит. Бир оздан кейин ошхонада Нина ниманидир тушириб юборгани эшитилди, кастрюлнинг қопқоғи бўлса керак — у шўрванинг кўпигини оляпти, шекилли.

Лопатин ўрнидан туриб камзулини кийди ва ёзув столи ёнида жойлашиб ғаладондан урушдан аввал ёзишга ўтирганида рўпарасига қўядиган — қалин ҳам эмас, юпқа ҳам эмас — бир даста қоғоз олди. Ҳеч ким ҳалақит бермаяпти, шошилмай ёзиши мумкин. Лопатин ўзининг аниқ ва равон ёзуви билан «Одатдаги тун» деб сарлавҳа қўйди.

Мухаррир балки ундан муҳим бир воқеа билан боғлиқ бўлган ниманидир кутаётган бўлиши керак, бироқ у шунчаки рота командирининг субҳидамга белгиланган ҳужумгача қолган тунги бир неча соат мобайнида нималар қилишини ва нималар ҳақида ўйлашини ёзмоқчи бўляпти.

Ўтган баҳорда унга шу йўсинда эрталаб ҳалок бўлган лейтенант билан тунни бедор ўтказишга тўғри келганди ва ўшанда у ўзининг эртанги тақдирини билмайдиган одамнинг сўнгги фикр-ўйлари ҳақида ёзишга сўз бериб қўйганди.

— 7 —

Қизи Омскка жўнаб кетиши арафасида Лопатин одатига кўра ўрнидан турган, Нина эса туни билан дарс тайёрлаб ҳали ширин уйқуда ётган азонги пайтда Омскдан телеграмма келтириб қолишди. Лопатин оғир изтироб билан телеграммани очди: яхши хабар эмаслиги билиниб турарди.

Телеграммада ҳаммаси бўлиб бешта сўз бор эди:



«Кеча Андрей Ильични кўмдик. Анна». Мана шу бештагина сўз ортида ҳаммасини охиригача ўз зиммасига олишга бўлган қатъиятлилиқ бор эди. Телеграммани эри вафот этганда эмас, балки дафн этиб бўлганидан кейин, унга ёрдамга шошилишнинг энди ҳожати қолмаганда юборган. Бешта сўзнинг ортида эса — тўққиз юз еттинчи йилда, бундан ўттиз етти йил аввал сургунни биргаликда баҳам кўриш учун келин бўлиб ҳузурига борган одам билан ўтказилган бутун бир умр ётибди. Энди қолган бутун умри ёлғизликда ўтади — унинг олдига қизинг борадими, ўзинг борасанми, барибир, ёлғиз қолди. Лопатин эрта-индинни эмас, балки келажакни, уруш тугагач опасини нима қилишини ўйларди. Ўзиникига олиб келсинми — йўқ, келмайди. Омск чеккасида бутун умри бўйи яшаган эски ёғоч уйдаги иккита хонасини ҳам, қабрни ҳам ташлаб кетмайди. Собиқ биринчи хотин-қизлар гимназияси бўлган ўзининг мактабини ҳам тарк этмайди, вафот этмагунча ёки ҳайдаб юборишмагунча ўша ерда ишлайверади.

— Аллақайёққа кетиб қолдингизми, деб қўрққандим, эшик ёпилди-ю ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди, — деди хонага сассиз кириб келган Нина.

У ўгирилиб қаради. Қизи оёқяланг, битта кўйлақда турарди. Гўё дадаси эшикни ёпиб фронтга кетиб қолгандек кўзларида қўрқув аломати.

— Бор, кийиниб кел. Зарур гапим бор, — деди Лопатин.

— Ҳозир, фақат чойнакни газга қўйай.

— Кейин. Аввал кийиниб кел.

У телеграммага яна кўз югуртирди. Телеграмма Омскдан кеча эрталаб жўнатилган. Демак, Андрей Ильични у ўтган куни дафн этган, бундан чиқди у ё еттинчида, ё Европада иккинчи фронт очилган кун — олтинчида қазо қилган. «Шу кунга етиб келиб вафот этибди-я, — хаёлига келган бу бемаъни фикрдан истехзоли кулиб қўйди Лопатин. Бу фикр балки эндиликда бу ёруғ оламни тарк этган одамлар билан иккинчи фронт ҳақида суҳбатлашганини эслаб хаёлига келиб қолган бўлиши керак. Улар энди жанг қилиб бўлишгани, эндиликда тирик эмасликлари адолатсизлик эди, ҳеч қандай иккинчи фронт ва ҳеч қанақанги ғалаба энди уларни тирилтириб бермасди.

Бу хотираларнинг ўзи эса кеча муҳаррир ҳузурига қақиртириб ҳикояни қачон топшириши ва қизини

қачон жўнатишини суриштирганидан кейин юзага келганди. Лопатин унга ҳикояни эртага эрталаб топширишини, қизини эса эртага кечқурун жўнатиб юборишини айтди.

— Тўғри қиласан,— деди муҳаррир Лопатинга бошдан-оёқ синовчан назар ташлаб.— Эрталаб ҳикоянгни олиб келишдан олдин госпиталга кириб чиқ, навбатчи машинадан фойдаланишинг мумкин, у ерда сени яна бир марта рентген қилишсин. Агар мени редакциядан тополмасанг — мен балки Бош штабга борсам керак—ҳикоянгни қолдириб кетавер-у, лекин уйингда ўтир, ҳеч ёққа чиқма, тушундингми?

— Тушундим.

Чиндан ҳам ҳаммаси тушунарли эди. Муҳаррир яқин келажакда юз бериши мумкин бўлган воқеаларни олдиндан сезиб, вазиятдан огоҳ бўлиш ва ўзининг гумонлари тўғри эканини аниқлаб олиш учун Бош штабга боради.

Кеча редакция одатдан кўра гавжум бўлди: турли фронтлардан чақирилган мухбирлар йўлакда юришарди. Муҳаррир уларни Москвада бекор юришларини ёқтирмасди, демак, қаёққадир жўнатмоқчи бўляпти.

— Сизни нега чақиртиришибди?— сўради Нина кеча Лопатин уйга қайтганида.

— Ҳикоямни тезляпти.

— Яна?

— Янами? Билмадим. Кўрайлик-чи, бир гап бўлар.

Мана шу «бир гап бўлар» Нинани шунчалик хавотирга солиб қўйганидан бугун эшик тақиллаганини эшитиб битта кўйлакда югуриб чиқибди.

У ювиниб-тараниб, кийимларини кийиб йўлга шайланган одамдек тезда қайтди.

— Ҳар эҳтимолга қарши, барибир, чой қўйиб келдим.

Лопатин бош ирғаб, унга телеграммани узатди.

— Самолётда учсам бўладими?— сўради у. — Аммамга ёрдам беришим керак. У ёқда у-бу нарса тайёрлаш жудаям қийин.

Қизи телеграммадаги сўзларни ўқиб уқмаганини англади Лопатин. Телеграммада ўлим хабари берилганини тушунган-у, аммо мана шу ўлим ҳақида ёзилган сўзларнинг мазмуни онгига етиб бормаган. У қўлида телеграмма билан отасига бақрайиб қараб қолди.

— Афтидан, бугун учишнинг иложи бўлмаса керак-а? Балки, мумкиндир?

— Яна бир марта ўқиб чиқ, — деди у қизига.

Нина яна ўқиб чиқди-ю, ҳаммасига тушунди.

— Дафн қилиб улгурибдилар, — деди у ҳайрон бўлиб. — Нега энди у...

— Сен билан мени нега дафн маросимига чақирмади демоқчимисан? — унинг фикрини давом эттирди Лопатин. — Чунки у биз юборган телеграммадан мен госпиталдан эндигина келганимни, сен бугун Омскка йўлга чиқишингни билган. Унинг фикрича, ҳали кўрпа-тўшак қилиб ётган мени безовта қилишни ёки мен билан яшаётган кунларингни қисқартиришни истамаган. Шунақа бўлиши керак. Унга одат бўлиб қолганидек, ўзини эмас, балки бизни ўйлаган.

— Энди нима қиламиз?

— Мўлжаллаганимизни қилаверамиз: сен Омскка кетаверасан, мен эсам фронтга жўнаш навбатини кутиб ўтираман.

— Сиз поездда эмас, балки самолётда жўнашимга ёрдам беролмайсизми?

— Агар гап дафн маросимига етиб бориш ҳақида борганида уришиб кўрган бўлардим. Ҳозир эса бунинг ҳожати йўқ, бирор нимани ўзгартириб бўлмайди. Энди сен уникада уч кундан кейин бўласанми, етти кундан кейинми — гап бунда эмас, ўртада оғир масала бор. Сен аммангга ўрнини босиб бўлмайдиган одам бўлишинг керак. Лекин бир неча кунга эмас.

— Ўзим ҳам тушуниб турибман.

— Сен Аня аммангни яхши кўришдан кўра кўпроқ ҳурмат қиласан, буни фаҳмлаб турибман, чунки ўзим ҳам шунақаман. Бироқ ахлоқий бурчни бажариш керак, гоҳида бу узоқ чўзилади. Умрингни охиригача.

— Ўзим ҳам тушуниб турибман, — такрорлади Нина.

— Буни фақат сен эмас, балки кейинги пайтларда ўзинг у ерда меҳр қўйган одамлар ҳам англаб олишсин. Сенинг дугонанг ҳам, агар ростданам ўзинг таърифлаганингдек бўлса, унинг онаси ҳам.

— У мендан кўра яхши, — деди Нина. — Етиб борганимдан кейин у ҳойнаҳой менга худди сиз тайинлаганларингизни айтса керак.

— Сен у ерга етиб борганингдан кейин севимли ёки бошқачами, барибир, ҳозирча Омскда яшайсанми —

сенинг энди битта уйинг бор. Мен истиқболга мўлжалланган режаларингни ўзгартир, демоқчи эмасман. Агар уруш ҳали тугамаса, сен эса курсингни тугатиб, фронтга жўнатишларига муваффақ бўлсанг, ҳеч ким — на мен, на амманг — сени йўлдан қолдиришга ҳаққи йўқ. Аммо ҳозирча бундай воқеа содир бўлгани йўқ... Агар сенга ёқмаган бирор нима деган бўлсам, ҳозир эътирозингни айт, кейинга қолдирма. Биз узоқ вақтгача дийдор кўришмаслигимиз мумкин, агар мен сени фикрларимга рози деб юрсам-у, сен менинг ноҳақ эканимни хаёлингдан чиқармасанг — бундан ёмони йўқ.

— Йўқ, мен розиман, — деди у. — Мен бу ҳақда ўйлаб кўргандим.

— Нима ҳақда?

— Андрей Ильич вафот этганидан кейин нима бўлишини. Лекин бу воқеа шунчалик тез бўлади, деб ўйламагандим.

У бу гапни ҳар қандай ўлимларга одатланиб қолган одамларга хос хотиржамлик билан айтди. Унда, тунги энагада шу одат бор эди. У госпиталда ётганида қизи айтган гаплар: ўзининг навбатчилиги ҳақида, ярадорлар тўғрисида — уларнинг қанақа эканликлари, нималарни гапиришлари, қандай сўкинишлари, қандай йиғлашлари, уруш хусусида нималарни айтишлари ва нима ҳақда гапиришни истамасликлари тўсатдан Лопатиннинг хаёлига келиб қолди. Ўтган кунлар мобайнида қизи уруш хусусида ўзи илгари тасаввур қилганидан кўра кўп нарса билишини аниқлаб олди. Лопатиннинг хаёлига келгандан кўра чуқурроқ, одатийроқ биларкан.

— У яна бир неча ой яшайман, деб ўйлаганди. Бу ёққа жўнашимдан олдин Аня аммам аллақайёққа кетиб, мен уйда қолган куни у мени ёнига чақириб: «Ўзга бориб Анна Николаевна билан иккалангиз қоласиз, амманг мутлақо ўзини ўйламайди, шундай экан, уни сенга топширдим», деганди.

— Сен нима деб жавоб қилдинг?

— Албатта, ҳамма айтадиган бемаъни гапларни айтдим: нималар деяпсиз, ҳали тузалиб кетасиз, дедим. Яна нима балоларни вайсадим. У бўлса бир оғиз ҳам гапирмади, фақат бош томонида турган курсини бармоғи билан тақиллатиб мени гапдан тўхтатди. Ҳатто «Жим бўл!» демади, фақат шунчаки тақиллатиб кўйди.

Шунда Лопатин у ерда, Омскда ёнгинасидаги курси-

га дори-дармон ва сув ёки чой қўйилган каравотда ҳаёт билан видолашаётган Андрей Ильични кўз олдига келтирди. Илгари ҳам қоқсуяк бўлган поччасидан ўлими олдидан ҳам балки изтиробга тушмаган камгап одамнинг соясигина қолганини тасаввур қилди. Қизча билан ўзининг бўлажак тақдири хусусида гаплашаётганида ҳам бутун ҳаёти давомидаги одатини ўзгартирмабди ва умр йўлдошини ҳам ўзаро, ҳам ўзгалар ҳузурда атаганидек Анна Николаевна, деб айтибди.

— Барибир у кузгача яшайман, деб ўйлаганди, — деди Нина.

«Нимани ўйлаганини ким биларди,— деди ўзича Лопатин қизига тикилиб. — Балки, аксинча: бугун-эрта жоним узилади, деб ўйлагандир. Сен отангни олдига ҳеч иккиланмай жўнаб кетишинг учун сенга кузни айтган. Қандай қилиб ўзгалар қалбига кириб бориш мумкин? Кўпинча биз ўзимизни бунга қодирдек қилиб кўрсатамиз. Ўзгалар қалби — гўё бегоналарнинг қоп-қоронғи уйи: қани, битта игнани толиб кўр-чи! Уни топгунингча доим ўз ўрнида турган нарсаларнинг ярмини ағдариб кунпаякун қиласан».

— Бугун мазангиз йўққа ўхшайди,— деди Нина унинг ўйларини бўлиб.

Аммо у гўё эшитмагандек бошини кўтариб қаради.

Чой устида дадасида гаплашиш иштиёқи йўқлигини кўриб Нина ҳам оғиз очмади. Фақат пиёлаларни юваётганида, дадаси эса ҳамон ошхонада бўш муштугини тишлаб ўтирганида ундан сўради:

— Нима деб ўйлайсиз, сизни у ёққа юборишармикан?

— Қаёққа?

— Иккинчи фронтга.

— Менимча, юборишмайди. Бутун ёзга етарли ўзимизнинг ташвишларимиз бор. Агар у ерга кимнидир жўнатиш лозим бўлиб қолган тақдирда ҳам мени юборишмайди. Иккинчи фронт хусусида бошқа саволлар йўқми?

— Нега жаҳлингиз чиқаяпти?

— Сенга жаҳл қилаётганим йўқ. Кечаги меҳмонлар ўзларининг иккинчи фронтлари билан жонимдан тўйдиришди.

Чиндан ҳам қизидан жаҳли чиқмаганди. Кейинги тўрт кун мобайнида ундан иккинчи фронт ҳақида ўн мартача суриштирган бўлса ҳам, лекин бу шунчаки

ёшларга хос узоқ кутилган нарсага бўлган эҳтиросли қизиқиш ва деярли барча фронтларда бўлишга улгурган дадасини энди у ёққа, Европага жўнатишларини хоҳловчи болаларга хос ички бир истак эди.

Лопатин унинг саволларига сабр-чидам билан жавоб берди ва урушдан олдин нашр этилган каттагина «Ишчи-Дехқон Қизил Армияси командирининг атласи»ни ёйиб, инглизлар билан америкаликлар қаерга қўшин туширишгани ҳамда Нормандиядаги бу кичкина ярим-оролда қаерга муваффақиятли силжишганини кўрсатди.

Лекин кеча қўққисдан келиб қолган меҳмонларнинг иккинчи фронт хусусидаги гаплари чинданам уни хафа қилганди. Эр-хотиннинг иккаласи ҳам ёқимтой ва улфати эди, кўчирилган жойдан қайтиб келишгач, кадрдон таниш-билишлари билан алоқани тиклашга шошилишибди.

Лопатин бир пайтлари бу киши билан бирга ўқиганди, кейинчалик, у ёзувчи бўлганида китобларини берилиб ўқирди, унинг кундалик икир-чикирларни улоқтириб ташлаган ҳолда ҳаётдаги энг оддий нарсани маҳлиё этгулик даражада гўзал, мулоҳазага ўрин қолдирмайдиган, қайгули ва салгина сирли қилиб тасвирлаш истеъдодига қойил қоларди. Суҳбатларда ҳам, ўзининг китобларида ҳам одамларга шунчалик меҳрибон эди-ки, гоҳида у ҳаётда учраб турадиган ҳақиқий машаққатларга дучор бўлишни на ўзига ва на бошқаларга раво кўришни истамайдигандек туюларди. Аммо Лопатин бунга ҳатто киноя билан қараса ҳам, барибир, унинг кишига тасалли берадиган қисса ва ҳикояларини ёқтирарди. Фақат уруш йиллари ёқтирмай қўйди. Аввалги ёзганларини эмас, балки янгиларини, олдингиларидан ҳечам қолишмайдиган, бироқ энг асосий масалада нимаси биландир ўша урушга зид асарларини ёқтирмасди. Унинг кечаги меҳмони урушнинг энди бошлангандаги бир бўлагини кўрган, шунда ҳам яқиндан эмас. Ёши ҳам, мазаси кетган саломатлиги ҳам унга, албатта, фронтда бўлишга имкон бермаса-да, барибир, газеталардан бирининг йўлланмаси билан ўшоққа борди-ю, ҳеч нарса ёзмай тезда қайтиб келди — уруш уни тиқиштирган ҳаёт билан аввалги китобларининг қахрамонлари яшашга одатланган ҳаёт ўртасидаги зиддият билан келишолмаган бўлса керак.

Кейин, ёздаги биринчисида эмас, балки кузги маж-

бурий кўчириш бошланганда у немислар бомбардимон қилган тунда томга чиқиб ўзининг навбатчилигини ўтказдию эртасига мамлакат ичкарасига жўнаб кетди, ўша ерда, урушдан анча олисда яқинда туриб келишолмаган зиддиятлар билан чиқишиб, ўзининг кишига тасалли берувчи ажойиб ҳикояларини чош эттира бошлади. Булар бевосита уруш ҳақида эмас, балки у билан боғлиқ бўлган жўнаб кетиш, қайтиб келиш, ҳижрон ва дийдор кўришиш хусусида эди. Лопатин бу ҳикояларни ёқтирмаса ҳам кеча у билан баҳслашмаслик ва ўз китобхоналарига тасалли бериш истагида бўлган бу одамни ранжитмасликка аҳд қилиб қўйди. Нима ҳам қилардинг, ҳар ким ўзича тасалли беради, бунга жавобан айнан ана шундай меҳрибон, ҳақиқатга ярим юмуқ ҳолда қарайдиган кўзларга боқишни ёқтирувчи одамлар кўп бўлади.

Меҳмон ҳали очилмаган бир қути «Қазбек» олакелди, Лопатин ҳозирча чекмаслигини айтса ҳам, барибир, қайтиб олмади.

— Ҳечқиси йўқ, хумори тутганда мана шундан бошлайсан.

Унинг хотини эса ҳали совумаган олмали пирог олиб келган экан, маза қилиб ейишди. У бу билан ўзининг урушдан аввалги пазандалиги ва меҳмондўстлигини эслатганди. Лопатин пирогдан еб аёлни мақтаганди, у мамнунлик билан жилмайиб қўйди. Бир пайтлари тақсимча каби юм-юмалоқ юзи уруш мобайнида ниҳоятда озиб кетган бу хушфеъл аёл эрининг сўзини бўлиб, дам у, дам бу мавзуда эзмалик қилса ҳам, бирор марта Ҳсеняни тилга олмади, афтидан бу билан Лопатинга озор бергиси келмади.

Чойни ичиб, пирогни еб бўлганларидан кейин меҳмонлар кетиши олдидан иккинчи фронт ҳақида оғиз очмаганларида оқшом кўнгилли ўтган бўларди.

— Менга айт-чи, Вася, сен шу йиллар мобайнида биздан кўра урушга яқинроқсан, иттифоқчиларнинг қўшин туширишгани ҳақида қандай фикрдасан?

Лопатин нимани ўйлаб юрган бўлса шуни айтди: қўшин тушириш қирқ иккинчи йилда бўлганида у ҳатто бунга фидойилик деб ҳисоблаган бўларди. Бу ўтган йили, айниқса Курск жанги бўлгунга қадар амалга оширилганида, бу янгиликни у енгил нафас олган ҳолда кутиб оларди, чунки Курск жангигача немислар бизни учинчи марта, учинчи ёзда ҳам босиб-янчиб келарми-

кан, деб хавотирда юрган эдик. Энди, урушнинг тўртинчи ёзида эса ахийри Европада қўшин тушириш амалга оширилганидан ҳамма каби у ҳам қувонди. Кечки ва тонгги ахборотни сабрсизлик билан тинглайди-ю, лекин бундан алоҳида бир мўъжиза кутмайди.

— Нимани мўъжиза деб ҳисоблайсан?

— Мўъжизами? Хўш, масалан, немислар бу қўшин туширишдан шунақаям қўрқиб кетиб ўз қўшинларининг ярмисини бизнинг фронтлардан олиб Ғарбга ташлаши, биз эса қолган ярмини тезда бир ёқли қилиб Берлинга етиб боришимиз мўъжиза бўларди. Аммо, бахтга қарши, мен бундай, айти ани шундай мўъжизаларга ишонмайман!

— Мен эсам айнан шунга ишонаман, — эътироз билдирди меҳмон ва худди шундай бўлиши ҳақидаги фикрини давом эттирди: — Немисларга ўз қўшинларининг ҳеч бўлмаганда ярмини, балки бундан ҳам кўпини бизнинг фронтдан олиб, биринчи жаҳон урушининг охирида бўлганидек, Ғарбдаги асосий йўналишга ташлашдан ўзга чора қолмайди.

— Биринчи жаҳон урушининг охирида Кайзер армияси Шарқий фронтда устун эканини ҳис қилиб турарди, аслида ҳам шундай эди, акс ҳолда биз Брест сулҳига имзо чекмаган бўлардик, — деди Лопатин. — Ҳозир эса Курск жангидан ва ўн ойдан бери амалга оширилаётган деярли тўхтовсиз ҳужумимиздан кейин бу ерда, Шарқий фронтда биз устунликка эришиб олдик. Немислар бу ерда нимаси бўлса — ҳаммасини, охириги солдатигача бизга қарши қўяди. Иттифоқчиларнинг қўшин туширганига қарамай бизга, барибир, бу ерда чораги ёки ярмисини эмас, балки рўпарамизда турган фашистларнинг ҳаммасини яксон қилишга тўғри келади. Сенинг биринчи жаҳон урушининг охири билан таққослашинг мутлақо ўринсиз.

Буларнинг ҳаммаси Лопатинга аниқ-равшандек туюлса ҳам у меҳмонларнинг сўзини бўлиб ўтирмади. Улар учун иккинчи фронт осмондан ёғилган чалпак бўлиб, эндиликда, Францияга қўшин туширилганидан кейин, асосий уруш у ёққа, Ғарбга кўчади, деган тасалли берувчи фикр ҳечам хаёлларини тарк этмасди. Асосий уруш аввал шу ерда, бизда эди, энди эса у ерда, уларникида бўлади ва бизнинг зиммамизга унчалик кўп нарса тушмайди! Меҳмонлар Лопатинни фақат қайсарлик билан оптимист бўлишни истамаётганликда



айблаб, шу фикрни турли кўринишда такрор-такрор айтишарди.

Урушда кўп нарсаларни бошидан кечирганидан кейин оптимист бўлиш қимматга тушадиган Лопатинда уларнинг бу оптимизмини қурт еган ёнғоқ каби енгил ва пуч қиладиган бир нимага қарши ғазаб борган сари кучаярди. Уларнинг муболағали қувончида ва маҳоватли умидида шу пайтгача юз берган ҳамма воқеани кишини минг афсусга солувчи аллақандай бемаъни камситиш, урушни Ленинград ва Москва остоналаридан, Сталинград вайроналаридан орқага, унинг шу кунлардаги олдинги маррасига итқитиб юбориш эвазига тўкилган беҳад қонларни унутиб қўйиш оҳанги бор эди.

Улар, бу кишилар, урушни тушунишмайди ва худди бизни ҳам, немисларни ҳам мана шу олдинги марранинг икки томонида тутиб турган қонли ҳамда даҳшатли ўзаро бирикув кучини ҳис этишмайди. Улар немисларга шунча қилиб қўйган ишларидан кейин бехосдан биздан ажралиб кетиш ақл бовар қилмайдиган даражада даҳшат эканини тасаввур ҳам этишолмайди.

Лопатин чурқ этмади, аммо унинг бу сукут сақлашида дарғазаблик сезилиб тургани учун меҳмонлар сўниб қолишди. Аёл кетишга тараддудланиб Нинани ўпди, отасини кўргани келгани учун мақтаб қўйди, эри эса Лопатинни қучиб деди:

— Шунчалик жаҳл билан индамай қолганингни кўриб, нахотки уруш туфайли шафқатсиз одамга айланиб, ҳатто менинг оптимизмим ҳам сенинг аччиғингни келтираяпти, деб ўйладим.

— Аччиғимни чиқаряпти,— деди Лопатин.— Мен уруш туфайли эмас, балки сенинг оптимизминг туфайли шафқатсиз бўлиб қоляшман.

— Хўн, борингки оптимизм устидан мазаҳ қилса бўлади, аммо қандай қилиб ундан аччиғланиш мумкин?

— Агар бемаъни бўлса— мумкин. Лекин мени кечиринг-ку, бу мавзуни давом эттирмайлик, акс ҳолда жанжаллашиб қоламиз.

— Майли, давом эттирмаймиз.

Шошилиб хайрлашиш ўртадаги сукунатга барҳам берди.

Иккинчи фронт хусусида кечаги суҳбат шу йўсинда ўтганди.

Нина идиш-товоқларни ювиб, Лопатиннинг хонаси-

га кириб келганида у опасига телеграмма сўзларини ёзиб бўлганди. Телеграммани пул билан стол устига қўйиб қизига деди:

— Телеграфга олиб бор. Бланкага кўчириб жўнатиб юбор. Пулни ҳам телеграф билан юборавер. Қолганини почта орқали жўнатаман, эртага омонат каскасидан оламан, буниси эса— ҳар эҳтимолга қарши, тўсатдан керак бўлиб қолиши мумкин.

Нина телеграммада ёзилганларни бир сидра кўздан кечириб чиқди-да, ўзича маъқуллаб эшик томон шошилди.

— Мен тезда қайтаман.

Лопатин уни охириги куни ўзидан нари бўлишини истамай ўрнидан турди.

— Бирга кўчага чиқамиз. Сен телеграфга борсан, мен эса унгача редакцияга ҳикоямни топшириб келаман.

— Сабр қилинг,— у безовталаниб қолди.— Кеча менга навбатчи машинани беришади, редакцияга боришдан олдин госпиталда рентгендан ўтиб келаман, дегандингиз.

— Хеч қанақанги рентгенга бормайман.

— Ахир сизга буни муҳаррир буюрган-ку!

— Буюрса буюрибди-да. Госпиталга боришга бугун кайфиятим йўқ. Тушунасанми ўзи?

— Тушуниб турибман, ўзим ҳам истамовдим.

— Бугун ҳикояни топширишнинг ўзи етарли. Госпиталга эртага сенсиз ўзим бораман. Кетдик!

Улар ўзлари истиқомат қиладиган уйнинг муюлишига: унга чапга— редакцияга, қизига эса— телеграф томон бориладиган жойга етиб келишгач, Нина иккиланиброқ деди:

— Телеграммани жўнатиб редакцияга борақолай, сизни қоровулнинг ёнида кутиб тураман-да, кейин бирга уйга қайтамиз.

— Лоп этиб муҳаррир ўша ондаёқ ҳикоямни ўқиб чиқиб, ўзининг мулоҳазаларини айтишни истаб қолсачи? Хўш, унда нима бўлади? Телеграфда ишингни битириб, уйга қайтавер. Мен бўшашим билан қўнғироқ киламан. Шунда сен кўчанинг ўнг томонидан юриб мени кутиб олгани келасан.

Нина уни ўпиб узун оёқлари билан муюлишдан телеграф томон югуриб кетди, Лопатин эса юмалоқ қилиб ўралган ҳикоясини қўлтиққа уриб, чорак соатда

етиб борилиши аллақачон ҳисоблаб чиқилган — энди, госпиталдан кейин, балки бир оз кўпайган бўлиши мумкин — редакция томон одимлади.

— 8 —

Муҳаррир хонасида экан-у, лекин ахборот олиш учун Бош штабга отланаётган экан. Шу боисдан ҳикояни ўқимади.

— Бу қанақа қилиқ? Албатта, юмалоқ қилиб ўраши керак.

У тўнгиллаб Лопатиннинг қўлёмасини текислади-да, «Одатдаги тун» сарлавҳасини ўқиб ижирганиб қўйди:

— Одатдаги тун, одатдаги кун! Ҳаммаларинг бирор муҳим воқеа содир бўлмаслигини олдиндан тушунтириб беришга шошилсанлар. Одатдаги тун бўлса, бунинг нимасини ўқиш керак? Ё ўзинг ўзгартир ё Гурский йигирма тийинга ўзгартириб берсин. Акс ҳолда ўзим ўзгартираман. Текинга.

У орқа хонада эгнидаги яшил коржомасини ечиб, генераллик либосида қайтиб чиқди.

— Госпиталда сенга нима дейишди? Фақат алдама, текшириш имкониятига эгаман.

— Госпиталга борганим йўқ.

— Мен йўғимдан фойдаланиб машинада бориб келаёқол.

— Ҳафсалам бўлмай турибди. Ёзимни қайтиб Омскка кузатяпман. Яхшиси вокзалга бориб келиш учун машинангни бераёқол. Бугун кузатиб қўяман-да, эртага азонда госпиталга бораман.

— Майли, ўзинг биласан, — деди бир оз тутулиб муҳаррир ва бошқа ҳеч нима демай биринчи бўлиб кабинетдан чиқди.

Лопатин Гурскийнинг олдида борди. Урушнинг бошларида, редакция ертўласи бомбапаноҳга айлантисилган бошқа катта уйларга икки марта кўчиб ўтганда, ҳар сафар путурдан кетган иккита ёғоч уй орасига суқилган эски бинони немислар гўё ёқиб юборадигандек туюларди. Аммо у қандоқ бўлса, шундоқлигича тураверарди, редакция эса урушнинг иккинчи йилидан бошлаб торгина, узун йўлаклари ва чоғроққина иссиқ хоналари бўлган ўша ўрганиб қолинган уйга кўчиб

ўтди. Ана шу хоналарнинг бирини Гурский ўзига чоғроққина кабинет қилиб олганди.

— Ҳалиям фуқароча кийимдамисиз? — Лопатинни кўриб Гурский стулдан газета тахламини олди. — Ўтиринг!

Теварак-атрофда, ҳатто, агар иложи топилса, иш қизгин пайтда ҳам Гурский ўтириб бир оз мизғиб олишни ёқтирадиган диванда ҳам тахламалар қалашиб ётарди.

— Кузатгани борганимда кийиб оламан, — деди Лопатин.

— Қизингизни Омсккача эсон-омон етказиб боришни вагон ходимига тайинлаш учунми?

— Ҳа. Ҳар ҳолда қиз бола.

— Агар вақтим бўлса ва муҳарриримизнинг мижози имкон берса, мен ҳам к-кузатгани чиқаман. Тўғрисини айтсам, аввалига унинг кўнгли юмшаб сиз билан қ-қолади, деб ўйлагандим.

— Ҳозирча уруш давом этаётган экан, «мен билан» деган тушунча ҳаддан ташқари мавҳум. Шу боисдан кўндиришга уринмадим.

— Фақат илтимос, ўзингизни о-олдинга, Ғарбга интилаётгандек қилиб к-кўрсатманг!

— Ҳозирча чидаб турибман. Ўтириб хотиржамлик билан ёзув-чизувларимни давом эттирсам ёмон бўлмасди.

— Тушингизни сувга айтинг. Х-хотиржам ҳаётни бизга ваъда қилишмаяпти. Кеча Горький кўчасида Сталинграддан таниш, чап қўлининг панжалари ўрнида протез бўлган комбатни у-учратиб қолдим, ўзи билан батальонда бирга юрган полк замполити икки йил аввал бу ёруғ дунёдан кўз юмибди. Сиз уни билардингиз, ўшанда у Сталинградда сиз унинг ҳузурида, Одессада бўлганингизни эслаганди.

— Танирдим, — деди Лопатин ва бошқа ҳеч нима демади. Бирор қўшимча қилгиси келмади. У аллақачондан бери Левашовдан хавотирда эди, гоҳида унинг ҳамон тирик эканига деярли ишонмасди. Бу одамда гўё у урушнинг биринчи кунидан ёқасини ечиб ташлаб, бутун қалбини очиб ўз ўлими сари одимлаётгандек ҳалокатли бир нима бор эди.

— Сизни хафа қилиб қўйдим, — деди Гурский. — У ерда, Сталинградда Левашов менга бир алоҳида шахс

бўлиб туюлганди. Шунинг учун к-кеча уни суриштиргандим.

— Ҳозир бу ҳақда гаплашишни истамайман. Келинг, бошқа бир пайтда гаплашақолайлик,— деди Лопатин.

— Ўзингиз биласиз. Ҳикояни т-тугатдингизми?

— Унинг ёзув столида ётибди. Ҳали ўқигани йўқ-ку, аммо «Одатдаги тун» сарлавҳаси ўрнига сен бошқасини топмасанг, ўзи ўзгартириши ҳақида пўнниса қилиб қўйди.

— Бу хавфли. Эрталаб газетани очасан-у ўзингизники таниёлмай қоласан. «Одатдаги тун» ўрнига қандайдир «Кеча тонг арафасида» п-пайдо бўлиб қолади. У ҳозиржавоб сарлавҳаларни яхши кўради. Кеча юз бергану бугун газета саҳифасини кўрганни ёқтиради. Ҳа, майли, муаллифнинг д-дастлаб ўйлаганини бутунлай яксон қилмаган ҳолда бирор нимани т-топарман. Д-демак, қизингиз жўнаб кетиб, яна ёлғиз қоларкансиз-да... Яхши эмас...

— Сен ёлғиз эмасмисан? Сенга яхшими?

— Мен энди ёлғиз эмасман. Хабарингиз бор, уч ойдан бери онам билан яшайпман ва бу ж-жудаям яхши. Фақат мен учун эмас, балки сен билан қизингга ҳам яхши. Чунки онам хайрлашув тушлигига қилган т-таклифини мен ҳам т-тасдиқлаганимни ҳозир сенга телефон орқали маълум қилмоқчийдим. У-бу нарса топишда унинг ишончини тўла оқламаган бўлсам ҳам т-тушлик, онамнинг фикрича, асосан яхши бўлади. Онам қизингни кўзда тутиб, йўлга чиқиши олдидан у яхшилаб овқатланиб олиши лозимлигини айтди, агар биз еб тугатолмасак, қолганининг ҳаммасини унга ўраб беради, деб хавотирдаман. Ёшим ўт-тиз бешда, аслини олганда қариб қолдим, мен ҳам гоҳида онам пиширган овқатдан егим келади. Онам учун эса — бу, шунчаки эҳтиёж. Отам ҳаёт пайтида онам у ерда, кўчирилган жойда охирги кунгача унга овқат тайёрлаб ўзининг эҳтиёжини қондирган. Кейинги пайтларда у деярли йўлдан бор қиларди. Айтгандек, у мана шу «деярли йўқ» қа ҳар сафар қалбининг бир п-парчасини соларди гўё. Ҳар сафар солинган қалбнинг бир бўлаги овқатга аллақандай ўзига хос маза киритарди. Эндиликда, отам вафот этиб, у меникида яшаётганидан бери редакцияда овқатланишимдан ранжиб юрибди. Уни аста-секин гам-гусса чулғаб олаётганини сезиб юрибман. Шу боис-

дан у овқат пишириб мени хурсанд қиладиган бирор нима топишни ўйлаб юраман. Акс ҳолда у ич-этини еб қўяди... Ўзинга маълум, мен ўн беш ёшимда ота-онамни тарк этиб, ўзим учун кони-зиён бўлган мустақиллик йўлига кириб қолдим ва фақат эндигина, қарилик ёшимда нега отамни шунчалик яхши кўрганамни, нега онамни яхши кўришимни т-тушуниб қолдим. Уларни жуда эрта тарк этганим учун! Улар менга унчалик зарур эмас, деб бутун умр бўйи ўйлаб юрсам — тамоман бунинг акси экан. Улар мени ниҳоятда кеч б-бунёд этишди, улар ҳам мени қўмсашган-у, аммо ҳеч қачон нолишмаган, афтидан мана шунинг учун ҳам уларни янада севган бўлишим к-керак. Кексайганда ақлли одам бўлаётганимдан нафратланиб кетаман...

— Кексалик — нисбий тушунча, айниқса сеники, — деди Лопатин.

— Тўғри. Лекин мендан йигирма ёш катталигингизни кўзда т-тутаётган бўлсангиз, унда «катта» сўзи ҳам нисбий. Шунчаки сиз мендан кўра кўп йил яшадингиз, аммо мен ёлғиз яшадим ва деярли бутун умр бўйи у ҳақда ёлғиз ўзим ўйладим. Бу эса кишини икки ҳисса зериктиради. Узлуксиз ўн беш йил сенинг Ксенинги билан гаплашиб ўтириш бошқа, шунча, балки бундан ҳам кўп ўз-ўзинг билан суҳбатлашиш бошқа. Мана шунақа бўлганидан кейин мен ўзимни ёшимга нисбатан икки ҳисса катта сезаман.

— Ёлғизликнинг бир йили икки йилга ўтса, бу ҳалокатли ҳисобни тўхтатиб, уйланақол.

— Аслида т-тўғри. Аммо, менимча, ўзим одатланиб қолган ва онам т-тушунмаётган ўша турмуш тарзини давом эттирсам керак. Агар мен уйлансам, у ўзини бахтиёр сезишига имони комил, энг к-кулгилиси ва шу билан бирга энг аянчлиси шу. Фарзандлик бурчимни бажариб, мен, афтидан, онам у билан ўзини бахтиёр сезадиган аёлга уйланишим керак. Аммо ўзимни биламан, унда мен фақат онам у билан ўзини бебахт сезадиган аёлга уйланган бўлардим. Шундай экан, бундай қилишнинг нима ҳожати бор?

— Қандай аёл кўзда тутиляпти? Тасаввурдагисими ёки ҳақиқийсими?

— Биласиз-у, бу масалада назариётчи эмасман. Яқинда мана шу масалани ўйлаб кўриш юзасидан амалий баҳона юзага келиб қолди ва бу анчайин жозибали баҳона... Лекин, биласизми, қанақа воқеа — фақат

сизга айтишим мумкин— менинг қариб қолган марҳаматсиз бўйдоқ қалбимда йиллар ўтиши билан аллақандай бемаъни эҳтиёж пайдо бўляпти. Масалан, аҳмоқона туюлишини тушуниб турибман-у, бироқ қизингизга сиздан ҳам кўпроқ кўникиб қолганман. Отамнинг ўлиmidан кейин мана бу бўйдоқлик ҳиди уфуриб турган уйга онамни кўчириб келганимда, мен ҳақимда болаларга айтиш мумкин бўлмаган алланима балони онамга етказмасликларини қўшниларим кўзига илтижо билан боқиб ёлворгандим. Ўн беш ёшимда уларнинг икковини у ерда, Воронежда тарк этиб, ҳозир эса етмиш икки ёшли онамни ўзимникига кўчириб келганимда гўё аллақачон ўзим ташлаб кетган, мен жавобгар бўлган ва болаларга айтиш мумкин бўлмаган гапни ундан яшираётган болани уйимга олиб келгандек сездим ўзимни. Бу сизга к-кулгили туюлиши мумкин, лекин мен кейинги пайтларда уйга эрталаб қайтишдан хижолат бўламан. Агар редакцияда эрталабгача ишлаганимни айтсам, онам гапимга ишонади-ю, аммо ранги-рўйим бир аҳволда эканидан ранжийди. Тасаввур қилиб кўринг-а, шунақа пайтлар бўладики, туннинг қолган қ-қисмини аёл билан ўтказиш ўрнига кечаси соат учларда йўл-йўлакай ота-онага бўлган ғалати меҳр-муҳаббат хусусида ўйлаб-ўйлаб редакциядан тўппа-тўғри уйимга, онамнинг ҳузурига ошиқаман.

Гурский ўзи ҳақида истасанг-истамасанг кишида бирорта аҳмоқона кўнгилсизлик бўлишини олдиндан билдирадиган чорасиз гамгинлик билан гапирарди. Агар Лопатин бу гапларнинг ҳаммасини шу ерда, Москвада эмас, балки олдинги марранинг аллақаерида эшитганида, эҳтимол, ўзини қўярга жой тополмаган бўларди.

— Нима гап? — гўё Лопатин уни гапдан тўхтатиб қўйгандек сўради Гурский.

— Ҳеч нима. Сен ўзинг ҳақингда гапиряпсан, мен эса ўзим ҳақимда ўйлаяпман. Соат нечада уйингга бориш буюрилган?

— Қизингизни соат саккизда вагонга ўтказиш лозим бўлганидан кейин, албатта, илгарироқ к-келиш тайинланган! Соат бешда! Тушликка, бунинг устига байрам д-дастурхонига к-кечикиб келишга ҳатто отамнинг ҳам юраги дов бермаганини назарда т-тутишингизни сўрайман. Отам на худодан, на шайтондан қўрқмаса ҳам, ўз пайтида, айнан ўтган асрнинг охирида суворий-

лар сафида хизматини тугаллаб, ўзи ҳаддан ташқари севган онамни Варшавада ўғирлаб Воронежга олиб келган, унинг бунга розилигини фақат ярим йўлда олган бўлса ҳам бари бир шундай қилган. Улар табиатан ақл бовар қилмайдиган д-даражада бир-бирларидан фарқ қилишарди. Умр бўйи бахтиёр бўлиш учун шу йўсинда уйланиш лозим бўлса керак. Сизнинг-ча, қандай?

— Бахтиёр бўлиш менинг касбим эмас,— деди Лопатин.

— Менинг яхши томонларим хусусида янглишмасангиз бўлгани,— деди Гурский.— Мени юраги тўлиб кетибди, деб ўйламанг. Шунчаки, бугун ишлашга эриняпман.

— Майли, гапингга ишондим, деб ҳисоблаймиз. Хўш, нималарни тўплаб олдинг? — Лопатин диванда уюлиб ётган газета тахламларининг энг юқорисига назар ташлаб, унинг қирқинчи йилги эканини кўрди.

— Денгиз билан боғлиқ бўлган ўтган йилги операция қандай яқунланганини кўриб чиқяпман. Шу жумладан, Норвегияда, Дюнк-керк ва Дюппедаги операциялар билан ҳам қ-қизиқяпман. Муҳаррирнинг топшириги билан иттифоқчиларнинг Нормандияга қўшин туширгани хусусида хулосали мақола ёзгандим, энди эса шу масаланинг тарихи юзасидан ўзимнинг хулосаларимни т-текширяпман.

— Хўш, қалай? Немислар уларни итқитиб юборишмайдими?

— Менимча, йўқ. Агар биз уларнинг тахминича, қирқ биринчи йилда қўл кўтарганимизда ҳозир ким қаерга: инглизларнинг Франциягами ёки немисларнинг Англияга қўшин тушириши ҳали муаммо бўларди. Модомики, биз ўшанда қўл кўтармадикми, демак, эндиликда, менимча, уларни итқитишолмайди. Нега тиржайяпсан?

— Кеча ўзим мана шу мавзуда баҳслашганимни эслаб қолдим.

— Ким билан?

— Муҳаррир билан сен жозибали услубига маҳлиё бўладиган бир ёзувчи билан.

Гурский кўзини ярим юмган ҳолда бир дақиқа ўйлаб ўша ёзувчининг исмини айтди.

Лопатин бош ирғиб қўйди.

— Сиз анчайин ҳасадчи экансиз,— деди Гурский.— Бунинг сабаби менга аён. Сизда ҳатто сарлавҳа хусуси-



да ҳам нимадир етишмайди. Аллақандай ниҳоятда зерикарли «Одатдаги тун» каби сарлавҳаларни қўяверасиз. У бўлса сизнинг тунингизга шунақанги тавсиф топиб берадики, муҳаррир уни ўқиб оғзи очилиб қолган бўларди...

— Мен ич-ичимдан ҳасадчиман,— деди Лопатин.— Агар мен бошқа бировдан бир нимани яхшироқ билсам, ундан кўра яхшироқ ёзишим керакдек туюларди менга ҳаммавақт. Кимдир ҳақида истеъдоди бор-да, деганимизда назарда тутадиган юксак ноҳақлик биз— ўртача қобилиятли одамлар учун алам қилиш худди шундан келиб чиқади! Ўзимизча биз олло-гаоло ато этган бу кароматдан ундан кўра тўғрироқ, оқилроқ ва яхшироқ фойдаланган бўлардик, деб ўйлаймиз-у, барибир ўзимизни эмас, балки у ҳақда истеъдоди бор-да, деймиз.

— Агар эътироз билдиришимни к-кутаётган бўлсангиз, кутмай қўяқолинг, ҳаммаси т-тўғри, Ўзингиз айтганингиздек, ўртача қобилиятга эга эканлигингизга қарамай, сизга зиғирча ҳам ачинмайман.

Лопатин кулимсираб қўйди. Илгари ҳам, ҳозир ҳам у ўзига ачинмасди. Ҳар ҳолда, ўттиздан ошганидан кейин ўзининг қобилияти нимага ярашини белгилаб олиб, нимани бажариши мумкину ниманинг уддасидан чиқолмаслигини тушунганидан кейин шундай бўлди. Ўз қадрини билиш, деб шуни айтсалар керак.

— Барча фронтларда узоқ давом этган сокинлик мана одамларни нима қилади,— деди Гурский.— Уруш тугагунча қўятуриш фойдалироқ чиқиши лозим бўладиган ўзига-ўзи баҳо бериш билан шуғулланишни бошлаймиз. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен шляпа к-киймаган бўлардим. Менга ярашади, сизга эса— йўқ!

— Алам қилсин, шляпа кийишим қизимга ёқади,— деди Лопатин ва шляпасини кийиб уйига қўнғироқ қилди:— Мен кетяпман. Кўчага чиқавер!

— Бир минут сабр қилинг,— Нина афтидан трубкани қўли билан тўсиб аллаким билан бир неча дақиқа гаплашди, кейин қўнғироқдек овози билан деди:— Мен ҳам ҳозир югургилаб чиқаман.

— Илтимос, т-тушликка к-кечикманглар, ойим кечикканларни ёқтирмайдилар,— деб такрорлади Гурский.

Лопатин Малая Дмитровка кўчаси бўйлаб қизининг истиқболи сари ўйлаб борарди: телефон гўшагини қўли билан тўсиб ким билан гаплашганикин, шу охириги кунни уйига ким кирдикин?

Пушкин майдонини кесиб ўтаётганидаёқ тез-тез юриб келаётган қизини, ёнида эса халатда ва шапшапда эмас, балки ҳарбий формада—яп-янги фуражкали, орденлари тақилган Велиховни кўрди. Лопатинга уларни кўзи тушмасидан аввал у ўзига ёлгондака тасалли беришнинг фойдаси йўқлигини фаҳмлади: ҳа, уларни— биқинининг бир томонида тўппонча, бошқа томонида планшетка бўлган, елкасидан камар ўтказилган Велихов билан ёноғи бўртиб чиққан, сомон тусидаги сочи калта қирқилган, елкалари кенг, оёқлари узун, бўйи дадасига етиб қолган қизини бирга кўриш ҳам бир оз ғалати, ҳам хавотирли эди.

Улар қўлтиқлашиб олишмаган бўлишса ҳам зич ҳолда ёнма-ён келишарди, Лопатин қизининг завқли чеҳрасидан унинг катта киши, орден ва Олтин юлдузига ҳамма қараётган офицер билан бирга Москва бўйлаб бораётганидан мамнун эканини ҳис этди.

— Саломатлик тилайман, ўртоқ майор,— Лопатиннинг рўпарасида тўхтаб деди Велихов ва жилмайган бўлса ҳам юзи тортишиб қўйди. Афтидан Нина уни отасининг истиқболига ҳаддан ташқари тез юргизиб олиб келган, деб ўйлади Лопатин. Велихов хассасиз эди, лекин хассага таяниб юрабошлаганидан бери орадан энди бир ҳафта ўтганди.

— Салом, ўртоқ капитан! Кечирасиз, майор!— деди Лопатин. Велиховнинг поғонида тўртта капитанлик юлдузи ўрнига битта майорлик юлдузи бор эди.— Қачон бунга улгурақолдингиз?

— Кеча унвон берилгани ва полк командирининг ўринбосари вазифасига тайинланганим ҳақидаги ҳужжатларни олдим. Бир соатдан кейин жўнаб кетаман— поездда. Юкларимни Белоруссия вокзалида сақлаш камерасида қолдириб ўзим сизникига келувдим.

— Келганингиз учун раҳмат. Бунинг устига ҳарбий сирни айтиб қўйдингиз— сизни қаердан излашни энди биламиз. Белоруссия вокзалидан жўнайдиган бўлсангиз, демак, Белоруссия томон йўлга чиқаркансиз-да?

— Шунақа бўлса керак,— қувноқлик билан деди Велихов.

— Ундай бўлса, бизникига кириб, агар қизим менга ижозат берса, юзта-юзта қилайлик. Вақти келиб мен ҳам сизнинг изингиздан бораман.

— Раҳмат, Василий Николаевич, лекин сизни уйингизга кузатиб қўяман-у, дарров метрога тушаман. Вақтим тугаяпти...

— Михаил бизникига келиб, фронтга жўнаб кетажагини айтганидаёқ бир рюмка ичишни таклиф қилгандим. Аммо нимагадир тортинди...

— Тортинганим йўқ, сиз мен билан ичмаслигингизни айтдингиз. Нима, ёлғиз ўзим...

— Тўғри,— деди Лопатин.— У ҳали балоғатга етмаган. Бошловчи медик сифатида Омскда сув қўшилган спиртни тотиб кўрганини менга айтган бўлса ҳам барибир. Оёгингиз қалай? У сизни тез сургаб келмадими?

— Орқада қолмасликка ҳаракат қилдим,— деди кулиб Велихов.

Лопатиннинг кузатувиغا қараганда, Нина кечқурунлари госпиталга уни кўргани келган ўша уч кун мобайнида Велихов дам-бадам унинг назарига тушиб турди, бир неча марта гаплашди ҳам, охириг кун эрталаб, Лопатин жўнаётганда эса ўзи ҳали хассага таяниб юрган бўлса ҳам қизга дадасининг кийимлари билан китобларини жойлаштиришга кўмаклашди ва унинг қўлидан чамадонини олиб машинагача кўтариб борди.

— Хўш, Миша,— деди Лопатин эшик ёнига етиб бориб, хайрлашув онлари яқинлашгач,— хизмат жойингизга етиб борганингиздан кейин дала почтангизни бизга маълум қилинг.

— Мен адресимни қизингизга бердим,— бир оз тутилиб деди Велихов унинг қўлини сиқиб.

— Яхши бўпти. Мендан яширмаса керак. Агар ўша жойларга бориб қолсам, полкингизга ўтишга уриниб кўраман. У ерда, полкингизда ўзингизни қандай тутишингизни кўраман. Мен анчайин синчковман.

— Мен эсам Василий Николаевич, уруш тугагач, уйингизга келишга ҳаракат қиламан. Агар Нина Васильевна ўшангача ўзига қайлиқ топиб олмаса, юрак ютиб совчи қўяман. Албатта, агар бунга ижозат берилса...

— Ижозат билан қизиги бўлмайди,— деди Нина ўзининг дадиллигидан қизариб.

— Агар узоқроқ жанг қилсак, ҳали фронтда учрашиб қолишларингиз ҳам мумкин,— деди Лопатин.— Чунки, Нина ҳамширалар курсини битириб, албатта, фронтга йўл олмоқчи! Шунчаки фронтга эмас, балки бевосита олдинги маррага, иложи бўлса, полк санитария бўлимига, яхшиси — батальонга бормоқчи!

— Сизни худонинг ўзи асрасин, бунинг нима кераги бор? — деди Велихов ранги ўзгариб. Бу ҳақдаги фикрнинг ўзи унинг кўз ўнгида содир бўлган, унутолмаётган аллақандай бахтсизлик билан боғлиқдек туюлди Лопатинга.— Медицина хизматининг кўлами кенг, шундай бўлганидан кейин сизга бевосита полкка, бунинг устига батальонга боришнинг нима ҳожати бор?

Унинг қувноқ кайфияти ўша ондаёқ ўзгарди ва овозида уруш нималигини ниҳоятда яхши тушунган одамнинг хавотирланиш оҳанги сезилди.

— Мени кечиринг-ку, лекин сиз ҳали қизалоқсиз, у ерда сиз бўлмасангиз ҳам бир амаллаб удалаймиз! Дадангизни нега бунчалик ташвишга соляписиз, уялмай-сизми?

Нина лабини тишлаб индамай турди. Балки у барибир, ҳамма нарсани ҳал қилиб қўйганини, ҳаммаси ўзи айтганидек бўлишини айтгиси келгандир-у, аммо айтмади, ўзини тутди, чунки аслида ҳам полк командирининг ўринбосари гвардиячи майор Велиховдан қалбан катта эди.

— Кечиринглар,— деди Велихов. Унинг овозида ҳамон хавотирлик оҳанги бор эди.— Қўришгунча хайр!

У Нина узатган қўлини оҳиста сиқиб қўйди.

— Хайр, Миша,— деди Лопатин.— Агар урушда учрашмасак, бу квартирадан кўчиб кетган бўлсам мени «Красная звезда» орқали топиб оласиз.

Велихов хайрлашиб Горький кўчасидан метро томон йўлга тушди. Нина эса ўша ондаёқ уйга кирмоқчи бўлувди, лекин Лопатин уни тўхтатиб Велиховнинг ортидан қараб тураверди. «Ҳеч бўлмаса шуниси тирик қолсин-да», — Левашовнинг ўлими ҳақидаги хабардан бери ҳали тарқаманган аламни ютиб ўйлади у. Бирорта одамнинг аллақачон ўлдирилгани хусусидаги фикрга кўникиб қолган бўлишинга қарамай, барибир, бу хабар сенга етиб келганда у гўё бугуннинг ўзида, бундан бир соат илгари ўлдирилгандек туюлаверади.

— Бўлмагур гаплар билан мени кўрқитди, деб ўйлапти,— худди уришмоқчи бўлгандек деди Нина Велихов ҳақида.

— Индамаганинг учун баракалла дейман! Кўрқитиш масаласи эса— бемаънилик! Сени кўрқитмоқчи эмас, балки гапингни эшитиб ўзи кўрқиб кетди. Шунча гам-ҳасратлар чеккан бир одамга ўзига сал-пал ёқиб қолган сен каби қизчани ўзи бўлган жойга бориши мумкинлигини тасаввур қилиш кўрқинчли эмас, деб ўйлайсанми?

Нина дадасига тикилиб қолди, шунда Лопатин унинг кўзларидан ўзи ўйлаб қўйган келажақдаги тақдирдан у хавотирланаётганини энди, ҳозиргина тушунганини англади. Бу келажақ ҳали олис бўлса ҳам барибир!

— Мендан хафа бўлманг.— У дадасининг қўлидан тутди.— Илтимос, жаҳлингиз чиқмасин. Шунақаси юз бермаслигини қанчалик хоҳлашингизни тушуниб турибман, сиз ҳам мени тўғри тушунинг!

— Сени тўғри тушунишим бошимга бало бўляптида,— хўрсиниб қўйди Лопатин.— Қани, юр, йўлга ҳозирланайлик. Гурский тушликда онаси бизни кутаётганини яна бир марта эслатиб қўйди.

— Берта Борисовна-я!— ҳайқириб юборди Нина.— Уларникида тунаб қолган биринчи кун мени қанақанги ажойиб котлетлар билан меҳмон қилганини кўрсангиз эди... Умрим бино бўлиб бунақа мазалисини емагандим, чин сўзим!

— Демак, бугун ҳаётингда иккинчи марта маза қилиб овқатланасан,— деди Лопатин.

— Нега унга, балки бу ердан кўчиб кетарман, дедингиз?— сўради Нина зинадан кўтарилиб квартиранинг эшигига яқинлашганларида.— Онам учунми?

— Нега айтганимни ҳатто ўзим ҳам билмайман. Айтгандек, биламан. Бахтли бўлгим келяпти. Бу квартира эса одамларни бахтли қилолмайди. Бизни ҳам. Сен билан бугунгача ўтказган бир ҳафта бундан мустасно. Бу ерда онанг билан кечирган ҳаётимиз бошидан мен ўйлаганчалик, балки у ҳам ўйлаганидек, яхши бўлмади. Бизгача бу ерда истиқомат қилган одамлар учун эса бу квартира бундан ҳам бахтсизроқ бўлган. Ҳатто таққослаш мумкин эмас, уят! Бу ерга кўчиб ўтганимизда сен ҳали қизалоқ эдинг, лекин бу ҳақдаги гап-сўзлар ёдингда эканини биламан. Шундай эмасми?

— Ёдимда, — деди Нина.

— Қирқ биринчи йилнинг кузида, Мурманскка жўнаб кетишим арафасида кигиз этигимни олиш учун шу ерга киргандим ва ўшанда тақдирнинг ўзи менга яна буларнинг ҳаммасини қайта эслатди... Қоронгида эшикдан чиқдим-у, қаршимда ўн саккиз ёшларда, сенинг ҳозирги ёшингдаги кичик лейтенантни кўрдим. У гугурт ёқиб унинг ёругида менга ва эшикдаги ёзувга қараб: «Энди бу ерда сиз яшайсизми?» — деб сўради. Қисқаси, бу квартирада биздан олдин истиқомат қилган одамларнинг фарзанди фронтга кетаётиб, туғилган уйини кўрмоқчи бўлган экан. Тўғрироғи, биз кўчмасимиздан олдин деярли бир йил муҳрланган эди.

— Ота-онаси-чи?

— Тушунишимча, бу ёруғ оламдан кўз юмишганди. Улар ҳақида ўгли ҳеч нима демади-ю, аммо бу ҳақда сукут сақлашидан шуни билдим!

— Ўшанда сизга шу квартирани беришгани учун бирор одамнинг олдида наҳотки гуноҳкор бўлсангиз?

— Менимча, йўқ. Чамаси, кейинчалик менга айнан шу квартирани беришганига шахсан ўзим ҳеч кимнинг олдида гуноҳкор эмасман. Аммо у келиб ўзининг собиқ эшигида кўрган фамилия ёзуглик тахтача, барибир, кичик лейтенант олдида ўзимни гуноҳкор ҳис этишимнинг боши ҳисобланади.

— Хўш, энди нима қилса бўлади?

— Чамаси, энди ҳеч нима қилиб бўлмайди.

— Нега илгари менга ўша лейтенант ҳақида гапириб бермаган эдингиз?

— Чунки сен ҳали вояга етмагандинг. Энди сен вояга етдинг. Ўша учрашув занглаган миҳ каби ичимни тирнаяпти. Сен фронтга тушиб қолишинг мумкинлигини ҳатто хаёлимга келтириш оғир бўлса ҳам келажакка дадил боқишингдан хурсандман. Лекин на ўзингнинг, на бегонанинг ҳаётини борлигидан ва келажакдан кўра жўн, деб тасаввур қилмаслик керак... Бунинг учун ҳам мард бўлиш керак. Умр бўйи. Бунда энг қийини — ҳар сафар янгидан бошланишидир.

Улар квартиранинг эшиги ёнида туришарди. Лопатин қизининг гўё тўсатдан совуқ ва бегона жойга тушиб қолиб совқотган бўлса ҳам, нега бу аҳволга тушгани сабабини билиш мақсадида теварак-атрофга қарашга қўрққандек елкалари титраб кетганини кўриб қолди.

— Ұзимни ёмон ҳис қиляпман, даҳшат, — деди у дадаси қараб турганини кўриб.

— Сени жудаям яхши кўраман ва сенга ишонаман, — деди Лопатин. — Сенга тасалли берадиган гапим ҳозирча мана шу. Бошқа ҳеч қандай гапим йўқ.

Нина унинг рўпарасида авзои бузилиб индамай турарди. Лекин Лопатин айтганларига ачинмади. Агар сенда дафъатан ўн етти ёшли қизча олдида бор гапни айтиш эҳтиёжи юзага келиб қолса, демак, ундаги алланима сенга шундай қилишга рухсат берган бўларди. Қизи ҳозир ўзини бахтсиз сезиб, йигидан ўзини зўрга тийиб турган бўлса ҳам ундаги энг асосийси мана шудир.

— 10 —

Вокзалдан Лопатин бир ўзи қайтди. Кутилмаганда Гурский Нинани кузатишга чиқолмади. Улар овқатланиб бўлиб, ҳаммалари биргаликда вокзалга отланишди: Нина Гурскийнинг онасига ёрдамлашиш мақсадида кўшни хонада идиш-товоқларни артар экан: «Ҳозир, ҳозир, яна бир минутдан кейин тайёр бўламан!» — деб қичқирган пайтда телефон жиринглаб, Гурскийни муҳаррир ҳузурига чақириб қолишди.

— Аттанг, бундан буёғига к-кузатолмайман, — деди у. — Чорак соатдан кейин кўз ўнгиларида п-пайдо бўлишим буюрилди. Худо шоҳид; бу ёққа келаётганимда бугун керак бўлиш-бўлмаслигимни уч марта суриштиргандим.

— Сенинг-ча, нега унга керак бўлиб қолганийкинсан? — деб сўради Лопатин.

— Мен ҳам сен каби бекорга ўй ўйлашни ёқтирмайман. Бир пайтлари менга Ёсениннг ҳақида гапириб, бир минут давомида унинг хаёлига қандай фикрлар келишини ҳеч қачон олдиндан билмаслигингни айтгандинг. Бизнинг муҳаррир билан менинг ҳам муносабатим мана шунақа. Балки сенинг ҳикояннг учун танлаб олишга қолдирган бешта сарлавҳам шунчаки унга ёқмаган-у, уни ўзи топиб, бундан менинг ҳайратга тушишимга шошилаётган бўлса керак. Балки бу ерда овқатланиб ў-ўтирганимизда у мени Узоқ Шарққа ёки яна бирор узоқроққа юборишни ўйлаб қўйгандир...

Бу сафар Гурский муҳаррирдан одатдан кўра

кўпроқ аччиқланди. У Нинани кузатиб кўйишни истарди, вагон ходими билан келишиб олишда Лопатиннинг қобилиятига ишонмасди. Улар кўчада хайрлашаётганларида ҳам Гурский буни қандай амалга оширишни ҳамон тушунтирмоқчи бўларди:

— Қизингни соғ-саломат, эсон-омон етиб боришига д-давлат нуқтаи назаридан тус бериш учун аввалига бошлиқларга хос жиддийлик билан гаплашасан, к-кейин унга меҳрибончилик қилишни сўрайсан, энг охирида эса мана шундай олижаноб мақсад учун сенга берган бир банка гўштли консервани гўё бермаса ҳам бўлади-гандек йўл-йўлакай унга қолдириб к-кетасан.

Бошлиқларга хос жиддийлик қилолмади Лопатин. Уруш йиллари бир оз жиддийликни ўрганган бўлса ҳам, уни боши берк кўчага киритиб қўядиган воқеа пайтида ишлатмайди. Аммо у қизига меҳрибончилик қилишни қўлидан келганча илтимос қилди ва бир банка гўштли консервани берди.

Вагон ходимаси баланд бўйли, озгин кекса аёл экан. Консервани олиб суюниб кетди, ўз йўловчилари хусусида эса қисқа, лекин турли баҳо берди:

— Ҳар хил одамлар бўлади! Одамлар ва одам эмаслар... Ўтган сафар биттаси маст бўлиб олиб шиша билан биттасининг бошига тушириб қолди, у эса мастни тўшпонча билан... Биттасини Теогепеуда милицияга, иккинчисини қабристонга топширдик. — Ходим йўловчилар ҳақида хотиржам қилди ва Нина хусусида бундай деди: — Агар бирор кори ҳол бўлса, ўзимнинг купеимга оламан. Қизингиздан хавотир бўлаётганингизга хайрхоҳман. Мен эсам энди ҳеч кимдан хавотир олмайман — на эримдан, на ўғлимдан.

Суяқдор ёноқларига носоғлом қизиллик югурди — ё безгак тутяпти, ё бунга аллаким тутқазган бир қултумгина хонаки ароқ ёки вино сабабчи бўлган.

Нина хавотирга тушмасди, ўртадаги гап-сўзни худди ўзига тааллуқли бўлмагандек эшитарди. Фақат сўнги минутда баланд овоз билан аллакимга ниманидир айтаётган кўкрақдор холанинг ёнида вагон ойнасидан бошини чиқариб деди:

— Илтимос, мендан ташвишланманг. Мен ахир хавотирга тушаётганим йўқ-ку, сиз ташвиш тортаверсангиз мен ҳам бошлаб юбораман. Қасдма-қасдига!

Нина хавотир олмаслигини илтимос қилса ҳам, дасаси, барибир, хавотирда эди. Шунда у ҳазиллашмоқчи



бўлувди, Лопатиннинг ҳазиллашгиси келмади. Унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб бериш ўрнига жиддийлик билан, ҳатто қатъий оҳангда деди:

— Бир-биримизни алдамайлик. На хат ёзганда, на учрашганда ва на хайрлашаётганда— ҳеч қачон! Гапимни тушундингми?

— Тушундим.

Ўрнидан кўзгалган вагонда туриб дадасининг бошини силамоқчи бўлувди, лекин улгуролмади, фақат бармогининг учи тегди холос.

У жўнаб кетди ва балки ҳозир у анча ёшлигида отонаси қаторасига уч йил ёзда бир хонани ижарага олган ўша дачалар ёнидан ўтиб кетгандир. Лопатин эса Театр майдонида метродан чиқиб Горький кўчаси бўйлаб юқорига, одамларга бахт келтирмаганини бугун қизига айтган ўзининг бўм-бўш квартираси томон йўлга тушди.

Зинадан кўтарилар экан, у опасини ўйлади. Опаси ҳам у ерда, Омскда бугун мактабдан Лопатин каби ҳеч кими йўқ квартирасига қайтгандир. Нина бешинчи кунни етиб боради— унгача бўм-бўш!

Нина қайтиб борганида ҳам, барибир, яқингинада юз берган ўлим мана шу умрбод хувиллаб қолган квартирада кеча-кундуз кезиб юради. Кундузи, одамлар кириб-чиқиб турганида, идиш-товоқларни шарақлатиб ишлатишганда, эшикни очиб-ёпиб гижиллатишганда ўлим квартира бўйлаб сездирмай кезади. Тунда эса у яхшигина эшитилади, чунки сокинликнинг ўзи шу-да!

Ҳа, ҳозир ўзидан кўра опасига анча қийин. Ҳатто таққослаб ҳам бўлмайди! Унга ўқ узишмаган, уни бомбардимон қилишмаган, уни ярадор этишмаган, госпиталга ётқизишмаган, баданидан ўқ олиб ташлашмаган, шунчаки усиз яшай олмайдиган одамнинг вафоти билан уни ўлдиришди. Ҳозир опаси у ерда на ўлик, на тирик ҳолатда мактабга ва қайтиб уйига қатнайди-ю, буни ҳеч ким сезмаслиги учун иродасини ишга соляпти.

Бугун Гурскийга опаси ҳақида гапириб берганида, у қўшни хонада куймаланиб юрган онаси эшитмаслиги учун овозини пасайтириб жавоб қилди. Маълум бўлишча, отаси қазо қилгач, онасининг кўргани борибди-ю, ёлғиз ўзи яшолмаслигини фаҳмлаб қолибди. Онаси отаси учун яшай оларкан-у, лекин ўзи учун яшолмас экан. Мана шу ҳолат уни пропуск топишга ва онасини Москвадаги ўзининг уйига кўчириб келишга ундабди.

— Қизинг яна бирор муддат ўша ерда яшаши ҳарна опангга ёрдам бўлади, — деди Гурский.

«Балки ҳарна ёрдам бўлар», — деб қўйганди ўшанда Лопатин, ҳозир эса, зинадан кўтарилаётганда яна ёдига тушди: — «Худди шундай — ҳарна! Урушда оёқлари кесиб ташланган одамга уёқдан буёққа силжиш учун ёрдам бериши мумкин бўлган гилдиракли курсича каби. Ҳарна, бундан ортиқ эмас!»

У хонага кириб сувнинг шилдирашини эшитиб қолди. Нина билан иккаласи умивальник жўмрагини беркитишни унутиб қўйибмиз, деб ўйлаб ваннахона эшигини тортганди, у очилмади.

— Ким у? — ичкаридан Ксениянинг овози эшитилди. — Сенмисан, Вася? Ҳозир бошимни ювиб бўлиб чиқаман.

У яна нимадир деганди, лекин сувнинг шовуллашидан эшитолмади.

— Гапимни эшитяпсанми? — Бунисини эшитди.

— Эшитяпман.

— Нинани кузатдинг-а? Тўғрими?

— Ҳа.

— Поездга яхши жойлаштирдингми?

— Ҳа.

— Бошқа ҳамма гапни кейин суриштираман. Ҳозир ювиниб бўлиб чиқаман.

Ксения яна нимадир деганди, лекин у ўзини чулғаб олган саросималик ҳиссини енгиб хонасига кирди-ю, кеча унга совғага келтиришган «Қазбек»ни стол устидан олиб — армияга кетгунча тегмасликка аҳд қилганди — битта папирос чиқарди-да, шошилмай чекди. Унчалик ҳумори тутмаганди, у шунчаки илгари уннаб ҳам кўрмаган бирорта иш қилгиси келганди.

Демак, у, барибир, томдан тараша тушгандек келиб қолди, — деб ўйлади Ксения ҳақида, — айнан бугун келди-я, яна Нинанинг жўнаб кетганини ҳам, Лопатин кузатиб қўйганини ҳам билиб олибди.

Аммо бу фикрдан ташқари, яна уни билар-билмас хавотирга солувчи бир нима бор эди. У дарров нималигини тушунолмади. Лекин кейин тушуниб қолди: у ерда, ваннада сувнинг шовуллаши — бу квартирада биргаликда ўтказилган турмушни эслатувчи хонаки одатий бир хол эди.

«Ўзи нима гап? Шунчаки газ колонкаси ишлаб турганини кўриб йўлдан келгани учун ювиниб ол-

моқчими? Ёки уни очилиб кетганини кўришим учунми? Ёки мен яшаётганимга қарамай, бу сафарги келишида эрининг хонасида эмас, балки ҳеч ким у билан талаш-майдиган ҳуқуқини таъкидлаб, шу ерда тунашга аҳд қилганмикан?»

Аммо Ксения унинг ўй-ўйлашига унчалик кўп вақт қолдирмади. Беш минутдан кейин у энди анча кенг бўлиб қолган ёзги чит кўйлақда, сочлари елкасига тушган ҳолда хонага кириб келди. Лопатин шу ондаёқ қирқ биринчи йилнинг декабрида, ҳали эр-хотин пайтларидаги сўнги учрашувда худди мана шундай ҳўл сочлари елкасига тушиб турган ҳолда, фақат кўйлақда эмас, балки уйда кийиладиган халатда кириб келганини эслади, буни эсламаслиги мумкин эмасди. Агар улар кўришишмаган бир ярим йил мобайнида яна бир оз озиб қолганини ҳисобга олмаганда фарқи шу эди, холос. Афтидан, унчалик ширин ҳаёт кечирганга ўхшамайди. Шуниси ҳам борки, бир оз озгани ҳуснини очибди.

Ичкарига кириб Ксения қайноқ лаблари билан унинг юзидан ўпди-да, довдираб қолган минутларда бўладиган ўзига уддабурунлик тусини бериб у ёқдан бу ёққа юрабошлади. Кейин унинг рўнарасида тўхтаб, надомат ила чуқур хўрсиниб қўйди.

— Агар мен, эси паст, вокзалдан тўғри у ёққа, анави квартирага бормай, тўғри шу ёққа келаверганимда Нинани кўрган бўларканман. Мен сенга уй алмаштириш хусусида ёзган одамлар аллақачон келиб кўришган, деб ўйлаб, дарров гаплашиб олмоқчи бўлудим, лекин улар ўзларининг фронт бригадалари билан ҳамон аллақачонларда юришганмиш. Кейин нимаям бўлиб буёққа келиб, ярим соат илгари Нина билан машинага ўтириб вокзалга кетганингиздан хабар топдим. Ҳатто ортингиздан етиб бормоқчи ҳам бўлдим-у, лекин, барибир, кечикиб қолишимни ўйлаб фикримдан қайтдим-да, ювиниб олмоқчи бўлдим. Вагоннинг нақадар ифлослигини сен тасаввур ҳам қилолмайсан, шундай бўлгач, ўзимга оройиш бермай туриб, сенга кўринишни уят деб билдим! Мен ҳаммасидан хабардорман, қўшнилари ҳаммасини гапириб беришди. Нина улардан пақир билан латта олганини ҳам, сен госпиталдан чиққунингча ҳаммаёқни ювиб артганини ҳам, бу ерда қандай яшаганингизни ҳам, сенга қатиқ олиб келиш учун бозорга югурганини ҳам айтишди...

— Шунинг учун ҳам қўшни-да,— Нинага пақир

ҳам, латта ҳам берган, урушгача ҳаммавақт ҳар нарсадан — гоҳида эса бўлмаган нарсалардан ҳам — хабардор қўшнилар хусусида деди Лопатин.

— У тушган вагон қанақа?

— Оддий.

Ксения гамгинлик билан бош чайқаб қўйди:

— Мен шу ерда бўлганимда ҳечам уни қайтиб юбормасдим!

Лопатин ҳеч нимада демади. Яхшиям қўшнилари ва улар билан бирга Ксения ҳам поччасининг ўлими ҳақида хабарсиз қолишган, акс ҳолда, унинг учун аҳамиятсиз, аммо мурувватли мавзуга хос яна анчагина гаплар бўлиб ўтарди.

— Ўзи қанақа? Қандай ўзи? — жавобини ҳам кутмай сўради Ксения қизини. — Менга бўйи етиб қолгану уни танимай қоладигандек туюлаверади ўтган вақт мобайнида.

«Ўтган вақт мобайнида» — деярли уч йил демакдир! У мактаб билан бирга қизини ҳам шоша-пиша кўчирув жойига жўнатган қирқ биринчи йилнинг июль ойидан бери Нинани кўрмаган эди.

— Росаям бўйи ўсгандир?

— Ҳа, — деди Лопатин ва Ксенияга бир қараб қўйиб кўшимча қилди: — бўйи сенга етиб қолди, ҳатто бир оз тикроқ ҳам.

— Ўзи менга ўхшайдими?

— Ҳам ўхшайдиган, ҳам ўхшамайдиган томонлари бор.

— Унга уч марта суратимни жўнатиб, ҳар сафар ўзиникини юборишни сўрасам ҳам, барибир, юбормади.

— Балки у ерда суратга тушиш осон бўлмаса керак. Лекин, барибир, яхши иш қилмабди. Менга бу ҳақда айтмаганди. Агар билганимда редакциямизда суратини олдириб сенга юбортирган бўлардим. Хаёлимга келмабди, узр... — Шундай деди-ю, қулфи бузилган ошхонанинг эшиги эсига тушиб қолди: — Илтимос, бизни яна бир марта кечир, сенинг ижозатингсиз қулфни бузиб очдик.

— Ҳечқиси йўқ, тўғри қилибсизлар. Мен ахир ўтган йили келганимда мендан олдин бу ерда бўлишингни ва Нина сенинг олдингга келишини, у билан шу ерда истиқомат қилишингизни билмагандим... Ўшанда мен умуман ҳали кўп нарсадан хабарсиз эдим, — деди у аллақандай сир сақланган мужмаллик билан.

— Ўзинг қалайсан? Чекишни ҳам бошлаб юборибсан.

— Ҳа, чекапман. Ўзимни тийиб юрувдим, сени кўриб хаяжондан чекиб юбордим. — Лопатин стол устида кулдон йўқлигини кўриб, найчасигача чекилган папиросни қўли билан эзгилаб ўчирди.

Ксения бу сўзларнинг нималигини — пичингми ёки ўзи учун кутилмаган ростгўйлик эканига тушунолмаб хайрон бўлиб Лопатинга тикилди. Кейин стол ёнидаги унинг креслосига ўтирди:

— Кел, энди гаплашиб оламиз!

Унга Ксениянинг рўпарасидаги катга ўтиришга тўғри келди ва хонадаги бу ўринга одатланмаганидан жаҳли чиқди.

— Нима ҳақда гаплашамиз? — Ксения ҳозирок уйни алмаштириш хусусида оғиз очишини пойлаб сўради у.

Аммо у бутунлай бошқа масалада сўз очди:

— Анали иккинчи фронт очилганидан ниҳоятда хурсандман. Энди ҳаммаси тезроқ тугасин-у, сенга, шунчалик оғир ярадорликдан кейин, ҳеч қаёққа боришга тўғри келмасин.

Энди ҳаммаси тезда тугайдими-йўқми — бу ҳақда у билан баҳслашиб ўтиргиси келмай фақат ўзи ҳақида, деярли соғайиб кетгани ва фронтга яна боришига тўғри келиши ҳақида гапирди.

— Ўн бешинчи сентябрда қирқ саккиз ёшга тўласан,— деди у.— Менга айтишларича, буни театримиздан одам олишганидан ўзим ҳам билардим, фронт учун ёш чегараси — қирқ олти экан.

— Ёш чегараси оддий солдатлар состави учун белгиланади,— деди Лопатин,— шуниси ҳам борки, бу хизмат қилаётган эмас, балки армия сафига олинаётган пайтда қўлланилади. Бундан ташқари, мен ҳарбий кадрлар нуқтан назари бўйича сохта бўлса ҳам, барибир, майорман, шундай экан, ёш хусусидаги сенинг мулоҳазанг менга тааллуқли эмас. Лекин ёш ёшлигини қилади, сен ҳақсан, қирқ саккиз ёшга тўлганимни, албатта, ўзим ҳам тушунаман.

— Кўринишинг ёмон эмас, шунисига хурсандман,— Ксения кўз тегмасин дегандек столни тақиллатиб кўйди.

— Ажабланадиган жойи йўқ. Еб семиряман, уйқига тўяяман, бундан ташқари, ҳар куни ювиниб соқол оляпман, бугун ҳам шундай бўлди.

— Уйқинг қалай?  
— Одатдагидек яхши.  
— Мени эса кейинги пайтларда уйқусизлик қийна-  
япти.

— Нега?

— Буни тушунтиришга анча вақт кетади, сен эсанг  
ўзим ҳақимда гапиришимни ёқтирмайсан.

Ксения унинг, барибир, суриштиришини кутган-  
ди, аммо, у сўрамади.

Аёлга қараб ўтириб, балки уйқусизлик хусусида  
алдамаётган бўлса керак, деб ўйлади. Бир оз озган-у,  
лекин ҳамон кўҳликкина, ўзининг аввалги қилиқла-  
рига қарамай, ич-ичидан тараддуланиб турарди.

— Сен, кел, гаплашиб олайлик, дегандинг. Бал-  
ки, бу чиндан ҳам иккаламизга зарур бўлса керак.

У ўзининг ажойиб шахло кўзларини Лопатинга тик-  
ди ва унинг умуман гапирмоқчи бўлмаган бирор ни-  
мани айтишини кутганми, ич-ичидан титраб кетди.

— Сенинг хатингдан бошлаймиз,— деди Лопатин.

— Бундан бошлашни истамайман,— деди у.

— Нега?

— Алмаштирмоқчи бўлган одамлар келишмади,  
ваъда бериб келишмади, мени алдашди...

— Нега энди алдашаркан? Балки артистлардан  
сўраб ўтирмай, бутун бригадани фронтда ушлаб қолиш-  
гандир? Нима бўлганда ҳам уруш кетяпти.

— Барибир, мени алдашди, бунга уруш сабабчи  
эмас,— ярим ноз, ярим жаҳл билан деди у.— Улар  
бутун кайфиятимни расво қилишди. Агар билмоқчи  
бўлсанг, ҳали йўлдаёқ мен, агар алдамай келишса,  
иккаламиз кейин ҳеч нимани ўйламаслик учун дарров  
улар билан гапни бир ерга қўямиз, деган фикрга келган  
эдим. Энди келишмадим, жин урсин уларни — ҳамма-  
си аввалги ҳолича қолаверсин.

— Яъни масалан?

— Уруш тугагунча ҳаммаси ўз ўрнида қолаверсин.

— Унда нега энди хат ёзиб бошимни қотириб юриб-  
сан? Бу ерда Нина билан қанча ўйладик, қандай бўли-  
ши хусусида қанчалик тортишдик, энди бўлса уруш-  
нинг тугашини кутса ҳам бўларкан!

— У билан нима ҳақда баҳслашдинглар? — қолган  
ҳамма гапга эътибор бермай сўради Ксения.

— Биргина сеникини эмас, балки унинг хонасини  
ҳам ўша одамлар билан алмашишга рози

бўлиш-бўлмаслик ҳақида баҳслашдик. Вояга етиб қолган ўн етти ёшли қизни хонасиз қолдириш-қолдирмаслик хусусида тортишдик. Бу ҳақда сен ўйлаб ҳам кўрмадинг.

— Ҳар доим, истаган пайтида уни ўзимникига жойлаштиришга тайёр эканимни ёздим-ку ахир...

— Қанча кунга — бир ҳафтагами, бир ойгами? Мени кечирасан-у, лекин бу енгилтаклик.

— У нима деди?

— Онам нимани истаса шу бўлаверсин, деди. Иккита хонани алмаштирмоқчими — майли, алмаштираверсин, деди.

— Қизим раҳмдил, — деди авзои бузилиб Ксения. — Раҳмдил-у, аммо, барибир ҳали ёш, қизалоқ-да... Сен қандай қарорга келдинг?

— Сенинг тазйигингга ҳам, унинг раҳмдиллигига ҳам қаршилиқ кўрсатишга аҳд қилдим, лекин чиндан ҳам бу ишни уруш тугагунга қадар қолдирсанг, унда ҳеч нарсани ҳал қилмаганман, деб ҳисоблаймиз.

— Сен ўшанда, Тошкентда бир нима қилганмидинг? — тўсатдан сўраб қолди Ксения.

— Бу гапларга чек қўййлик, — деди Лопатин. — Ким билан, қачон, нима бўлганди... Бир-биримиз ҳақимизда мана шуларни билишнинг қизиғи бўлмаса керак.

— Аввалига менга нимадир бўлгандек туюлганди, — деди Ксения. — Лекин кейин, сен кетиб қолганингдан сўнг, собиқ дугонамнинг хатти-ҳаракатидан ҳеч нима бўлмаганини фаҳмлаб олдим.

— Нега собиқ? Нима, у билан жанжаллашиб қолдингларми?

— Йўқ, шунчаки Зинаида Антоновна биздан ажралиб кетди, энди бошқа жойда яшайпти. Ника эса фақат бизникига эмас, балки унинг ҳузурига қатнаб турарди. Энди ўша ёққа, у яшаётган уйга борапти. Айтгандек, сен жўнаб кетганингдан кейин орадан кўн ўтмай, сал бўлмаса турмушга чиқиб кетарди.

— Ким? Зинаида Антоновнами? — зўрма-зўраки ҳазиллашиб сўради Лопатин.

Ксения қулиб юборди:

— Агар эрдан чиқиш одати бўлганида, у фақат сени деб эрини тарк этган бўларди. Сен жўнаб кетганингдан кейин менга айтишича, сен ажойиб тарзда оддий одамийлигинг билан унга ёқиб қолибсан. Мен,

гуноҳкори азим, унинг нима демоқчи эканини, барибир, тушунолмадим. Бироқ, у ниҳоятда истеъдодли ва биз унинг барча, ҳатто тушунарсиз ҳикматли гапларини ҳам ёддан билишга мажбурмиз.

— Балки унчалик истеъдодли эмасдир, лекин бу аёл ҳузурида ўзингни ақллироқ кўрсатишни истаб қоласан киши. Одамда бу истак ҳаммавақт ҳам пайдо бўлавермайди.

— Агар истасанг, балки уни шу ерда кўришинг мумкин,— деди Ксения,— у ҳали мен отланмасимдан илгари шу ердан эрининг олдига фронтга бориш учун Москвага учганди. Е чақриқнома ёки рухсатнома олди-ю, ҳаммамиз қайтадиган августнинг охири, сентябрни кутиб ўтирмади.

«Ҳаммамиз қайтадиган» — бу сўз афтидан Москвадан кўчирилиб Тошкентга жўнатилганлар ҳақида айтилди. Ника уларнинг театри учун — тошкентлик, вақтинча ишга олинган ва «қайтамиз» тушунчаси унга тааллуқли эмас. «Яхшиям тааллуқли эмас», — Лопатин ўзига таскин бермоқчи бўлди.

«Демак, августнинг охири, сентябрнинг бошларида ҳаммалари бу ерга қайтиб келишади,— Ника ҳақидаги фикрни зўр қийинчилик билан ўзидан қувиб ўйлади у.— Зинаида Антоновна ҳам, бошқа ҳамма қолган артистлар ҳам, Ксения ҳам, унинг Евгений Алексеевичи ҳам қайтади. Шундай бўлгач, яқингинада қисталанг бўлган квартира масаласини уруш тугагунга қадар кечиктиришга тайёр эканини қандай тушунмоқ керак? Бирини иккинчиси билан қандай сингдириш мумкин?» Бунда у квартирага кирибоқ сувнинг шовуллашиданоқ сезиб олган аллақандай хавф бор эди. Лопатин унга қараб кутиб ўтирди, чунки бунгача Ника ҳақида ҳам, Зинаида Антоновна хусусида ҳам айтганлари ўзи учун бирорта муҳим гап олдидан шунчаки бир эзмалик эди.

— Мана шундай индамай ўтираверамизми? — Қарама-қарши ўтириб бир минут давомида бир оғиз ҳам гапирмаганларидан кейин сўради Ксения яна шахло кўзларини унга тикиб.— Нина билан иккалангиз қанақа тоифа одам экансизлар-а, бир-бирингиздан қолишмайсиз! Ҳеч қачон бирор нимани суриштирмайсиз, аслида менинг ҳолим нима кечаётганини ҳеч қачон билишни истамайсизлар; нима ёзган бўлсам ёзганман, нима деган бўлсам деганман — шу, бундан бошқаси



сизларга керак бўлмаган! Ўзим айтишга қийналган бирор нимага дучор бўлишим мумкинлигини ўйлаш, буни мендан суриштириш сизларнинг хаёлларингизга ҳам келмайди! Ҳа, майли, сенга ўзим айтаман. Кейинги пайтларда аҳволим ёмон эди, энди эса янада ёмонлашди. У мени мутлақо тушунмаяпти.

Янги эридан нолиш мана шундан бошланди. Лопатин уни гапдан тўхтатмоқчи бўлди-ю, лекин тўхтатмади: ҳозир ё ўрнидан туриб чиқиб кетиши ёки бўлмаса у гапириб бўлгунча тинглаб ўтириш лозимлигини фаҳмлаб қолди. Чиқиб кетиш энг осони, аммо кейин нима қилиши номаълум. Қолиб гапларини тинглаш оғир, лекин тўғриси ҳам шу эди.

Маълум бўлишича, Евгений Алексеевич унинг феъл-атворини аллақачондан бери, энг бошидан тушунмас экан. Ҳар ҳолда Лопатин бундан бир ярим йил аввал Тошкентда бўлганидаёқ Евгений Алексеевич Ксенияни тушунмасмиш.

— Ўшанда сенга буни тушунтиролмасдим, — деди Ксения. — Аксинча, мендан мутлақо хотиржам бўлишинг учун ҳамма нарсани жойида қилиб кўрсатишга уриндим.

Лопатин киноя билан ташаккур айтишдан ўзини зўрга тийди.

Кейин эса Лопатин келганидан ярим йил ўтгач, Евгений Алексеевич театрдаги адабий эмакдошлик лавозимидан Ксенияни бўшатибди.

— Қанақасига бўшатади? — дарров тушунолмайд сўради Лопатин.

— Оппа-осон бўшатди-қўйди. Бизда битта — менинг фикримча, жудаям яхши — пьеса муваффақиятсиз чиқди: кейин эса улар мен таклиф қилган яна бир — у ҳам яхши эди — пьесани олишмади. Шундан сўнг ўша пайтда Тошкентда бўлмаган муаллифнинг пьесасини ўзим бир оз таҳрир қилдим, менимча яхши чиққанди, лекин муаллиф келиб росаям дарғазаб бўлди. Шундан кейин ўзини менинг эрим, деб ҳисобловчи киши менинг ўрнимга бошқа бировни ишга олишга тўғри келишини айтишдан кўра яхшироқ бирор нима қилолмади. Менинг ўрнимга бир аёлни ишга олди — йўқ, унчалик эмас, шунчаки, унинг фикрича, ҳамма нарсани тушунадиган ва бажароладиган бир кампир, мени эса ёрдамчи труппага ўтказди. Энди эса мен эси паст оқшомлари бир неча оғиз сўз айтмоқ учун

сахнага чиқяпман. У бўлса, ҳатто қизармай, худога шукр, сахна учун зарур ташқи кўринишга эга эканимни, акс ҳолда шундан бошқасига кучим етмаслигини айтди.

— Бу ҳақда менга ёзмагандинг.

— Ёзишни истамовдим! Бунақани ёзиш кўнгилга ёқади, деб ўйлайсанми? Мен маҳаллий театрга адабий эмакдошликка ўтмоқчи эдим, буни у ўзини алоқа йўллари билан амалга оширса бўларди-ю, лекин шу ўринда ишлаётган аёл ишни қойил қилаётган бўлса ҳам қўлида иккита боласи билан ночор кун кечираётгани, шу сабабли бир нима дейишга тил айланмаётганини айтди. Сирасини айтганда, мен учун ҳеч нима қилмади! Гарчи, мен унга доим қўлимдан келганини қилсам ҳам. У билан ҳаёт кечириб унчалик қувончли эмас. Қанд касалига чалинган, оддийси эмас, оғирроғига, инсулин билан ўзи укол қилади, зўриқишдан қўрқади, шу боисдан доим ундан ҳавфсираб юраман.

— Анчадан бери шу касалга чалинганми?

— Анча бўлган. Урушдан олдин. Ҳеч нимага қарамай уни севдим, лекин у буни эслагиси келмайди.

«Кўриниши бақувват ва чақирув ёшида бўлса ҳам мана нима учун урушга бормаган экан. У ерда, Тошкентда учрашганда ҳам ўзининг касали ҳақида менга айтмаганди — унинг ўрнида бошқа одам бўлганида дарров уни билдириб қўйишга ошиққан бўларди, бу эса — йўқ! — Лонатинда хотинини тортиб олган кишига нисбатан, кечикиб бўлса ҳам, хайрхоҳлик туйғуси пайдо бўлди. — Ксениянинг индамагани қизиқ. Ушанда Тошкентда ўзининг биринчи эрига иккинчи эрини оқловчи жиҳатларини тушунтириб қўйганида яхши бўларди».

— Қизиги шундаки, буни менга энди айтяпсан, — деди Лонатин унга.

— Бунинг ажабланидиган ўрни йўқ. Тошкентга келишингдан хабар топиб сенга бу ҳақда: унинг мамлакат ичкарасидаги аллақандай бир айёр эмаслигини, умуман уни билиб қўйишингни, албатта, айтмоқчи бўлгандим. Лекин у буни рад этди. Ўзиям гапга кўнмайдиган одамлардан. Мана ҳозир сен ўтирибсан. Мен эса, балки, сен қўшилмайдиган нарсалар ҳақида гапиряпман, шундаям сен жимгина ўтириб тинглаяпсан, чунки сен бошқача тарбия кўргансан. У бўлса, агар бирор нима ёқмай қолса, гапириб ҳам қўймайди!

«Ҳа, сенга гапиришга йўл қўймаслик — энг оғир жазо, — деб ўйлади Лопатин. — Мен буни эр-хотинлик давримизнинг ўрталарида билибман, у бўлса бошидан қамчинни қўлга олибди. Мен ўзимнинг ўтмишдаги чидаб бўлмас камчиликларим билан бу чақмоқтош одам олдида энди паришта, бахтга қарши, қирқ саккиз ёшли паришта бўлиб туюлдим!»

Лопатин у ёқдан бу ёққа юрабошлади, Ксения бўлса ҳамон гаширар, у ўгирилганида деярли ҳар сафар кўз уриштиришга ҳаракат қиларди.

Евгений Алексеевичнинг энг йирик сўнгги гуноҳи шундан иборат эканки, бундан икки ҳафта илгари театр ишлари бўйича бир неча кунга Москвага келиб, Лопатиндан хабар олгани госпиталга бормабди.

— Ўзининг зиммасига ҳеч нимани олмайди. Энг оғир ҳамма юмушни, одатдагидек, менга юклаб қўйган, — деди Ксения.

Маълум бўлишича, уй алмашиш хусусида Лопатин билан гаплашишни унга юклаган экан. Лопатин билан эркакчасига гаплашиб кўришни ўтиниб илтимос қилишига қарамай, у буни қатъий рад этибди, ўзининг яхшигина хонаси борлигини ва агар Ксения бирга яшашни истаса урушнинг охиригача шу хонада истиқомат қилишларини айтибди. Агар бу хонада у билан бирга яшашни истамаса, Лопатиннинг квартирасида унинг ўз хонаси бор, ўшаққа қайтиб бориши мумкин — бу унинг иши! У эса оғир яраланиб госпиталда ётган унинг собиқ эри олдида хоналарни алмаштириш ҳақидаги гапни кўтариб бормади.

«Омади бор-да, унга нуқул яхши одамлар учрайвереди!» — ўзини ҳеч иккиланмай яхши одамлар қаторига қўшганига мийиғида кулиб қўйди Лопатин.

— Буни қаранг-а, унга уят эмиш, шуни унутмаслигим керак эмиш. Худди шундай деди. Менга ҳам бундай қилмасликни маслаҳат берди, чунки мен учун унга уят бўлармиш! Нима уят, нима уят эмаслигини у биларкан-у, мен билмас эканман, — жаҳл билан деди Ксения. — У билан кечаётган аҳволим ёмон, Вася, жуда ёмон. Энг ёмони шундаки, буни сендан бўлак ҳеч кимга айтолмайман.

Орага тушган сукунатда у ортиқча гапириб юборганини фаҳмлаб, дарров йиғлаб юборди. Лопатинга чўнтагидан дастрўмолини олишга тўғри келди, чунки Ксения фақат йиғлабгина қолмай, кўзёшини артишга

бирор нима топиш илинжида паришонлик билан алангларди.

— Ма, ол,— деди унга дастрўмолни узатиб,— тоза, Нина дазмоллаб чўнтагимга солиб қўювди, ҳали ишлатганим йўқ.

Унга дастрўмолини дазмоллаб берган Нинанинг тилга олиниши билан яна йиғиси кучайди. Юзига дастрўмолни босган ҳолда у дам йиғлаб, дам йиғи аралаш кулиб, гўё йўқотиб умидини узган бирор нимасини яна топиб олгандек меҳр ва севинч билан унга тикилди.

Ксенияда гоҳида, фақат ўзаро жанжалнинг энг ҳаяжонли пайтида пайдо бўладиган мана шу юз ифодаси Лопатиннинг ёдида эди. Агар ёдида бўлмаганида балки унга таъсир қилган бўлармиди?!

Хона бўйлаб яна бир марта айланиб чиқиб тўхтади-да, ортига ўгирилмай тураверди. Шу туришида ўйларди: инсонда бошқаларга мунофиқлик қилиш билан ўзига мунофиқлик қилиш орасидаги жарлик қаердайкин? Ҳатто энг риёкор киши ҳам ўзининг шу жарлик устидан сакраб ўтишини ҳаммавақт ҳам сезармикан?

— Вася!— чақирди Ксения.

— Нима дейсан?— у томон бошини ўгириб сўради Лопатин.

— Мен ҳозир иккаламиз ҳам, балки бир-биримиздаги энг асосий алланимани тушунмаган бўлсак ажаб эмас, деб ўйладим...

«Ана холос, ҳаммаси бошқатдан бошланяпти»,— деб ўйлади Лопатин унинг умидвор нигоҳига дош бериб.

— Ваннахонага киргин-да, ювиниб ўзингни босиб ол, акс ҳолда, сенга раҳмим келяпти.

— Ростдан ачинапсанми?— йиғи аралаш сўради. у.— Ростданам раҳминг келяптими?

— Ҳа, албатта.

Унинг овозидан чиндан ҳам ачинаётганини ҳис этиб, ҳамон йиғлаган ҳолда ўрнидан турди-ю, энди нима қилишни — унинг нари сурилиб олишидан ҳайиқмай қучоқлашни ёки чиқиб кетиб ўзини қўлга олиш ва ўзига оро бериб, хотиржам қайтиб киришни ҳал қилолмай, бир неча дақиқа туриб қолди. Одатда бир пайтлари кўзёш ва тавба-тазаррудан кейин шундай бўларди. У бироз иккиланиб турди-да, сўнг ҳўл дастрўмолни стол четига ташлаб эшик томон юрди, лекин икки

қадам босмай дастрўмолни олиш учун яна қайтди. Уни шу ерда қолдиришни ноқулай сезган бўлса керак.

Лопатин хонада юриб бу кутилмаган гапларни ўйларди. Ксения урушнинг уч йили мобайнида унинг номи илгарига қараганда анчагина таниқли бўлгани сабаблигина Лопатинни ўзига қайтаришни ва у билан бўладиган бундан кейинги ҳаёти анави театр директори билан ўтаётган ҳаётдан кўра яхшироқ бўлишини истаб қолувчи унчалик ғаразғўй эмасди. Йўл-йўлакай мана шуларни ипидан-игнасиғача пухта ўйлаб қўядиган даражада зикна ҳам эмасди. Эҳтимол, мана бундай бўлган: ўша одамларни чиндан ҳам квартирадан тополмаган ва нимадир уни шу ерга келишга ундаган, кейин у ўтириб ўйланиб қолган: «Э худо! Мана шу алмашишлар билан, мана бу бетайин келажак билан овора бўлиб юрмасам нима қиларкин? Шунчаки Москвага келиб урушдан олдин яшагандек шу квартирада яшасам, урушдан олдин биргаликда яшаган, кейин эса бирга яшамасам, ҳозир эса яна биргаликда яшаётган кўпгина бошқа одамлар каби яшасам; ҳеч кимдан ҳеч нимани сўрамасам ва ҳеч ниманинг ҳаракатини қилмасам, мана шу қирқ саккиз ёшли киши билан яна бирга яшасам қандоқ бўларди?» Афтидан, шуларнинг ҳаммаси ҳозир аллақандай эркак у билан бирга бўлишни истамаслиги мумкинлигини ҳеч қачон ҳаёлига келтирмайдиган унга қуюлиб келган.

Ксения ювиниб, ўзига оро бериб хотиржам қайтиб келди-да, унинг гапларини эшитишга шайланиб худди ўқувчидек қўлларини сонига қўйиб креслога ўтирди.

Бутунлай бошқа нарсани ўйлаб ўтирган пайтида унга нима ҳам десин? Яна биргаликда яшаш-яшамасликни ўйламайди, чунки яшамаслигини билади, у бутунлай бошқа нарсани ўйларди — унинг юклари қаерда, йўл-йўлакай анави ерда қолдирганми ёки бу ерга олиб келганми? Йўлакда кўринмовди, лекин чамадонларни ўзининг хонасига киритиб қўйган бўлиши мумкин. У Ксенияга тикилиб, унга ҳеч нима демаслик зарурлигини тушунди. Аслида сенга ўзини қайтариб олишни таклиф этувчи сўз оғзидан чиқиб кетган аёлнинг тавба-тазарруғига «йўқ» деб жавоб бериш — ортиқча шафқатсизлик демакдир, ортиқча шафқатсизлик эса — бу оламда энг қабиҳ нарсалардан биридир. Шундай тушунмаслик керакки, кейинчалик унга буни кўзда тутмаганлигига ўзини ишонтириш осон бўлсин. У кута-

ётган «ҳа», ўзи унга айтгиси келмаётган «йўқ» дейиш ўрнига Ксениядан Москвага неча кунга келганини ва қаерда яшамоқчи — у ерда, Евгений Алексеевичникидами ёки бу ерда, ўзининг хонасидами, шуни суриштирди.

— Бу сенга боғлиқ, — йиги билан бошланган суҳбатнинг давоми бўлмаслигига ҳамон ишонмай деди у.

— Нега менга боғлиқ бўларкан? Ўзингга маъқулини қилавер.

— Менга энди бу ерда, Москвада қиладиган ишим қолмади. Агар у... — Евгений Алексеевич ҳақидаги «у» адоват билан айтилди: — уруш тугамагунча бирор нима қилишни истамас экан, сен бўлсанг нимани хоҳлашингни ўзинг ҳам билмаганингдан кейин мен бир ўзим буларнинг ҳаммасини ўз зиммамга ололмайман. Командировка қоғозига белги қўйдираман-да — энди мен ёрдамчи таркиб артисти бўлсам ҳам барибир, уларга Москвадан янги пьеса олиб боришим керак, мендан бошқа ҳеч ким бунинг уддасидан чиқолмас экан — билет топиб жўнаб кетаман.

— Юкларинг қаерда, шу ердами ёки у ёқда?

— Шу ерда. Нимаиди? — сергак тортиб сўради у.

— Агар у ерда қолдириб, ўзинг шу ерда яшашга аҳд қилган бўлсанг, юкларингни олиб келишга ёрдамлашай, деб ўйлагандим.

— Йўқ, шу ерда, — деди Ксения. — Мен шу ерда қолмоқчиман. — У яна такрорлади: — Нимаиди?

— Сенга халақит бермаслик тун билиб қўймоқчи эдим.

— Сен менга халақит бермайсан, мен сенга халақит беряпман.

Сен унга халақит берасанми ёки у сенга халақит берадими — булар шунчаки бир гапи эди, бу гапнинг ортидаги ҳақиқат тўппончаси эса шундан иборат эдики, улар — яқингинада шу квартирада, гоҳида бир хонада, гоҳида бошқа-бошқа хонада бир неча йил мобайнида бир каравотда ётган собиқ эр-хотин — уч йиллик танаффуздан кейин яна шу квартирада тунни ўтказишлари ва у жўнаб кетгунча яна бир неча кун шу ерда истиқомат қилишлари, учрашишлари, девор ортидан бир-бирларини эшитиб туришлари лозим эди. У ўтмиш ҳақидаги хотирасига асосланиб шу ерда, мана бу квартирада оқшомнинг қолган қисмини қандай кечишини, қандай бошланиб, нима билан давом этиши ва яқунла-

нишини якқол тасаввур қилолди. Шундан кейин эртанги тонгни, айни тонгни ва умуман шунинг ортидан келадиган ҳамма бемаъниликларни ўзича тасаввур қилди ва буларнинг ҳаммасини ҳали ҳам тасаввур қила олишини билиб ўзини қойиб қўйди. Элликка яқинлашиб қолган кишининг йўлдан озишидан кўра аҳмоқона иш йўқ.

— Мана бундай қиламиз, — деди у ниҳоят. — Ҳозирча сен шу ерда экансан, мен бошиқа жойда яшаб тураман, борадиган жойим бор.

— Лекин менинг ҳам борадиган жойим бор, мен ўшоққа кетишим мумкин. Агар истасанг, — Ксения жилмайиб қўйди, — сени йўлдан оздирмаслик борасида тилхат беришим мумкин.

— Раҳмат, лекин ўзимдан хавфсирайман-да, — кулгидан ўзини тиёлмай деди у ва Ксенианинг кўзларида таниш ифодани кўриб жиддий равишда шоша-пиша деди: — Яхшиси, қариганда бу квартирада яна бир танмахрам орттирмай қўяқолай. Сенинг Евгений Алексеевичинг менимча квартира масалангни уруш тугашигача қолдириб тўғри иш қилмаган. У билан бирга кузда келсанглар, тўпланиб буни қандай ҳал этишни муҳокама қиламиз.

Лопатин, деярли сездирмай Ксенияни у хаёлан тарк этган ҳозирги эрига қайтарди.

Ишни кутилмаганда чаппасига айланиб кетишидан гангиб қолган Ксения Лопатин яна бир нима дейишини кутиб ўтираверди.

— Энди мен борай, — деди охириги сўзини айтиб ва йўлакка чиқиб шинели билан фуражкасини кийди.

Ксения унинг ортидан чиқди-да, қўлларини кўкрагига қовуштириб деворга суянди.

— Ростданам ҳозир борадиган жойинг борми?

— Ҳа, бор. — У бугун Гурскийнинг бошига бало бўлишга тўғри келишини хаёлидан ўтказди. Кейин бир гап бўлар.

— Сен бирор аёлникига тунагани кетяпсанми? — сўради Ксения маъюслик билан.

— Эҳтимол, шундай.

— Мен ҳам шуни ўйлагандим, — ҳамон маъюслик билан деди Ксения.

— Ҳа, кечир, илтимос. — У кабинетига кириб стол устидаги узоқ танаффусдан кейин дастлабки хотирани вокзалдан қайтиб келиб ёзмоқчи бўлган кундалигини олди ва Гурскийни ўйлаб тортмани пайпаслади-да, ҳар

эхтимолга қарши олиб қўйган яримта ароқни чиқарди. Ҳар иккаласини шинелининг чўнтагига солиб, папиросга қараб қўйди, лекин олмади — иродасига зўр берди. У яна йўлакка чиққанида Ксения ҳамон қўлларини кўкрагига қовуштирган ҳолда деворга суяниб турарди.

— Хайр энди.

— Хайр,— шипга қараб эшитилар-эшитилмас деди у.

Ташқарига чиққанида Ксения эшик ортида йиғлангандек туюлди унга.

— 11 —

Лопатинни бир пайтлари бойларники, энди эса чорак асрдан бери коммунал квартирага айлантирилган Гурский яшаётган уйнинг йўлагига Берта Борисовна кутиб олди.

— У ҳали келгани йўқ! Кетяпман, деб икки марта қўнгироқ қилган бўлса ҳам ҳамон дараги йўқ! Келаверинг, келаверинг, чой қуйиб бераман.— Гапидан тўхтамай Лопатиннинг олдига тушиб олиб ўзига таниш бўлган — усти ёпиқ бозорга ўхшаш икки томонига стол, столча, шкаф, жавон, велосипед, чанги, сандиқ, оёқ билан ишлатиладиган тикув машинкаси қўйилган — кенг хоналарга сиғмаган бошқа ҳамма нарса қўйиб ташланган кенг йўлка бўйлаб йўргалаб кетди.

— Ниночкангизни яхши кузатиб қўйдингизми? Бечора қизча, қандай кетдийкин? Ёнидагилар дуруст одамларми? Вагон ифлос бўлса керак-а? Яхшиям ҳозир ёз, қиш эмас, тўғрими?— Лопатинга жавоб беришга имкон бермай суриштирди Берта Борисовна уни стол ёнига ўтқазиб чой дамларкан.— Агар менинг ўғлим эмас, қизим бўлганида юз марта ўлиб юз марта тирилган бўлардим. Нега сиз хотиржам ўтирибсиз? У йўлда пайтида мен минут сайин ўрнимдан ирғиб турган бўлардим.— Берта Борисовна ўзининг гапидан ўзи кулиб юборди ва Лопатин ҳам кулаётганини кўриб мамнун бўлди.— Ниночкангиз билан бирга кетаётганлар яхши одамларми, деб нега сўраяпман? Нега энди ёмон одамлар бўларкан? Кўчирув жойидан бу ёққа келаётганимда шунақаям яхши одамлар даврасига тушиб қолдимки, айниқса, бир аёл. Москвада у меникига келмагунча



уни росаям соғиндим. Энди у бизникига тез-тез келиб турганидан Борянинг ҳатто жаҳли чиқяпти.

— Ешми?

— Менимча, ёш, аммо Борянинг айтишича, унчалик эмас. Эркаклар нимагадир ҳаммавақт аёлларни ўзларидан анча ёш бўлишини хоҳлашади. Сиз шуни сезганмисиз?

— Сезганман,— деди кулиб Лопатин,— лекин менда бу икки марта муваффақиятсиз чиқди.

— Учинчи марта уриниб кўринг. Ё энди истамайсизми?— У гапириб туриб Лопатинга чой қуйиб берди-да, ниҳоят ўзи ҳам ўтирди.

— Ўзингизга-чи?— Лопатин унинг бўш чашкасига имо қилди.

— Мен Боряни кутаман. У қўнғироқ қилиб уч жуфт пайпоқ тайёрлаб, дастрўмол, иштон ва майкани дазмоллаб қўйишимни илтимос қилгани мени бироз хавотирга соляпти. Гўё буларнинг ҳаммаси ювилмаган ва дазмолланмагандек! Борянинг дадаси билан кўчиб борганимиз Барнаулда яшаган пайтимизда биз ҳам хавотирланардик. Аммо, ўзингизга маълум, икки кишилашиб хавотирланганда ва ҳаммавақт бир-бирига: «Илтимос, ташвиш чекаверма!» деб турганида бир оз осонроқ бўларди.

Бунақа ўйлаш бемаънилик-ку, лекин менга нимагадир энди мен бу ерга келганимда у бошқа ҳеч қачон бормайдигандек туюларди.

— Нима ҳам қилардингиз, унинг бунақа жўнаб кетишларига кўникишингизга тўғри келади,— деди Лопатин.— Мухаррир унинг бирор ёққа боришини ёқтирмайди, чунки у шу ерда керак, аммо, менимча, уруш тугагунча фронтга бир неча марта бориб келади. Сизнинг ўрнингизда менинг марҳум онам бўлганида нима дейишни билмай қолардим-у, лекин бунақа пайтда тўғриси айтгани маъқул.

— Агар Боря бу ҳақда сиз билан гаплаганимизни билиб қолса мендан росаям жаҳли чиққан бўларди! Сиздан ҳайиқмайман-у, аммо ундан кўрқаман.

— Мен ҳам кўрқаман,— жилмайиб қўйди Лопатин.

У кулиб чойнакни ушлаб кўрди — чой совиб қолмаганмикан? Берта Борисовна нима деса ҳам, нима иш қилса ҳам, барибир, хаёли ўғлида бўларди: у яна неча минутдан кейин келаркин, шошилиш тарзда зарур

бўлиб қолганидан телефонда айтган ўша уч жуфт пайпоқ, ичкийим ва рўмолча хусусида нима деркин?

— Совиб қолган чойни хуш кўрмайди,— деди Берта Борисовна.— Жудаям қайноқ чойни ҳам ёқтирмайди...

— Инжиқлик қилишидан хурсандмисиз дейман?

— Гапингиз тўғри, у бир оз инжиқроқ. Лекин жудаям меҳрибон.

— Буни ўзимга қилаётган муомиласидан билман,— деди Лопатин ва онасининг орт томонида, эшик ёнида турган Гурскийга кўзи тушди. У уйда эмас, балки редакцияда сақлайдиган ва фақат фронтга кетаётганда киядиган ҳарбий формада эди. Лекин даража белгилари бўлмаган гимнастёркада кўришга одатланган йигитнинг елкасида бу сафар капитанлик юлдузчалари қадалган погонда келиши Лопатин учун кутилмаган воқеа бўлди.

— Ўйлашимча, мени роса мақтадинглар. Д-давом эттиришингиз мумкин.

— Эшитганингни ўзи етади,— деди Лопатин.— Капитанлик унвони билан табриклайман! Барибир қутилмабсан-да, муҳаррир аскарликка олиб тўртта юлдуз берибди-да!

— Менга яхшиси минус бешим ўрнига б-бошқа кўз қўйса бўларди! Охирги марта Руминияда хушёр подполковниклардан бири мени даража белгиларисиз кўриб қолиб қамоққа олмоқчи бўлувди. Шунда муҳарриримизнинг жаҳли чиқиб, сени капитан қилмай қўймайман, деганди. Мана ўша гапнинг натижаси.

— Чой ичасанми?— сўради Гурскийдан онаси.

— Тушликда ҳаммасини адои-тамом қилганимиздан кейин чой ичишга тўғри келади-да. Капитан бўлиб олганимдан кейин муҳаррирда борлигини билиб уни юзта-юзта қилишга кўндирмоқчи бўлувдим, коньяк сени қайтиб келишингни кутақолгани маъқул, деди.

Берта Борисовна ўғлидан қаёққа отланаётганини сўрашини кутганди Лопатин, лекин у буни суриштирмай чой қуябошлади.

— Қаерга ва неча кунга кетяпсан?— унинг ўрнига сўради Лопатин.

— Ҳозирча бир ҳафтага дейилган, б-борадиган манзилим — Ленинград, транспорт воситаси — Гурский соатига қараб қўйди,— эллик икки минутдан кейин кўзголадиган «Красная стрела» поезди. Сен танийдиган фронт мавзуидаги фотоэтюдлар устаси Виктор

Брагин пастда «Виллис»да ўтирибди. Мени вокзалга олиб бориб қўйганидан кейин ўзи машинани Ленинград томон елдиради.

— Нега уни чойга таклиф қилмадинг?— сўради Гурскийдан онаси.

— Т-таклиф қилувдим, аммо мен фақат ўз ўрнида ишлатадиган одеколондан бошқа ҳеч қандай спиртлик ичимлик йўқлигини билиб вақтини б-беҳуда сарфлагиси келмади. Ойижон, илтимос, сизни кўргани Барнаулга борганимда фойдаланган чамадончага у-буларни сола қолинг. Сизга айтганларимдан бошқа яна ботинка, костюм, кўйлак ва галстук ҳам солиб қўйинг. Мен у ерда, Ленинградда театрга бораман. Албатта, чамадонга буларни ўзим ҳам солишим мумкин-у, аммо буни сиз ўрнига қўясиз!— У Лопатин томон ўгирилиб деди:— Сени бу ерда кўраман, деб ўйламагандим. Лекин ҳаммасига тушундим. Собиқ умр йўлдошинг келган, шундай эмасми?

— Тўғри тушунибсан,— деди Лопатин.

— Шунга ҳаракат қилияман. Оддий мантиқ ва истисно этиш усули. Кўп турарканми?

— Бир неча кун.

— Ойи, мен Ленинградда бўлган пайтимда, илтимос, Лопатинга оналарча меҳрибонлик кўрсатинг. У б-бизникида яшайди, унга ғамхўрлик қилинг, у билишимча, емишнинг ташвишини қилади. Ўзи анча инсофли одам, ҳеч нимани яширмасангиз ҳам бўлади. Уйига собиқ хотини кепти, агар Лопатин унга яна уйланиш ниятида бўлмаса, қаердандир бошпана т-топиш керак. Келишдикми?

— Шуям гап бўптими, Боря,— деди нариги ҳонадан Берта Борисовна.— Албатта-да. Лекин шунақаям бўйинбогинг кўпки, қай бирини танлашни билмаяпман...

— Кўнглингизга ёққанини солаверинг. Уч жуфт пайпоқ ҳам. Тезроқ бўлинг, жўнаш вақти бўлди.

У Лопатин томон ўгирилди.

— Сени вокзалга кузатиб қўяман,— деди Лопатин.

Гурский бош ирғаб қўйди. У шундай бўлишини кутганди.

Гурский хайрлашиб онасини ўпди. Тахминан қачон қайтишини сўрагани, бунга жавобан қўлидаги чамадонини ерга қўйиб уни яна қучоқлаб олди.

— Зап оқиласиз-да. Ўрнингизда бошқа аёл бўлга-

нида мени саволларга кўмиб ташларди. Уч жуфт пайпоқ менга, одатда, бир ҳафтага етади.

— Қаёққа кетяпсан ўзи? — сўради Лопатин зинадан тушаётганларида.

— Боя айтганимдек, Ленинградга. Аммо шунчалик шошилишчи бўлишгани ва бунинг сабабини тушунтирмасликларига қараганда у ерда менга ҳарбий ҳаракатларни бошлашга тўғри келади, деб ўйлаяпман. Онам мени театрларга тушиш учун Ленинградга кетяпти, деган фикрга бораётгани йўқ. У жудаям б-боадаб аёл, у қайси пайтларда табиий эҳтиёжини қондириб, минутига учта савол бериш мумкин-у, қайси пайтларда умуман савол бермасликни яхши билади. Б-Берта Борисовна сенга туюлганидек, анчайин содда эмас, мен йўғимда сенга исталган м-масалада, ҳатто собиқ хотининг амалга ошираётган ётиб қолгунча отиб қолиш хусусида ҳам оқилона маслаҳатлар б-бериши мумкин.

Лопатин қоронғи зинапоёда Гурский ўзининг сезирлигидан кулиб қўйганини сезди.

— Агар ростдан ҳам бу ётиб қолгунча отиб қолиш бўлса, онанг менга қандай маслаҳат берган бўларди?

— Менинг т-тушунишимча, битта эркак битта аёлга икки марта уйланмаслиги лозим, деган б-бўлардим.

Улар «Виллис»га ўтириб, вокзалга етиб боргунлари-ча бу мавзуда гаплашишмади. Олдинги ўриндиқда, шофернинг ёнида одатдагидек, неча кассет борлигини санамоқчи бўлиб қўлини қопчиққа тикқан ҳолда гаплашаётган Гурскийнинг сафардаги ҳамроҳи — ўтган йилнинг баҳорида Лопатиннинг мактубини Тошкентга етказган Витька Брагин ўтирганди. Зинапоёда бошланган суҳбатни унинг олдида давом эттирилари келмади. У ўзининг қопчигини титкилар, Лопатин билан Гурский эса орқада ўтириб индамай кетишарди.

— Сизни анчадан бери кўрмагандим, Василий Николаевич, — деди Брагин вокзалга етиб боргач, Лопатин билан Гурский «виллис»дан тушаётганларида. — Тошкентдаги ишларингиз қалай, жойидами? Ўшанда бекорга овора бўлмаган эканманми?

Лопатин ҳеч нима демади, ўзини эшитмаганга олди. Одатда, гўё бу энг ёмони шу бўлганидек, юрагимда асорати қолди, деймиз алам билан. Аммо шу асоратни ҳозир қилгандек мана бундай силкитиб юракнинг энг тубидан юқорига чиқариш бундан бешбаттар оғир бўлади.

— У соддалик билан айтган бошқа-бошқа маънодаги «жойида»ни қ-қандай тушунса бўлади?— ўзи хабарсиз қолган гапни бошқа бировнинг билишини ёқтирмайдиган Гурский улар перронга чиққанларидан кейин сўради рашки келиб.

— Ҳа, шунчаки бир гап.. Бир пайтлари ундан Тошкентга хат бериб юборгандим, шу холос.

Ўтган йилнинг баҳорида Москвага қайтиб келгач, юрагидагини тўкиб соладиган ягона одам Гурский бўлиши мумкин эди-ю, аммо ўша пайтда у фронтда эди. Фронтдан қайтганидан кейин эса ҳаммасига нуқта қўйилган ва Лопатин ҳатто унга ҳам бўлиб ўтган воқеаларни гапириб бергиси келмаганди.

— Қизиқ, собиқ д-дўстинг у ерда қандай яшаётганикин? Ксения гапириб бермадими?— сўради Гурский улар неча марталаб баҳслашишган Вячеслав ҳақида. «Собиқ» тавсифи бундай одамдан воз кечиш мумкинми ёки мумкин эмаслиги хусусидаги баҳсларнинг акс-садоси эди. Гурскийга қанчалик меҳрибон бўлишига қарамай, Лопатин ундаги рашкли шафқатсизликни ёқтирмасди.

— «Собиқ дўст» сўзининг бирикмасига, у, айниқса, ҳозир келишмаган гап бўлса ҳам, одатланмаганман.

— Урушдаги танаффусли дўстлик, сенингча, чин дўстликми?— сўради Гурский.

— Сен ўзингча ҳақсан, аммо, менимча, у қўрққанидан эмас, балки энг оғир пайтларда буталар орасида яшириниб юриб, ишлар юришиб кетганда «ура» деб бақириб чиқишдан уялаётгани учун урушга юборишларини сўрамаган.

— Сабр қил... Чет элга ўтайлик, ўшанда қандай қилиб уятчанглигини енгишини к-қўрасан.

— Бошқа кимдир шундай қилиши мумкин,— деди Лопатин.— Лекин у бунақа қилмайди.

— Ҳа, майли фактларни т-текширгунга қадар бу гапни қўятурайлик. Ҳар ҳолда сен Тернополь остонасида бўлганингда, мен уч кунга — биялпсанми, атиги уч кунга — биз буржуа Европасига қадам қўйган Руминиянинг шимолий вилоятларига боргандим. У ерда сенга таниш бўлган адабиёт намоёндаларидан б-бирини ёнида ўлжа тўппонча билан яп-янги формада учратиб қолиб, қ-қирқ биринчи йилнинг октябридан бери ҳеч қаёққа чиқмай яшаётган Куйбишевдан у ерга қандай қилиб етиб борганига ҳайрон қ-қолдим...

— Ўшани учратдингми, ўшани қоралайвер.

— Сен мендан аччигланма. Сенга одамлар ҳақида яхши томонларини — аслида бундай бўлмаса ҳам — ўйлашдек кўнгилли имкониятни қолдириб, ўзимга мувозанатни сақлаш учун аксинча ўйлашдек пошукр вазифани олдим, бор-йўғи шу холос. Сен бугун анчайин бошқачасан. Нима гап ўзи?

— Ҳаммаси бир келди, — деди Лопатин. — Опамга ачинаман, Нинанинг жўнаб кетгани юрагимни сиқяпти. Ксениянинг даб-дурустан келиб қолгани аҳмоқона иш бўлди, бунинг устига сени кузатяпман. Бундан бир соат олдин булар хаёлимга ҳам келмаган.

Улар состав бўйлаб перронда юришарди. Гурский биринчи вагонда кетади, лекин бу вагон биринчи эмас — у билан почта вағони орасида яна битта хизмат вағони бўлиб, унинг олдида ҳарбийлар уймаллашиб туришарди.

— Биз каби ҳарбийлар анчагина экан, — деди Гурский. — «Красная стрела» мен учун ёшликнинг ва урушдан аввалги ниманидир тимсоли бўлиб туюлади. Унда ҳатто аллақандай бир сир бордек ҳеч одамнинг уйқиси келмасди ва нуқул вагон йўлагиди қандайдир гўзал бир аёлни учратадигандек, умуман аслида фақат б-бутерброд билан икки юз грамм коньяк пайдо бўлса ҳам бирорта ажойиб воқеа юз берадигандек туюлаверарди кишига. Аммо, барибир, вақт ўтиб борар, мана бу ғалати ирим давом этаверарди. Кўпчилик бир-бирини «Красная стрела»га кузатиб қўйишни яхши кўрарди. Шундай эмасми?

— Ҳа, энди кузатувчилар озайиб кетган, — деди Лопатин. — Составлар ҳам урушдан аввалгига қараганда анча қисқарган. Менга айтишларича, темир йўл изларининг анча мазаси кетибди. Фақат анча туриб қолган айрим жойларда эса поездлар умуман ўрмалаб қоларкан.

— Завқсиз одамсан-да, — деди Гурский. — Сабр қил, чамадонимни қўйиб тушаман.

— Мана шунақа-да, — деди у вагондан енгилгина сакраб тушиб, — п-проводник аёл билетимни олатуриб мени танимадиям ва «Урушдан олдин сизни танирдим!» демадиям. Мен уни т-танидим, фақат кексайиб, хунуги чиқиб кетибди. Атиги ўттиз ёшда нега бунчалик кексайиб, хунуклашиб к-кетганинкин? Ундан буни суриштириш эмас, балки ўйлашнинг ўзи даҳшат. Мана

шу уч йил мобайнида тақдири не кечгани биргина худонинг ўзига аён. Кексайиб хунуклашган аёлларга ачинаман.

— Қизик, бизникилар қаерда бошлашаркин — Карелия бўғозидами ё яна бошқа бирор жойдами? — атрофга қараб олиб секин сўради Лопатин.

— Илтимос, урушни ўз ҳолига қўй. Биз уруш одамимиз ва шундайлигича қоламиз, аммо ҳозир у ҳақда зигирча ҳам гаплашгим келмаяпти. Мен сендан хавотирдаман. Сенда ҳозир ёлғизлик зўриққан пайт ва шу боис Ксениянинг келгани менга ҳечам ёқмаяпти. Кишида ёлғизлик зўриққан пайтда у гирт аҳмоқона ишларга мойил бўлади. Илтимос, мен қ-қайтиб келгунимча бунақа ишга қўл урма.

— Хотиржам бўл — қўл урмайман.

— Агар ўзим шундай қилмаган бўлганимда сендан хотиржам бўлишим мумкин эди. Ўша иш учун шу п-пайтгача ўзимни кечиролмайман. Мен чиндан ҳам уйланишим лозим бўлган ягона аёлга уйланишим мумкин эди-ю, аммо лаънати ёлғизлик зўриққан пайтда у эмас, балки мен уйланмаслигим лозим бўлган аёл тургани сабабли унга уйланолмадим. Оқибатда р-рўпарангда, қадимда айтишларича, шахсий зарурат бўйича дуч келган отда бир бекатдан иккинчи бекатгача саёҳат қилувчи ёши ўтиб қолган э-эркак турибди. Ёлғизлик унчалик ёмон эмас-у, лекин чегарасини билиш керак. Сенда эса, менимча, мапа шунақа хавфли вазият юзага келган. Илтимос, ҳеч қандай ортиқча сўзнинг ҳожати йўқ. Агар мен раҳм-шафқатга муносиб бўлсам, ўзингда қолдиравер.

Поезд ўрнидан қўзғалди. Гурский вагонга чиқди-да, юқори зинасида туриб, Лопатин томон ўтирилди.

— Яримта ароққа сен муносибмисан? — сўради Лопатин вагон билан ёнма-ён юриб.

— Муносибликка муносибман-у, лекин сенда йўқ-да...

Лопатин шинелининг чўнтагидан шишани олди-да, вагон билан ёнма-ён юриб уни Гурскийга узатди.

— Мен шунчаки бир беор эканман. Сен билан индамай ичиш ўрнига эзмалик қилиб ўтирибман. Лекин ўзимни жазога маҳкум этиб, бунга қўл текказмай, қ-қайтариб олиб келаман...

Поезд тезликни ошириб, Лопатин ярим вагон ортда қолгач, Гурский бошини чиқариб қичқирди:

— Агар ойим сени менинг хонамга жойлаб, ўзи даҳлизда ётса, у билан баҳслашиб ўтирма. Онам билан умуман баҳслашма, чунки нима қилиш кераг-у, нима қилиш керакмаслигини у биздан кўра яхши билади.

Поезд борган сайин тезлигини оширарди. Вагон ортидан югуриб зинада тутқични ушлаб эгилиб турган лейтенантга нимадир деб қичқираётган ёшгина аёл Лопатинни ағдариб юборишига сал қолди, кейин эса ўзи ҳам икки қўли мажолсизланди, перрон ўртасида қимирламай туриб қолган, кўзларида ёш бошқа аёлга урилиб кетай деди.

Шунда у одатда уйланмасликка ҳаракат қиладиган фикр— мажолсиз перронда турган мана бу аёл ҳам, ҳамон вагон ортидан югураётган анави ҳам, ўзи ҳам, ҳаммалари урушдан аввалгига ўхшамайдиган «Красная стрела»да бугун Ленинградга жўнаб кетаётганлар билан энди ҳеч қачон дийдор кўришмасликлари мумкинлиги хаёлига келди.

-- 12 --

Ксения ўзининг айтишича, театр учун пьеса излаб Москвада ўтказган беш куни мобайнида Лопатин у билан яна икки марта учрашди.

Биринчи мартасида у Гурскийникида тунаб, барибир ўзининг квартирасига бориши шарт эканини фаҳмлаб қолди, чунки кеча кечкурун дафтар билан яримта ароқдан бошқа ҳеч нима, ҳатто эҳтиётдан битта кўзойнак ҳам олмаганди.

Муҳаррирнинг буйруғига кўра, эрталабдан госпиталга бориб, врачларнинг айтишича, агар лозим бўлиб қолса ўзини соғлом ҳисоблаши мумкин бўлган даражада бехатар кўкрак қафасини рентген қилдирди-да, госпиталнинг ўзидан уйига қўнғироқ қилди.

У кутганича, Ксения телефон ёнига келмади. Соат эрталабки ўн бир, Ксения, балки Москва бўйлаб югургилаб юрган бўлса ажабмас. Жуда яхши, госпиталдан редакцияга кетаётганида, йўл-йўлакай редакциянинг «эмка»сида уйига ўтиб, буюмларини чамадонга жойлайди-да, ўша онда Гурскийникига элтиб қўяди.

Бироқ Ксения уйда бўлиб, серадоват, совуқ кайфиятда экан. Бир пайтлари бунақа кайфият икки-уч кун-



гача, навбатдаги шовқин-суронли жанжал ва кўзёши тўкишгача етишини Лопатин яхши биларди.

Ҳозир бунақа қилигининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди-ю, лекин тарки одат амри маҳол эди.

— Кечирасан, сени учратаман, деб ўйламагандим. Қўнгироқ қилувдим, ҳеч ким жавоб бермади.

— Телефон сеники, менга тегишли эмас. Мен унга яқинлашмайман.

Телефон хусусида, албатта, унинг гани ёлгон. Аксинча, ҳозирги эрининг квартирасида телефон йўқлиги сабабли шу ерда қолишни афзал кўрган. Аммо жанжални бошлаб олиш учун ўз-ўзидан мана шунинг ўзи етарли. Телефон борасида унга бир нима деб жавоб бериш жанжалнинг боши эканини билган Лопатин гинг демай кабинетига ўтди-да, буюмларини йиғиштиришга киришди.

— Барибир, ўзгалар уйда дарбадар бўлиб юришни афзал кўрибсан-да, — деди Ксения кабинетнинг очиқ эшигидан. — Мен бўлсам кечаги суҳбат энди такрорланмаслигига ақлинг етади, деб ўйлабман.

Лопатин индамай буюмларини чамадонга жойлаверди.

— Мен бугун эрталабдан, — ҳамон очиқ эшик ортидан гапирарди Ксения, — балки сенга қулай бўлсин учун у ёққа, Евгений Алексеевичникига ўтишни чамалаб қўйдим-да, кейин сенга эрк бермасликка аҳд қилдим. Чунки, мен эмас, сен мен билан беш кун бу квартирада туролмаяпсан! Агар сенга ёқаётган бўлса, марҳамат, дарбадарлик қилавер. Сен билан яшаган пайтимда феъл-атворингга етарли даражада чидаб келдим, энди бунга ҳеч қанақанги важ йўқ. Ҳеч қанақанги важ! — Лопатин қўлида чамадон билан кабинетидан чиққач яна бир марта такрорлади у.

— Турган гап, — мулойимлик билан деди у ва эшик томон юрди.

— Хонангни қулфлаб кетишни унутма, акс ҳолда ўзинг бирор жойга тиқиштириб қўйган ёки унутган бирор ниманг йўқолса, мен айбдор бўлиб қоламан.

У ҳеч нима демай, ташқари эшикни очди.

— Балки, ҳеч бўлмаганда хайр дерсан?

— Албатта. Энди айтмоқчи эдим. Хайр!

У эшикни ёпишга улгурмай, Ксениянинг ўзи ичкаридан тарақлатиб ёпди.

Шу йўсинда ўтган эрталабки учрашувдан кейин

Лопатин ҳеч бир кутмаган бир пайтда, Ксения жўнай-диган куни— бу сафар ҳам эрталаб яна бир учрашув бўлиб ўтди.

Лопатин Гурскийникида яшаётганини у қаёқдан билақолганини суриштириб ўтирмади. Редакцияга кўнғироқ қилганида кимдир айтгандир-да.

— Василий Николаевич, қандайдир бир аёл сизни телефонга чақиряпти, — Лопатин ухлаётган хонанинг эшигини қия очиб деди Берта Борисовна. — Мен унга ухлаб ётганингизни айтсам ҳам сизни уйғотишимни айтди. Агар сизни уйғотмасам, пушаймон еб қолишингизни айтди.

— Агар пушаймон ейдиган бўлсам ҳозир чиқаман.

У шимини кийиб оёғига Гурскийнинг шап-шапини илиб чиқди-да, гўшакни қулоғига тутди.

— Илтимос, уйғотганим учун кечирасан, — деди Ксения, — лекин бир соатдан кейин жўнайман, сен зарур бўлиб қолдинг. Атиги бир неча минутга, аммо жудаям зарур.

— Зарур бўлса, ҳозироқ кийиниб бораман, — деди Лопатин ва шоша-пиша соқолини қиртишлаб, ярим соатдан кейин унинг ҳузурига етиб борди.

Ксения кўринишидан аллақандай озор чеккан аҳволда эди. Даҳлизда иккита чамадонни тайёрлаб қўйган, ўзининг юзи сўлғин, кўзларининг ости кўким-тир тусга кирган эди.

— Касал эмасмисан?

— Касалман. Йўл олдидан бир оз ўтирайлик. — У чамадонга ўтириб иккинчисига уни таклиф қилди: — Ўтир!

— Ҳечқиси йўқ, туравераман.

— Илтимос, ўтир, оёқларим титраб кетяпти.

Лопатин ўтирди-да, унга тикилиб, чиндан ҳам бу гапни ҳақиқатдан йироқ эмаслигини билди.

— Нима бўлди?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ... Бундан ташқари, мен ўз уйимдан жўнаб кетяшман-у, нимага, нима учун ва кимнинг олдига боришим маълум эмас. Сен бу ҳақда кейинчалик бошқа бировдан эмас, балки ҳозир, шу ерда менинг ўзимдан эшитишингни истайман.

Лопатин унга тикилиб ўтириб Ксения нималарни исташини тушуна борди. Бир пайтлари унинг бошқа одамга турмушга чиқиб кетишида Лопатин айбдор, деб билишни истарди. Эндиликда эса у ўша одамниқига

қайтиб боришига ҳам Лопатин айбдор бўлишини хоҳларди. Шу холос! Ксения ўзининг ҳақ бўлиб чиқишини, унинг эса ноҳақ бўлишини истарди. Лопатин шуни билиб турса ҳам, барибир, унга ачинарди. Бутун умр бўйи, ҳаммавақт ва ҳамма нарсада бошқаларни эмас, балки ўзини ноҳақ ҳисобламайдиган одам ҳам ўзича бахтсиз ҳисобланарди.

— Ишларинг қалай? Мўлжалланган ҳамма ишларингни битирдингми?

У афтидан айтайми-айтмайми, дегандек бир оз иккиланиб қолди.

— Ҳа, битирдим! Мўлжаллаганимни ҳам, мўлжалламаганимни ҳам. Сиз эркаклар биз ҳақимизда ўзаро гаплашганларингдек, театримиз учун пьесани тиланиб олаётганим киши билан бугунги тунни ўтказдим. Энди бу пьесани мени буюққа юборган эримга олиб бориб бераман. Бундан ҳеч қанақанги қониқиш ҳосил қилмадим. Лекин пьесани олиб кетяпман. Агар ўшанда, биринчи куни менга нисбатан зиғирдек одамгарчилик қилганингда ва шу ерда қолганингда бунақа воқеа юз бермаган бўлишини билиб қўйишингни истайман. Биз ҳозир шу чамадонлар устида мана бундай рўпарамарўпара ўтирмаган бўлардик. Одатдагидек ҳаммасига мен айборман, сени эса, одатдагидек, ҳеч қандай айбинг йўқ. Шу холос!— У ўрнидан турди.— Энди менга оқ йўл тилашинг мумкин...

«Ҳа албатта,— ўрнидан туриб унга рўпара бўларкан ўйлади Лопатин.— Бу ёққа келганингда сенинг ҳозирги эринг, кечаги тунни учинчи бошқа бир одам билан ўтказганингда собиқ эринг айбдор. Барибир, кўпдан бери кўникиб қолинган мантиққа қарамай, унинг кўзларида аллақандай бир нима бор... Гўё илгари сен учун унчалик бахтсиз туюлмаган-у, бу сафар чиндан ҳам бахтсиз экандек, гўё сен қўққисдан ўзингни камситилган каби ҳис этаётганингда, бундан ҳеч ўзингга келолмаётгандек эди. Мен ҳатто ҳозир сенга ишонмай ва сен билан узоқ ўтказилган умр берган ҳуқуққа эга бўлатуриб, барибир, сенга ачинапман».

— Агар истасанг, сени кузатиб қўяман,— деди у овозини чиқариб.

— Сенсиз ҳам кузатиб қўйишади,— деди Ксения.— Чамадонларимни ҳам олишади, машинага ҳам олиб чиқиб қўйишади, вагонга ҳам ўтқизишади, агар рухсат берсам ўниб хайрлашади ҳам... Буларнинг ҳаммаси

сенсиз ҳам қилинаверади. Сендан кўра яхшироқ қилишади. Нималар деяпман-а, ахир сени бунинг учун чақирганим йўқ, сенга айтмоқчи бўлганим... энди нима демоқчи эканимни ҳам ҳатто унутиб қўйдим. Балки, шунчаки хайрлашмоқчи бўлгандирман.

У одатдагидек қўлини ўптириш учун Лопатиннинг лаби томон кўтармади, балки иккиланган кўйи оддийгина қилиб хайрлашди. Лопатин ҳамон унга ачиниш туйғуси билан қўлини сиқиб эшикдан чиқди. Ксениянинг олдига келганидан бери унга йигирмата ҳам сўз айтмаганини у зинадаёқ фахмлаб қолди.

Уларнинг иккинчи, аниқроғи учинчи учрашуви шу йўсинда тугаганди. Шундан кейин Лопатин ўзининг уйида яшаш учун қайтмоқчи бўлди-ю, лекин қайтиб келмади. Гурский жўнаб кетганидан кейин эртаси кунинёқ Карелия бўғозида бошланган жанглар ҳақида ахборотлар берилди. Икки кундан сўнг эса «Красная звезда»да Гурскийнинг ўша жойдан ёзган биринчи мақоласи босилиб чиқди, кейин иккинчи мақоласи босилди. Шу босдан Лопатин ҳеч ўзини қўйиб юборишни истамаётган Берта Борисовнанинг гапига қўнақолди. Бу аёлда кимгадир ғамхўрлик қилишдек сўнгсиз зарурат бор эди. Лопатин билан кечқурунги суҳбатлар эса ўглидан олаётган хавотирликни бир оз четга суриб қўярди.

Муҳаррир Карелия бўғозида жанглар бошланиши билан Лопатинга эътибор бермай қўйди. Эҳтимол, ўшанда уни рентген ва ҳикоя масаласида шошириб, Карелия бўғозини назарда тутиб юрган. Аммо уни ўшоққа юборишга улгурмаган. Лопатиннинг ўрнига бошқалар жўнаб кетган, яқин кунларда эса бирон нима кутилмаётгани сабабли Лопатин билан иши бўлмади қолганди.

Лопатин бош кўтармай ёзган ҳикоядан бирор иш чиқмади. Аввалига муҳаррир норозилик билан афтини бужмайтириб қизил қалам билан шунақаям чизик тортиб ташлади-ки, бунинг оқибатида ҳикоянинг деярли ярми қисқариб кетди. Лопатин ўз сўзида туриб олгач ва Карелия бўғозидан бирин-кетин мақолалар кела бошлагач, муҳаррир энди унинг ҳикоясига газетада ўрин бўлмаётганини айтди.

— Бирор журналга берақол!

Лопатин ҳикоясини топшириб келди. Ҳозирча ҳеч кимга кераги йўқлиги учун у Гурскийникида ўтириб

кундалигини ёзди: фойдасиз ўтган кунларнинг ҳис-сасини чиқарди.

Бир ҳафтадан кейин кундалигидаги сўнги кам-кўстларини тўлдириб бўлди-да, иккита қалин дафтарни чилвир билан боғлади ва аввалги берганига қўшимча равишда буни ҳам пўлат қутига солиб қўйишни илтимос қилиш мақсадида муҳаррирга уч-рашди.

Муҳаррир дафтарларни олиб, қўлида салмоқлаб кўрди.

— Ўтган шунча вақт мобайнида кўпроқ ёзишинг ҳам мумкин эди. Госпиталда ётганингни ҳисоблаганда икки ойдан кўп бекор лақиллаб юрибсан...

У гапиратуриб дафтарларни пўлат қутига солиб қўйди.

— Аввалгилари каби бунда ҳам беадаб бирор нима бўлмаса керак, — жилмайиб қўйди у. — На аксил-инқилобий, на ҳақиқатдан йироқ ва на шарм-ҳаёсиз нарсалар? Менга панд бериб қўймайсанми?

— Аксилинқилобнинг йўқлиги аниқ. Шарм-ҳаёсиз гаплар хизмат пиллапоясининг барча босқичдаги бадий тангликнинг алоҳида эса қоладиган чўққиларини баён этаётганимда учрайди. Ҳақиқатдан йироқларининг борлиги эса турган гап. Бусиз қанақа уруш бўлади? Гоҳида орадан бир ёки бир ярим йилдан кейин таниш пиёдалар комбатини учратиб қоласан ва у ўз полкида овозини баланд қўйиб юрган, тирик ва ҳечам яраланмаган бўлади — бу, ахир, хаёлот эмасми?

— Сенга ҳавасим келади, — деди муҳаррир, — ёзаверасан, ёзаверасан-да, ахир бир куни китоб қилиб чиқарасан. Мендан эса фақат мана бу газета тахламлари қолади. — Муҳаррир ҳамиша қўл остида бўладиган, маълумотнома ёзиш, таққослаш учун кунига ўн марталаб олиб қўядиган тахламларга ишора қилди.

— Ўзингни бечораҳол қилиб кўрсатаверма, — деди Лопатин. — Урушнинг бошидан то охиригача бу газета тахламлари ҳали бизнинг китоблардан кўра қимматли бўлади.

— Бошидан то охиригача... Билмадим, ҳали бу ҳақда ўйлаб кўрганим йўқ. Ҳали эрта, — деди муҳаррир ва рошпа-роса ўн иккени кўрсатиб турган соатга қараб Лопатиндан сўради: — Нега келдинг?

— Бу нима деганинг? Сенга дафтар олиб келдим.

- Яна нима?
- Бошқа ҳеч нима...
- Ундай бўлса уйингга жўнайвер. Сенсиз ҳам ишим кўп. Ҳали ҳам Гурскийникида яшайсанми?
- Ҳали ҳам Гурскийникида.
- Кўчишга тайёрланавер. Виборгни озод қилдик, Гурскийга қайтиб келишни буюраман. Энди усиз ҳам эплаштираверамиз...

Кундузи шундай бўлганди. Кечқурун соат тўққизда эса редакциядан қўнғироқ қилиб, Лопатинга тезда етиб келишни тайинлашди. У муҳаррирнинг хузурига кириб, эртага азонда муҳаррирнинг шахсий собиқ шофёри Василий Иванович яқиндан бери бошқараётган яп-янги «виллис»да Учинчи Белоруссия фронтига жўнаб кетишидан хабар топди.

— Ҳар ҳолда госпиталдан яқинда чиққансан, шофёр эса кекса ва боадаб одам. Тезликни ёқтирмаслиги билан у фақат ҳомиладор аёлларни-ю, энди тузалаётганларни олиб юриши керак. Агар унинг эски «эмка»си адои-тамом бўлмаганида ўлса ҳам «виллис»га ўтмаган бўларди. Роса сўкиняпти— дам униси, дам буниси ёқмайди, гилдиракнинг развали унақамасмиш, буриллаётганда сурилиб кетармиш... Бирга кетаётганингда роса эшитасан.

— Нега энди Учинчи Белоруссия фронтига бўларкан— тушунтириб беролмайсанми?

— Тушунтириб беролмайман. Шунчаки...— муҳаррир бурни билан пишқириб қўйди,— тушунтиришим мана шу холос! Бошқасини ўзим ҳам билмайман. Тушунтириб беролмайман-у, аммо Биринчи ёки Иккинчи Украина фронтига алмаштиришим мумкин, лекин у ёққа самолётда училади, машинани борган жойингдан топасан, бу фронтлар Москвадан жуда олислаб кетди.

Муҳаррирнинг кейинги гапларидан маълум бўлдики, у бу сафар Бош штабда таниш-билишлари бўлишига қарамай, мухбирлар резервини олдиндан қаерга йўллаш лозимлиги ҳақида шипшитиб қўйиши мумкин бўлган ҳеч қандай маълумотга эга эмасди.

Аммо бу йўсиндаги мавҳумлик ундаги қайсарлик руҳини кучайтириб юборди ва у бунинг йўлини топди— энди қўл остидаги мухбирларнинг ҳаммасини Украина ва Белоруссия фронтларининг барча олтитасига юборишга шошилди. Хужум қаерда бошланмасин, газета

материалсиз қолиши мумкин эмас. Кимни қаерга йўллаш ҳали охиригача ҳал қилинмаган, шу боисдан Лопатинга одатланилмаган ўзи танлаш эркинлиги берилганди.

— Балки, самолётда учишни афзал кўрарсан? Балки Учинчи Белоруссия фронтига боргинг келмаётгандир?

— Аксинча, машинада Василий Иванович билан юришни яхши кўраман, — деди Лопатин. — Яна Учинчи Белоруссия фронтига-я...

— Агар сирасини айтсам, бу сафар айна шулар бошлашини истайман. Кейинги йилларда бошқалардан кўра галабаси кам бўлса ҳам Учинчи Белоруссия фронтини хуш кўраман, — деди муҳаррир.

«Аниқроғи, маглубияти кўпроқ», — хаёлан унинг гапини тўғрилади Лопатин. Ҳақиқатда ҳам эндиликда Учинчи Белоруссия деб қайта номланган собиқ Ғарбий фронт зиммасига немислар Москва остоналарида тор-мор келтирилганидан кейин, агар унинг Орёл операциясида қатнашганини ҳисобга олмаганда, шу пайтгача бошқа йирик муваффақият йўқ эди. Қолган деярли ҳаммаси оғир, қонли, суст жанглар бўлди. Мана шу машаққатли йўлда қўлга олинган сўнги катта шаҳар Смоленск эди ва бу салкам бир йил аввал содир бўлганди. Витебск билан Орска ҳозир, уч йиллик урушдан кейин ҳам, ҳамон етиб борилгани йўқ. Холбуки, кейинги пайтларда омад юз ўгирган айна ана шу Ғарбий фронт немислар Москва остоналарида тор-мор келтирилганидан кейин ҳамма учун биринчи муҳаббат ва бўлажак барча галабаларга — кейин қаерда содир бўлмасин — дастлабки ишонч рамзига айланди. Адолат юзасидан олиб қараганда Лопатин ҳам худди муҳаррир каби немисларни яксон қилишни айна шу ерда, жафокаш Ғарбий, эндиликда Учинчи Белоруссия фронтида бошланишини истарди. Бундан фақат хабар топибгина эмас, балки ўз кўзи билан кўришни истарди.

— Сенга ёзма буйруқ тайёрлаб қўйдим, Степановдан оларсан. Манзилга етиб боришинг билан алоқа бўлими орқали хабар бериб қўй. Гап шу! — Муҳаррирликка хос қимматли вақтини Лопатинга кўпроқ сарфлаб қўйгач, суҳбатга чек қўйди муҳаррир. — Ҳа, унутибман! Сенга халқ артисти қўнғироқ қилдим?

— Йўқ. Қанақанги халқ артисти?

— Фамилиясини унутибман, — деди муҳаррир. — Менга қўнғироқ қилиб сени суриштирди. Степановга

унинг телефон номерини ёзиб қўйишни буюргандим. Бориб олақол.

Редакциянинг секретарида ёзиб қўйилган халқ артистининг телефон номери Зинаида Антоновнаники эди, буни кўриб Лопатин ўша ондаёқ унга қўнғироқ қилди.

— Истайсизми-истамайсизми, сизни кўришим керак,— деди Зинаида Антоновна.— Бугуннинг ўзида! Чунки эримнинг олдидан шу бугун келдим-у, лекин менга самолётдан жой олиб қўйишибди, эртага эрталаб Тошкентга қайтиб кетаман. Ҳозирнинг ўзида келаверинг. Редакциянгиздаги аллақандай хушмуомала ўртоқ адресимни ёзиб олувди. Сизда борми?

— Ҳа, лекин йўлга тайёрланишим учун ярим соат вақт беринг, эрталаб фронтга жўнаб кетяпман,— деди Лопатин.

— Сизга айтмоқчи бўлаётган гапларим билан сизни хурсанд қилишимга ишонмайман-у, лекин, барибир, келаверинг. Сиз Тошкентда менга туулгандек ўша-ўша мард эканингизга ишонаман. Одамларга баҳо беришда янглишишни жиним ёқтирмайди.

У биринчи бўлиб гўшакни қўйди. Шунда чинданам бирор хунук воқеа юз бергандек, Лопатиннинг юраги орқасига тортиб кетди. Аммо ўша ондаёқ уникага бориш иштиёқини енгиб, у бугун яна редакцияга қайтмай, эрталаб келиш ва дарров жўнаб кетиш учун лозим бўлган ҳамма ишларини ниҳоясига етказди. Степановдан ёзма буйруқни олиб, муддати анчагина, йигирманчи августгача эканини ўзича таъкидлаб қўйди-да, хўжалик бўлиmidан ҳар эҳтимолга қарши уч кўнга озиқ-овқат олиб ҳаммасини гаражга, ўзи тахмин қилганидек, йўлга қўшимча нечта канистр бензин бериши хусусида гараж мудирини билан савдолашаётган Василий Ивановичга олиб бориб берди. Шундан кейингина у ёзиб қўйилган адрес бўйича уни қувонтирмайдиган суҳбат бўлиши кутилаётган Брюсовск кўчаси томон йўлга тушди.

— 13 —

Эшикни Зинаида Антоновна эмас, балки дума-лоққина, кексайиб қолган бўлса ҳам ҳали бақувват бир аёл очди.

— Зинаида Антоновна, сиз кутаётган одам келди,— деди шошиб у ва ошхонага бўлса керак, лии этиб кириб



кетди, хона эшигида эса Зинаида Антоновна пайдо бўлди.

У Тошкентда бўлганидек, ҳамон гўзал эди-ю, лекин қирқилган сочларига кўпроқ оқ оралаганди, эркакча овози эса Лопатинга илгаридан кўра янада қаттиқ ва буйруқнамо туюлди.

— Қўлимдан ўнмасангиз ҳам бўлади, бунга ар-зир-арзимаслигим ҳали номаълум. Тошкентда ўша оқшомда ўз андазам бўйича сизни деярли севиб қолгандим, аммо менда бу тез ўтиб кетади, хавотир бўлманг.

У кулиб қўйди ва шунда Лопатин у ерда, Тошкентда даҳшатли бир нима юз бермаганини англади. Агар бирор фалокат бўлганида гап шундан бошланарди.

— Сиз шу ўтган вақт мобайнида тагин орден ҳам олибсиз. Оғир ярадор бўлганингиз ранги-рўйингиздан сира билинмаяпти.

— Оғир ярадор бўлганим ҳақидаги миш-мишлар анчайин кўпиртирилган, — деди Лопатин.

— Ҳа, у ерда бизга ўлар даражада яраланган, дейишганди. Кейин эса фронтдаги эримнинг олдига борганимда, у кўкракни тешиб ўтган ўқ ичкарида унчалик «ғалва» қилмаган бўлса, улар, врачлар, буни хавфли ҳисобламасликларини айтди.

— Ҳаммаси тўғри, — деди Лопатин.

— Янги узилган бодрингдек эканингизни ўзим ҳам кўриб турибман. Қани, хонага кирайлик.

Лопатин унинг ортидан анча каттагина хонага кирди, бу ердан бошқа хонага ўтиларди. Ўрта хонада қизил ёғочдан ишланган эски креслолардан бирининг суянчиғига осиб қўйилган фронтча енгсиз камзулдан бошқа урушни эслатувчи ҳеч нима йўқ эди. Шипи оппоқ, деворлари зангори тусда, қадимги тарелкалардан бир нечтаси, иккита қадимий ўйма сурат ва Станиславскийнинг дастхатли портрети осиб қўйилган. Деворнинг бир томонига ёзув столи қўйилган, у ҳам кресло каби қизил ёғочдан ишланган; иккинчи томонида баланд китоб жавони; ўртада думалоқ стол, атрофида яна тўртта кресло бор. Ҳаммаси қадимги ва эскирган бўлса ҳам гард юқтирмай эҳтиёт қилиб сақланган. Полнинг паркети янги бўлмаса ҳам шунақаям ялтиратиб артилганки, унга этикда юриш ноқулай туюлди. Кечкурун редакциядан қўнғироқ қилишганда Лопатин фуқароча кийимни эмас, формасини кийганди.

— Этигингизга қарайверманг, — деди Зинаида Антоновна, — анчадан бери этик кийган эркакларни бошқалардан афзал кўряпман. Бундайлар билан одам ўзини бежавотир сезади. Ботинка кийган аёлтабиат эркакларни кўрсам, уруш ҳечам тугамайдигандек туюлаверади менга. Бу енгсиз камзулни, — Лопатин этигига қараганда сезиб қолгандек, бу сафар ҳам нигоҳи нимага тушганини сезиб қолди, — менга эрим совға қилди, ёз бўлишига қарамай, яна бир қиш менга асқотишини айтди. Сизнинг-ча, қалай?

— У ҳақ.

— Бу ердаги сиз эътибор берган мана бу ярақ-юрук озодаликни ёқтирсам ҳам бу менинг хизматим эмас. Менга театр билим юртига қочиб кетмасимдан аввал яхши фазилатли қизлар институтида мана шу кўп вақтингни оладиган озодалик фазилатини сингдиришга улгуришган бўлишса ҳам мен бу ишга қўл урмайман. Бу менинг эмас, балки сизни кутиб олган Елена Лукиничнанинг иши. Ёши етмиш учда — шунча ёшга кирганга ўхшамайди — меники эллик бешда бўлса-да, галати туюлса ҳам у менинг энагам ҳисобланади. Сизнинг энагангиз бўлганмиди?

— Йўқ, бизда энагага тўланадиган пулимиз бўлмаган.

— Бу сизнинг фойдангиз бўлган. Бизда эса бор эди, менда ҳам бўлган ва ҳозир ҳам энагам бор — Елена Лукинична. Бу ерга кўчиб келмасимиздан илгари бир пайтлари эрим билан истиқомат қилган хонани аллақачон унга берган бўлсак ҳам у, барибир, шу ерда яшайпти, мен бўлсам ҳам, бўлмасам ҳам эрим билан менинг юмушларимни қилиб юради. Бу эса табиатингни хира қилади. Эрим билан учрашганимда уруш йиллари давомида иккаламизнинг ҳам табиатимиз яхши томонга ўзгарганини сезиб қолдик.

— Эрингизнинг олдида кўп бўлдингизми?

— Бутун бошли йигирма кун. Рухсатнома олиб Тошкентдан Москвага учиб келдим, бу ердан уларнинг армия штабигача мени узун мўйловли генерал кетаётган машинага жойлаштиришди. Генерал бутун йўл давомида ҳарбий сир масаласида чурқ этиб оғиз очмади. Ўзи нуқул мендан артистлар, асосан оперетта артистлари ҳақида суриштираверди. У ёқдан мен бўлсам-бўлмасам, барибир, агар алдашмаган бўлишса, аллақандай санитария анжомлари олиб келиш учун Москвага

йўллашган юк машинасида бугун қайтиб келдим. Бўлиши мумкинми?

— Алдашган-алдашмаганини сўраяпсизми? Алдаган бўлишлари мумкин.

— Лекин мен, барибир, ўкинмайман. Мен у ерда бекор ўтирганим йўқ. Фақат уларнинг медсанбатигагина эмас, балки жуда кўп жойда назм ҳам, наср ҳам ўқидим, Пушкиндан ҳам, Толстойдан ҳам, Чеховдан ҳам, Зошченкодан ҳам ўқидим. Кейинги йилларда театрда бўлганидек, одамлар ўз олдиларида на у ёқли, на бу ёқли бир нимани ифода этишларини ёқтирмасликларига ишонч ҳосил қилдим. Уларнинг қалбига кириб бориб, қаттиқ ҳаяжонга солишингни ёки ичидан кулгини тортиб чиқаришингни исташади!

— Ҳа, уруш пайтида бефарқ яшаш мумкин эмас, — деди Лопатин сафардан қанчалик кўп таассуротлар билан қайтиб келганига қарамай, Зинаида Антоновна, барибир, ўнга у ёқда Чехов билан Зошченко асарларидан ўқиб берганини айтиш учунгина редакцияга кўнғироқ қилмаганини ва кечаси бўлишига қарамай, уйига чақирмаганини фаҳмлаб. Бошқа мақсадда чақирган. Нега чақирдийкин?

— Йигирма кунга қўшимча равишда яна икки кун ўша ерда бўлмоқчийдим, лекин мени олдиларига солиб қувишди, — деди Зинаида Антоновна. — Эрим ҳатто бақириб берди: «Кетгин дедим — жўнайвер! Тошкентга етиб борганингдан кейин ҳеч кимга тафсилотини — қаерда эканимиз, қайси армия составига кирганимизни гапириб юрма. Медсанбатда, менинг олдимда бўлдинг, вассалом!» Уларнинг ҳарбий сирлари ҳам ғалати! Сиз ниманидир тушунсангиз керак, мени эса ҳеч балага ақлим етмайди.

Лопатин ҳеч қандай ғалати томони бўлмаса-да, унинг гапига кулиб қўяқолди. Хужум бошланиши арафасида фронтлар оралигидаги чегара чизиғи ўзгартирилган, армия бир фронтдан иккинчисига берилган ёки иккинчи эшелонга ўтказилган бўлиши мумкин ва қайсиниси ҳарбий сиру қайсиниси сир эмаслигини яхшиси суриштириш керак эмас. Шунақаям бўладики, бўлажак воқеанинг бошидаги бевосита белгилар бошқасига қараганда аёнроқ чиқади.

— У ерда йигирма кун яшаган бўлсам, атиги икки марта узоқдаги отишмани эшитибман. Медсанбатда ҳам эримнинг ҳузурига нуқул енгил ярадорларни.

юмшоқ жойига, елкасига ўқ текканларни олиб келишди, бу ерда яраларини бойлаб қўйиб батальонга қайтиб кетишига, эрим айтганидек, икки-уч кун ошхонада куймалашиб дам олишига рухсат беришарди. Қолган бошқалари эса — дабба ва кўричаклар — оддий касалхонанинг ўзидек. Мен бу ёққа осойишталик пайтида келиб қолганимни неча марталаб таъкидлашди. Лекин бу осойишталик нимагадир мени тинчитмасди. Оддий осойишталик бўлса — бу, бошқа гап. Осойишталик ғайритабиий бўлса — бу, бутунлай бошқа масала.

— Ғайритабиий сокинликни қандай тушунасиз?

— Қўққисдан бирор нима юз бериб қолса, балки ҳеч нарса содир бўлмаса — бу оддий сокинлик. Улар осойишталик мана ҳозир тугагини орзиқиб кутганда, уларнинг фикр-ўйлари фақат шу ҳақда бўлаётганида — гапиришяптими ёки индашмаяптими, лекин, барибир, бунинг албатта, бошланиши лозимлигини ва бошқача бўлиши мумкин эмаслигини билишарди — мана шунда бу ғайритабиий осойишталик бўлади. Менимча, у жудаям даҳшатли, чунки одамлар чидаш беролмай қолишади ва ҳатто тезроқ тугагини истаб қолишади.

— Хаммаси тўғри, — деди Лопатин, — лекин сиз айтаётган осойишталик бу урушнинг бир қисми, холос. Уруш одамларда аста-секин чарчоқни ҳосил қилади, жанг бораётганда ҳам, сокинлик чўккан пайтда ҳам чарчоқ йиғилиб боради. Бироқ, кимда-ким тирик қолса, чарчоқ билан бирга, урушнинг охиригача унда қатнашиш эҳтиёжи ҳам жамланиб боради. Агар бу ҳиссиёт урушдан толиқиш ҳисси билан ёнма-ён жамланмаганда биз ҳаммамиз ақлдан озган бўлардик. Ҳатто мен ҳам. Менинг ҳаётим урушдаги бошқа кўпчилик одамларникидан, шуларнинг қаторида сизнинг эрингизникидан кўра енгилроқ эканини билсам ҳам. Сиз тўғри белгилаб берган истак ҳам тезроқ бошланақолсайди — бу истаклар тажангларда эмас, балки толиққан, умрбод жанг қилиб бўлмаслигини биладиган ва буларнинг ҳаммасига тезроқ чек қўйишни истамайдиган эс-ҳушли одамларда пайдо бўлади. Бу эс-ҳушли одамларнинг одатдаги ҳис-туйғусидир.

— Барибир, бу ҳақда у ерда, Тошкентда ўйлаш бошқа, яқинда туриб кўриш бошқа масала, — эътироз қилди у. — Сўзимга ишонаверинг, агар мен у ерга жанг

пайтида борганимда, менга унчалик даҳшатли бўлмасди.

Лопатин жавоб бермади, балки у ҳам ўзича ҳақдир, дегандек индамади, ўзини яхши биладиган одамлар бор, ўзини яхши билмайдиганлар бор. Улар ҳаётда қийна-лишади, аммо ўзларига баҳо беришда камдан-кам янглишишади.

— Нега индамаясиз? — сўради Зинаида Антоновна, — Алдаяпти, деб ўйлаясизми? Мен гоҳида бошқалар ҳақида ёлгон гапириб қўяман, чунки одамларга кўнгли қўйганман ва улар ҳақида эзгуликни ўйлашни ёқтираман, акс ҳолда яшайдан мақсадни кўрмаяман. Аммо ўзлим хусусида ҳеч вақт ёлгон гапирмайман, шу нарса эътиборингизда бўлсин. Албатта, сиз ҳам шундай бўлсангиз керак? Сизни энди ёруғда яхшилаб кўриб олдим: илгари менга туюлгандек унчалик кўримли эмасакансиз. Кўриб турибман, кейинги пайтларда роса азоб чекибсиз. Лекин энди, барибир айлангириб ўтирмай, борини айтиб қўяқолай. Бегоналар ҳаётига аралашин олдидан шунақа бўлиб қоламан. Энди юрак ютиб гапиравераман.

— Майли, бемалол, — деди Лопатин ва у қўнгироқ қилган пайтда бўлганидек яна юраги орзиқиб кетди.

— Мен сизнинг олдингизда гуноҳқорман. Нина Николаевна Москвага етиб келишим билан дарров сизни излаб топишни, агар истасангиз, унинг хатини сизга топширишимни, агар истамасангиз, бермаслигимни илтимос қилганди. Аммо Москвага етиб келишим билан госпиталга қўнгироқ қилишга ва навбатчи врачдан сизнинг деярли соғайиб кетганингиздан хабар топишга улгурдим, холос. Эртасига азонда эса машина топилиб қолиб, эримнинг олдига жўнаб кетдим. Сизнинг эндиликда деярли соғайиб кетганингиз менинг инсофсизлигимни бир оз ювиб кетади. Самолётдан тушибоқ олдингизга боришга мажолим қолмаганди.

— Нега энди менга бунга тушунтиряпсиз?

— Чунки мен Нина Николаевнага ёзган, унинг фикрича, жудаям мазмунли ва серҳиммат хатингиздан ҳамда ҳаммаси ҳақ ва ноҳақ ёзилган жавоб мактубидан хабардорман.

— Шунақасиям бўларканми?

— Қаранг-а, бўларкан. Сизни алдамоқчи эмасман, мен шу аёлнинг тарафдориман-у аммо у ҳам, сиз ҳам ҳақ эмассиз. Унга айтганимдек, барибир, сизга ҳам кўнглимга келган гапларни айтаман. У сизга бор

хақиқатни, сизсиз икки ойни қандай ўтказгани, кейин — йўқ, бемаъни демоқчи эмасман, «бемаъни» сўзи унга ҳаддан ташқари катталиқ қилади — шунчаки сизни учратганидан кейин уни ташлаб кетган бир тайини йўқ ўша одамникига қайтиб борганини ёзган.

— Бу ҳақда менга ёзганди, — деди Лопатин.

— Буларни ёзгани тўғри! Лекин сиз жўнаб кетишингиз билан онаси қазо қилгани, кейин ўғли касал бўлиб қолгани, ундан сўнг ўзи йиринглаган кўричак билан ётиб қолганини — мана шуларнинг ҳаммасини сизга ёзмаганмиди?

— Ёзмаганди.

— Шунинг учун ёзмагандики, у бу билан ўзини оқлашни истамаганди. Ҳа, оёққа туриб кетганидан кейин ҳаммасига қўл силтаб оғир дамларда ўзига ёрдам беришга ошиққан ўша одамникига қайтиб борди. Унга тан бериш керак — ўз вақтида ёрдамга келди. Лекин Нина Николаевна энди яна у билан бирга яшамаслигини, ўзига ҳам, сизга ҳам қўл силтолмаслигини тушуниб, яна қайтиб келди, худди ўша кунлари сиздан хат олувди. Унинг ўрнида бошқа аёл бўлганида бунга жавобан шу одам ҳақида эсламаган бўларди. Сиз эса ҳаммасига чек қўйишга шошилдингиз. Афтидан, бунинг урдасидан чиқдингиз ҳам.

— Ҳа, шундай бўлди, — Лопатин креслодан туриб, хона бўйлаб юра бошлади.

— У эса бунинг урдасидан чиқолмади! — Зинаида Антоновна ҳам ўрнидан турди. — Майли, агар сизга шуниси осон бўлса, хонада юраверамиз! Сиз шунчаки унинг бадани билан тунни ўтказибгина қолмай, қалбини ҳам жароҳатладингиз. Агар бунинг давоми йўқ экан, гирт бемаънилик ва шафқатсизликнинг ўзи бўлади. У қиз бола, сиз жазман эмассиз, у ерда, Тошкентда сиз уни мажбур қилмаганингизни ҳам тушуниб турибман. Сиз бундан баттарини қилгансиз! Сиз, урушдан келган одам, бутун қалб қўрингизни ишга солиб ундан сизни севишни талаб қилгансиз-да, бунга эришиб кейин унутгансиз. Бу аҳмоқона ўхшатиш-у лекин, сиз мен тоқат қилолмайдиган Онегин каби иш қилгансиз.

— Мен унга ёзгандим. Нималарни ёзганимдан хабарингиз бор.

— Биламан. Ҳа, албатта, ёзгансиз! Лекин қандай қилиб сиз, бақувват ва сеvimли киши, унинг бахтиқаро мактубига ишонақолдингиз? Қандай қилиб сиз ҳатто

шу мактубдан кейин ҳам ундан осонлик билан воз кечдингиз?

— Осонлик билан дейсизми? Жудаям бунчалик эмас. Буни сиздан кутмагандим! — гапини бўлди Лопатин. — Нахотки, сиз ўшанда Тошкентда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бахтга эришганимни билмаган бўлсангиз? Унинг мактубини олганимдан кейин бунга яна қандай ишонишим мумкин эди?

— Сиз менга ўзингизни аёлларнинг севиши мажбур, деб ҳисобловчи сурбет эмаслигингизни исбот қилмай қўяқолинг. Агар билишни истасангиз, ўзини аёллар севиши лозим, деб ҳисобловчи одам умуман уларнинг севгисига лойиқ эмас. Сиз, бунга ишонмайдиган сиз эса севгига лойиқсиз. Қанчалик кўп яшаётган бўлсам, яхши одамларнинг ҳаммаси каллаварам эканига шунчалик кўп ишонч ҳосил қиляпман! Сиз ҳам каллаварам, у ҳам каллаварам. Сиз яхши аёллар ёмон аёлларга қараганда ўзларига кўпам ишонавермаслигини сезганмисиз? Сезган бўлсангиз ё фаҳмингиз етмаган, ё тажрибангиз камлик қилган.

— Балки шундайдир.

— Мен умуман эмас, балки яхши аёллар ҳақида гапиряпман.

— Мен ҳам. Мен уни жудаям кўргим келяпти.

— У сизни кўрмоқчи эмас.

— Нега?

— Чунки яхши аёлларнинг ўзини ўзи кечириши қийин бўлади. Мен мавсум бошлангунча театр билан бирга узил-кесил қайтаман ва Нина Николаевнани ҳам ўзим билан бирга олиб келаман. Бизнинг фақирона кийимхонамизга икки ярим йил мудирлик қилиб, ҳамма нарсани йўқдан бор қилди. У умрининг охиригача бирга ишлагинг келадиган одамлар тоифасидан. Менинг эса феъл-атворим анчайин бемаъни, бунақа истак кўпам пайдо бўлавермайди. У театрга мендан кўра садоқатлироқ, чунки садоқатимнинг бир қисми менинг шуҳратпарастлигимдан, уники эса фақат садоқатдан иборат. Уни Москвага ҳатто вақтинча, ҳатто командировка қилиб олиб келиш ҳам жудаям мушкул, дейишяпти. Лекин гоҳида ўлардек қайсарлигим тутиб қолади ва айтганимни қилдирмай қўймайман. Бошпана топилмайди, бунинг устига ўғли бўлса дейишяпти-ку, лекин бошламасига мен бошпана топиб бераман.

Такрор айтаман: буларнинг ҳаммасини эплайман. Аммо бир нарсанинг уддасидан чиқолмайман. Ниҳоят даражада қайсар бўлсам ҳам уни сиз яшаётган шаҳарга кўчиб келишга кўндиролмаяпман. Мени совчи, қўшмачи ҳисоблашингиз мумкин — бунга мен тупураман — лекин сиз билиб қўйишингиз керак: у ниҳоятда оғир ярадор бўлганингизни эшитиб, ярим кечада бутун шаҳар бўйлаб меникига келди-да, бирорта умид бор-йўқлигини билиб беришимни ялиниб сўради. Москвага, бир пайтлари мени камситиб театрдан ҳайдаб юборгани учун жиним ёқтирмайдиган одамга қўнғироқ қилдим. Ўша одамни телефонда қошиб олмаслик мақсадида бурундиқ тақиб олдим ва ўзимнинг итоатгўйлигим билан унга ҳузур бағишлаб, сизнинг аҳволингизни суриштириб беришини илтимос қилдим. Билганларимни Никага айтдим. Шунда менинг кўз ўнгимда у қайта тирилгандек бўлди, чунки сиз тирик эдингиз! Мен сизга ҳамма гапни айтиб бердим ва энди ҳеч нимага тушунмаган бўлсангиз, демак, сиз ҳақингизда кулгили равишда ёмон янглишибман.

— Сиз мени яна бир туширсангиз бўларди, фақат шуниси етишмаяпти, — деди Лопатин. — Тўхтаб турсангиз-чи, қўлингиздан бир ўнай.

— Менга эътибор берманг, — деди у бир қўлини унга узатиб ва иккинчи қўли билан кўзидаги ёшни артиб. — Бу жоҳиллик кўз ёшлари. Мен фақат жаҳлим чиққанда йиғлайман! Менга сиз ҳеч нимага тушунмаётгандек туюлгандингиз.

— Хатни беринг.

Зинаида Антоновна креслога ўтирди-да, эркакларга ўхшаб оёқларини чалиштириб олди.

— Мен сизни алдагандим, чунки гапни нимадан бошлашни билмагандим. Менда сизга ёзилган хат йўқ. У фақат бир нарсани — Москвага етиб келишим билан сизнинг аҳволингиз ҳақида хабар беришимни илтимос қилди. Мен ваъдамни бажардим. Сиз даволанган госпиталнинг навбатчи врач билан гаплашиб бўлиб, унга телеграмма юбордим.

— Мен унга хат ёзсам олакетасизми? — сўради Лопатин.

— Сиз келганингизда эсон-омон етиб олганим ҳақида эримга энди хат ёзмоқчи бўлиб турувдим. Утириб ёзаверинг, стол устида қалам билан қоғоз бор. Мен сизга чой дамлайман. Шундан кейин кетишингиз мум-



кин. Мен азонда жўнаб кетаман, шу боисдан ухлаб олишим керак. Афсуски, самолётга ўтиришим билан кўнглим айнийди, бутун ичимдагини ташлайман, ерга кўнгунча шунақа бўлади.

— Яхшиси, поездда кетсангиз бўларди.

— Учиш имконияти бўлатуриб, деярли бир ҳафтани поездда ўтказишга виждоним йўл қўймапти. Ўн кундан кейин у ерда, Тошкентда премьерна қўйишим керак. Улар менсиз аллақачон сахнага ўтишибди. Жўнаб кетганимнинг ўзи аҳмоқона иш бўлган.

— Премьерани энди сиз Москвага тайёрлаётган бўлсангиз керак? Уни бир неча кундан кейин қўйса ҳам бўладими?

— Йўқ, Москва учун эмас, муддатини ҳам кечиктириб бўлмайти. Мен премьерани жўнаб кетадиган бизнинг театримизда эмас, балки ўша ерда қоладиган Тошкент театрида қўймоқчиман. Премьера яхши бўлиши ва ўз вақтида қўйилиши лозим. Биз у ерда бўлган йиллар мобайнида театримиз учун қўлидан келган ҳамма ишни қилган одамлар олдида ҳайвонларча иш қилмаслик керак.

У хонадан чиқиб етди, Лопатин эса қайсидир крепостной дурадгор томонидан аввалги Ватан урушигача қизил ёғочдан ишланган қадимги стол ёнига ўтириб, бир даста қоғоз орасидан бир варагини олди-да, ўйланиб қолди. Нима ҳақда ёзишни эмас — нимани ёзишни ҳал қилиб қўйган — қай усулда ёзиш ҳақида ўйларди.

«Зинаида Антоновнанинг сен билан мен ҳақимдаги барча фикрини эшитиб бўлиб, уникида хат ёзипман. Балки у ҳақдир — иккаламиз ҳам аслида каллаверамиз. Ҳар ҳолда мен шундайман. Унинг ўн саккизинчи асрга хос столи ёнида ўтириб, ўша даврдагилар ифодаси билан айтганда, яна бир марта қўлингни сўрайман. Сенсиз яшолмадим, дейиш ёлғон бўларди. Мана, яшайман. Аммо кўнглимдагидек эмас. Эртага фронтга жўнаб кетяпман. Агар сен августда Москвага келсанг, мен шу ерда бўлсам керак. Агар келолмасанг, отпускаи олиб, ҳузурингга бораман. Фронтдан қайтиб келганимдан кейин рад қилишмаса керак».

Ёзиб бўлиб остига исми ва отасининг исмининг бош ҳарфларини ёзди. Исмини тўлиқ ёзишига нимадир ҳалақит берди, фамилиясини ёзиш эса ўзи учун кутилмаганда унга «сен»лаб мурожаат қилганидан кейин ноқулай туюлди.

Патнисда чойнак, пиёла, бир вазада эҳтимол фронтдан олиб келинган қоқнон ва ярмигача аллақандай сарғиш-қўнғир бир нима тўлдирилган графин кўтариб Зинаида Антоновна кириб келди.

— Ҳали ҳам ёзиб бўлмадингизми? — қўлидагини столга қўйиб сўради у.

— Йўқ, ёзиб бўлдим. — Лопатин ўрнидан туриб, бир томонига ёзилган варақни иккига буклади.

— Менда эса конверт йўқ. Яна бир варақ қоғоз олиб, талқондори солинадиган кичкина пакет ясашигизга тўғри келади.

— Сиз уни сумкачангизга солиб қўйсангиз ҳам бўлади, — деди Лопатин хатни унга узатиб.

— Менда ҳеч қачон сумка бўлмаган. Фақат ролларимни солиб юриш учун энг катта сумка сотиб олган бўлардим. Энди эса сиз каби орденлари бўлган эрим бор ва мен орденли кишининг аёли сифатида унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосаридан ҳақиқий дала сумкасини совғага олдим.

У креслонинг ёнига бориб, телогрейканинг остидан осиб қўйилган дала сумкасини олди-да, ичини очиб хатни солиб қўйди.

— Бегоналарнинг бирор нимасини зиммамга олсам доим даҳшатга тушаман. Бегоналар гуноҳими, бегоналар бахtimi — барибир, даҳшат! Агар бир кунда етиб борсак, эртагаёқ хатингиз унда бўлади. Бу пайтда ўзингиз қаерда бўласиз?

— Йўлга боғлиқ. Менимча, Смоленскка яқин бирор жойда тунасақ керак.

— Эртага сиз ҳақингизда ўйлаётганимизда, Смоленск яқинидаги бирор жойда тунаяпти, деб ҳисоблаймиз. Мен ҳам ўша томонга кетаётганимда Смоленскдан унча узоқ бўлмаган ўрмондаги аллақайси ҳарбий қисмда тунагандим. Биз у ерга кечаси етиб борганимизда ўрмон менга қалин бўлиб туюлганди. Эртасига тонгда ўрнимдан турдим-да, палатадан чиқиб қарасам, ўрмон мен илгари кўриб юрганларимга ўхшамасди, уруш уни ҳам савалаганини кейин тушунибман. Дарахтларнинг кўпи худди каттакон қайчи билан кесилгандек. Бир хиллари учига яқин, бир хиллари ўртасидан кесилган... Шунда Тошкентда, эски бозоримиздаги чўлоқлар эсимга тушиб кетди. Тўғриси айтинг, эртага яна ўшоққа боришдан қўрқмайсизми?

— Унчалик эмас.

— Ўтиринг, чой ичамиз. Аччиқ дамладим, ҳечам тежашни билмайман-да. Борида аччиқ дамлаб ичаман, йўғида қайноқ сувни ҳам ичиб кетавераман.

У чойни қуйиб, ўзи келтириб қўйган графинни эслаб қолди. Лопатин бурама шаклида қирқиб солинган ва вақт ўтиши билан ошноқ оқариб кетган лимон пўстлоғли сарғиш-қорамтир суюқликни назардан ўтказиб бўлганди.

— Уйнимизда урушдан аввалги ароқ борлиги бутунлай хаёлимдан кўтарилибди. Эрим йўғида ҳеч ким ичмаган, шу боисдан турибди. Сизни меҳмон қилай деб олиб келибман-у чой қуйиб бериб, уни унутиб қўйибман... Сизнинг-ча, қандай, ичса бўлармикан? Шунча вақтдан бери айниб қолмаганмикан?

— Менимча, айнамаган, — деди кулиб Лопатин. — Агар устига сув солинмаган бўлса. Мени билишимча, ароқни фақат шу йўсинда айнитиб қўйиш мумкин.

Зинаида Антоновна эркакчасига хохолаб кулди-да, тиқинини очиб графинни унга узатди:

— Татиб кўринг.

Лопатин ҳидлаб кўрди.

— Айнамаганга ўхшайди.

— Сабр қилинг, яна ниманидир унутиб қўйибман шекилли. Ҳа, рюмкани.

У битта рюмка олиб келди.

— Сизга-чи? Нима, битта ўзим ичаманми?

— Икки киши ичиши шартми?

— Шуниси маъқулроқ.

— Маъқул бўлса, ўзимга ҳам олиб келақолай.

Яна чиқиб кетди-да, иккинчи рюмкани олиб келди. Унинг бас энди, дейишини кутиб Лопатин иккиланиброқ секин қўйди. Лекин у бас демади.

— Тўлдириб қуяверинг. Менга, барибир экан, буни яқинда билиб қолдим.

— Оқ йўл сизга! — Лопатин у билан қадах уриштирди.

Зинаида Антоновна рюмкани бўшатиб, ҳафсаласи пир бўлгандек бурнини жийириб қўйди.

— Иккинчи марта ичяпман-у, яна айтарли бирор нимасини сезмадим... Шунчалик бўлганидан кейин уни ичмаса ҳам бўлади. Медсанбатга борганимда, у ердагилар менга ичирмоқчи бўлишганда уларга шундай дедим. Кейин эса, улар ичишаётганда мен ҳам қадах

уриштириб ичидаги арақни стаканларига қуйиб бердим. Мен бошқа ичмайман, сизга яна қуяйми?

— Агар марҳаматингизни дариг тутмасангиз...

У қуйиб берди, Лопатин қадахни яна бўшатиб газига қоқнон тишлади-да, унинг эртароқ ётиши лозимлигини эслаб, шоша-пиша чойини ичди. Ҳа, шошилишига бошқа сабаб ҳам бор эди.

— Агар бор бўлса, худонинг ўзи сизни паноҳида асрасин, — бир пайтлари хайрлашув чоғида Тошкентда айтган сўзларини такрорлади у. Лопатин эса зинаподан тушаркан, мавжуд бўлмаган худо бор бўлганида ўзига эмас, балки унга оқ йўл тилани лозимлигини ўйлади.

У редакцияга шошилиши лозим эди, чунки эртасига соат саккизда, яъни жўнаб кетаётганида, муҳаррир газетасини чиқариб бўлиб ҳали ухлаётган бўлади. Унга эса, энди маълум бўлишича, муҳаррир билан яна учрашиши лозим экан.

Редакцияда югур-югур давом этарди, атиги битта саҳифа топширилган, қолганлари ҳали топширилмаган. Маълумотномада қўшинларимизнинг Карелия бўғозидаги ҳужуми давом этаётгани, Ладога билан Онега кўллари оралигидаги фин мудрофааси ёриб ўтилгани хабар қилинганди.

Буларнинг ҳаммасидан ташқари, Ватан урушининг уч йиллик ҳарбий ва сиёсий якунига бағишланиб яна бир бет саҳифаланмоқда ҳамда берилаётган харитада немислардан озод қилинган сарҳадлар чизиқлар билан кўрсатилганди.

Кўтаринки кайфият бўлса ҳам, лекин муҳаррир Лопатинни рўйхуш бермай кутиб олди.

— Шайтон каби изғиб қолибсан! Агар сураткашлардан кимдир сен билан бирга кетишни ва буни қўллаб-қувватлашимга умид қилаётган бўлса — бекорларнинг бештасини ебди! Ҳаммаси тақсимлаб бўлинган, ҳамма айтилган жойига жўнайди.

— Йўқ, мени ўзингда ишим бор, беш минутга.

— Ўринбосарим ёки масъул котибга учрашақол, мен бандман.

— Уларга айтадиган гапим йўқ. Шахсий иш, шахсан ўзинг ҳал қиласан.

— Бўлмаса кутасан. Кўзингни лўқ қилиб қараб турма — ўзим чақираман.

Редакцияда анчагача, бир соатдан ортиқ кутишга тўғри келди.

— Хўш, қанақа ишинг бор? — Лопатин кириб келганида саҳифани ўқишда давом этиб, унга ўтирилмаёқ сўради муҳаррир.

— Бир аёлни Москвага чақирув ҳужжатини расмийлаштиришга тўғри келади.

— Қачон? Бугунми? — жаҳл билан сўради муҳаррир. — Урушнинг учинчи йилини уйланиш билан нишонламоқчи бўлдингми? Кечроқ ҳаракат қилибсан. Кечирасан — вақтим йўқ.

— Матвей, мен жиддий гапиряпман.

— Жиддий бўлса, тушунтириброқ айтгин-да! Беш минут вақтинг бор. — Муҳаррир ўгирилиб Лопатинга толиққан кўзлари билан тикилди:

— Хўш?

— Сени шундан огоҳлантириб қўймоқчиманки, фронтдан қайтиб келганимдан сўнг бир аёлни боласи билан чақирув ҳужжатини ва Москвадаги уйимга прописка қилишни расмийлаштиришга тўғри келади.

— Ўзингникими?

— Йўқ, ўзимникини эмас.

— Чақирув қаердан?

— Тошкентдан.

— Ўзи ким экан?

— Театрда кийимхона мудири.

— Сенга ким бўлади?

— Умуман, ҳозирча...

Муҳаррир толиққан кўзларини ишқалади, сўнг Лопатинга тикилиб деди:

— Тушунаман. Урушдан кейинга қолдириш мумкин эмасми?

— Балки, мумкиндир. Аммо ундан айрилиб қолишдан қўрқаман.

— Собиқ хотининг билан расмий жиҳатдан ҳаммаси тугаганми? Мен унутибман...

— Ҳа, расмий жиҳатдан ҳам.

— Ҳа, майли, бу масалада ҳали ёрдам беришга улгурсам керак...

«Ҳали улгурсам керак» сўзи қулоққа ўрганилмагани билан Лопатинга қаттиқ тегди-ю, лекин ўшанда буни тушунмаганди. Анча кейин тушунди. Ўшанда эса бу ҳақда оғиз очмоқчи ҳам бўлди, аммо қайта сўрамади, чунки ўзи бошқа нарса ҳақида ўйлаётган эди.

— Агар ўзинг фикрингдан қайтмасанг, ҳаммаси бажарилади, — деди муҳаррир.

— Фикримдан қайтмайман. Мен ёзган хатимга унинг жавобини кутишим керак.

— Энди бўлдими?

— Бўлди. Билмадингми, Гурский хали йўлга чиқмадимми?

— Биламан. Хали йўлга чиққани йўқ. Якуний мақолани тайёр ҳолда келтириш шарт билан Ленинградда бир сутка қолишга рухсат бердим. Нега сен ундан хавотир бўляпсан? Энди фронтда эмас, Ленинградда юрибди, ёш бола эмас, етиб келади.

— Бугун унинг онасини кўраман, айтиб қўймоқчи эдим.

— Ҳаммаси жойида, деявер. Ҳозирча, хайр!

Муҳаррир ўтган сафаргидан ҳам кўра шошилиб Лопатинга қўл чўзди. Бу унинг фронтга жўнаб кетаётганлар билан хайрлашиш услуби эди.

Унинг ҳузуридан чиқиб, Лопатин иккинчи қаватдаги навбатчи стенографчилар хонасига кирди. Гурский қўнғироқ қилдимикан, бирор нима узатганмикан, деб сўрамоқчи бўлди.

— Ана ўзи мақоласига қўшимча киритяпти, — деди стенографчилардан бири гўшакни қулоғига қисиб, дафтарга ўзининг ажи-бужиларини шошиб ёзаётган бошқа стенографчига ишора қилиб.

— Борис Александрович, ёнимизда Лопатин турибди, — деди у гўшакка. — Унга айтадиган галингиз борми? — У гўшакни қулоғидан олиб Лопатин томон ўгирилди: — Сабр қилинг, деяпти. Ҳозир тугатар экан.

Беш минутча кутишга тўғри келди.

Гўшакни қулоғига тутиб у Гурскийнинг шўх ва жарангдор овозини эшитди:

— Мен ҳозир Ленинграддан! Индинга кўришамиз. Сенинг яримтанг шундоғлигича турибди, шундай бўлгач, менинг гвардиячи улушим билан сенинг армияча нормангни ҳисобга олиб, учдан бир қисмига умид қилишинг мумкин.

— Эртага жўнаб кетяпман. — деди Лопатин.

— Қайси томонга? Буёққа эмасми?

— Йўқ.

— Неча кунга?

— Афтидан анчага бўлса керак.

— Унда сенсиз тамом қилар эканман-да. Онамни энди кўрмасанг керак?

— Кўраман.

— Онамга ваъда қилганимдек, эртага фуқароча кийимда т-театрга б-боришимни, поезд жўнашига ул-гурганимча т-томоша қилишимни унга айтиб қўй. Пай-поқларим етганини ҳам айт. Учинчисини эртага театрға б-бораётганимда кияман. Саломат бўл! Ўзинг танийди-ган моҳир мухбир — мени йўлда қолдириб кетган Петя П-прокофьев орқамдан етиб келяпти, ўзининг илдам-сизлиги сабабларини муҳаррирға изҳор этишга шошил-япти... Саломат бўл!

Лопатин кўчага чиқди. Тун илиқ ва ойдин эди. Эртага, ўшанда урушнинг бошида бўлганидек йилнинг энг узун куни бўлади.

«Известия» биносининг олдида, репродуктор тагида одамлар туришибди. Радиодан муҳаррир ҳозир одатдаги жойида туриб ўқиётган ўша уч йиллик уруш яқунлари эшиттирилмоқда эди:

«Уруш энди охирлаб бормоқда. Аммо узил-кесил ғалаба йўлининг қолган қисми осон бўлмайди. Уруш кескин, ҳал қилувчи ва анча мураккаб босқичга қадам қўйди»...

Эшиттириш тугамоқда эди, Лопатин давомини эши-тиб ўтирмади. Чўнтагида редакцияда саланглаб юрга-нида бир марта ўқиб чиққан эртанги газетанинг саҳифаси бор эди.

«Этишдан олдин яна ўқиб чиқарман», — деб ўйла-ди у.

— 14 —

«Тантана» сўзи урушга хос эмас, шундай бўлса-да, барибир, ўтган бир ярим ой мобайнида уччала Белорус-сия ва Биринчи Болтиқбўйи фронтларида содир бўлганларнинг ҳаммаси немислар устидан, уларнинг бир пайтлари, қирқ биринчи йилда айни ана шу ердан ёриб ўтилган мудофаамиз оралаб, фойдаси бўлмаган танкка қарши зовурлар оралаб портлатишга улгурил-маган кўприklarимиз устидан ва ўша кунлари ярим топталган, энди, шу ёзда ўз ҳолига келган қалбларимиз оралаб тез ва даҳшатли равишда текислаб ўтган жанго-вар техникаси устидан тантанамиз эди.

Шу йилги ёз Лопатин учун фронтга келган биринчи кундан бошлабоқ аллақандай алоҳида омадли бошланди. У нуқул ҳамма иш қойилмақом бўлаётган жойларга бориб қолаверди ва бунга ҳайрон бўлиб қувонса ҳам, кўпинча бунинг аксига дуч келганини ёдидан чиқармасди!

Аммо июнда Витебск остонасида бошланиб, августгача Шарқий Пруссияга етай деб қолинган ҳали мисли кўрилмаган шиддатли ҳужумимизнинг еттинчи ҳафтасида у, барибир, урушнинг жаҳаннамга тушиб қолиб, нариги дунёга равон бўлишига сал қолди.

Бу воқеа ялпи ҳужумнинг энг бошида у биринчи марта бўлган, танкчилари мудофаани ёриб ўтиб Минскка биринчи бўлиб етиб борган танк корпусида юз берди...

Урушда бошқалар нималарга дуч келганини осонгина тушунтириб берамиз-у, аммо ўзимизнинг бошимиздан кечирганларни айтишда ниҳоятда қийналамиз. Чунки нимагадир бунақа воқеа бошингга тушмайдигандек туюлади! Бунгача танкчилардан эришилган муваффақиятдан кейин, ҳаммаси яксон қилингандек, мажаклангандек, тум-тарақай қилингандек туюлган бир пайтда тўсатдан аллақерда панд ейиши, нистирмага дуч келиши, сезмай қолинган қандайдир «фердинанд» ёки тўп зарар кўрмай ўнлаб километр йўл босган ўша танкларни бирин-кетин ўққа тутиши натижасида ҳалок бўлишларини неча марталаб эшитганман.

Мана, ўша панд ейиш, ўша нистирма ва шундан кейин қолган нарсалар: у ерда, йўлда сўнаётган оловнинг доғи-ю, бу ерда нима қилишни билмай ётган сен...

Нега энди булар сенинг бошингга тушмайдигандек туюляпти? Балки бу сафар ҳаётингдаги ҳамма нарсанинг ўзгариши ва яхши бўлишига ишониб фронтга борганинг учун шундайдир? Ана шу ҳис-туйғу билан жўнаб кетди, ана шу ҳис-туйғу билан яшади, сафар қилди, ўқлар ёмғири остида қолди ва мақолаларини узатиш учун фронт штабига қайтиб, ана шу туйғу билан яна олдинги маррага жўнаб кетди. Бир ойдан кейин устига: «Гурскийдан шахсан Лопатинга» деб ёзилган конверт қўлига тегди. Конвертнинг ичидан Тошкентдан редакцияга юборилган қисқа телеграмма чиқди. Унда: «Иложини топишим билан ҳузурингга етиб бораман», деб ёзилганди.

Бу «Иложини топишим билан ҳузурингга етиб бора-



ман» сўзи ўшандан бери урушда ҳаминша у билан бирга бўлиб, секин-аста юзага келаётган толиқишни енгилшга, Москвага қайтиш олдидан ўзи умид қилганидек охирги марта танкчилар ҳузурига отланишга ўзини мажбур этишга ёрдам берди.

Июлнинг бошларида Лопатин танкчилар билан Минсккача бориб, мақола ёзгани ўша ерда қолди-ю, ammo корпус командирига орқаларидан етиб боришга ваъда қилди.

Ўшанда генерал бундай ваъдаларни мухбирлардан энди эшитмаётганини киноя билан айтди-ю, август ойида, Немандан ўтилгандан кейин Лопатин яна унинг ҳузурига пайдо бўлганида, мамнунлик билан ўтир, дегандек қўл силтади-да, бригада командирининг ахборотини тинглашда давом этди. Бу бригада, разведканинг маълумотига кўра, анчайин сийрак фронт оралаб немисларнинг орқа томонига рейд қилиши, икки кун мобайнида у ерда тўс-тўполон билан душманни ваҳимага солиши, кейин эса бунгача ялпи ҳужум пайтида пиёдалар билан бирга эгалланадиган маррада корпуснинг бошқа қисмлари билан учрашиши лозим эди. Учрашувнинг муддати ва манзили хусусида гўё телеграф соати остида ошиқлар учрашуви каби сўз борарди: яқиндагина подполковник бўлган, энди эса полковник унвонини олган бригада командири Дудко унга таниш эди; Лопатин у билан Минсккача борганди; мана шуларнинг ҳаммаси оқибатда сўнгги туртки бўлди.

— Таъқиқламайман, лекин маслаҳат ҳам бермайман, — деди корпус командири рейдга юборишларини Лопатин илтимос қилганида. — Дудко билан бир марта ҳамма иш хамирдан қил суғургандек ўтди, иккинчиси ҳам шундай бўлади, деб ўйлаяпсизми? Танкчиларнинг кетма-кет омади келавермайди. Яхшиси, бизникида қолаверинг ёки биз ихтиёрига берилган армияга борақолинг. Ҳамма жойда ҳам иш топилаверади!

Лекин Лопатин Дудконинг бригадаси билан рейдга бормоқчи эканини яна такрорлади.

— Нима, мени унга бутун бригадани беради, деб ўйлаяпсизми? — истехзоли кулиб қўйди корпус командири. — Жа бадавлат эмасман. У ёққа Дудко битта батальон билан бориб келади, албатта, кучлантириш мақсадида батальон самоходкалар ва бошқа талаб этилган ҳамма нарса билан таъминланади. Сиз билан мен

эмас, у овора бўлади; шундай бўлгач, сизни олакет-тиш-олакетмасликни ўзи ҳал қилаверсин!

— Агар мен ҳал қиладиган бўлсам — ўртоқ Лопатинни олакетаман, — қувноқлик билан деди Дудко.

— Уни нимага ўтқизасан?

— Ўтган сафардагидек, бронетранспортёрга.

— Хўш, агар бир нарса...

— Бирор нима бўлса — танкка тиқиштирамиз.

— Ундай бўлса, тиқиштирақол, — деди корпус командири. У таъқиқлаши осон бўлса-да, нимагадир рухсат берди. Ё бригада командирининг омадига ишонди, ё Лопатин хусусида ҳарбийлар кўпинча мухбирлар ҳақида ўйлагандек фикр юритган: «Менга ўзингни жасурлигингни кўрсатмоқчимсан? Рухсат бермаслигини кутясанми? Шу қилганинга рухсат берворай!»

Буларнинг ҳаммаси икки кун аввал, кечқурун, ҳозир Лопатин ҳосили ўриб олинган майдон ўртасида ётган жойдан ақл бовар қилмайдиган узоқда бўлиб ўтганди.

Бус-бутун қолганига ҳамон ишонмай тирик ётибди, ярадор ҳам эмас. Қоронғида якка-ёлғиз ўзи на биронинг овозини, на инграшини, ҳеч нимани эшитмай ётибди, орт томонида, бу воқеа содир бўлган йўл устида ёниб бўлган танкларни қоронғида энди кўриб бўлмасди; фақат оқишроқ бир нималар ғира-шира кўзга ташланарди: булар йўлнинг шу қисмида икки томонига экилган қадимги аргувонлар бўлиб, ердан бир ярим метр юқори қисми оқартирилганини у биларди; аргувонлар шунчалик қалин экилган эдики, олдинда ва энг орқадаги танк бир пайтнинг ўзида ёниб кетганидан сўнг, бошқа танклар йўлдан четга чиқиб истирмадан қутилиш учун на бурилаолишди ва на аргувонларни ағдарабилишди.

Мана, ҳозир ҳам ўша лаънати аргувонлар оқариб турибди: яна пастроқда, йўл устида нимадир — нималигини билиб бўлмасди — дам ўчиб, дам яллиғланиб турибди. Илгари бутун йўлни алангаси билан ёритган сўнгги бир парча нарса ерда ётибди. Зим-зиё тун қўйнида на қаерда эканингни, на атрофингда нималар бўлаётганини биласан. Ва ҳатто дам-бадам узоқдан эшитилиб турган снарядларнинг портлаган овози ҳам бизникилар қаерда-ю, немислар қаердалигини англаб олишга ёрдам беролмасди. Ёнингда «тиқиштирақол» деган корпус командири ҳам, бежавотирроқ бўлиши

учун Лопатинни бронетранспортердан колоннанинг ўртасида келаётган танкка ўткизган полковник Дудко ҳам йўқ; Лопатинни тўртинчи бўлиб ўткизишган танкдаги учта одам ҳам йўқ; иккитаси ўша ондаёқ танкнинг ичида ҳалок бўлди, учинчиси эса кейинчалик қаёққадир йўқолиб кетди.

Ҳеч ким йўқ эди. Бу далада у ёлғиз эди. Яна ёниб бўлган танклар ва ўлдирилган, ёниб кетган одамлар бор эди, лекин улар кўринмасди: зовур бўйлаб эмаклар бораётганида тиззасидан шартта узилиб кетган кимнингдир этик кийган оёғи ҳам бор эди. Яна узоқда дам яллиғланиб, дам ўчаётган кичкинагина гулхан бор. Йўл устида нима ёнаётгани, ҳаммасидан кейин нима ёниб бўлаётганини нимагадир билгиси келарди. Мана, уруш қанақа — нима бўлганда ҳам: қирқ биринчи йилми ёки қирқ тўртинчи йилми, фарқи йўқ — у билан яккама-якка қолганинда бундан даҳшатлиси бўлмайди, шундагина унинг бутун фожиасини тушуниб оласан.

Аввал, немисларнинг орқа томонига ўтказилган мана бу рейддан икки кун олдин Лопатин танкчиларнинг қайфиятини кўриб, ҳаммаси илгари неча марталаб бўлганидек силлиқ бораётганини ҳис этди. Талафот ҳам бўлди: иккита танк ва бригадага қўшимча берилган самоходка ёниб кетди, тўғри тошйўлга тушган снаряд танкка қарши тўп билан уни сургаб юрган машина — «додж»ни дабдала қилди. Ун минутдан кейин Лопатин ўша жойдан ўтиб, бояги «додж»дан қолган-қутганлари — қийшайиб, майишиб кетган темир-терсақларга, йўл бўйидаги тўсиққа итқитиб юборилган канотига кўзи тушди. Хуллас, одатий ҳисобланган талафот бор эди. Кўриниб турганидек, танкчилар немисларнинг орқа томонида тўсатдан пайдо бўлиб, кўзга кўринган ҳамма нарсани — фронтга кетаётган ва фронтдан қайтаётган юк машиналари колоннасини, бурилиб олишга улгурмаган енгил машиналарни, от-аравалар карвонини, саф тортиб кетаётган пиёдаларни қириб ташлашди; алоқа симларини узишди; немислар ўз танкларини ямаётган дала ремонт устахоналарига бостириб бориб, у ердаги бор нарсани ер билан яксон қилишди ва йўл-йўлакай рация орқали код билан маълумот етказиб туришди, ўз кучларини қайта тўплашга киришган немислардан ўзларини четга олиб, дам у ёққа, дам бу ёққа йўл олишди.

Лопатин содир бўлганларнинг атиги озгина қис-

мини ўз кўзи билан кўрди. Аммо бугун куннинг охирида бронетранспортерни «виллис»да чапаниларча қувиб ўтиб Лопатинни машинасига олволган Дудко ҳаммасини лўнда қилиб айтиб берди.

— Бугун қоронғи тушиши билан ўзимизникилар томон ўтиб оламиз, — деди у. — Менга юкланган топшириқ бажарилди, бизникилар эса рендау<sup>1</sup> белгиланган маррага етай деб қолишган бўлишса керак. — Дудко урушда радистларга расм бўлган мана шу французча сўз билан олифтагарчилик қилди. — Лекин ёриб ўтиш пайтида нималар бўлишини ким билади дейсиз — ҳар эҳтимолга қарши сизни танкка ўтқизаман. Комбат бўлган пайтимдаги собиқ танкимга. Механик тилла одам, танк командири ҳам ўзимники, у билан жанг қилганман, башнячи — янги, радист эса йўқ — покомплект. Сиз унинг ўрнига ўтирасиз.

У «виллис»да танкларни қувиб етди. Аввал, машинадан тушмай очиқ люкдан рота командири бошини чиқариб бораётган бош танкни тўхтатди-да, бир-икки оғиз гаплашиб олди: гап нима ҳақда борганини Лопатин моторлар шовқинидан эшитолмади, балки ўзи хусусида гаплашган бўлиши мумкин.

Рота командири честь берди, танклар олға юрди, Дудко «виллис»ни йўл чеккасига олиб, Лопатинни ўтқизмоқчи бўлган колонна ўртасидаги танкни кутиб турди. Сигнал чалиб танкни тўхтатди-да, бу сафар «виллис»дан тушиб Лопатинни ҳам ортидан эргаштирди. Башнядаги ўзи ҳам малла, мўйлаби ҳам малла ёшгина танк командирининг чеҳрасидан бригада командирини кўриб нақадар қувонгани билиниб турарди.

— Вахтёров, салом, сенга «Красная звезда» газетасидан майорни олиб келдим, вақтинча, ўзиникига етиб олгунча танкингга олвол. Сизлар уч кишими?

— Худди шундай, уч киши. — Танк командири гарданига сурилган шлёмини бостириб кийиб олди. — Санинструкторнинг ўрнига радист бор эди, уни бошқа машинага олишди.

— Энди майор сизларга ҳам радистлик, ҳам санинструкторлик қилади, — деди Дудко қувноқлик билан. — Унга бошинг билан жавоб берасан, тушундингми?

— Хўп бўлади, бошим билан жавоб бераман, — унга жавобан шўхлик билан деди малла Вахтёров.

<sup>1</sup> Учрашув жойи.

Лопатин танкка чиқиши лозимлигини ўйлаб, бунга энди ҳозирланаётганида Дудко уни олдинга, хайдовчи ўтирадиган люк томон бошлади.

— Бу менинг танким, меники, — деди у йўл-йўлакай. — Қомбатлик пайтимда шу танкда юрардим. Вахтёров ва Чижев билан! Ҳозир сизга Чижевни таништираман. Олтин механик!

«Олтин» механик қошлари оқиш, кулгига мойил бўлмаган думалоқ юзли, жиддий йигит экан.

— Салом, Чижев, — деди Дудко.

— Салом, ўртоқ гвардия полковниги, — эшитилар-эшитилмас жавоб берди Чижев.

— Мана, Чижев, Вахтёров билан иккалангизга «Красная звезда» газетасидан майорни ишониб топшираяпман. Танкни эҳтиётлаб ҳайда, боши ғурра билан тўлмасин тагин!

Чижев бригада командирининг кулиб айтган гапига жавобан ҳатто жилмайиб ҳам қўймади ва нималарнидир жиддийлик билан унга тушунтира бошлади, Лопатин эса юқори люк орқали танкнинг ичига тушди. Малла Вахтёров унга кўмаклашиб юборди. Унинг ёнига туриб олган Лопатин Дудконинг йўл ёқасидаги нишобликда «виллис»ни қалтис буриб ва қўл силкиб хайрлашиб, афтидан улар билан эмас, балки яна аллаким билан бирга бормоқчи бўлиб, орқага қайтаётганини кўрди.

Буларнинг ҳаммаси бизникилар ҳужум қилиб келаятгани ва фақат уларга бориб қўшилишгина қолгани ҳақидаги хабардан: уни малла Вахтёров билан худди ҳайрон бўлгандек қошлари кўтарилиб турадиган митти Чижев ёнига танкка ўтқизган бригада командирининг табассумидан кейин бошланди. Орадан икки соат ўтганидан кейин эса икки томонига қадимий аргувонлар экилган, булар одатдан кўра баланд, одам бўйи оқартириб қўйилгани Лопатиннинг хаёлига келган сўнгги дақиқада мана шу эски йўлдан бораётган етти танкнинг ҳаммаси фалокатга учради.

Ҳа, мана ўша, тош ётқизилган эски йўл бўйлаб гўё девор каби қад ростлаган аргувонлар ҳаддан ташқари баланд қилиб оқланганини хаёлидан ўтказган фикр: у сўнггиси эди.

Кейинги дақиқада эса очиқ люк устидан, бошлар узра қоронгида нимадир чийиллади-ю, Вахтёров Лопатинни ичкарига туртиб юбориб, люкнинг қопқоғини

ёнди ва алоҳида башнячига, алоҳида ҳайдовчига бир нима деб қичқирди-да, башняни айлантиришга киришди. Танкка эса бир нима шунақаям урилдики, Лопатиннинг кўзойнаги отилиб кетиб, уни тутиб қолишга улгуролмади ҳам, зирхга нима урилганини англолмади ҳам — башнянинг ичида нимадир гижирлаб кетгандек ва пилдироқ каби чир айлангандек бўлди, бутун аъзои баданидаги оғриқ билан бирга, мана шу чийиллаш овози эсида қолди. Иссиқ ҳарорат ва куюнди ҳиди димоққа урилди, мажолсиз, юмшоқ ва нам бир нарса устига ағдарилиб зирхга сиқиб қўйди: устидаги одам ўлганини фаҳмлади-ю, аммо кимлигини — Вахтёровми ёки башнячими билолмади. Пастдан эса кимдир оёғидан тортиб қичқирди, шунда у гимнастёркаси букланиб қолиб чиқишга халақит бераётганини ва бу аҳволда чиқиб кетолмаслигини сизди. Кейин эса ўзига тортаётган Чижовнинг ортидан бир амаллаб пастки люкдан чиқиб олди.

Кейин у занжирли гилдираклар орасида ётиб олди, Чижов эса яна қайтиб юқорига, танкнинг устига чиқди, анчагача ичида бир нималар қилиб яна пастга тушди-да, «Тамом!» деди. У «Тамом!» деганда Лопатин ҳаммасига тушунди: Чижов бошқалар тирикмикан, уларни танкнинг ичидан чиқариб бўлармикан — шуни текшириб чиққанди.

Чижов билан иккаласи танкнинг остидан чиқишди. Лопатин ўрнидан туриб қадини ростламоқчи, нима бўлганини кўрмоқчи бўлувди, ён томондан пулемёт тариллаб қолди. Чижов уни пастга тортиб ўзи ҳам ташна ерга ётиб, автоматини сургаган ҳолда зовур томон эмаклади — автоматни танкдан, ичкаридан олиб чиққан экан.

Улар йўлдан эмаклаб ўтиб зовурга тушиб олганларидан кейин олдиндаги ва орқадаги танк бутун йўлни ёритиб ёнаётганини, чап томондан, яқин жойдан ниқобланган немис тўплари ва пулемётлари танкларни ўққа тутаётганини кўришди. Иккита танк немисларга қараб ўт очяпти, яна биттаси бошқа томонга ўқ узяпти, ўзлари чиқиб олган танк эса қимир этмай қоп-қорайиб турибди. Лопатин ичкарида куюнди ҳидини сезган бўлса ҳам у ёнмаётган эди. Яна битта танк йўлдан далага чиқиб олиш мақсадида аргувонни кўпориб ташлашга уринарди-ю, аммо бунинг уддасидан чиқолмасди, чунки у қадимий аргувон бўлиб, ортида шунақанги



бақувват дарахтлар қатор турарди. Шу боисдан тисла-надиган жой ҳам йўқ эди. Кейин эса яна битта немис тўни ўнгдан, йўлнинг бошқа томонидан ўт очувди — бу танк ҳам аланга ичида қолди. Ундан сўнг шу пайтгача отаётган бояги иккита танк ҳам ёниб йўл бутунлай ёришиб кетди. Танк ичидан икки киши отилиб чиққани ва пулемёт ўқига дуч келиб қулагани, яна биттаси эса башнядан чиқмасданок ўқ еб ярим гавдаси ташқарига осилиб қолгани шундоққина кўриниб турди. Кейин Лопатин билан Чижов ерга тушиб олган танкка яна битта снаряд чунонам урилдики, унинг зарбидан башня бошлари узра учиб кетди ва гўё шуни кутиб тургандек танк ичидан аланга кўтарилди.

Чижов Лопатиннинг енгидан тортиб зовур бўйлаб олдинга эмаклаб кетди: илгари гўё ўз танкини қўриқлаётгандек шу ерда ётганди, энди эса эмаклаб кетди.

Немис тўплари ёниб бўлган танкларни ҳамон ўққа тутарди, улар эса зовур ичида уч юз метрча эмаклаб боришди-да, аргувонлар тугаб йўл ёқасида майда буталар бўлган сайхонликдан чиқишди. Мана шу бутазорга чиқиб олишгач, Чижов нимадир деганди, Лопатин бошини эшитмаяпман, дегандек чайқаб қўйди. Шунда Чижов ҳам бошини чайқади-ю, Лопатин нимагаям алаҳсиб бир минутдан кейин қараганди — у гойиб бўлибди. Лопатин ёлғиз қолишдан чўчиб, уни чақирганди, ҳатто ўзининг ҳам овозини эшитолмади.

Бир оздан кейин у сертикон анғизда яланғоч бадани билан ётганини сизди. Қараса гимнастёркаси ҳам, кўйлаги ҳам кўтарилиб қолган экан. Кўйлагини шимига тикар экан, унутиб қўйган тўппончасига қўли тегиб кетди. Бир ўзи қолганига ҳамон ишонмай, мана ҳозир Чижов ёки бошқа бирор тирик жон ёнида пайдо бўлиб қолишини кутди-ю, аммо ҳеч кимдан дарак бўлмади, немислар ҳам энди отмай қўйишди, ҳеч нима эшитилмасди, фақат йўл устидаги танклар, биттасида ўзи ҳам бўлган еттита танк ёниб тугамоқда эди.

Лопатин ўгирилиб олиб, ҳамма жойини пайпаслаб кўриб, ярадор эмаслигига ҳайрон бўлди. Гимнастёркаси — чап елкаси ҳам, енги ҳам — кимнингдир қони билан намиққан. У бармоқлари билан аллақандай шиллимиқ бир нимани — афтидан мия бўлса керак — сидириб ташладида, нам чўнтагининг тугмасини ечиб қон сингиган «Красная звезда» гувоҳномасини олиб,



ўнг томондаги қуруқ чўнтагига солиб қўйди. Мана шу ўнг чўнтагида немислар ясаган темир қутичада ҳар аҳтимолга қарши олиб юрадиган кўзойнак бор эди. У пайшаслаб қутичани очди-ю, кейин кўнгли жойига тушди: у бирор кори ҳол бўлишидан қўрқадигани — кўзойнаги бус-бутун эди. Кўзойнакни тақиб қоронғилик қаърига тикилар экан, танкларимиз ёниб бўлаётган жойга немислар келиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, янада нарироққа эмаклаб бормоқчи бўлди. Сал ўрнидан кўтарилиб йўлдан нари томон, дала бўйлаб эмаклаб кетди. Олд томонда нимадир қорайиб турганига кўзи тушмагунча ўн минутча эмаклади. Аввалига унга одам ётгандек бўлиб туюлди, лекин олдиндаги қорайиб турган кимса қимир этмасди. У етиб бориб қараса, устига бомба тушиб портлаган ғарамнинг қолдиги экан.

У ярми тупроқ остида қолган ғарамга ҳолсиз ағдарилди-да, йўлдаги ҳамон тутаётган оловнинг сўнги алангасига боқиб, нималар содир бўлганини англашга уринди.

Шу воқеа юз беришидан сал олдин батальон командирлари разведка билан биргаликда мана шу йўлдан ўтиб, ўзининг ортидан юришларини, у рендауга чиқаётганини рация орқали билдирганди. Бу малла Вахтёров эшитган ва буни Лошатинга айтган сўнги сўзлар эди. Нега немислар биринчи бўлиб ўтганларни индамай ўтказиб юборишди-ю, уларнинг ортидан келаётганларни ўтказишмади? Балки аввалига улгуролмай қолиб, кейин улгиришдимикан? Рейдга борганларнинг қолган ҳаммаси қаердайкин? Бошқа йўлдан бориб ўзимизникиларга қўшилиб олишдимикан? Агар шундай бўлмаганда яқин-атрофда жанг бўларди, лекин бунақаси эшитилмади. Фақат артиллериячилар отишяпти, шундайм узоқда, бошқа томонда. Агар бизникилар ҳужумга ўтишган бўлишса, эрталабгача бу ерга етиб келишади, яхшиси, шу ерда кутиб ётиш керак, барибир, бошқа йўли топилмайди.

Кўнгли ниҳоятда ғаш эди: сурункасига бир ярим ойдан бери ўзи гувоҳи бўлган барча воқеаларнинг кўлами бугунги ожиз ва аянчли тақдирига ҳечам мос тушмасди.

Улар бор эди. шитоб билан кетишаётганди, танкнинг шовқинини босиб бир-бирига ғаш отишарди, ҳазил қилишарди, энди ҳамма оғирлик ортда қолди, деб

ҳисоблашишарди-ю, тўсатдан ҳаммаси ёниб кетди. Етита танкнинг ҳаммаси бирор нима қилишга улгурмай, бирин-кетин аланга ичида қолди. Ичидаги одамларнинг ҳаммаси ёниб кетди. Балки ҳаммаси эмасдир! Балки кимдир ўзи каби мана шу йўсинда аллақерда тонг отишини кутиб узала тушиб ётган бўлса ажабмас.

Мана шунақаси бўлишини у биларди, тушунарди, танкчилардан эшитганди, ёнаётган танкларни ўшанда, Минскка ёриб киришганда ҳам, шу кунларда ҳам кўрганди -- аммо унда бошқа кимдир ёнаётганди.

Тонг ёришгач, нима бўларкин, деган хаёлда хавотир олиб ётаркан, кейинги олти ҳафта мобайнида Москвага йўллаган шу ҳужум хусусидаги мақолалари учун аллақандай тайинсиз равишда хижолат чекарди. Бу мақолаларида ҳамма нарса тўғри ёзилган-у, аммо нимадир етишмасди. Йўқ, буларни ҳозиргина бошидан кечирган даражада чуқур ёзмаганди.

Дала эса шабадасиз ва сокин эди, гўё уруш мана шу дала атрофида эрталабгача уйқига кетгандек. Аммо тонг отиши билан у уйғониб кетади — ана шунда бу ерда туриб сен кимларни кўрасан-у, кимлар сени кўради, маълум эмас.

Лопатин ўзи тушиб қолган вазиятни оқилона тасаввур қилмоқчи бўлди. Кечқурун улар аввалига шимол томон юришди, кейин эса шарқ томон бурилишди. Тилга олинган рендау ҳам унча узоқ бўлмаган аллақайси жойда, бу ердан олти ёки етти километр нарида амалга ошиши лозим эди. Ҳар ҳолда малла Вахтёров бу ҳақда унинг қулоғига қичқириб айтганда шундай тушунганди.

Аввалига Чижев билан иккаласи чап томонга, йўлдан иложи борица узоқроққа эмаклаб кетишди, кейин эса Лопатин ёлғиз қолиб, танқда улар юрган йўналиш бўйлаб олга силжишга ҳаракат қилди.

Кўкни булут қоплади ва энди ҳатто йўл бўйидаги оқариб турган анави лаънати аргувоилар ҳам кўринмай қолди. Аммо йўлда эндиликда ўчиб бўлган олов қаерда сўнгани унинг ёдида қолган. Бу ерга қандай эмаклаб келган бўлса, бундан кейин ҳам худди шу йўсинда илгарилаб бориш, қайтиб яна йўлга чиқиб қолмаслик учун ҳечам ўнганга силжимаслик лозим: тонг отгунча йўлда яна нималар бўлмайди дейсиз!

Мана шу ерда, йўлдан нарида унга кўндаланг тушган сўқмоқни — жанубда, Одесса остонасида бўлгани-

дек ё майда ниҳоллар, ё бутачалар билан қопланган уватни эслатувчи тор йўлни хали кундуз кунийёқ кўрганини ҳозир эслаб қолди. Осмонни булут қоплаб, ўн қаддам наридаги нарса кўринмай қолганидан кейин, яхши-си, ўрнидан туриб эрталаб тап-тақир сайхонликда қолмаслик учун бирор бутазор ёки дарахтзорга етиб олиш мақсадида йўл ёқалаб бориш керак.

У урушнинг бошларида Минск остонасида қуёш эндигина бош кўтарган булутсиз тонг пайтида тап-тақир сайхонликда ётгани ва «миссершмит»лар пулемётларини тариллатиб боши узра бирин-кетин учиб ўтганини эслади. «Чувалчангга ўхшаб ётибман-а!» — газаб билан эслади у ва тўсатдан пайдо бўлган мана шу дарғазабликда қутилиб қолишга бўлган шижоат бор эди. Ўшанда қутилиб қолиб, энди қутилиб кетмаслик аҳмоқона иш бўларди! Танклар қўққисдан ҳалокатга учраганидан кейин у ўзини гайритабиий даражада иродасиз қолаётгандек ҳис қилганди, энди бўлса бу ўз-ўзидан йўқолди. У ердан кўзгалди — аввал чўккалаб олди, сўнг даст ўрнидан турди, ҳамма жойини пайпаслаб чиқди, бутун оғирлигини дам у, дам бу оёғига солиб кўрди-да, бемалол юраолишини ҳис этди.

— 15 —

Анча юрганидан кейин Лопатин дам олгани ўтирди-ю, қоронгида, ўзидан сал нарида дала бўйлаб бир одам кетаётганини сезиб, уруш ҳали қирқ биринчи йилдаёқ ўргатиб қўйган ишни амалга оширди: ўтирган қўйи ёнбошлаб гилофни очди-да, тўпшончани олди ва бутун оғирлигини зирқираб оғриётган чап тирсагига ўтказиб отишга шай ҳолда зулмат қаърига тикилди.

Ўқни олдиндан стволга жойлаштирагани ёмон бўлди-да, энди эса теңкини кўтариб қўйиш учун затворни орқага шарақлатиб тортишга, тунги сокинликни бузишга тўғри келади.

Аммо худди шу иши бахтсиз тасодифдан сақлаб қолди: олд томонда нимадир ғимирлаб, тепадан эмас, балки пастдан — шарақлаш овозини эшитиб у ҳам ётиб олган экан — бўғиқ овоз эшитилди:

— Отма, ўзимизникиларданман!

— Қимсан? — шивирлаб сўради Лопатин.

— Чижов бўламан, — жавоб қилди у. — Ўзинг-чи?

— Мен сиз билан бирга эдим,— деди Лопатин ва унинг ўрнидан туриб ўзи томон келаётганини эшитди: лекин орадаги масофа уч қадам қолгандан кейингина бўйнига автомат осиб олганидан елкалари ғалати равишда кенгайиб кетган Чижовнинг кичкина гавдасини яққол кўрди.

— Қаёққа кетиб қолдингиз?— бўйнидан автоматини олмай унинг ёнига ўтирди Чижов.— Сизга, ахир, кутиб турунг, декандим-ку!

— Тушунмабман. Қулоғим яхши эшитмаганди.

— Энди-чи?

— Энди эшитяпман.

— Мен ҳам,— деди Чижов.— Лекин лат еганим йўқ. Фақат танқдан иккинчи марта чиқаётганимда оёғимнинг териси шилиниб кетди, билмадим, нимага тегиб кетганийкин? Ачишяпти. Сиз ТТ тўппончангизга ўқ жойлаётганингизни эшитиб, дарров ўзимизники эканингизни билдим. Парабеллумда бошқача шарақлайди. Бу ерда, далада немислар бўлиши ҳам мумкин эмас. Улар ўз ишини қилиб бўлиб жўнаб қолишган. Энди нима қиламиз, ўртоқ майор?

— Бир оз дам оламыз-да, сўнг йўл ёқалаб бораверамиз. Ё бутазорга, ё экинзорга етиб олиб, ўша ерда тунаймиз, тонг ёришгач, у ёқ-бу ёқни қараймиз, -- Лопатин ганини шивирлаб бошлади-ю, ҳали ўзини тарқ этмаган кўрқувни енгиб, баланд овоз билан тугатди.

— Бирорта сув топсак янаям яхши бўларди, жудаям чанқаб кетдим,— деди Чижов.— Қорнингиз очмадими? Менда қоқнон бор. Доим чўнтагимда қоқнон олиб юраман — кунимга яраб қолади!

— Келинг, яхшиси, кетдик,— деди Лопатин.— Манзилимизга етиб бориб кавшанармиз, балки сув ҳам топилиб қолар.

Улар ўринларидан туриб йўлга тушишди ва борборгунча бир-бирларига чурқ этиб оғиз очишмади. Индамай кетаверишди.

Аввалига бутазорга етиб боришди, лекин буталар ниҳоятда сийраклигини кўриб яна йўлда давом этишди. Ҳеч қанақанги сув учрамади, бироқ ярим соатлардан кейин кичкинагина қалин ўрмонзорга дуч келиб қолишди. Аввалига бу қанақанги ўрмонзорлигини билишолмади. Олдинда бораётган Чижов нимагадир урилиб кетиб оғриқдан бақириб юборди-ю, иккаласи ҳам ўзини таппа ерга таппашди. Ётиб олиб ён-атрофни

пайпаслашгандан кейингина бу мана шу жойларда, Белоруссия билан Литва чегарасида кўп учрайдиган кичкинагина хутор қабристонни эканини билиб қолишди.

— Сиз шу ерда ётатуринг, ўртоқ майор,— деди Лопатиннинг қулоғига шивирлаб Чижов.— Мен атрофни айланиб чиқаман, бирор кимса бор-йўқлигини билиб келаман. Бу жой фақат биз учунгина яхшига ўхшамайди. Ёшгина, жуссаси кичик ва ёввош туюлса ҳам аслида менга беринг, шу билан эмакляб бориб келақолай.

Лопатин автоматни олди, Чижов эса тўппончани қўйнига тикди-да, қабрлар оралаб сассиз эмакляб кетди. Ёшгина, жуссаси кичик ва ёввош туюлса ҳам аслида сўзини ўтказадиган одамга ўхшарди.

— Ҳеч ким йўқ, ёлғиз ўзимиз қолибмиз,— деди у қайтиб келгач.— Шу яқин орада ўзимиз қолганмиз. Энди нима қиламиз? Шу ерда кутамизми? Яхшигина панажой экан.

— Майли,— Чижов ҳал қилиб бўлган масалага ҳеч иккиланмай қўшилиб, деди Лопатин.

— Қорнингиз очмадимиз?

— Йўқ.

— Меники ҳам.

— Ҳозир бизникилар қаерда эканини билганимизда яхши бўларди.

— Билганимизда эди,— деди Чижов.— Таваккал қилиб бориш мумкин. Артиллериямиз ўт очганини эшитдингизми? Танклар ҳам.

— Эшитдим. Биздан чапроқда, чекка томонда отишяпти, менимча, анча олисда.

— Унчалик олис эмас. Шамол у томондан эмас, биз томондан эсяпти, шу боисдан олисда бўлиб эшитиляпти. Фақат чапроқдан эмас, орқа томонимиздан ҳам тўппа-тўғри гарбга қараб отишяпти. Немислар шу важдан ҳам пистирмани тарк этишган. Ишларини бажариб бўлиб жуфтакни ростлаб қолишган,— аччиқ соддадиллик билан деди Чижов.

— Яхшиям биз учрашиб қолдик, ёлғиз ўзинг қўрқаркансан,— деди Лопатин.

— Албатта-да,— унинг фикрига қўшилди Чижов.— Жанг майдонида битта одам ҳам жангчи, деб шунчаки айтишади, бир одам урушда нима қилоларди? Қайтиб келгунимча ётатуринг, деганимни сиз эшитгансиз, деб ўйлабман.

— Нимага анча кечикдингиз?

— Нариги, бошқа зовурда битта-яримта тирик одам ётганмикан, деб қармоқчи бўлдим. Ҳаммаёқни титиб чиқдим, ҳатто пайкалгача эмаклаб бордим — ҳеч ким йўқ! Шунақаси ҳам бўладики, танк ёниб кетиб, ичидагиларнинг ҳаммаси чиқиб олишга улгуришади, яна шунақаси учрайди-ки, танк ҳатто ёнмаган, ичидагиларнинг ҳаммаси эса ўлган бўлади. Курск ёйида биз жангдан қайтиб чиқаётиб, ротамизнинг деярли олдинги маррасида битта танк зовурда ёнбошлаб қолганини кўрдик, юқори люки очик — ва ҳеч ким йўқ. Биз ҳатто тўхтаб қолдик, нима гап, нега улар жангга боришмаганийкин? Ичкарасига қарасак, ҳаммаси ўлиб ётибди. Бирданига иккита снаряд тегибди. Биттаси олд томондаги зирхга урилиб ҳайдовчини ўлдирибди, бошқаси эса башняга тегиб, зирхни тешиб ўтибди-да, ичкарида пилдироқ каби чарх уриб ҳаммани ҳалок этибди.

— Унда юқори люкни ким очибди?

— Ким билади дейсиз? Инсонда ўлими олдидан шунақанги куч пайдо бўларкан — итариб очган-да, сўнг ичкарига қулаб жони узилган. Ўзим ҳам бир марта эс-ҳушимни йўқотиб, машинани орқаси билан жанг майдонидан олиб чиққанман. Кейин менга танк командири айтиб берган: «Мишка, қаёққа ҳайдаянсан? Ҳозир пастликка ағанаймиз!» деб бақирармиш-у, мен эса беҳушимман. Одамлар турли хил ўлимга дуч келишади. Биринчи командиримни башнянинг ичида зирхизининг бир парчаси ўлдирган. Танкчиларда ҳаммасига битта машина берилади, ҳаммаси бир хил-у, лекин ўлими турлича бўлади. Ўша зовурда тирик қолган бирортасини топарман, деб ўйлагандим. Ўз одамими ташлаб кетишларига тоқат қилолмайман. Курск ёйидан кейинги ҳужумларнинг бирида машинамиз ёниб кетди, ўзимиз эса тирик қолдик, лекин тунда жанг майдони кимнинг қўлида эканини билиб бўлмади; ҳамма танк мажақланган — бизники ҳам, уларники ҳам. Эрталаб эса ёмғир ёғиб ўтди, — қарасак — жанг майдони бизники экан; пиёдаларимиз жанг майдони бўйлаб олга кетишяпти. Биз ҳам ортларидан эргашдик — кеча нима бўлганини кўрмоқчи бўлдик. Жонсарақ пайтида ҳеч нимани англолмайсан, кейин эса қизиқ туюлади. Тўсатдан кимнингдир инграётганини эшитиб қолдик. Қарасак, механик-ҳайдовчи ётибди, немис танки битта оёғини тиззасигача мажақлаб кетибди. Ўзининг ишдан чиққан танкидан тушибди-ю, немис танкининг занжир-

ли ғилдираги остида қолибди — буни ўзи айтиб берди. Жанг майдонида, албатта, бирор нима учрайди: адёл тошиб келиб, ўшанга ўрадик, у ҳолсизланиб дағ-дағ титрарди. Шу йўсинда кўтариб кетаётганимизда рўпарадан келаётган икки танкчини кўриб тўсатдан бақириб юборди: «Санлардан мени ташлаб кетманглар! — деб илтижо қилгандим. Сенлар эса ташлаб кетдинглар! Аблахсанлар!» деб қичқирди уларга. Улар эса, танимаймиз, деб туриб олишди. Биз уларни отиб ташлашимиздан кўрқишди. «У янглишди, у бизники эмас», дейишди. «Қанақасига сизники бўлмас экан?!»

Қайтиб келганимиздан кейин бригада командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосарига улар ҳақида ахборот бердик. Уларни нима қилишганини билмайман. Балки ҳеч нима қилишмагандир. Чунки ўша ондаёқ яна жангга кириб кетгандик. Аслини олганда эса ўша жойнинг ўзида отиб ташлашимиз лозим эди, шунга лойиқ эди! Севск остонасида эса пиёдалар менинг ўзимни аланга ичида қолганимда ўчиришган, ерда уёқдан-буёққа думалатишган, шинеллар билан ўраб ташлаган. Биз танкдан машъала каби отилиб чиққанмиз. Қаттиқ куйиб кетганмиз-у, лекин тирик қолганмиз. Шундай бўлгач, раҳмат пиёдаларга!

— Танкингиз командири билан кўндан бери бирга эдингизми?

— Вахтёров биланми? Анча бўлди, Витебскдан бери. Танишиб олганимиз — ундан ҳам олдин. Баҳорда Нижний Тагилда машиналарни олиб эшелонда бирга келганмиз. Кейин эса жанг арафасида унга младший лейтенант унвони берилиб, танк командирлигига тайинланганди. У ҳам моҳир мерган эди, ҳам билагон командир эди, ўн йилликни битирганди. Мактабни битириб тўғри урушга келганди. Танкимизга тушиб қолганда комбриг унга: «Сен, Вахтёров, узоққа борасан. урушни комбат унвонида тугаллайсан», деганди. У бўлса кулиб қўяқолганди. Мўйлови худди Чапайникига ўхшарди-ю, ўзи йигирма бир ёшга ҳам тўлмаганди. Йигирма ёшда эди;— деди Чижов ва бехосдан йиғлаб юборди.

— Сўраганимга ҳафа бўлманг.

— Нима қилти? — яна ҳиқиллаб йиғлади Чижов. — Индамай ўтириш бундан ҳам баттар. Гаплашишдан бошқа нима ҳам қилардик? Тонг ёришмагунча ҳеч нимани билолмаймиз.

— Башнячи анчадан бери сизлар билан биргамиди?

— Кечадан бери бирга эди. Унгача башнячимиз шўх бир киши эди, Задорожный Семён Семёнович. Филармониянинг артисти. Ашула ҳам айтарди, фокус ҳам кўрсатарди—қарта биланми, бошқа бирор нима биланми, барибир эди. Навқирон йигитча эмас, ўттиз ёшларга бориб қолганди. Унинг тақдирини қаранг: кеча эрталаб кетаётганимизда қопқоқни очибди-ю, кейин маҳкамлаб беркитмабди. Бир қўли билан башняни ушлаб папирос олгани эгилган пайтда, танк бомбадан ҳосил бўлган чуқурликка урилиб қопқоқ қўлини мажақлаб юборибди. Қўлини бинт билан боғлаямиз-у. у бўлса тишини-тишига қўйиб кулади: «Ҳечқиси йўқ. ўзим айбдорман», дейди. Ўзими, ўзи эмасми, санчагга олиб кетишди. Унинг ўрнига янгисини — энди видолашганимизни беришувди. Танкнинг ичига бош суқиб найпаслаб кўрдим — снаряд уни парчалаб ташлабди.

Шу сўз айтилганда Лопатин ёнида ётган Чижов сесканиб кетганини сизди.

— Фамилияси Попов эди. Бир ҳафтадан бери жанг қилаётгани ҳақида гапириб берди-ю, исмини айтишга улгуролмади. Ундан фақат Настенька исмли хотини борлигини билиб олгандик, холос. Сизни танкка олмасимиздан аввал бир оз тўхтаган эдик: тўхтаб турибмиз-у, нуқул у Настенька, Настенька, деб уни эслайверди. Инсон, барибир, ўзининг ўлимини олдиндан ҳис қиларкан.

— Қанақасига ҳис қиларкан?— сўради Лопатин.

— Агар ҳис қилмаганида эслаб ўтирармиди?

— Нима, Вахтёров ҳис қилмаганмиди?

— Вахтёров ҳеч қачон ҳис қилмасди. У, аксинча, Попов ҳиссиётга берилганида унга: «Биз жанг қилиб юрибмизми, демак, сиз ҳам жанг қиласиз. Биз ахир тирикмиз-ку! Албатта, уруш қурбонсиз бўлмайди, лекин орамиздан кимдир тирик қолиши керак!» деб тунтириб берганди. Шу йўсинда унга тасалли берарди. Сиз ҳам Вахтёров каби қирқ биринчи йилдан бери урушдамисиз?

— Қирқ биринчи йилдан бери.

— Мен эса қирқ иккинчи йилдан бери урушдаман. Тракторчилар курсини уруш бошлангандан кейин битирганман. Менга чақирув муддатини узайтириб, ҳужжат беришди. Чунки дастлабки кунлари ҳаммани урушга олиб, тракторни бошқарадиган одам қолмаганди.



Ярам очилиб кетиб, доктор уч кунга совхоздан онамни кўргани қишлоққа боришимга рухсат берди. Етмиш чақирим йўл босиб онамникига борсам, мени чақирув қоғози кутиб турган экан. Акам урушда ҳалок бўлибди. Менга: «Ҳарбий комиссариатда хизматдан озод қилинганнинг ҳақидаги ҳужжатингни кўрсат», дейишди-ю, лекин ноқулай эди. Аввалига механик-ҳайдовчиликка ўқитишди, қирқ иккинчи йилнинг августида Сталинград остонасига тушиб қолдим. Бизни тўртинчи танк армияси, деб юритишарди-ю, лекин қанақасига танк армияси бўларкан, фақат номи бор...

— Ўзингиз қаерлик бўласиз?

— Пензадан, пензаликман.

— Э, шукр қилинг, сизнинг жойларингизга уруш тегмаган.

— Ҳа, тегмаган... — Чижов буни ўнқаланиб гапирди, «уруш тегмаган» сўзи аллақачондан бери ишлатилмайди. Ҳеч қаерда ишлатилмайди. Уйларга тегмаган. Уйлар эса бўм-бўш...

— Қирқ иккинчи йилдан бери нечта машина алмаштирдингиз? — сўради Лопатин.

— Буниси олтинчиси, — деди Чижов. — Икки марта ёниб кетдик, уч марта машинани алмаштирдик: шикастланганини ремонтга топширамыз, бизга эса янгисини беришади.

— Бригада командирингиз сизларнинг танкингизда юрганига анча бўлдимиз? — аллақачондан бери суриштирмоқчи бўлганини сўради Лопатин.

— Витебскдан, операция бошлангандан бери. У биздан мамнун эди.

— Нега бўлмаса бошқа танкка ўтиб кетди?

— Уни Литвада, Шауляй остонасида бирга жанг қилган механик-ҳайдовчи излаб келиб қолди. Командиримизни ҳалок бўлган, деб юрса, у тирик экан, фармондан Дудко фамилиясини ўқиб қолибди-ю, излашга тушибди. Госпиталдан халатда қочиб қолибди, йўл бошқарувчи қизлар машинага ўтқизиб бизнинг хўжалигимизга жўнатишибди. Бригада командири уни кўриб: «Қисматимиз шундай экан — демак, бирга бошладикми, бирга тугатамыз», дебди. Янги танклар берилиши билан уни ўзига механикликка олибди.

— Нега энди Вахтёровингизни ўзига олақолмади?

— Буни ўзимизча мулоҳаза қилиб кўрдик. Балки экипажимизни бузишни истамаган — у экипажларни

бузишни ёқтирмасди, бусиз ҳам уруш бузиб турибди, дерди. Менинг ўрнимга ўша механикни ўзига олганига хафа бўлмайман. Урушни бирга бошлаган одамингни унутиб бўларканми?

— Ҳақ гап! — балки унчалик ботир ва бошқалардан яхшироқ бўлмаса ҳам лекин хотирадан ҳеч кўтарилмайдиган, чунки ўшалар билан урушни бошлаган одамлар ҳақида ўйлаб унинг фикрига қўшилди Лопатин.

— Яна машинам ёниб кетганига ачинаман, — деди Чижов. — Ҳар сафар ачиноиб қўяман. Яна «ўттиз тўртинчи-я». Унинг тезлиги ҳам, ҳар қандай жойдан ўтагонлиги ҳам яхши, айтиш мумкин, ҳаракатда ихчамлиги ажойиб.

— Фақат башняси тез-тез учиб кетади, — танқдан учиб тушган башня фалокатга учраган «ўттиз тўртинчи»лар ёнида ётганини неча марталаб кўрганини эслади Лопатин.

— Шунақаси ҳам бўлади, — бу ҳақиқатга қўшилгиси келмай деди Чижов. — Бугун бизники бўлганидек. Уни маҳкамлаб қўйишмайди, ўзининг оғирлиги уни тутиб туради. Агар танқнинг ичи портласа ёки пастдан юқорига зарба берилса, ёки ёнгинасига оғир бомба тушса учиб кетади. — Ўзининг севимли «ўттиз тўртинчи»сини гўё оқламоқчи бўлгандек қўшиб қўйди: — Немисларники-чи, сезганмисиз? Уларникининг ҳаммасида, ҳатто «тигр»ларида ҳам тўшнинг кўтарув сектори заиф. Танқини мўлжалга олдингми, бас, дарров тўш оғзини пастга қаратиб олади! Уларнинг тўшлари жудаям яхши, бироқ узун, уни кўтарадиган сектор эса анчайин заиф. Кўряпсизми? Туришибди-ю, тўшларининг оғзи пастга қараган.

— Кўряпман, — деди Лопатин. У аслида буни неча марталаб кўрган эди-ю, лекин сабабини суриштириб кўрмаганди. Ўзимизнинг танқларимизга ачиноиб, кўпроқ «ўттиз тўртинчи»лардан учиб тушган башняларга эътибор берарди.

У билан ёнма-ён ётган Чижов танқчилар ёниб кетган ўртоқларини ва қолган нарсаларини гоҳида шинелга, гоҳида адёлга, кўшинча эса чодирга ўраб кўмишларини ганириб берабошлади...

Гап-сўз тугаб ўртага жимлик чўкканидан кейин вақт ниҳоят даражада секинлик билан ўтиб, хаёл уни ўтмишга — дам иложи бўлиши билан ёнингга келиши-

ни ёзган, лекин эндиликда унинг олдига сенинг боришинг номаълум бўлган аёлга, дам агар уч марта тирик қолганинга ҳам, барибир, нималарни кўрганинг ва нимадан даҳшатга тушганингни энди газетага ёзолмайдиган мана шу рейдга олиб кетишларини худди ёш боладек илтимос қилганига кечикиб пушаймон бўлиш томон етакларди.

Ёнида ётган Чижовнинг олдида пушаймон еганига уялди. Афтидан Чижов бу ҳақда ўйламасди. Чунки ҳеч кимдан ҳеч нимани илтимос қилмаганиди, шунчаки — урушда бир неча марта бўлганидек — аввалига унга нимани буюришган бўлса шуни бажарди, кейин эса энди ҳеч ким буюролмайдиган, ўртоқлари олдида шахсий бурчи, деб ҳисоблаган ишни қилди. Аммо ҳар қандай уятли бўлганда ҳам, барибир, генералнинг ўтган кунги «маслаҳат бермайман» деган гапига қулоқ солганида мана бунақанги воқеа юз бермаган бўлишини ўйлаб, ўзидан жаҳли чиқди...

— Яна шунақаси ҳам бўлиб туради, — узоқ сукунатдан кейин кўкқисдан деди Чижов, — ёндирилган танкнинг ичига қарасанг — механик қандоқ ўтирган бўлса шундоқлигича ўтирган бўлади. Деярли бус-бутун, ялпайиб кетмаган. Нега шундай — билмайсан! Сал тегиб кетсанг тутдек тўкилади! Икки марта шу йўсиндагисини дафн қилганман. Сизда чекишдан борми, ўртоқ майор?

Лопатин бир неча дона папироси бўлган пачкани эслаб, шимининг чап чўнтагига қўлини тикди. У пайпаслаб олган пачка намиққан ва мижиқланиб кетганиди, чунки шимининг чап томони ва гимнастёркаси бўлганидек чўнтаги ҳам бегона қон билан намиққанди.

Чижов шлёмини ечди-да, бир-бирига ёпишиб кетган папиросларни бармоқлари билан пайпаслаб кўрди.

— Ҳаммаси намиққан, — деди хўрсиниб у. — Чекиб бўлмайди. — Чижов шлёмини силкиб яна кийиб олди.

Шу йўсинда улар кўз юммай тонг орттиришди. Ҳалиям яхши кўринмаса-да, тунда улар нишаб дала бўйлаб анчагина юқорилаб узоққа бориб қолишганиди, кечаги воқеа содир бўлган жой эса бир пайтлари эски ботқоқзор оралаб ўтиладиган шох-шаббали йўлнинг ўрни бўлса керак. Арғувонлар узоқдаги пастиликда гира-шира кўзга ташланади ва шунақаям қалинки, улар оралиғида ёндирилган танклар тонгги

туманда деярли кўринмасди. Ундан нарида, пастининг нариги томонида даланинг сатҳи юқорилаб кетганди.

Пастликда, йўлга яқин жойда тунда улар сезмай қолган «фердинанд» турарди. У ҳаракатсиз эди. Машина ҳам одам каби тирик ва ўлик бўлади, гоҳида бу узокдан дарров кўзга ташланади.

— Ҳеч бўлмаса бунисини ишдан чиқарибмиз, — деди Чижов ғамгинлик билан. — У нариги томондан бизни болаган. Нариги томондан пистирма, бу ёқдан у яқин келиб ўқ ёғдирган. Беш юз метрдан албатта, ёндиради-да! Биз нима ҳам қилолардик? Худди деворга тираб отаётгандек. Қаёққа ўгирилсанг ҳам, барибир, бирёқлик қилади!

Кун анча ёришганидан кейин арғувонлар сиқиб қўйган бизнинг ёндирилган танкларимиз ҳам яққол кўрина бошлади.

Ундан узокроқда, йўлнинг нариги томонида бомбардимондан вайрон бўлган хутор — ғиштин уйлар ва черепица ёпилган томлари босиб тушган саройлар кўзга ташланди. Атрофда бирорта тирик жон йўқ.

— Кеча бизни мана қаерда кутиб олишган экан, — деди Чижов. — тўпларни ичкарига олишганда бутун батарея билан ўққа тутишган. Тўплар у томондан, самоходка эса бу томондан. Самоходкани бир амаллаганмиз, уларга эса ҳеч бало бўлмаган. Бизни ёндириб жўнаб қолишган.

Чижов билан иккаласи ётган хутор қабристонини тепаликнинг унча баландлигида эмас, балки сал пастроғида жойлашган бўлиб, орқа томонидаги қабрларни кўриб бўлмасди, шу боисдан Лопатинга тунда улар бу ерга шарқ томондан келишган эканми, бошқалар ҳам шу ернинг аллақасерида, тепалик ортида бўлишлари лозимдек туюлганди.

— Қани, кетдик, — деди у мавҳумликдан зерикиб.

— Ихтиёрингиз, ўртоқ майор, лекин, яхшиси, яна бир оз сабр қилганимиз маъқул. Тунда орт томонимизда артиллерия отишмасини ҳам, танклар овозини ҳам эшитгандек бўлувдим.

У гапидан тўхтаб анчагача қулоқ солиб турди.

— Ҳозир ҳам ўшоқдан отишмалар эшитилишти, — деди у қўлини орқага силтаб, — кимдир хавотирлик билан ўт очяшти — ё бизникилар, ё немислар.

Лопатин қулоқ солди-ю, лекин ҳеч нимани эшитмади.

— Энди отишмаяпти, — деди Чижов. — Акс ҳолда эшитилган бўларди. — Кейин яна такрорлади: — Келинг, кутақолайлик. Агар бирорта ўзгариш бўлмаса, сиз айтганингиздек, йўлга тушамиз. Барибир, сувга етиб олишимиз керак, чидаб бўлмаяпти. Қоқнонга хушингиз қалай?

— Берақолинг.

Чижов чўнтагидан икки бўлак қоқнон олди-да, биттасини Лопатинга бериб, бошқасини ўзида қолдирди, аммо уни ҳам ушатиб ярмини яна чўнтагига солиб кўйди.

Лопатин қоқнон чайнаб, қуруқшаб қолган томогидан ўтказиш учун оғзида айлантлар экан, ўзининг ҳамроҳини энди синчиклаб кўриб олди. Чижов юзини қурум босган бўлса ҳам катта-катта сепкили кўриниб турган паст бўйли киши эди. Қошлари ҳайронликдан юқорига кўтарилиб қолгандек, кўзлари эса ўйчан. У кирлаб кетган юзида ярқираб турган бир текис оппоқ тишлари билан қоқнонни ғажирди. Жағ томонида иккита тиш етишмасди, лабининг бир томони тиртиқ — ярадорликнинг асорати. Бўйи паст ва кўкраги бўртиб чиқмаган бўлса ҳам елкалари кенг эди. Бошида шлём, лекин комбинезони йўқ, гимнастёркаси эса танқдан ирғиб чиқаётганида илашиб қолмаслиги учун кўпчилик танкчиларники каби шимининг ичига тиқилган. Шимининг чап томони белидан тиззасигача йиртилган ва унинг устидан қони қотиб қолган ифлос биит билан боғлаб қўйилган.

— Гўштигача тилворибди, — Лопатин қараб қолганини кўриб деди Чижов. — Бармоғимни теккизган эдим, ичига ботиб кетди.

— Бошқатдан боғлаб қўяйми? — сўради Лопатин. — Менда биит бор.

— Ҳожати йўқ, ўртоқ майор! Оёғимнинг териси ҳам, иштоним ҳам қўшилиб кетган. Етиб борганимиздан кейин фельдшер юлқиб олади. — Кейин қўққисдан сўраб қолди: — Сиз ҳам белгиларингизга қараганда бир неча марта ярадор бўлгансиз, ўшанда қоқшолдан ҳеч қўрқмаганмисиз?

— Нимагадир буни ўйламаган эканман.

— Мен бир нарсани ўйлаб қолдим, — деди Чижов. — Мана, унга қарши ниш уришади: қоқшолни ердан чиқади, дейишади, лекин онда-сонда, мингтадан битта беморни олиб кетади. Мана бунақа урушда

қанақанги ниш уриш мумкин? Агар қоқшолга эмас, балки ўлимга қарши ниш уриш амалга оширилгандами — ҳамма ниш урдирган бўларди! — хаёлига келган фикрдан кулиб қўйди у, кулгиси шунақаям маъюс чиқдики, уни кўриб кулиш эмас, балки кўзингга ёш олгинг келарди! Қулиб туриб бирданига чехраси ўзгариб кетди, ҳатто бармоғини Лопатиннинг елкасига ниқиб деди: — Орқангизга қаранг, ўртоқ майор!

Улар энди нима қилишни мўлжаллаган бўлишса, шу йўсинда ўтиришарди. Лопатин қаёққа борган ва қаёққа йўлни давом эттиришга ҳозирланаётган томонга қараб, Чижов эса тунда унга отишма эшитилган орқа томонга юз ўгириб ўтиришарди.

— Кўряпсиэми?

Лопатин у қўли билан кўрсатган томонга ўгирилиб қаради-да, уфқ томондаги учта доғга кўзи тушди. Аввалига сал катталашди — улар тўғри рўпарадан келишарди — сўнг икки чеккадаги доғ чўзилиб икки томонга кетди, ўртадаги эса тўғридан келаверди. Кейин чеккадагилар яна бир-бирига яқинлашиб ён томонларга эмас, балки тўғрига йўл олишди — демак, шунчаки оралиқдаги масофани бошқача, кенгроқ олишган экан.

Шамол узоқдан танк моторларининг ҳеч нимага ўхшатиб бўлмайдиган шовқинини олиб келди.

— Разведкага ўхшайди, — деди Чижов. — Балки бизникилар взвод бўлиб келишяпти. Аммо немислар ҳам шунақа юришади.

Агар Лопатинда бундан бир ҳафта олдин армия қўмондони Ефимов урушда учинчи марта дийдор кўришишгани шарофати билан тортиқ қилган ўлжа «Цейс» дурбини бўлганида бемалол кўриши мумкин эди. Лекин дурбин ёнида эмасди, у Василий Ивановичда қолганди, чунки корпус командири Лопатинга редакция «виллиси» да рейдга боришни таъқиқлаб, ҳозирча машинани корпуснинг ичкарисида ремонтга қолдиришни буюрганди.

Яқинлашиб келаётган танкларни ҳамон кузатиб Лопатин булар немисларникими ёки бизники эканини, барибир, биринчи бўлиб ўзи эмас, балки энди ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб, бир нима демоқчи-ю, лекин индамай қолган Чижов аниқлашини биларди. Чижов ўзича бир нимага ишонч ҳосил қилди-да, болаларга хос юзини Лопатинга ўгириб деди:

— Бизникилар, разведка, Т-34. Устида десантчилар

хам бор. Бир оз орқароққа сурилайлик, акс холда қабристонда пистирма борлигини гумон қилиб, ҳар эҳтимолга қарши ўт очади-ю, кейин алвидо деяверинг!

Улар орқага сурилгунча танклар яққол кўзга ташланиб қолди. Ўртадагиси машиналаримиз ёндирилган йўлга яқинлашиб келди. Бошқаси кеча немислар ўт очган вайрона хуторнинг орқасидан айланиб ўтиб, йўлни ўнгроқдан олди: учинчиси эса саккиз юз метрча яқинлашиб, ҳаракатсиз немис самоходкасига ўқ узди.

— Барибир, эҳтиётини қияшти, — снаряд самоходкага тегмай, уларнинг бошлари узра чийиллаб ўтиб, анча олисда ерга урилиб чанг-тўзон кўтаргач деди Чижов. Танк яна ўқ узганди — самоходка тутаб кетди. Аввалига тутаб турди, кейин эса «фердинанд»нинг орқа томонидаги думалоқ люкдан аланга отилиб чиқди.

— Ичида ҳеч ким йўқ, — деди Чижов, — ё ўша ондаёқ ҳалок бўлишган, ё тунда қуён бўлишган. Нима, тумшукларини чиқармай ўтиришармиди?

Танк самоходкага яқин келди, аммо энди отмади. Устидаги автоматчилар иргиб ерга сакрагани ва ёнаётган «фердинанд» ёнидан ўтиб йўлга чиқишгани кўришиб турарди. Бошқа танкдаги автоматчилар ҳам деярли бир вақтнинг ўзида ерга сакраб йўл томон юришди.

— Хўш, кетдикми? — деди Чижов «фердинанд» ёнида турган «ўттиз тўртинчи»дан кўз узмай. — Энди улар вазиятни аниқлаб олишди. Люкни очиб қарашяпти. Энди бизни немис деб ўйлашмайди. Лекин сиз бир оз сабр қилинг, ўртоқ майор, ҳозирча ўрнингиздан турманг, олдин ёлғиз ўзим бораман, бир нима бўлмасин тагин! Танкчиларнинг ғалати одатлари бор.

Лопатин ҳеч нима демади, Чижов ҳақми, ҳақ эмасми, барибир, у бориб, сен нима бўлишини кутиб ётишинг мумкин эмаслигини биларди.

Чижов шлёмини кийиб, бўйнига автоматни осди-да, ўрнидан туриб йўлга тушди. Лопатин уни паст бўйли, оқсоқланаётган, бошига мос келмайдиган танкчилар шлёмида ҳавф-хатар сари ёлғиз ўзи бораётгандек тасаввур қилди. Хали ерда ётганидаёқ тасаввур этганди. Бир дақиқадан кейин эса ўрнидан туриб, унинг ортидан эргашди.

Ўша куни кечқуруноқ Лопатин движок билан ёритилаётган уйда — Ефимовнинг армия штабида ўтириб, стаканда аччиқ чой ичар ва бир кеча-кундуз давомида иккинчи марта сўкиш эшитарди.

Сўкиш эшитгунига қадар воқеалар шунақанги тез алмашиб турганидан Лопатин ҳамон ўзига келолмаганди. Маълум бўлишича, танкларимиз билан мотопиёдачилар тунда немис мудофаасини қанотдан ёриб ўтиб, янги маррага чиқиб олишибди, Чижов ҳақ экан, қулоқлари уни алдамабди. Чижов билан иккови истиқболига югурган танклардан биридаги рота разведкасининг командири ёндирилган еттита танк, кўрилган талафот ва «Красная звезда» мухбирининг топилгани ҳақида ўша ондаёқ команда бўйича юқорига хабар йўллаганди.

Лопатин йўл устида Чижов билан хайрлашди. Ниҳоят даражада эзилиб маъюс тортган Чижов машинадан анча нарига сурғалиб кетгани сабабли тунда топилмаган, биринчи бўлиб ёндирилган танкнинг механик ҳайдовчиси ёнида тиззалаб ўтирарди. Куйиб кетган, товони узилиб тушган ҳайдовчи ҳали тирик эди ва санинструктор терлаб-пишиб унинг ўзи бир амаллаб боғлаб қўйган камар ўрнига чирмовни алмаштирар экан, у беҳол инграб қўйди.

Бир соатлардан кейин Лопатинни олиб боришган сийрақкина бутазордаги танк корпусининг штаби йўлга ҳозирланаётган экан: атрофда ҳеч нима ковланмаган.

— Сизни деб командармдан ҳайфсан ҳам олдим, — жаҳл билан деди ўзининг танки ёнида туриб зирх устидаги харитани текислаётган корпус командири. — Агар сизни бунчалик дахлсиз шахс эканингизни билганимда отишмага ҳам яқинлаштирмаган бўлардим! Дудкога ҳам қойилман! Ўзи омон чиқиб қувониб юрибди-я! Умуман ҳаммаси жойида, деб ахборот берибти тагин. Қимлар қопқонга тушгани, шу жумладан сиз ҳақингизда ҳам эрталабга яқин хабар берди, талафотнинг кўплигидан ҳайиққан, яна биттасининг чиқиб келишига умид қилган! Сизни армия штабига етказиш буюрилган, сизни фронтми ёки Москвами талаб этаётганига тушунолмай қолди. Роса бошимга бало бўлдингиз-да! Ўзингиз қалайсиз? Менга айтишларича, соғ-саломатсиз.



— Аввалига бутун аъзон баданим огриди. Умуман гарапгиб қолдим. Ҳозир эса тузукман.

— Шунақаям бўлади. Ваҳимага тушиб ҳушдан ҳам кетиб қолишади. Сиз омадим бор экан, деб ҳисоблайверинг.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйляяпман, — деди Лопатин ва Чижов хусусида бир-икки огиз мақтаб қўйди.

— Фамилиясини ёзиб ол, — елкаси оша ўгирилиб адъютантга буюрди корпус командири. — Исми ва отасининг исмини биласизми?

— Исми — Михаил. Отасининг исмини билмайман, — деди Лопатин.

— Майли, топамиз. Ўз ҳукмимиз билан «Ҳасурлиги учун» медалини берамиз. Сизни эса, ўйламай қўяқолинг, мукофотга тақдим этмаймиз.

— Хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, — деди Лопатин.

— Нега бўлмаса, сизга ҳожати бўлмаган жойга тумшугингизни суқдингиз?

— Сиз рухсат бермаслигингиз мумкин эди, ўртоқ генерал, — деди бундай вазиятда ён босмасликни одат қилиб олган Лопатин. — «Красная звезда» мухбири сифатида менга нима мумкин-у, нима мумкин эмаслигини ўзим биламан.

— Эҳ, сизни ҳозир «смирно» тургазиб қўйган бўлардим.

— Турайми? — сўради Лопатин.

— Кутмай қўяқол, тургазмайман, кейин яна ёзиб юришинг мумкин!

— Мақола ёзмайман. Сиз билан бўлган учрашувдан хотира сифатида фақат кундаликка ёзиб қўйсам керак.

— Ҳаракатдаги армияда кундалик тутиш мумкин эмас. Шунини биласизми? — киноя билан сўради корпус командири.

— Бу сизга, ўртоқ генерал, мумкин эмас, менга эса мумкин. Бусиз мен қанақанги ҳаракатдаги мухбир бўламан? Бусиз ҳаракатсиз мухбирман.

— Сиздақалар билан қандай гаплашишни ҳам билмай қоласан. Нима, тирик қолганингиз учун ташаккурнома эълон қилайми?

— Бизникидан ташқари, яна кўн талафот кўрилди-ми? — сўради Лопатин.

— Ҳа, яна бор, — қовоғини очмай деди корпус командири. — Бутун рейд давомида бунгача учта машина-

дан айрилдик, қайтишда эса бронетранспортерларни ҳисобга олмаганда — тўққизта. Разведкага бепарволик билан панжа орасидан қарадикми, тамом, немис тумшугимизга тушириб қолади! Бизга ҳаммасини ўргатишади-ю, лекин ҳеч ўрганолмаяпмиз-да! Хўш? — қавақадир топшириқни бажариб қайтган адъютантига ўғирилди у.

— Тайёр, — деди адъютант.

— Ёпингич-плаш тондингми?

— Машинада ётибди.

— У ерда, армия штабида биронтасини қўрқитиб юбормаслигингиз учун сизга ёпингич-плаш кийдириб жўнатамиз. — Лопатинга назар ташлаб деди корпус командири. — Биз бу ерда ўрганиб қолганмиз. «Виллис» ингизни қидиришга ҳозирча вақт йўқ, лекин кечгача топамиз. Сизни эса ўзимизнинг машинада олиб бориб қўямиз. Медсанбатга ҳам олиб борамиз. Текшириб кўришсин. Йўлга чиқиш олдидан эса нонушта қилиб оламиз. Қорнингиз очлигини биламан, лекин ўзим ҳам эрталабдан бери туз тотганим йўқ. Маррага чиқиб олдик, буйруқни бажардик, аммо вазият, сизни кига ўхшаб, анча расво эди.

Йўл-йўлакай медсанбатда елкасидаги кўкарган ва шилинган жойларига йод суртиб қўйишган Лопатин икки ярим соатдан кейин армия штабига етиб келди. Ефимов йўқ экан, адъютант ҳам кўринмасди — у билан қўшинга жўнаб кетибди, аммо телефон ёнида ўтирган навбатчи офицернинг айтишича, қўмондон Лопатинга етиб келиши билан ҳеч қаёққа қўзғалмай шу ерда кутишини буюрибди.

«Шу ерда» сўзини эшитиб Лопатин у ёқ-бу ёққа қаради-да, бориб стулга ўтирди, лекин навбатчи Ефимовнинг Лопатинга Кавказ фронтдан таниш бўлган ординарецини чақирувди, у хуторда қўмондон истиқомат қилаётган уйга бошлаб бориб, ўзининг каравотига жойлаштирди.

— Ҳозирча, қўмондон йўқлигида, балки, сизни санчастьга олиб борсаммикан, ўртоқ майор? Акс ҳолда у қайтиб келиши билан дарров чақириб қолади.

— Боргим келмаяпти, санбатда бўлгандим.

— Ундай бўлса ҳаммомга борасиз. Бугун ҳаммомни иситиш учун олов ёқишяпти.

— Яхши бўларди, — деди Лопатин, бироқ каравот-

дан қўзғалишга мажоли қолмаганди, ёстикдан бошини кўтариб қаради-ю, ўша онда яна шилқ этиб тушиб қаттиқ уйқига кетди.

Танк корпусининг командири, раҳмат унга, сўзининг устидан чиқди, кечга яқин редакциянинг «виллиси» ни жўнатибди. Василий Иванович нафақат тоза кўйлак билан иштон, балки ўзининг асраб юрган шими ва гимнастёркасини ҳам Лопатинга омонатга бериб турди. Ёқанинг ичидан тикиб қўйиладиган мато ҳам топилақолди. Василий Ивановичнинг ёқаси анчайин кенг бўлиб, гимнастёрка Лопатиннинг бўйнида гўё часпак каби осилиб қолди. Аввалига янги погон топмоқчи бўлишди-ю, лекин иложини қилишолмади, эскисини тикиб қўйишга тўғри келди. Орденлар лентаси эса шунақаям қонга ботган эдики, уни ювиб бошқа гимнастёркага тикиб қўйишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

Лопатин кийиниб олганидан кейин Василий Иванович кир босган эски кийимларини ўзи ювиб келишини айтди — шу ерда, ўрмон ортида анҳор борлигини кўрган экан.

— Раҳмат!

— Арзимаёди, — деди Василий Иванович, — агар қўмондоннинг хузурига чақириб қолишса, анҳор бўйидан сизни чақириб келмайман-ку? Бу ердан қачон жўнаб кетамиз?

— Менимча, эрталабдан олдин йўлга чиқмасак керак, — деди Лопатин.

Ефимов билан суҳбат нима ҳақда бўлишини унчалик тасаввур қилолмасди, аммо қаерга отланишдан — фронт штабигами ё Москвагами — қатъи назар бу ердан барибир, тунда эмас, балки тонгда кетиш дурустроқ бўлади.

Василий Иванович кир ювгани кетди, Ефимов эса ҳамон қайтмасди. Ниҳоят қайтиб келганидан кейин штаб бошлиғи унинг олдига кириб узоқ қолиб кетди.

Лопатинни бир соатдан кейин, штаб бошлиғи чиқиб кетганидан сўнг чақиринди. Одатда бу вақтда, шошилинч маълумотлар жўнатилиб, кечки якуний ахборотга ҳали тайёрланишгаётганда, Ефимов ўзига танаффус уюштирарди: ярим-бир соат дам оларди ва ёлғиз ўзи аччиқ чой устида ўйлаб ўтирар ёки ўзи кўрмоқчи бўлган бирор одамни чойга таклиф қиларди: бир пайтлари, Шимолий Кавказда Лопатинни ҳам бир неча марта чақиртирганди.

Ефимов дарров койишга тушмади. Аввалига ўрнидан туриб қўл бериб сўрашди-да, стулга таклиф қилди ва ординарецини қақриб икки стакан чой келтиришни буюрди. Ординарец чой олиб келгунча бандсиз кўзойнагини тақиб Лопатинни истехзо билан кўздан кечириб деди:

— Менимча, сизда биттасини ўзим тақдим этган орден ва медалларни кўргандек бўлувдим. Нима, улардан сизни маҳрум қилишдими? Ё тақиб юришни ортиқча деб ўйлайсизми? Уларсиз ҳам машҳурмисиз?

— Ха, бунақа денг, — қонга бўялган лента хусусида Лопатиннинг сўзига жавобан ўзининг кескин, бир оз пўнғиллаган овози билан деди Ефимов контузия бўлган бошини одатдан кўра кўпроқ силтаб. — Мен бўлсам маҳрум этишибди, деб ўйлабман. Яхшиямки, ҳали сизни бошингиздан маҳрум қилишмабти. Лекин бемалол маҳрум қилишлари мумкин эди!

Ординарец чой олиб келиши билан Ефимов: «Ичинг!» деб тўнғиллади ва ўзи бир ҳўплаб қўлининг тагидаги папкани очди-да, телеграф ленталари ёпиштирилган бир варақ қоғозни олиб стол узра Лопатинга узатди:

— Ўқинг!

Телеграфнинг одатдаги шартли белгиларидан — «Енисей», «Шуъла», «Олмос» — кейин телеграммада қуйидаги сўзлар бор эди: «Красная звезда» мухбири майор Лопатинга хабар қилинг: илтимос, шошилинч равишда Москвага учиб келинг, машинани ҳайдовчиси билан фронт штабида — сизни вақтинча алмаштириб турадиган Гурскийга қолдиринг. Кейин имзо — генерал-майор: фамилиясини Лопатин шошганидан ўқимади — ҳар доим биладиган фамилиядан бошқа нима бўлиши ҳам мумкин? Аммо телеграмманинг бошқача бошланиши уни қайта ўқишга мажбур қилди. Урушнинг уч йили мобайнида у ўзининг муҳарриридан ҳар хил телеграммлар олган. Кўпинча улар «тезда» сўзи билан бошланарди: тезда жўнатинг, тезда етиб келинг, тезда қайтинг... Уч марта «ташаккур билдираман» сўзи билан бошланганди: «талаб этаман» сўзи билан бошлангани ўнтакча. Лекин «илтимос» сўзи билан бошланган телеграммани Лопатин эслолмайди. Худди мана шу нарса уни «Никольский» деб қўйилган нотаниш имзога чой қайта ўқиб чиқишга мажбур қилди. Шубҳага ўрин қолмади: Лопатин шу ерда, армияда, танкчилар ҳузу-

рида ўтказган икки ҳафта мобайнида муҳаррир бир нарсага гирифтор бўлган, унинг ўрнига қанақадир бошқа, нотаниш генерал-майорни қўйишган.

Ефимов қўлини чўзиб, Лопатиндан телеграммани юлқиб олди:

— Нега ёпишиб олдингиз? «Олмос» сиз эмас, мен. Телеграмма менинг номимга келган. Сиз эса фақат мазмуни билан танишишингиз ва ижро этишингиз лозим. Ўзи сизда виждон борми? Менга бир нусхасини телеграф орқали юборганларида фронт алоқа узелида бир ҳафта қолиб кетган мана бу ёзишма бўлмаганида, худо билади, душманнинг орқа томонига қилган рейдингиз ҳақида хабарсиз қолган бўлардим. Танк корпусида эканингизни билардим, аммо у ерда сиз бошқа ақлли бошлар билан бунақа ишни ўйлаб тонишингиз хаёлимга ҳам келмаганди. Акс ҳолда, йўл қўймаган бўлардим.

— Нега?

— Чунки урушнинг тўртинчи йилида ва эллик ёшга яқинлашиб қолганингизда танкда немисларнинг орқа томонида дайдиб юриш сизнинг ишингиз эмас. Бунинг учун ҳам етарли даражада ёш эмассиз, ҳам ҳаддан ташқари машҳурсиз. Немисларга асир тушиб қолишингиз етишмай турувди.

— Мен асир тушмаган бўлардим,— деди Лопатин.

— Бошқалар ҳам шунақа деб ўйлашганди. Шунга қарамай, чаккасига ўқ узишга тайёр бўлишса ҳам қўлга тушиб қолишган. Етарли даражада мисол келтиришим мумкин. Аллақанақанги варақага номингиздан мурожаатнома ёзиш учун эса сизнинг тирик бўлишингиз немислар учун шарт эмас. Шахсий гувоҳномагиз бўлса бас. Мана шунақанги тажриба ҳам бор. Булардан ташқари, менга ишониб топширилган армияга келиб эски таниш сифатида ишингиз юзасидан маслаҳатлашгани ҳузуримга кирсангиз-у, аксинча иш қилган бўлсангиз, сизнинг хатти-ҳаракатингизни номуносиб ҳисоблашдан ўзга чорам йўқ. Ҳурмат юзасидан менга жўнатганингиз Сталинград ҳақидаги китобингизга, агар ёдимда бўлса, «Иван Петрович Ефимовга — дўстона ҳурмат билан», деб ёзгандингиз, шундай эмасми? Ҳозирги нодўстона қилмишингиздан кейин китобингизни ўзингизга қайтариб бергим келди. Афсус, ўзимда эмас — бир ҳафта олдин, намунали хулқ-атворга эга бўлса ҳам, китоб ўқишни ортиқча ҳисобловчи офи-

церларимдан бирига билимини ошириш учун бергандим. Нега энди сиз ўзингизнинг болаларга хос қилингиз билан бусиз ҳам бошимдан ошиб-тошиб ётган яна бир юмуш орттирдингиз? Рейдга жўнаб кетганингизни, қайтиб келганлар орасида йўқлигингизни қайғу билан менга хабар қилишганидан кейин билибман-а! Сиз бунга муносиб бўлмасангиз ҳам эртага сизга янги офицерлик кийимларини беришга тўғри келади.— Ефимов энди кулиб қўйди.— Шу аҳволда фронт штабига, яна Москвага бориб бўлмайди.

— Меникени ювишяпти.

— Менга айтиб беришларича, тозалаб бўлмайди,— деди Ефимов.— Вазиятни кўришни истайсизми?

— Ха.

— Орқамга келиб туриг.

Лопатин унинг ортига ўтди, Ефимов эса харитадан ўзининг армияси эгаллаган участкадаги вазиятни кўрсата бошлади.

«У билан Тошкентдан кейин ўшоқда, Шимолий Кавказда қайси куни учрашган эдим?— харитага эгилиб олган Ефимовнинг ортида туриб ўйлади Лопатин.— Тўққизинчи, йўқ, саккизинчи январь эди, чунки тўққизинчида ўшанда жанг қилинаётган мана шу Горькая балкани қўлга олишганди. Тошкентдан эса мен иккинчи январь кундузи жўнаб кетувдим. Бир минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг иккинчи январида. Ўшандан бери Никани кўрмабман. Иккинчи июлда, ҳужумнинг ўнинчи куни уни кўрмаганимга рошша-роса бир ярим йил бўпти...»

— Мана сизнинг кучайтирилган батальонингиз кейинги икки кеча-кундуздаги хатти-ҳаракати,— деди Ефимов.— Мана бу ерда ва манови ерда сизлар рейддан чиқиб келишларинг лозим эди. Манови ерда тўппа-тўғри чиқдиларинг, бу ерда эса қовун туширдиглар. Натижаси — пистирма, қопқон, ўлим. Еттита машина билан йигирма иккита тирик жондан жудо бўлдик. Харитадаги мана бу нуқта сиз ҳам омонатингизни парвардигорга топшириш имконияти бўлган жой. Мана бу биз кечқурун ва тунда эгаллаган марра. Эрталаб, кўриб турганингиздек, яна илгари силжидик, аммо мана шу иккита участкадан бугун тунда қўшинни икки километрга орқага оламиз. Немислар қулай тепаликни эгаллашга улгуришганига ва улар учун тирик нишон бўлиб ётишнинг ҳожати йўқлигига ишонч ҳосил қил-

дик. Сиз келмасингиздан олдин штаб бошлиги билан бирга ўтириб, имзо чекиладиган якуний ахборотномада бундан кейинги ҳаракатимиз учун қулайроқ бўлган маррага бир оз чекиниш ҳақидаги бандни ифодалаб чиқдик. Бир пайтлари бундай қарор чиқариш юқоридагиларни жаҳл отига миндирган бўларди, лекин ҳозир ҳам эски одат бўйича мақтов кутмайман. Фикримдан шубҳаланиб Бош штаб офицерларидан текширувчи юборишлари мумкин, бунда ишбилармон ва ҳақгўй офицер бўлса бир нави — чидаса бўлади. Бундай пайтда ҳаққонийлик, биласизми, нима? Ҳаққонийлик — бу, сени бу ерга юборишаётганда ўз қулогинг билан эшитганларингдан кўра бошқа нарсаларни ўз кўзинг билан кўрабилиш, сендан кутганларини эмас; балки ўзинг кўрган ва англаган нарсалар ҳақида ахборот берабилиш қобилиятидир. Менимча, бу ибора сизнинг касбингизга ҳам тааллуқли. Эндиликда, сизнинг бир оёгингиз бу ерда, иккинчи оёгингиз Москвада ва қачон кўришинимиз — балки урушдан кейиндир — номаълум экан, сиз ёзувчилар ҳақидаги фикрларимни айтмоқчиман. Сиз ва сизнинг ҳамкасбларингизни анчадан бери, Одессадан бошлаб кузатиб юрибман, ўйлаб кўрсам — ёмон одам эмассизлар: аммо шундай хулосага келиб қўйдим: сизлар ўзларингизни мардликларингизни бизга камроқ намойиш қилиб, бунинг ўрнига уруш ҳақида кўпроқ ўйласаларингиз яхши бўларди. Мана ҳозир сизга биз ўйланганидан кўра сал олдинроқ силжиганимизни ва тунда менинг буйруғим билан чекинишимизни, лекин ҳамма ҳам бундан мамнун бўлмаслигини айтдим. Сизга қараб кўриб, бу ҳақда ўйлаб кўриш-кўрмаслигингизни кутмайман. Юзингизга қараб, йўқ, ўйламаганингизни билдим. Шу мавзуда олдинги суҳбатимизни эслармикансиз, деб кутдим. Эсламадингиз.

— Эсладим, Иван Петрович. Фақат эслаб қолмай, ўзимни бошлаб сўкдим ҳам.

— Нимага?

— Шу пайтгача уни ёзиб олмаганимга.

— Демак, барибир, унутмасиз-да? Раҳмат.

— Калламдан чиқариб юборишдан хурсанд бўладиган нарсаларни ҳам унутолмайман.

— Худди шундай бўлиши керак, — деди Ефимов. — аҳмоқларнинг калласигина кирди-чиқди ҳовли бўлади. Ақлли одамларники эса боши берк кўча ҳисобланади. Ҳалати туюлса ҳам худди шундай. Агар одам ақлли

бўлса, унинг калласи боши берк кўча, кирган ҳамма нарса ўшоқда қолади. Шунинг учун ҳам сизга айтяйман: каллангизни асранг. У сизга кийим-бош эмас. Янгисини бермайман. Бутун умидим сизнинг каллангизда қолди.

Лопатин каллани кийим-бошга таққослашидан қулиб қўйди.

— Сиз бунга қулманг,— деди Ефимов жиддий равишда.— Уруш сиздақаларнинг кўпини бу ёруғ дунёдан жудо қилди. Шу жумладан, менинг ҳам кўз ўнгимда шундай бўлганди. Орамиздан кетганларни сўроқ қилолмайсан. Сизга эса тирик қолишни ва фақат ўзингиз учунгина эмас, балки ўшалар учун ҳам уруш ҳақида ўйлаб кўришингизни истайман. Шу боисдан ҳам ўзингизни ортиқча хавф-хатарга қўйганингиз учун қойидим. Албатта, ҳар биримиз исталган пайтда бир нимага дучор бўлишимиз мумкин. Бўлади ҳам. Қўшни фронтда командармлардан бири қандай ҳалок бўлганини эшитганмисиз? Корпусдан корпусга кетаётганида снарядга дуч келган-у, адои-тамом бўлган. Бунгача империалистик урушда қатнашган, тўрт йил граждандар урушида иштирок этиб қайтиб келган, бу урушнинг уч йилини ўтказган бўлса-ю, ўн беш километр наридан отилган снаряднинг данакдек келадиган парчасидан ҳалок бўлса! Кийим-бошни эрталаб беришади. Энди Москвага етиб олгунча сизга оқ йўл тилайман.

Ефимов соатига қараб қўйди:

— Беш минутдан кейин бошқа ишлар билан банд бўламан. Эртага эрталабдан ҳам шундай.

— Иван Петрович, хайрлашиш олдидан битта савол. Сиз нима деб ўйлайсиз, яқин кунларда Шарқий Пруссия масаласи аниқми?

— Гап нима ҳақда бораётганида! Агар чегарага чиқиб олиш ҳақида бўлса, буниси бемалол бажарилади ва ҳатто яқин кунларда амалга оширилади ҳам. Аммо биз эмас, балки ўнг қанотдаги қўшнимиз буни адо этадиганга ўхшайди. Ҳозир рўпарамиздаги немислар эгаллаб турган марра, менимча, оралиқ бўлса керак. Асосийси, нафақат ҳозиргиси, балки эскиси ҳам, нарёқда — Шарқий Пруссияда. Агар бу бошқача чиқса, жудаям галати иш бўларди. Биз сиз билан, ўзаро аниқлаб олишимизга қараганда, фақат реаль<sup>1</sup> билим

<sup>1</sup> Реаль — қадимги тиллар ўқитилмайдиган, математика ва табиат фанлари кўпроқ ўқитиладиган ўрта ўқув юрти.



юртида ўқиганимиз учунгина эмас, балки ҳаётга бўлган нуқтаи-назар бўйича ҳам амалиётчилармиз. Шундай экан, Шарқий Пруссия масаласида ҳам гимназиячи эмас, балки амалиётчи бўлинг. Бир ярим ойлик ҳужумдан кейин ўзимиз одатланиб қолган ўқ бугунги кунда зирхни тешиб ўтолмаяпти, нари борса — пачоқ қиляпти. Биздан эса тешиб ўтишини талаб этишяпти! Тешиб ўтишини! Бу ердан Грюнвальдга ҳам, бахтиқаро Самсонов билан Танненбергга ҳам қўл етгулик масофа қолган — шундай экан, бизга ҳам, немисга ҳам ҳазилнинг ўрни эмас. Энди, бугунги кунда қаерда ва қандай эканимизни тушундингизми? Бу Волга бўйида бўлган, Эльбрусга чиққан, ҳозир эса уч йиллик урушдан кейин ўзлари Москвага етиб бориш куни ва олти ҳафталик муддатни белгиллаган Шарқий Пруссия остонасида бизни кўриб туриш немислар учун нима эканини-чи? Пропаганда министрлигида эмас, балки герман бош штабида белгиланган эди. Мана шуниси муҳим! Агар вақтим ва қаламим бўлиб, сизнинг ўрнингизда бўлганимда мана шулар ҳақида ёзардим. Москвага бу сафарги чақиришлари ўз хоҳишингизга мос келяптими? — ўрнидан турар экан сўради Ефимов.

— Ҳа,— деди Лопатин.— Москвада бир неча кун бўлиш шахсан ўзимга жудаям зарур эди. Лекин чақирилув сабабини билмайман ва янги муҳаррир тайинланганидан ҳам хурсанд эмасман.

— Сизнинг янги муҳаррирингиз билан бир пайтлари, йигирманчи йилда поляк фронтида битта полкдаги эскадронларга командирлик қилганмиз, ўшанда у келишган, жасур ва моҳир чавандоз эди. Кейинчалик эшитишимга қараганда, академияни аъло баҳолар билан битирибди, ҳатто иккитасини.

— Иван Петрович, икки марта академик бўлса ҳам чавандозни бизга муҳаррирликка тайинлашнинг нима кераги бор? Собиқ муҳаррирлар фронтга қўмондонлик қилишгани нима билан тугаганини қирқ иккинчи йилда Керчда юз берган воқеалардан иккаламиз ҳам хабардормиз. Аксинчаси яхши бўлади, деб ўйлайсизми?

— Кўнгина нарсалар каби бундан ҳам хабарим йўқ.— Ефимов кўзойнагини ечиб столга қўйди-да, Лопатинни қучоқлади.— Соғ-саломат бўлинг. Агар вақт топсангиз хат ёзиб туринг, хурсанд бўламан.— Кейин у «сен»лаб деди:— Нариги эшикдан чиқиб ке-

тақол, сени биттасига, иккинчисига, учинчисига таништириб ўтиришга вақт йўқ.

Иккаласи тенгдош бўлса ҳам у кексалар каби қўли билан Лопатиннинг елкасига туртиб қўйди.

Лопатин аввалига сезмай қолган орқа эшикдан чиқиб кетар экан, Ефимовнинг овозини эшитди:

— Сизларни куттириб қўйганим учун узр сўрайман, ўртоқ офицерлар!

— 17 —

Василий Иванович ўзича тўнгиллаб, «виллис»га чодир тортарди.

— Нимадандир хафамисиз, Василий Иванович?— сўради Лопатин.

— Ҳеч нимадан хафа эмасман. Ҳозир ёмғир ёғади, — деди Василий Иванович. — Йўлимиз олисми? — сўради у Лопатин олдинги ўриндикдан жой олаётганини кўриб.

— Аввал фронт штабига борамиз, — деди Лопатин.

— Штаб ўша жойдами?

— Йўқ, кўчиб кетган. Лекин аввалги жойга боришни маслаҳат беришди, у ерда энди фронторти штаби жойлашибди, учрашиб йўл-йўриқни суриштираман. Сиз билан танкчилар ҳузурига бориб келгунча муҳарриримиз ҳам алмашибди.

— Унинг ўрнига энди кимни тайинлашибди? — берварво сўради Василий Иванович.

— Генерал Никольскийни.

Василий Иванович ўзига маълум бўлган генералларни эслаб индамай қолди. У мудофаа халқ комиссариатида анча йиллар ишлаган — кўпчиликни танирди. Бомбадан ҳосил бўлган чуқурликлар енгил-елпи тўлдирилган йўлдан машинани эҳтиётлаб ҳайдар экан у:

— Бунақа одамни эшитмаган эканман, — деди. — Бизникини қаёққа юборишибди?

— Менимча, фронтга.

— Шундай бўлса керак, — унинг фикрига қўшилди Василий Иванович. — Москвада ишлаётганда ҳам кўним билмасди — юргани-юрган эди.

— Мени эса Москвага чақиртиришяпти.

— Вақти ҳам бўлди-да, — деди Василий Ивано-

вич.— Сураткашлар икки марталаб Москвага бориб келишди-ю, биз бўлсак ҳамон йўлдамиз. — У фотомухбирларни ёқтирмасди, чунки унинг фикрича, кўпинча бекорга машинани тўхтатиб, худди зарурдек суратга олаверишади, кейин эса бу суратлар газетада кўринмайди.

Уларнинг иши шунақа-да,— деди Лопатин.

— Улар битта нарсани билишади: нима учраса суратга олиб уйга жўнаб қолишади. Балки штабда машинани ёнилғи билан тўлдириб тўғри Москвага йўл олармиз?

— Мумкин эмас. Менга телеграммада машинада эмас, балки самолётда етиб бориш буюрилган.

— Сизга учининг нима ҳожати бор? Агар саҳарлаб йўлга чиқсак, икки кунда Москвада бўламиз.

— Яхши бўларди,— деди Лопатин,— лекин телеграммада менга учини, сизга эса машина билан қолиш буюрилган. Менинг ўрнимга Гурский келади, ўша билан юрасизлар. Кейин мен қайтиб келишим ҳам мумкин. Москвага хатингизни олиб кетаман ва уйдагиларингиздан сизга хат олиб келаман,— деди Василий Ивановичнинг қайфиятини бузганини билиб Лопатин. У ерда бутун уруш давомида Москвани тарк этмаган оиласи — хотини, бева қизи ва иккита набираси бор. Кейинги икки ҳафта мобайнида: «Яна бирор нима ёзмоқчимисиз?» ёки «Нима, яқинда бўлган жойимизга яна борамизми?» каби саволлар бераверишидан Василий Иванович сафар чўзилиб кетганидан норози бўлаётганини фаҳмлаганди Лопатин.

— Хат билан бўлармиди? — деди Василий Иванович.— Агар ўзим бориб, яна қайтиб келсам бошқан эди.

Бу билан у ҳар қандай масофа менга чўт эмас — ёнилғи бўлса бас, демоқчи бўларди.

Шундай деб у жимиб қолди ва юк машиналари колоннаси туфайли ҳосил бўлган тиқилинчга дуч келиб, рулга кўкрагини қўйганча ўй-ўйлаб қолди.

— Мана, сиз учиним керак, деяпсиз,— тиқилинчдан чиқиб олишгач деди Василий Иванович.— Мен Гурскийни олиб юрарканман. Генерал эса сиз билан жўнашим хусусида ҳузурига чиқиртирганида бошқача гапирганди.

— Нима деган эди? — қизиқсинди Лопатин бундан энди огоҳ бўлиб.

— Сиз билан бориб, сиз билан қайтиб келиш учун янги машинани қабул қилиб олишни буюрганди. Энди эса бунақа гап чиқиб қолибди. Нега энди машинани Гурскийга қолдириш керак экан? Нима, у бу ерда ўзига «виллис» тополмайдими? Гурский — бу, ҳар қандай иш қўлидан келадиган одам. Мен сизни қандай олиб келган бўлсам, шундоқ олиб бориб қўярдим. Москвада бир оз вақт бўлганингиздан кейин яна мен билан йўлга чиқардингиз. Бунинг устига тенгдошмиз!

Василий Иванович гўё Лопатинни ўйлаб кўриш учун ҳали ҳам кеч эмаслигини билдирмоқчи бўлгандек сал тормоз бериб, машинани секинлатди. Унда фақат оиласи билан дийдор кўришиш истагидан бошқа нарса ҳам бор эди. Улар чиндан ҳам тенгдош бўлиб, мана шу сафар пайтида бир-бирини турлича вазиятда текширишди, бир-биридан нимани кутиш мумкин-у, нимани кутмаслик лозимлигини билиб олишди.

— Гурский қачон учиб келаркин, телеграммада ёзилмаганми? — Лопатиннинг сукут сақлаб ўтиришидан айтган режаси амалга ошмаслигини фахмлаб сўради у.

— Ёзилмаган. Мен етиб боргач, у йўлга чиқиши ҳам мумкин. Унгача сиз бу ерда бир оз ҳордиқ чиқариб оласиз.

— Бу ерда дам олиб бўпсан! Машинанинг ишлари бошидан ошиб ётибти.

Василий Ивановичнинг жаҳли чиққанди, бундай пайтларда машинаси исталган пайтда йўлга чиқишга тайёр бўлса ҳам «ишлари» доим «бошидан ошиб ётади».

Лопатин Никани чақиртириш хусусидаги илтимосига жавобан муҳаррирнинг: «Менимча, ҳали ёрдам беришга улгурсам керак», деган сўзларини эслади. Ўшанда бу жумлага эътибор бермаган экан, энди эса шу гапни нима маънода айтганини тушуниб етди. Муҳаррирнинг темир сандиғида ётган ўзининг дафтарлари ёдига тушиб қолди. Энди бу дафтарлар қаердайкин? Бу дафтарларда мухбирлар дилдан гаплашиб қолган пайтларида тилга олишни лозим кўрмайдиган бирор нима ёки деярли ҳеч нима йўқ эди. Аммо, бу дафтарларнинг назоратсиз қолишини ва кимнидир назари тушишини истамасди. Муҳаррир фақат бир марта — иккаласи бир ҳафта мобайнида бирга бўлишган Курск ёйига бориб келишганидан кейин Лопатиндан бу дафтарларига нималар ёзишини суриштирганди. Ўшанда азонги пайт

эди, тўрттала саҳифа ўқиб бўлиниб, босмадан чиқарилмоқда эди. Аммо газета чиқиб бўлмагунча уйқу келмасди, ўшанда Лопатин йигирма бетини муҳаррир-га ўқиб берганди.

— Бор-йўғи шуми? — Лопатин иккаласи фронтда ўтказган бир ҳафта ҳақида ёзганларини ўқиб бўлгач, сўради муҳаррир. — Албатта, ҳаммасини ёза-вермайсан. Лекин ёзганларингни ҳаммаси аниқ. Тасдиқлашим мумкин.

— Уруш тугасин, кейин тасдиқлайсан, — ярим ҳазил, ярим чин билан деди Лопатин.

Энди ўша дафтарлари қаерда қолганийкин?

Қоқ туш пайтида етиб келишган фронторти штабида Лопатинга фронт штабининг адресини бериб, ҳаво армияси қўмондонининг «дугласи» эртага Москвага учишини айтишди. Бироқ Лопатинни қўмондоннинг самолётига ўтқизиш учун шахсан қўмондоннинг руҳсати лозим экан — у эса фронт штабига жўнаб кетибди.

Тиқилинчлар ва айланма йўллардан ўтиб фронт штабига етиб боришгунча кеч бўлди.

Лопатин мухбирлар қаерда истиқомат қилишаётганини комендантдан билиб олиб, ўша уйни излаб топди, лекин бу ерда ҳеч ким йўқ эди. Фақат ҳовлида Информбюро мухбирининг шофёри бузуқ «виллис»ини титкиларди. У мухбирни қаёққадир кетганини, лекин ҳозир келиб қолишини айтди. Лопатин шу ерда тунаб қолишни мўлжаллаб, алоқа бўлимига бориб тезда қайтишини мухбирга айтиб қўйишни илтимос қилди шофёрдан.

Ким билади, балки у ерда, алоқа бўлимида яна бирорта телеграмма бўлиши ҳам мумкин, бунинг устига Москвага чақирув телеграммасининг асл нусхаси қўлда бўлса, самолётдан битта ўрин сўраш осонроқ кўчади. Уруш мобайнидаги мухбирлик ҳаётида бунақа ишлар кўп учраганди. Ўзига нисбатан қилинаётган муомаладан шикоят қилолмайди, аммо расмиятчилик хусусида ҳам унутмаслик керак.

— Қаёқларда қолиб кетдингиз, бирор ерда отиб қўйишмаса яхшийди, деб хавотирланиб ўтиргандик, — деди Лопатинга таниш навбатчи унга телеграммани олгани ҳақида имзо қўйиши учун журнални суриб кўяркан. — Ўзимизда ҳам шукрона қилишга ўрин йўқ.

— Шукрона қилмасликнинг сабаби борми? — сўради Лопатин олдин ўқилган телеграммани гимнастёрка-

сининг чўнтагига солиб қўяркан. Бошқа ҳеч қанақа телеграмма йўқ эди.

Маълум бўлишича, эрталабки биринчи ахборотни узатиш бошлангунга қадар алоқа бўлимини олдиндан ишга тушириш учун бу ерга шошилаётган пайтда алоқа полки машиналари колоннасини ўрмонда сандироқлаб юрган немислар ўққа тутишибди. Толиққан алоқачи қизлар бир-бирларига суяниб мудраб кетаётган чодир ёпиғлиг машинага ҳам бир сидра ўқ узишибди. Тўртта қиз яраланиб, биттаси ҳалок бўпти.

— Ухлаб ётиб ҳалок бўпти, — деди навбатчи, — ҳатто уйғонмабди ҳам. Исми Маруся экан. Сиз уни танийсиз, семизгина, пучуқ қиз эди. Эсингиздами, Минск озод қилинганидан кейин сизнинг мақолангизни шошилинич равишда редакцияга узатган эди. Нуқул сиздан бу сўз нима, деб суриштираверганди. Ёзганларингизни яхши ўқиёлмагани учун ундан жаҳлингиз чиққанини айтувди. Ўша қизни ўлдиришди.

«Ҳечам жаҳл қилмагандим, — ўйлади ўзича Лопатин, — шунчаки у ўқий олмаган сўзларни ҳарфма-ҳарф айтиб тургандим. Ниҳоятда толиққани учун тушунолмагани аниқ. Ўша пучуқ Марусяни ўлдиришибди-да. Кутубхона техникумини битиргани ва урушдан олдин босмадан чиққан менинг иккита китобимни ўқигани учун ҳам тушунмаган сўзларини балки мулойимлик билан тортиниб суриштирган».

— Уни қаерда дафн этдинглар?

— Ҳали дафн этганимиз йўқ. Шу ерга олиб келдик. Эртага кўмамиз. Қизлардан яна бири ёмон аҳволда ётибди. Врачга қўнғироқ қилувдик — умид йўқ, дейпти. Иккаласини дафн этамизми, деб қўрқяпман.

Навбатчи гапириб берган воқеада ортида деярли ярим минг километрча озод этилган заминни қолдирган мана шу ёз ҳам, мана шу ҳужум ҳам бор эди. Уруш боряпти, мана шу ёз бўйи қаерларда қабр қазилмади дейсиз! Госпиталлар ҳамон ярадорлар билан тўлиб-тошиб ётибди, шунга қарамай, урушда нимадир шунчалик ўзгарганки, қирқ биринчи ёки қирқ иккинчи йили кундалик ҳодиса бўлса, энди фавқулодда воқеадек туюлиб, анча вақтгача унутилмасди.

Алоқа бўлимидан чиқибоқ Лопатин ҳаво армияси кўмондонини излаб кетди. У банд экан, аммо Лопатин адъютантни кўмондоннинг олдига киришга кўндирди. Орадан кўп ўтмай, адъютант бир чеккасига «Красная

звезда» мухбирига эртага, 17.8.44 да Москвага учадиган самолётдан жой бериш ҳақида ёзилган телеграммани олиб чиқди.

Мухбирлар яшаётган уйга энди қоронғи тушганда яна қайтиб келишгач, Василий Иванович машинани ҳовлига олиб кирмади, дарвоза ёнида тўхтатиб, Лопатин тушиши билан: «Ёнилғи оламан», деб тўнғиллади-ю, кўздан ғойиб бўлди.

Уйнинг олдидаги скамейкада кимдир чекиб ўтирарди.

— Ким у? Ўртоқ Лоп-патин эмасми? — скамейка томондан Гурскийнинг таниш овози эшитилди. Пашироснинг қизил нуқтаси юқори кўтарилди — Гурский ўрнидан турди ва одатдагидек иккаласи қўл бериб сўрашишди.

Анчадан бери дийдор кўришишмаган бўлишса ҳам Гурский қучоқлашиб кўришишни ёқтирмасди. Хали урушнинг дастлабки йилидаёқ сал кайфи бор хизматдошининг қучоғидан юлқиб чиқиб: «Д-дўстим, эркакларнинг ўпишишини ёмон кўраман, айниқса, уруш пайтида. Ўзим примчиман, ҳар сафар эркакларнинг лаби менинг соқоли қирилмаган юзимга тегиб кетса, ватан учун ҳаётимни қ-қурбон қилиб, тобутда ётгандек ҳис этаман ўзимни. Шундай б-бўлгач, бу христианлар удумини келажакка асраб қўяйлик», деб бунақа ишга узил-кесил чек қўйганди.

— Бу ерга қачон келдинг? — сўради Лопатин.

— Бир ярим соат олдин, сен алоқа бўлимига кетганиннга беш минут бўлган экан. Мен Информбюродаги йингитча билан кичкинагина матбуот конференцияси ўтказдим, унинг ароғини ичдим, уни ойим йўлга бериб юборган тўртта кот-тлет билан сийладим-да, ўзини у бу ерда танишиб олишга улгурган аллақандай қизникига жўнатвордим.

— Матвейга нима бўлди?

— Агар қисқача айтсам, у хонасига нега вертушка т-телефони қўйилганининг моҳиятини тушуниб етмади. Ўзим қўнғироқ қилишим учун қўйилди, деб ўйлади. Т-телефон эса унга қўнғироқ қилишлари учун қўйилганди. Шафқатсиз ҳазил, мен ўйлаб топганим йўқ, аммо унда маълум бир ҳақиқат бор.

— Агар қисқача бўлмаса-чи?

— Агар қисқача бўлмаса, буёғига нима қиламиз —

тураверамизми ёки ўтирамизми? Агар очқаган бўлсанг уйга кирақолайлик? Менда яна учта кот-тлет бор.

— Менда ҳам бир нима бор, лекин кейин, ҳали улгурамиз.

— Арогинг борми?

— Бор. Машинада. Авторотадан қайтсин — оламиз.

— Ундай бўлса, чиндан ҳам улгурамиз. Шу ерда ўтирамиз. Нимадан бошлаймиз?

— Асосийсидан. Матвейга нима бўлди?

— Асосийсиданми? Майли, айтганингдек б-бўлақолсин, агар муҳарриримиз сенга асосийси бўлса, шундан бошлаймиз, — деди Гурский. — Лекин кейинчалик бошқасидан бошламаганим учун мендан ўпқаланиб юрмайсан. Айтгандек, сенда ароғ бор экан, мен ҳозир айтадиган гапни т-томоқни ҳўлламай б-бошлаш гуноҳи азим. Машинанинг қайтишини кутамиз. Шундай қилиб, унинг учун ажойиб б-бўлмаган кунларнинг б-бирида муҳарриримиз ўзи учрашишни унчалик ёқтирмайдиган одамнинг ҳузурига бориб, янги лавозимни кутаётган оддий генерал-майор сифатида қ-қайтиб келди. Унга тан бериш керак, у роппа-роса икки йил аввал бирданига мартабаси кўтарилиб д-дарров ишдан олинган бошлигини кўриш учун фронтга сафар қилганди — бу ёдингда бўлса керак — кейин ўзига чоғ қазишни б-бошлаганди.

— Эсимда, — деди Лопатин, — мана шунинг учун ҳам уни ҳурмат қиламан.

— Баҳслашиб ўтирмайман. Лекин сени ишдан олишлари учун ўзинг икки йил қўлингдан келган ҳаммасини қилганингдан кейин бу амалга ошгач, ажабланишнинг ҳожати йўқ эди.

— Нима, Матвей ҳайрон бўлдимми?

— Дастлаб жудаям ажабланди. Балки, ғалати туюлса ҳам, қалбининг энг тубида ўзини энг зарур одам ҳисоблаб юрган бўлса керак. Ақлли одам эса бу хато фикрни фақат бошқаларга уқдириши лозим. У жудаям ажабланди-ю, аммо — унга тан бериш керак — тезда ўзини тутиб олди, умуман у ҳамма ишни тезда адо этади. Ҳар ҳолда бир соатлардан кейин мени чақиртирганда, кабинетининг тўс-тўполони чиққан, коржомаси эса иш столининг ёнгинасидаги михга илиғлик эди.

Коржома билан иш столи хусусида гапирганида Гурскийнинг овозида унга ачиниш оҳанги сезилди.

«Бечора Матвей, — ўзича ўйлади Лопатин. — Зарур



одамми ёки зарур эмасми, бу оқибатда бир сўз ўйини. Лекин бу одам ўз ишини севарди ва уни мохирона бажарарди. Агар у ўзининг дағаллиги билан ким учундир тоқат қилиш қийин одам ҳисобланса, унда бу асосийси эмас, балки иккиламчидир. Асосийси шундан иборатки, у ўз ишини яхши бажарарди. Асосийси учун иккиламчисини кечиритишдек мардлик етишмаган анависига ўз ишини яхши бажариш-бажармаслиги ҳам муҳим масала. Иккиламчи камчилик принципи бўйича фронтда, эҳ-ҳе, қанча одамни лавозимидан четлатиш мумкин! Жиззакилар ҳам, инжиқлар ҳам, бошқачалари ҳам ошиб-тошиб ётибди, ана шуларни ишдан олишмайди, жанг қилишни давом эттиришга имкон беришади!»

— Гапларинг билан кўнглимни гаш қилиб кўйдинг, — деди у.

— Ундай бўлса чекиб ол. Ҳақсизлик дақиқаларида ёрдам б-беради. Ҳозир ҳақсизликни тузатиш хусусида пайдо бўлган ожизлигини ҳис этишинг ҳақсизликнинг энг кескин формаси эканлигини назарда тутяман. Қавс ичида белгилаб ҳам кўямиз, х-хато қилиб юрма: редакцияда унинг к-кетишидан ҳамма ҳам хафа бўлаётгани йўқ. Усиз ўзларига осон бўлишини фахмлашяпти, ҳар қандай вазиятда ҳам одамларнинг маълум миқдори ўзларига осон бўлишини афзал кўришади.

— Бу гапларнинг аҳамияти йўқ, — деди Лопатин.

— Сенинг-ча, мен етарли даражада қайгурмаянманми? Шундайми? Иложимиз қанча д-дўстим. Истеҳзо билан қайғу менда бир-бирдан ажралишмайди. Сен узоқ йиллик, д-дадил айтиш мумкин, дўстлигимиз мобайнида бунга аллақачон к-кўникишинг лозим эди. Собик муҳарриримиз ҳақида гап бораётганида ўзингдан қиёс қилма. Сен унинг арзандаси эдинг. У сенга ўз ҳаётининг бир бўлаги сифатида меҳр кўйганди. Сени оддий газетадан ҳарбий газетага ишга олишни шахсан ўзи ўйлаб т-топгани учун ҳам меҳр кўйганди. Сен унинг шахсий мардлигининг неча марта-лаб шоҳиди бўлганинг учун ҳам меҳр кўйганди, бунақанги гувоҳларнинг бўлиши эса ҳаммамизга жудаям хуш келади. Б-бундан ташқари, сен унчалик ёш бўлмасанг ҳам урушнинг бошидан бери гўё юмшоқ жойингга қамчи тушгандек ёки маданийроқ қилиб айтганда, юз бераётган воқеаларни ўзингча идрок этмоқ умиди пайдо бўлгандек, барча фронт бўйлаб кезиб чиқишни бошладинг. Унга эса худди шунақалар —

юмшоқ жойига қамчи тушадиганлар ёқарди. Ўзингдан ёшроқларга ва юришни унчалик ёқтирмайдиганларга сени намуна сифатида кўз-кўз қилавериш лозим эди. Агар мана шуларга қ-қарамай сендан ред-дакцияда нафратланишмаган бўлишса, бу фақат ўзингдаги салбий дилбарлик оқибатидир.

— Аввалгиларини тушунувдим. Кейинги жумлангани ойдинлаштир-чи.

— Ойдинлаштиришим мумкин: салбий дилбарлик — бу, киши ўзига нисбат берилган ижобий хислатларни рад этишидир. Ҳеч бўлмаганда ярмисини. Яъни у ўзига нисбатан самимий бўлган п-пайтда. Шахсан мен мана шунинг учун ҳурмат қиламан холос, бошқа айрим кишилар эса бизнинг собиқ муҳарриримиз, парвардигорнинг ўзи асрасин, сенга бўлган ортиқча меҳрибончилиги билан нафратланиш учун замин ҳозирлаб кетган бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда нафратланишмайди. «Гурский, — деганди у кабинетига чақиртириб. — Мен кетяпман». Буни мен аввалдан билардим денг. «Сиз эса ўз бўлимингизда мудирликни давом эттираверасиз». Бундан ҳам, айтайлик, хабарим бор эди. «Мен йўғимда шундай қилингни, Лопатинга ишлаш оғир бўлмасин!» «Хўп бўлади!» — дедим мен, — биласанми, ҳаяжонга тушишга даъвогарлик қилмайдиган сўзни яхши кўраман — кейин эса усиз менга қийин бўладими-йўқми, бу нарса унинг хаёлига ҳам келмаганини ўйладим. Кейин у бўм-бўш стол устидаги сенинг бир даста қора клёнкали д-дафтарларингни кўрсатди-да, менинг ақл-фаросатимга умид қилмай, булар сеники эканлиги, унинг темир сандиғида сақлангани, энди эса мен уни олиб кўйишим лозимлигини тушунтирди.

— Ўзим ҳам ҳозир дафтарларимни ўйлаётгандим, — деди Лопатин. — Сенга бериб кўйгани яхши бўпти.

Матвейнинг унга нисбатан муносабати редакцияда юзага келтириши мумкин бўлган асабийликни ўйлаб ниҳоятда огринди. Албатта, у бу ҳақда биринчи марта ўйлаётгани йўқ ва ҳатто ўзининг феъл-атворини ҳам назарда тутганди-ю, аммо бунинг рўйи-ростлигини энди сезди.

— Ўз ўтмишингдан кўнам куюнаверма, д-дўстим, — деди Гурский. — Ҳеч бўлмаганда менга ҳасад-гўйлик иллоти бегона эмаслиги учун ҳам айтганларимнинг ярмисига ишонақол. Унинг қўл остида иш-

лаб, мен ундан тентакроқ эмаслигим, маърифатлироқ, агар ёзиш борасидаги қобилиятим ҳақида сўз юритилса истеъдодлироқ эканимни ҳис этишдан ҳечам қутулолмадим. Бошқача вазият бўлганида мен Гурский эмас, балки, худди шунақа бўлардим. Шу билан бирга у Гурский ролида мендан кўра ёмон бўлмасди, буни аниқ биламан. Бироқ амалда эса мен уни эмас, у мени топди. Кейин мен муҳаррир, у бўлса Гурский б-бўлолмади, аксинча бўлди. Сўраб кўринг-чи: нега шундай бўлди? Мендан кўра унда кўпгина нарсанинг етишмаслиги менга аниқ. Унга нисбатан менда нима-нинг етишмаслиги хусусида эса бирорта маънилироқ жавоб тополмадим ва афсус-надомат билан шу хулосага к-келдимки, мен шунчалик ўтқир зехним билан таъриф қилишга қодир эмаслигимга нимадир етишмасди, деган хулосага к-келдим. Лекин у кетадиган куни фазилатларимизни таққослашдек бемаъни уринишдан халос бўлиб, унинг кўзларига ҳеч қанақанги ғам-ғусса ифодасини қўндирмай редакцияни тарк этганига ҳавасим келди. Бу энди аввалги пасткашликка зид олижаноб ҳасад эди.

— Янги муҳаррирнинг ҳузурида бўлдингми?

— Бўлдим.

— Таассуротларинг қалай?

— Мен муҳаррирга эмас, балки юртимга хизмат қилишим ўзингга маълум. Г-газета йўлида жонимни қурбон қилишга т-тайёрман. Дастлабки таассуротимга кўра, у газетани расво қилиб қўймайди. У бошламасига газетани аввалги бошлиққа нисбатан ўзининг салбий таассуротлари билан бойитиш ниятида эмаслигини шамма қилди. Унга дарров мен билан гаплашишни ким маслаҳат берганини билмадим-у, аммо кимдир маслаҳат берган. Унга аввалги муҳаррирни ёмонламаганим, аксинча, тегажоқлик қилиб мақтаганимда гапларимни эътибор билан эшитгани учун ҳам ахлоқ дафтарига беш баҳо қўйдим.

— Нега у мени чақиртиряпти? — сўради Лопатин.

— Мана сенинг, энди эса, у норози бўлса ҳам менинг Василий Ивановичим келиб қолди, — деди жавоб бериш ўрнига Гурский ҳовлига кириб келаётган «виллис»ни кўриб. — О. Генри руҳидаги суҳбатимизнинг энг қутилмаган дақиқаси етиб келди. Саломлашамизда, сўнг уйга кирамиз. Фақат ундан ароқни олишни унутма, чунки менга бериши д-даргумон.

Василий Иванович «виллис»дан тушди-да, ҳозирча бошлиғи Гурский эмас, балки Лопатин эканини таъкидлагандек дарров Лопатинга мурожаат қилди:

— Аэродромга қачон жўнаймиз? Ўзингиз аввал айтганингиздек ўзгаришсиз, соат бешдами?

— Ҳа, — деди Лопатин.

— Мен сени кузатиб қўяман, чиндан ҳам учиб к-кетганингга ишонч ҳосил қилиб қайтаман, — деди Гурский.

Василий Иванович норози оҳангда томоқ қириб қўйди — афтидан Гурскийнинг қарамоғига бир неча соатдан кейин ўтишни афзал кўrsa керак.

— Овқатланиб олдингизми? — сўради Лопатин.

— Ҳа, авторотада овқатландим.

— Қаерда ухлайсиз?

— Ҳовлида, машина ёнида. Ҳаво яхши.

Гурский ароқни эслатгандек Лопатиннинг биқинига туртиб қўйди.

— Василий Иванович, машинангизнинг аллақаерида менинг флягам бор эди, — деди Лопатин.

Василий Иванович бир сўз демай «виллис»дан флягани олиб келди.

— Сизни уйғотайми?

— Менимча, ўзим уйғонсам керак. Лекин, ҳар эҳти-молга қарши, соат тўрт яримда.

Василий Иванович «виллис» ёнига қайтди, Лопатин эса Гурскийнинг ортидан уйга кирди. Деразаларига дарпарда тутилган уйда пилиги пасайтириб қўйилган чироқ ёниб турган экан. Гурский ўтириб пилигини кўтаргани — уй анчайин ёришди. Чироқ ёруғида уй эгаларининг икки кишилик каравоти ва скамейка билан ёйма каравот остига текиб қўйилган мухбирларнинг лаш-лушлари кўзга ташланди. Стол устида озгинаси кесилган буханка нон, учта котлетли тарелка ва стаканлар бор эди.

— Хўжайинлар йўқ, ҳамкасабаларимиздан эса, менимча, беш киши шу ерда истиқомат қилишяпти, — деди Гурский, — лекин т-тўрттаси сафарда, бешинчиси эса, боя сенга айтганимдек, шахсий юмуши билан жўнаб кетган — шундай бўлгач, ваъда қилинган сюжетни ривожлантиришга ҳеч ким халақит бермайди.

У флягадаги арақни чайқаб кўриб, стол устидаги стаканлардан бирига ўзи учун қуйди-да, бошқа стаканга ишора қилиб Лопатинга савол назари билан қаради:

— Сендан олдин ичилган стакандан ҳазар қилмайсанми?

— Қуявер, — деди Лопатин.

— Сабр қил, — арақ қуйилган стаканни кўтарганда уни тўхтатди Гурский. — Агар ёдингда бўлса, Қалуга остонасида сени алмаштиргани келганимда оилангда ишлар чатоқлигини сенга хабар қилгандим. Бу сафар, акс ича, мен хушхабар д-даракчиси сифатида келдим. Янги муҳарриримиз сени нега чақиртирганини суриштирган эдинг. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, Тошкентдан сенинг Нина Николаевнанг Москвага келди ва мен у сенинг қайлигинг экани, Москвага атиги икки ҳафтага келгани ва уни сен, албатта, кўришинг лозимлигини муҳаррирга т-тушунтириб бердим.

— Нима, жиддий гапиряпсанми? — бу хабарнинг ўзидан ҳам, «қайлиқ» сўзининг ярашмагандек туюлгани учун ҳам сўради Лопатин шошиб қолиб.

— Бундан жиддийси бўлмайди. У Москвада поезддан тушибоқ тўғри ред-дакцияга келиб, сенинг қаерда эканинг ва Москвада қачон бўлишингни суриштирибди. Ўзинг яхши танийдиган Лева Степанов уни менинг ҳузуримга йўллаб, умрида битта ақлли иш қилибди. Сабр қил, гапимни тугатай. Ўзини Нина Ник-колаевна деб таништирган ўша сенинг аёлинг менга жудаям ёқиб қолди. Агар Тошкентда уни сен эмас, мен учратиб қолганимда унга уйланган бўлардим. — У буни галати оҳангда, киноясиз, ҳатто, гамгинлик билан айтди-ю, кейин гўё хатосини билиб қолгандек одатий равишда қўшиб қўйди: — ўйлаб ўтирмай, тезда уйланардим. — У яна жиддий тус олди. — Мана шу, сенинг шахсий аталмиш ҳаётинг учун ичамиз. Қолган барча т-тафсилотларини кейин айтаман.

— Ойим пиширган кот-тлетлар қалай? — сўради у стаканни бўшатиб, бир оз тамадди қилишгач.

— Ҳар сафаргидек аъло даражада.

— Ойим менга иситмасдан емасликни жудаям таъинловдилар, лекин мана шу «лип-лип»да битталаб иштишга вақт етмайди. Энди тафсилотини эшит. Сенинг Нина Ник-колаевнанг менга шу икки ҳафта мобайнида ўзинг уникида бўлган ва яхши танийдиган аллақайси артистканинг квартирасида истиқомат қилажагини, кейин эса Т-тошкентга қайтиб кетишини айтди. Бўёги нима бўлади, деб сўрагандим, унинг мужмал жавобидан бу нарса сенга боғлиқ эканини сездим. Қандингни ур!

— Ранги-рўйи тузукми?

— Тезда унга уйланиб олган бўлардим, деб сенга айтдим-ку! Нимадан хавотир оляпсан? — Москвага Ника қачон келганини ўзича ҳисоблаётган Лопатинга тикилиб сўради Гурский. Ефимовнинг сўзига қараганда, телеграмма фронт штабида бир ҳафта ётган, кейин армия штабига келган, кейин Ефимов уни излаган, кейин у бу ерга йўл олган. Демак, Ника Москвада яна икки кун бўларкан.

— Етиб борармиканман?

— Бунисини билолмадим, — деди Гурский. — Янги муҳаррирнинг қаршисида намоён бўлиб, сени чақиртиришни илтимос қилганимда, «қайлиқ» сўзи унда эскидан тобланган киши сифатида шунчалик унутилмас таассурот қолдирганидан ўша кунийёқ чақирув телеграммасини жўнатди. Сенинг ўрнингга бу ерга юборишни илтимос қилган мен эсам аҳмоқ бўлиб сени Москвада кутиб ўтирибман. Ўзи қаёққа йўқолувдинг, жин ургур? Хавотир олиб бу ерга учиб к-келавердим. Менимча, янги гимнастёрка ҳам кийибсан, яна габардиндан тикилган, — деди Гурский. — Лекин ранги-рўйинг яхши эмас. Сенга қанчалик тикилиб қарасам менга шунчалик ёқмаяпсан. Қаерда эдинг? Нималарни бошингдан кечирдинг? Мухбирлар даврасида оммалашган камгаплигингни бошқаларга асраб қўярсан. Менга б-батафсилроқ гапириб бер!

Агар, барибир, гапирилиши лозим бўлган бу суҳбат эртага қолдирилганда, балки, у бир оз қисқароқ чиқиши мумкин эди, улар эса ярим кечагача ўтиришди. Гурский бир неча марта унинг сўзини бўлиб, наҳотки ҳеч қаеринг огримаётган бўлса, деб суриштиравердида, Лопатиннинг жаҳли чиқабошлагач, гап қўшмай қўйди.

— Илтимос, к-кечир мени, ёшлик қилиб элликка кирганингни унутиб қўйибман, шу ёшдаги одамлар эса ўзларининг саломатликлари қақшамаслигини рўкач қилишга мойил бўлишади. Оғримаётган бўлса оғримаётгандир. Нур устига аъло нур! Сен чиндан ҳам омадлисан! Шунча воқеадан кейин хотиржам Москвага жўнаб кетишинг ва уйланишинг мумкин. Лекин, удумимизга кўра, кўз тегмаслиги учун барибир тупуриб қўяман.

— Тупуришинг мумкин, — деди Лопатин. — Аммо уйланиш... Мен эса, аксинча, буларнинг ҳаммасини сенга айтиб бераётганимда ўйланиб қолдим...

— Урушнинг охиригача сенинг касбингда бевалар сонини яна биттага кўпайтириш хавфи сақланиб қолади, деб ўйлаясанми? — сўзини бўлди Гурский. — Шундай деб фараз қилайлик. Фаразни истамасдим-у, лекин фараз қила қолайлик. Агар у ҳалок бўлган эри учун ўзининг қонуний нафақасини олса — бунинг нимаси ёмон? Агар сен уйланишга сабр қилишингни, чунки сени ўлдирмасликларини ваъда беролмаслигингни унга айтсанг — бирор нима ўзгариб қоладими? Ҳозир ким кимга буни ваъда қилолади? Ҳозир қайси аёл бу ҳақда ўйламаскин? Агар у сени чиндан ҳам севса бошидан шуни ўйлаган бўлади. Хаёлидан чиқариб юборишга ҳаракат қилади-ю, бироқ бунинг уддасидан чиқолмайди!

— Балки ҳақдирсан, — деди Лопатин, — аммо бу мавзуда энди гаплашмаймиз.

— Гаплашмасак гаплашмабмиз-да! Лекин гапларим ёдингда б-бўлсин, бу масалада ҳаммаси жойида бўлиши лозим. Фақат лозим эмас — ҳатто шундай бўлиши шарт! Қолган ароқни мана шунинг учун ичамиз. Агар қолган бўлса. — Гурский сувдонни силкиб кўрди-да, қолган ароқни стаканларга қуйди. — Илтимос қиламан, мана бу учинчи к-котлетни ҳам ўзинг еявер. Онам уни қўл билан иккига бўлишни ёқтирмайдилар, бу уйда эса на пичоқ бор, на санчқи — мухбир оғайнилари-миз қўнжига солиб юришади шекилли. Тўйиб ол. Москвада иш бериб қолади. Сенга яна айтяпман: янги формали кийим-бош кийган бўлсанг ҳам кўринишинг унчалик яхши эмас. Айтгандек, буни қаердан ундирдинг?

— Ефимовдан таниш-билишлик қилиб олдим.

— Менга яхшигина ақл ўргатдинг-да, — деди Гурский. — Сенинг йўлингдан б-боришга уриниб к-кўраман. Газагига энг сўнгги янгиликни айтаман! Собик муҳарриримиз бундан икки кун аввал сизларнинг фронтингиз армия сиёсий бўлимини қабул қилиб олганини Информбюрода ишлайдиган йигитчадан боягина эшитдим. — Гурский унинг номерини айтди. — Ўша ерда бўлганмидинг?

— Қирқ биринчи йилда Қримда бошқача ном билан аталган пайтда бўлгандим. Бу ерда эса отландим-у, лекин ҳали бормагандим.

— Шундай бўлгач, у ёққа боришимга қ-қонуний сабаб бор экан. Сени самолётга кузатиб қўяман-да, янги

формали уст-бош олгани ва шу билан бирга, унинг янги лавозимда қандай эканини кўриш учун тўғри ўшоққа жўнайман. Айтгандек, уларнинг армияси б-биринчилардан бўлиб Шарқий П-пруссия чегарасига чиқиши эҳтимолдан холи эмас, дейишяпти.

— Гапларингни эшитиб қувониб кетдим. Бу у орзу қилиши мумкин бўлган энг яхши лавозимлардан бири бўлса керак, — деди Лопатин ва агар собиқ муҳаррир тушиб қолган армия чиндан ҳам Шарқий Пруссия чегарасига биринчи бўлиб етиб олса, бу ҳолда ўзи уларнинг ҳузурига учинчиси ортиқча дейилса ҳам бо-ришини айтди.

— Тўша-тўғри, ортиқча бўлади! — деди Гурский. — Хасислик қилма! Москвада ўтиравергин-да, бизнинг бўлинмалар к-кечагина номини энцик лоп-педияда кўриб яна нутиб қўйган дарё бўйига чиқишини менинг зиммамга қолдирақол. Газетага йўлланадиган кичкина шов-шувга сабаб бўлувчи хабар шахсан меники б-бўлақолсин. Қот-тлетни еб ол, мен эса уйқуни ураман. Тўғрисини айтсам, самолётга тушсам нуқул уйқи босаверади. Сен бўлсанг, к-кўринишингдан ҳали-вери кўз юмадиганга ўхшамайсан, суҳбатдош сифатида менинг ёрдамимга муҳтожлигинг бўлмай, ўз келажинг ҳақида бемалол ўй суришга қодирсан. Ў-ўзингга маълум, шунга аҳд қилдимми, ҳеч қандай ўй сурмай ухлаб қоламан. Агар қаттиқ хуррак отиб хаёлингни бузиб юборсам, т-ташқарига чиқиб очик ҳавода ўй-ўйингни давом эттираверишинг мумкин.

Гурский хонани кўздан кечириб чиқди-да, бир дақиқа иккиланиб туриб, устига чўнтагидан олган дастурмол ёпилган дала сумкасига бошини қўйиб, бўш ёйма каравотга чўзилди. У юзини бужмайтириб уйқи аралаш: «Қаттиқ экан!» — деб қўйди-да, ростдан ҳам кўп ўтмай ўқтин-ўқтин хуррак отиб уйқига кетди.

«Бугун эрталаб Москвада эди» — деди ўзича у ҳақда ўйлаб Лопатин ва шу кунлари у ерда, Москвада Никани яна кўрган-кўрмаганини Гурскийдан сўрашга юраги дов бермаганидан ўзини койиб ҳовлига чиқди.

Осмон беғубор, серюлдуз эди.

«Агар об-ҳаво бузилиб ерга қўнмасак ва бирор ерда тунаб қолмасак эртагаёқ Москвада у билан дийдор кўришаман», — деб ўйлади Лопатин кеча эрталаб Чижов билан бирга йўлда, ёнган танк ёнида ҳушига келмай инграётган товони узилиб тушган танкчининг тепа-



сида туришгани, эртага кундузи эса Москвада бўлиши мумкинлиги ҳақиқатга хилоф эканидан ҳайратланар экан...

— 18 —

«Дуглас» осмонга кўтарилганда Лопатин пастдаги «виллис»ни бир минутча кузатиб турди. Василий Иванович рулни ушлаб ўтирибди. Гурский эса «виллис»да тик туриб, пилоткасини боши узра силкиб хайрлашарди. Аэродромга келишда у Лопатинга собиқ муҳаррирининг ҳузурига боргач, ундан хиралик қилиб формали кийим-бошдан ташқари, яна бирорта олифтанамо шапка ундиришини айтди, акс ҳолда малла сочи, кўзойнаги ва бунинг устига мана бу пилоткаси билан ўзини асир тушган фрицга ўхшатди.

— Ундан қонун бўйича б-белгилаб қўйилганидан ташқари, бирор нимани ундириб бўпсан. Ўзининг запас кийим-бошини берса, унда бошқа гап. Агар унда бор бўлса.

— Қойил иш бўларди-да. Бирйўла менга генерал-майор унвонини ҳам берақолсин. Қизил ҳошияли шимда қанчалик зўр бўлишимни бир т-тасаввур қилиб кўр-а!

Лопатин энди ҳеч нима кўринмай қолган самолёт дарчасидан кўз узиб Гурский ҳақидаги ўйларидан кулиб қўйди. Эллик ёшга етиб қолганинда турмуш тарзи сеникидан бутунлай бошқа ва ўзга авлодга мансуб бўлган одамга меҳр қўйиш қизиқ бўларкан. Уруш, ҳамма жойда бўлганидек, редакцияда ҳам авлодларни шунақаям чалкаштириб юбордики, ўзингни ҳам қайси авлодга мансублигингни тушунолмайд қоласан...

Самолёт ўз йўлига тушиб олгач, учувчилар кабинасидан ўқчи-радист чиқиб келди-да, нарвончадан кўтарилиб, ўзининг қўноғидан жой олди: бошқа кўпгина «дуглас»ларда бўлганидек, бунда ҳам қоқ ўртанинг тепа қисмида осмонни кузатиш ва ўзини ҳимоя этиш учун пулемёт ўрнатилган айланма қоққоқ бор. Бунақа қоққоқларни урушнинг дастлабки йили, фазода немислар ҳокимлик қилаётган пайтларда ўйлаб топишганди. Лекин кўпгина учувчилар уни ёқтиришмасди — фақат эндиликда, ҳамма нарса ўзгарган ҳозирги пайтда эмас, балки илгари ҳам қилинган меҳнатига арзимайди,

деб ҳисоблашган: самолёт устида қаққайиб турган қопқоқ соатига йигирма километр тезликни камайтирар, бу эса гоҳида қимматга тушарди.

Шу қопқоқ билан Москвагача неча соатда етиб боришларини хаёлида чамалаб чиққан Лопатин тахминини текшириб кўрмоқчи бўлиб ўқчи-радиостнинг ёнига келди.

— Билмадим, — деди ўқчи-радист, — биз ҳали Минскка қўнишимиз керак.

«Демак, тўғри Москвага учмас эканмиз-да, — афсусланиб қўйди Лопатин ҳеч қаерга қўнмай учишганда кўп деганда тўрт ярим соатда азонлаб Москвада бўлишни чамалаб. Агар у Зинаида Антоновникида Никани тополса, тушликкача бирга бўлишини кўнглидан ўтказди. Василий Иванович унинг чамадонига ҳам, қопчигига ҳам тушликка ярайдиган у-бу нарсалар солиб қўйган. «Ҳали йўловчиларни ҳам олишса керак», — ўйлади ўзича у.

Бемалол йўловчи олса бўлади. Самолётнинг икки томонидаги тор темир скамейкаларда атиги тўққиз киши ўтирарди.

«Минскда қанча туриб қоламиз-у, Москвага қачон учамиз? Уни Зинаида Антоновникидан дарров топармиканман? — яна Ника ҳақида ўйлади Лопатин. — Агар у Гурскийга ҳаммаси бўлиб икки ҳафтага келганини айтган бўлса, Москвада Ника яна қанча тураркин? Фақат икки кун экан-да! Нимадир ўзгариб мени кутмай кетиб қолган бўлса-я?» Бугун эрталаб Гурскийнинг айтишича, Ника ҳар куни унга редакцияга қўнгироқ қилиб турибди. У бўлса чақиртириш ўз йўли билан-у, аммо мухбирни фронтда ҳатто шунақа телеграммага биноан изтопар ит билан ҳам топиб бўлмаслигини тушунтирибди. Гурский тушунтиришга тушунтирган-у, лекин унинг кўнглига ҳар қанақанги мудҳиш хаёллар келиши мумкин.

У бир кун олдинги тунни эслади. Ўшанда Лопатин келажакда нима бўлишини билмай ваҳимага тушганди, аммо ҳозир эса урушдан нарироқ бўлишни истаб қолди. Нарироқ, иложи борича нарироқ.

Шунақаси ҳам бўларкан: баҳорда, уни ярадор қилишганда қўрқиб кетмади, бунга улгуролмай қолди. Ҳозир эса, бус-бутун қолганида, барибир уни эслаб даҳшатга тушяпти. Бу рейд ҳақида нима деб ёзишни ҳам билмайди.

«У Тошкентга қайтиб кетганидан кейин ёзарман. Балки, кетмас? Аммо у ёқда боласи бўлса, қандай қилиб кетмайди? Бирйўла боласи билан келмадимми, демак, уни қолдирадиган одами бўлган... Бу ҳақда ўйлашни истамайман: жўнайди, жўнамайди, бола... У билан дийдор кўришайлик, ўшанда ўйлаймиз, ҳозир эса — фойдаси йўқ, чунки, барибир, усиз ҳал этишга қодир эмас», — жаҳл билан ўйлади у ва ҳалиям оғриётган бели билан эмас, балки чап елкаси билан — шуниси қулайроқ эди — тўсиққа суяниб, дала сумкасидан дафтар билан қалам олди.

Қандай бўларкин, деб фол очиб ўтирганидан кўра, у Москвада яшайдиган ўша кунлар ва соатлар ҳисобига урушни ўйламаслик, қарз бўлиб қолмаслик учун, яхшиси, ҳозир ўзини босиб олгани маъқул. Балки, шу ўзини босиб олиш қобилияти билан редакцияда гап-сўз қилишга одатланиб қолишган унинг ишлаш қобилиятини кўрсатиб турган бўлса ажабмас. Бу ҳеч қанақанги ишчанлик эмас, балки шунчаки қарз бўлиб қолишни ёқтирмаслик!

У дафтарни очди-да, тиззасидаги дала сумкасининг устига қўйиб ўзини ёзишга мажбур қилди. Муҳим қарзи бор эди. Ефимов авваллари ҳам у билан очиқчасига гаплашарди-ю, аммо бу сафаргиси жудаям очиқча бўлди ва унинг бутун тафсилоти ҳамон хаёлида эди.

Бу гапларнинг ҳаммаси шу ерда, Белоруссиядаги дастлабки учрашувда бўлиб ўтди, бунгача улар Шимолий Кавказда қирқ учинчи йилнинг баҳоридан бери кўришишмаганди. Ефимов росаям қувониб кетди, ҳатто кучоқлаб ҳам қўйди, аммо гаплашиб ўтиролмади — қаёққадир жўнаб қолди: тунда, ишлар тугагач, овқат устида гаплашамиз, деди.

Ўшанда армиянинг ҳужуми уч кунга тўхтатилиб, қўшимча кучлар қабул қилинаётган, бош қўмондонлик резервидан танк билан тўплар кутилаётган пайт эди.

Иккаласи овқатланишди, коньяк ичишди. Одатда бир рюмка ичадиган Ефимов бу сафар беш ёки олти рюмкани сипқарди. Аввалига Лопатиндан қаерларда бўлганини, нималар қилганини суриштирди: шу вақт мобайнида «Красная звезда»да босилган иккита мақоласини мақтади, биттасини эса роса койиди: унда уруш жўн тасвирланганини айтди. Кейин ҳужумнинг бошларида бўлганидек, Шимолий Кавказда тушига ҳам кирмаган даражада яна кўплаб тўплар беришаётгани,

снарядлар эса керагидан ортиқ эканини айтди. Бундай куч-қудратга эга бўлатуриб, зиммадаги вазифани ба-жармаслик уят. У яна бир рюмка ичиб тўсатдан тум-шайиб олди.

— Лекин ким билан жанг қиламиз? Илгари жанг қиладиганлар бўларди-ю, жанг қиладиган нарса бўлмасди. Ҳозир эса гоҳида жанг қиладиган нарса бор-у, жанг қиладиганлар бўлмайди. Бугун дивизияларни ай-ланиб чиқдим. Қандай қўшимча кучлар олингани би-лан шахсан танишдим. Унчалик яхши деб бўлмайди. — Ефимов зарб еган бошини силтаб қўйди. — Қариялар кўп, сиз билан менинг ёшим маъносида. Йигитчалар кўп — йигирма еттинчи йилда тугилганлар. Албатта, олтин фондимиждан ҳам мадад кучлари келган — госпи-талда даволаниб чиққан тажрибали жангчилар. Аммо уларнинг бундан кейин ҳам жанг қилишга тайёр экан-ликларини кўриб ўйланиб қоласан киши: «Улар, неча марталаб ярадор бўлган жангчилар, худога шукурлар бўлсинким, яна сенинг ҳузурингга келади-ю, қувонмай бўладими?!» — У хўрсиниб яна бошини силтаб қўйди. — Ҳа, қувонишдан бошқа нима ҳам қилолар-динг! Ҳатто уч марта ярадор бўлганидан кейин ҳам унга: «Дамингни ол, сен олдинги маррада ишингни бажариб бўлдинг! Энди бошқалар давом эттиришсин, сен бўлсанг, ҳеч бўлмаганда полкнинг ичкари томонида бирорта енгилроқ юмуш билан шуғулланиб юравер», дейишга ҳақнинг йўқ.

У жимиб қолди-ю, гўё айтмоқчи бўлганларининг ҳаммасини охиригача айтиш-айтмасликни яна бир мар-та чамалаётгандек Лопатинга узоқ тикилиб турди.

Ниҳоят бир қарорга келди-да, эндиликда Лопатин қисқа бўлса ҳам ўзига тушунадиган қилиб кундалиги-га ёзиб олган гапларни айтиб берди:

— Албатта, илгари у ердами, бу ердами бирор иш бошқача қилинса сизлар эмас, биз, генераллар, асосан жавобгар бўлардик, биздан бошқа ким ҳам бўларди! Аммо ҳар ҳолда сиз — мухбирлар, ёзувчилар, айниқса, оддий фуқароларгина эмас, балки ҳарбий кишилар ҳам гуноҳдан холи эмас. Газеталардан ўқиганимга қараган-да сизлар — шахсан сиз эмас, лекин аслини олганда сиз ҳам — қирқ иккинчи йилнинг баҳорида ҳам, кузида ҳам ва қирқ учинчи йилда ҳам бизнинг ишларимиз ҳақида ёзгансизлар, айниқса узоқ муддат мудофаада турган ёки олдинга силжимай қолган фронтларни

қаламга олгансизлар, дам-бадам биз ҳақимизда, турли хил айрим операцияларда қаҳрамонларча ҳужум қилганимиз, ботқоқликдан тепаликка кўтарилганимиз ёки очиқ сайхонлик бўйлаб ўрмон этагини қўлга олганимиз хусусида ёзиб турдингиз. Кўпинча нега биз ноқулай позициядан ҳужум қилганимиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Урушни кўргансизлар, аммо у ҳақда етарли даражада ўйлаб кўрмагансизлар. Ҳеч бўлмаганда энди фикр юритинглар: ўша пайтлар хусусида кимлардан — солдатми ёки кичик офицердан — суриштирсанг ғалати бўлади. Солдатнинг хотирасида кўпинча у пастликда ётгани, немис эса тепаликда тургани қолган: у қишлоқ рўпарасида, немис эса қишлоқда: у тепалик остида, немис эса тепаликда, у ботқоқликда, немис эса ўрмон ёқасида бўлган. Нега шундай? Нима, географияси шунақами? Фронт чўзилиб кетган-у, нега шунақайкин? Бир жойда биз тепаликда, улар бўлса ботқоқликда, бошқа жойда эса — аксинча. Хўш, нима гап ўзи? Ўйлаб кўрмагансизми? Ўйлаш шарт эди! Немислар эса — ўзингиз ҳам эсласангиз керак — агар уларни тепаликдан ҳайдаб юборишса, қишлоқдан қувишса, пастликда юрмайди, ботқоқликда ётмайди. Яна бир-икки километрга чекиниб қулай тепалик ёки аҳоли пунктини эгаллайди. Биз бўлсак уларнинг чекинаётганини кўриб «Олға! Қувиб етамиз!» деймиз. Мана шунақа бўлади. Улар қишлоқда, биз эса унинг рўпарасида: улар тепаликда — биз ботқоқликда. Бизга унинг — ўша бир километрлик ботқоқликнинг нима кераги бор эди? Бўлажак ҳужум учун у бизга нима берибди? Ҳозир биз Могилёв билан Витебскдан бошланган ҳужум мобайнида бир жойда тўрт юз километр, бошқа жойда беш юз километр йўл босдик! Польшага ёриб кирдик, Шарқий Пруссияга яқинлашаяпмиз. Энди мен сиздан сўрай: нимадан бошлаганимиз, бир километр ғарб томонда турдикми ёки бир километр шарқ томонда турдикми, нима фарқи бор? Албатта, вазият тақозо этадиган вақтлар ҳам бўлади: масалан, нариги соҳилдаги ҳужум майдонини ўлсанг ҳам қўлдан бермаслигингга тўғри келади, чунки у бўлажак ҳужум учун жудаям зарур бўлади. Бирор кишида: «Бир қадам чекинилмасин!» деган сўзнинг муқаддас эканига шубҳа пайдо бўлишига йўл қўяди, деб ўйлайсизми? Мен бу сўзларни Одесса ва Севастополдан бери биламан. Лекин бу сўзлар қайтғийдир! Бу сўзлар бир қадам ҳам чекинилмайдиган ҳар ботқоқлик,

уй ёки айрим дарахт муносабати билан ишлатилаверадиган сўз эмас! Бугун мадад кучлари билан танишиб чиқдим-у жаҳлимни ичимга ютдим. Қанчалик илгарилаб кетганимиз сайин ўтмишимизга, «Бир қадам ҳам чекинилмасин!» ни биз ҳаддан ташқари кўп ишлатганимизга шунчалик ачинаман. Орамизда, албатта, турли тоифадаги катта-кичик бошлиқлар бор: бир хиллари аввалроқ, бошқалари кейинчалик эс-хушларини йиғиштириб олишган. Бир хиллари юқоридагиларга ахборот бериб исботлашга ёки тоқат қилиб юришга қодир бўлишади: бошқалари буни эплолмаган ёки қўрқишган. Аммо орзу қилиб бўлмайдиганлари ҳам учраб турган. Бундайларнинг солдатлари ботқоқликда бўлса, ўзи ҳам шу ерда ётади, солдатларнинг ҳузурига бориб туради, ўзи ҳам улар билан бирга ботқоқликда чириб кетади, ўзиники каби солдатлар ҳаёти билан ҳисоблашмайди. Бунинг нимаси яхши? Бунинг нимаси жасорат? Ваҳимага қандай барҳам берганларимни, қочоқларни қандай тўхтатиб қолганимни унутди, деб ўйлайсизми? Қанчалик ачинарли бўлса ҳам мана шу қўлларим билан турган жойида отиб ташлаган пайтларим бўлган. Бироқ солдатни озгина бўлса ҳам ўлимдан асраш, чуқурроқ окоп қазиб олиши, хандақлар билан туташтириши учун вақт бериш қўлимдан келарди-ю, аммо шуни қилмаганман — шу боисдан бошқаларни ҳам, ўзимни ҳам кечирмайман, чунки ўзим айбдор бўлганман. Шундай бўлгач, ҳозир, урушнинг тўртинчи йилида аллақандай ожиз бир киши қулай маррага чекинишга ҳаққи бўлса ҳам, бу ҳақда тўғридан-тўғри кўрсатма берган бўлсам ҳам ўзининг тентаклиги билан етиб олган жойни қўлда тутиб қолмоқчи бўлади. Балки солдатларнинг қони ҳисобига қолиши, ўзи ҳам ҳалок бўлиши мумкину лекин, барибир, унга падарингга лаънат дегим келади!

Ўша кечаси Ефимов шундай деганди, ўтган куни, Лопатин билан хайрлашаётганда ҳам ўша гапни эслатиб қўйди.

Эҳтимол, уруш давомида неча марталаб юрагида йиғилиб қолган шу гапларни чиқариб ташлаган, ким биландир баҳслашган, кимнидир койиган, кимдандир ранжиган бўлса ажабмас. Лопатин урушда бошқа одамлар ҳам шу мавзуда бир хиллари очикчасига, бошқалари эҳтиётини қилиб гапиришганини неча марталаб эшитганди, лекин генералнинг бунақанги очик тавба-

тазарруғини, бегоналарнинг ҳам, ўзининг ҳам қалбини тилка-пора қилганини бутун уруш давомида биринчи эшитиши эди. Шу боисдан ҳам ҳозир уни эсида қолганларининг ҳаммасини иложи борича ёзиб олмоқда эди. Шу билан у Ефимовнинг эмас, балки ўзи бошидан кечирган, Ефимовнинг немислар ва Шарқий Пруссия хусусида ўтган куни айтган гапларисиз тўла тасаввур этиб бўлмайдиган уруш олдидаги қарзини узмоқчи бўлди.

Самолёт бир томонга оғиб бурилаётганда думалоқ дарча орқали Минск чеккасидаги портлатилган ва ёндирилган уйларга Лопатиннинг кўзи тушди.

У дафтарни дала сумкасига солиб кўйди. Эҳтимол, бунчалик бир ўтиришда ёзмаслик мумкин эди, кейинчалик, Москвага йўл олинганда давом эттириши мумкин эди, лекин пастдаги Минск вайроналарини кўриб ҳали ерга қўнмасданоқ бу ишни тугаллаганидан хурсанд бўлди. Ўшанда, қирқ биринчи йили, урушнинг тўртинчи куни Лопатин бориб қолган Минск унинг дастлабки, энг биринчи дард-алами бўлганди. Ефимовнинг эслаганлари ҳам мана шу дард-алам билан боғлиқ эди. Урушнинг боши бошқача бўлганида ундаги кўнгина воқеалар ҳам бошқача бўлиши мумкин эди.

«Дуглас» таниш учини майдонига қўнди. Мана шу ердан Лопатин Минск озод этилганидан кейин фурсатдан фойдаланиб ўзининг ўша командировкасидаги биринчи мақоласини Москвага жўнатганди.

Учувчи штурман билан биринчи бўлиб ерга тушишди-да, майдон бўйлаб оператив навбатчининг хузурига кетишди.

«Бу ёгига ҳам ҳаво очиқ бўлармикан?» — оёқ-қўлларининг чигалини ёзиш учун бошқалар билан бирга ерга тушиб, Ника ҳақида, қачон у билан дийдор кўришиши хусусида яна ўйлади Лопатин. — Энди улар бу ерда, Минскда қолиб кетишмаса гўрга эди?»

Нимагадир самолётдан тушиб, майсазорда чўзилсанг — агар ёз бўлиб, майсалар ўсиб ётса — албатта, ўтпояни юлиб чайнагинг келаверади. У худди шундай қилди: чалқанчасига ётди-да, ўтпояни юлиб олиб оғзига солди ва қуёшсиз кулранг осмонга тикилиб уни чайнай бошлади. Ҳамма нарса яхши кўриняпти. «Тезроқ учишга рухсат беришсайди, — яна об-ҳаво ҳақида ўйлади у ва шилинган жойлари чалқанча ётишга ҳалақит бераётгани учун ёнбошлаб олди. Ёнбошладию бу ерда учратиб қолиш ҳечам хаёлига келмаган таниш

киши тепасида турганини кўрди. Лопатинга кинояли боқиб ва ўзининг калта, қийшиқ оёқлари билан чайқалиб «Известия» газетасининг ҳарбий мухбири Пётр Иванович Белянкин тепасида турарди.

— Салом, Астенг. Бу ерларга қаердан келиб қолдинг? — Белянкинга қўл узатиб ўтириб олди Лопатин ва беихтиёр жилмайиб қўйди: бирор киши ҳазиллашиб Пётр Ивановични урушнинг бошларида унга ёпиштирилган лақаб билан чақирганда нуқул ҳамма кулавларди. «Астенг» — аср тенгдоши сўзининг қисқартириб кулгили айтилиши. 1900 йилнинг биринчи январида туғилган Петр Иванович бир пайтлари бахтга қарши мухбирлардан кимгадир ўзини шундай деб таништирган экан-у, ўшандан бери ҳаммада кулги туғдирадиган мана шу «Астенг» пайдо бўлганди.

— Салом, салом, — Петр Иванович чаққонлик билан — у ҳамма ишни чаққонлик билан бажарарди — Лопатиннинг рўпарасига, ерда турган бўғзигача тўла каттагина қопчиқ билан чоғроққина чамадоннинг орасига оёқларини чалиштириб ўтириб олди. — Аллақандай фазовий фикрлар билан чулганган юзингга беш минутдан бери тикилиб, ўтпойни қачон чайнаб бўлишингни кутяпман.

— Фазовий дейсанми? — сўради Лопатин.

— Ҳа, нимаиди!

— Шунақа бўлса керак. Бугун Москвага етиб олармиканмиз, деб ўйлаб ётибман. Об-ҳаво қулай бўлармикан?

— Ким билади дейсан. Лекин бошлиқ биз билан учадиган бўлганидан кейин ҳаво очиқ бўлиши лозим.

— Қанақа бошлиқ? Шунинг учун бу ерга қўнган эканмиз-да.

— Ички ҳаво армиясининг бошлиғи. Кеча у билан фронт штабидан учиб келаётганимизда моторлардан биттасининг ишкали чиқиб, шу ерга қўндик. Шу боисдан ҳам сизларни шу ерга қўндирдик. Уни, шу билан бирга мени ҳам олакетасизлар.

— Қаерда тунадинг? Минскдами? — сўради Лопатин.

— Йўқ, боргим келмади, тунайдиган жой ҳам бўлмаса керак. «Қўшқанотлилар»никида. алоқа эскадрильясида ухладим, улар мана шу учиш майдонининг нариги томонида жойлашишган. Саҳар пайтида кўзиқорин тергани ўрмонга бордим. Қўзиқорин кўп-у,



идиш йўқ. Ошхонадан консервадан бўшаган картон яшиқни олдим, ўзимнинг декчамни ҳам тўлдирдим. Кейин ҳатто йирикларини ҳам ташлаб юбордим — фақат оқ қўзиқоринларни саралаб олдим. — У лаззатланиб лабини чапиллатиб қўйди. — Москвага учиб боришим билан зиравор қўшиб сиркалаб қўяман. Агар истасанг, озгинасини беришим мумкин.

— Берақол, — Никани ўйлаб деди Лопатин. — Лекин нимага солиб берасан?

— Ҳа, майли, декчаси билан берақоламан. Қайтариб бериш шарти билан, редакцияга олиб келасан. Бу ўша, эсингдами, уруш бошланганидан бери тутиб юрган декчам.

— Пишиқ-пухта одамсан-да!

— Шундай бўлиш керак-да.

Иккалови урушни шу ерда, Минскда кутиб олишганди, биргаликда Могилёвга яёв етиб боришганди; ўшанда Лопатин унинг фақат саранжом-сарихталик қобилиятига эмас, балки бошқа хислатларига ҳам қойил қолганди. Лопатин, агар Халхин-гол билан фин урушини ҳам ҳисоблаганда, учинчи урушни бошидан кечираётган бўлишига қарамай, ўшанда, урушнинг бошидан, сирасини айтганда, қурол билан яхши муомила қилолмасди. Гражданлар урушида қизиласкар ва взвод командирининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган Петр Иванович эса қуроллардан моҳирона фойдаланарди. Урушнинг дастлабки ҳафтасида иккови ўзимизникилар томон кетишаётганда ана шу нарса уларни қутқариб қолди. Ўшанда ўзи тўпшончадаги ҳамма ўқни кўкка совургандек бекорга сарфлагани, Петр Иванович эса етиб олиб милтиғидан вазминлик билан ўқ узгани, кейин эса эмаклаб кетиб иккалови қутулиб қолиш учун худди шундай вазминлик билан пайт пойлагани бутун уруш давомида Лопатинга сабоқ бўлди. Бундай сабоқлар унутилмайди, Лопатин ҳам буни ўшанда Петр Иванович индамай ўргатган чинакам вазминликнинг бошқа сабоқларини ёдида сақлаб қолганди.

Улар урушдан анча олдин ўша тинчлик даврининг қизгин кунларида ҳам ва ҳозир, ҳарбий даврда ҳам «Красная звезда»га нимаси биландир ўхшаб кетадиган «За индустриализация» аталмиш тили ўткир газетада ишлаётган пайтда танишишган эди.

Петр Иванович кейинчалик «Известия»га ишга ўтди-ю, бутун уруш давомида ҳаммавақт ўз кўзи билан

кўрганлари ҳақида дабдабали эмас, балки асосли мақолалар ёзди. Бу масалада — ўз кўзи билан кўрганми, кўрмаганми — Лопатинда шахсий тажрибага асосланган сезгирлик бўлиб, вақти-вақти билан Белянкиннинг мақолаларини ўқиб тақдир тақозоси билан учрашган энг қадрдон одамнинг узайиб кетган бу урушда ҳамон соғ-саломат юрганидан беҳад қувонарди.

— Минск озод этилганидан кейин сен, умуман, шаҳарда бўлдингми? — сўради Лопатин.

— Йўқ. Аввалига Бобруйскда ўралашиб қолдим, кейин эса иложи бўлмади.

— Энди Москвага кўпга кетяпсанми?

— Билмадим. Эҳтимол кўпга бўлмаса керак. — Петр Иванович хижолатомуз қулиб қўйди. — Редакция орқали сизларнинг ёзувчилар союзингизга чақиртиришибди. Дабдурустан ҳамкасабаларимиздан бир неча кишини қабул қилмоқчи бўлқолишибди — мени ва... — У яна икки кишининг номини айтди.

— Жуда хурсандман, аллақачон қабул қилишлари лозим эди, — деди Лопатин. — Гурскийни ўтган йилиёқ қабул қилишувди.

— Тўгрисини айтсам, сенинг Гурскийнинг жиним ёқтирмаса ҳам қабул қилишгани яхши бўпти.

— Нега ёқтирмайсан?

— Бу оламда ҳаммадан кўра дономан, деб пеш қилаверади. Эҳтимол, шундайдир, аммо пеш қилишнинг нима кераги бор? Доно одам бундай қилмайди. Сен ушга меҳр қўйган бўлсанг ҳам мен уни мана шу қилиги учун ёқтирмайман.

— Нега меҳр бўларкан. Меҳр — бу, бирор нимаси ҳам ёқимли бўлмаган одамни ёқтириш дегани.

— Сен бирор нимасини ёқтириб қолганмисан?

— Ҳа. Умуман олганда, албатта, бошқаларнинг билиши шарт эмас, — қўшиб қўйди у Гурский ўзининг табиатига ёқмаган одамга қандай ўгирилиб қарашини эслаб.

— Мана бу чақирув менга ноқулай бўляпти-да, — деб қўйди Петр Иванович. — Қабул қилишлари учун ҳеч бўлмаганда битта китоби чиққан бўлиши лозим, дейишяпти, менда эса — қанақанги китоб бўларди? Ҳаммаси газетада босилган.

— Ҳечқиси йўқ, чақиришдими, демак, ҳарбий даврда китобсиз ҳам қабул қилиш мумкин. Сенга эмас, балки армияга чақирув ёшида бўлса ҳам эвакуация

қилинган аллақаерда урушдан аввалги китоблари билан битта эмас, ўнта бўлақолсин — писиб ётганларга ноқулай бўлсин!

— Китобим бўлмаганидан кейин мени, барибир, қабул қилишмаса... — Петр Иванович сўзини тугатмай ортига ўгирилиб қаради: — Ҳозирча об-ҳавонинг мазаси йўққа ўхшайди.

Учиш майдонининг нариги чеккасидан, навбатчилар хонасидан шапкасини гарданига суриб шошилмай, теваракка аланглаб учувчилардан бири штурмансиз қайтиб келмоқда эди.

Рўпарасидан тўсиб чиққан йўловчиларга Москва остонасида бетўхтов момақалдироқ бўлаётган ва энди учишга икки соатдан кейин рухсат беришларини норози оҳангда тушунтириб, у ўзининг механиклари билан гаплашгани кетди.

Шундан бошлаб аэродромларга хос Лопатинга ташиш бўлган яшаш эмас, балки кутиш онлари бошланди. Икки соатдан кейин учишга яна рухсат беришмади. Кейин энг сабрсиз ва бунинг устига унвони каттароқ йўловчилардан бири вазиятни ойдинлаштириш учун борди-да, қайтиб келиб, тез орада учажакларини айтди. Лекин яна рухсат бўлмади ва ниҳоят ижозат этишганда Москвага қундузи қўнишга вақт етишмаслиги учун учишни эрталабга қолдиришди.

Туш пайтидаёқ шундай бўлишини айтган ва худди шундай бўлган сермулоҳаза Петр Иванович олдиндан тунаб қолишга ҳозирланиб, «икки қанотлилар» олдига борган ва ошхонага қўзиқоринлардан бериб, бошқалар югургилаб келмасларидан олдин ўзининг иборасича, иккита «ётқич»ни ўзи ва Лопатин учун банд қилдириб қўйганди.

Лопатин, аксинча, сўнгги минутгача учишдан умид қилиб ўтирди. Лекин нима ҳам қилолардинг — Москвага яёв кетолмайсан. Ўзининг сабрсизлигини тийишдан ва «аср тенгдоши»га тадбиркорлиги учун, «икки қанотлилар»га эса меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик билдиришдан ўзга чора қолмади.

Қун ҳам, оқшом ҳам жуда секин ўтди. Қўзиқорин билан картошқадан иборат овқатни тановул қилиб олишди-да, ухлаш олдидан ташқарига чиқиб, скамейкада чекиб ўтиришди.

— Шунча воқеалардан кейин саломатлигинг жойи-

дами? — сўради Петр Иванович. Кечлик пайтида у Лопатиндан танкчилар билан мушкул аҳволга тушиб қолганини эшитганди. — Шунчаки ўзингни тутиб юрибсанми ёки чиндан ҳам жойидами? Қарасам, ни-магадир уйқинг келмаяпти.

— Қисман ўзимни тутиб юрибман, умуман эса ҳам-маси жойида, шикоятга ўрин йўқ. Аммо уйқи масала-сида ҳақсан. Биринчи кун ечинмаёқ роса уйқини урдим. Кейин эса икки кун — ҳам кеча, ҳам бугун сарсон-саргардонлик билан уйқининг мазаси бўлмади. Ҳозир ҳам уйқим келмаяпти. Бунинг устига, елкам қичишяпти.

— Қичишаётган бўлса яхши, яраси битяпти, — деди Петр Иванович. — Фақат ғимирлама, отга ўхшаб деворга бориб ишқаланаверма, баттар бўлади. Ўтира-вер, мен бориб ухлайман. — У папирос қолдиғини ерга ташлаб, этиги билан эзди. — Тонг ёриши билан кечаги жойга бориб, яна улгурганимча қўзиқорин териб кела-ман. Уйқини эса самолётда давом эттираман!

— Эҳтиёт бўл, яна самолётдан қолиб кетмагин.

— Қолмайман, моторлар гувиллаганини эшитсам югургилаб келаман.

Лопатин Петр Ивановичдан бир соат кейин ётди-ю, лекин ёнидаги каравотда майингина қилиб хуррак ота-ётган «аср тенгдоши» эрталабга яқин қўзиқорин те-ролмаслигига ишонган ҳолда уйқига кетди.

Бироқ, маълум бўлишича, Петр Иванович ухлаб қолмабди. Лопатин кўзини очиб аэродромдаги моторлар шовқинини эшитди ва унинг қопчиғини ечиб, ўзининг майда қўзиқоринлар билан тўла каттагина думалок декчасини ичига солишга ҳозирланаётган Петр Ивано-вични кўрди. Уч йиллик стажига қарамай, декча ҳай-рон қоларли даражада топ-тоза эди. Ё ғишт парчаси, ё жилвир билан қатрон қилинган декчага П. И. Б ҳарф-лари чиройли қилиб ўйиб ёзилган. Петр Иванович декчани жойлаштириб, қўзиқорин тўкилиб кетмаслиги учун устидан оппоқ латта билан бойлаб қўйди.

— Кейин айниб қолмаслигинг учун дарров солиб қўяқолдим. Уни уйда қовуриб берадиган бирон ким-санг борми ўзи?

— Бўлса керак, — деди Лопатин ва Петр Ивано-вичнинг ҳайрон бўлиб қараб қолганини кўриб, ҳеч нима демади.

Эрталаб соат саккизда ҳаво яхшиланиб кетди-ю,

аммо дарров учиб кетишмади, чунки Минскда тунаб қолган бошлиқлар билан йўловчиларнинг бир қисми ҳали етиб келмаганди.

Лопатин билан Петр Иванович ортиқча бўлиб қолишдан чўчиб самолётнинг ёнида айланиб юришмади, учувчилар ижозати билан бошқалардан ярим соат олдин ичкарига кириб жойлашиб олишди.

Бўйдор кекса полковник — Ички ҳаво армиясининг бошлиғи йўл-йўлакай Петр Ивановичга бош ирғаб учувчилар кабинасига ўтиб кетди, йўловчилар эса — эскилари ҳам, янгилари ҳам — бир-бирларини туртиб-суртиб скамейкалардан жой олишди, ўқчи-радиот нарвончани ичкарига олди-да, эшикни ёпгач, самолёт моторларини гуруллатиб майдон бўйлаб елиб кетди.

Фазога кўтарилишлари билан Петр Иванович Москвада ўзини нималар кутаётгани ҳақидаги ўй-ўйлари билан ёлғиз қолдирган Лопатиннинг елкасига бошини қўйиб уйқига кетди.

Лопатин ҳаддан ташқари кўп нарсаларни билмаслиги ҳақида ўйлади. У ҳатто Никани ўғлининг исмини ҳам билмас экан. Бу унинг ҳаётидаги бошқа кўпгина нарсаларга қараганда унчалик бемаънилиқдан ўзга бирор нима бўлмаса ҳам, барибир, бемаънилиқ эди. Ника унинг қизининг исмини билди, чунки бир пайтлари Тошкентда унга қизининг ҳам исми Нина эканини айтганди. У бўлса Никанинг ўғлининг исмини билмайди, чунки у буни айтмаган, ўзи эса суриштирмаган. Энди у Москвага келган экан, албатта, ундан билиб олади. Рост, ноқулай бўлади, балки бу у билан учрашганда енгизи лозим бўлган кўпгина ноқулайликнинг бири бўлади.

Июнь ойида, фронтга жўнаб кетмасидан аввалига охирги тунда у анчагача иккиланиб ўтирди-да, кейин, барибир, юрак ютиб қизига ўзининг ҳаётида ўзгариш бўлиши ҳақида хат ёзганди. Ўзи нимага аҳд қилгани хусусида олдиндан хат ёзмаслик — қизи унга ишонган бир пайтда адолатсиз бўлиб туюлганди унга.

Ўн ёшли боласи бор ўттиз ёшли аёл ва илгари бир-бирини ҳеч кўрмаган ўн етти ёшли қиз — буниси қандоқ бўларкин? Умуман, бу гаплар нима билан тугаркин? Ҳатто энди, учрашишга санокли соат ва минутлар қолганда ҳам бунинг қандоқ бўлишини билармикан? Шунчаки, у энди ўз ҳаётини қандоқ бўлса шундайлигича тасаввур этолмасди, у энди бундан кейин ҳам

сўққабош яшашини кўз олдига келтиролмасди. У энди ёлғизликни истамайди. Бас, у фақат шуни билади холос!

— Москвага яқин қолди, ҳозиргина кўрдим — Можайскни ортда қолдирдик, — мотор шовқинини босиб қулоғига қичқирди аллақачон уйғонган Петр Иванович.

— Ростданми? — Лопатин ёни билан сурилиб дарчага қаради-ю, лекин Можайскни кўролмади. Қанотлар остида тошйўл ва Москва томон оҳиста ўрмалаётган иккита юк машинаси кўзга ташланди.

«Агар, айтганларидай, Внуковога қўнадиган бўлсак, — деб ўйлади у, — атиги етмиш беш километр қолибди, яна йигирма минутдан кейин ерда бўламиз».

У тўсатдан мумкин бўлмаган ҳолатни: мана, улар самолётдан чиқишади-ю у ерда, аэродромда уни Ника кутиб турган бўлишини тасаввур қилди. Бошида қулоқчин ва мўйнали пўстини устидан офицерлар камарини боғлаб олган ҳолда кутиб турган бўлади. Охири марта Тошкентда қандай бўлса, шундайлигича кўради: ўшанда у «мен кетақолай», деб перрон бўйлаб кетган, Лопатин эса ортидан қараб қолган эди. Уни ҳозир, ёз ойида, аэродромда ҳам шундайлигича кўз олдига келтирди. Бошқа ҳеч қанақасини тасаввур қилолмасди ҳам.

Албатта, Ника уни ўша ерда, Внуковода кутаётгани йўқ, кутиши ҳам мумкин эмас, қачон, қайси самолётда учиб келишини қаёқдан ҳам биларди ва редакцияда ҳам ҳеч қачон очик-ойдин билишмаган. Бу амри-махол висол ҳақидаги бемаъни фикр — сабрсизлик ва келажакдан хавотирланиш оқибати холос.

— Етиб келдик, қўняймиз, — деди Петр Иванович. — Сени редакциядагилар кутиб олмаса керак, деган хавотирдаман.

— Бунақа одатлари йўқ.

— Мени кутиб олишмайди. Балки Ички армия бошлиғидан илтимос қиламизми? Уни, албатта, кутиб олишади. Йўл-йўлакай бизни ҳам олакетар!

Москвага учиб келишгач, Лопатин кўрган биринчи одами, барибир, Ника бўлди. Улар Внуковога эмас,

балки Ленинград кўчасидаги Марказий аэродромга қўнишди ва Петр Иванович билан чамадонларини олиб, самолётдан навбатчилар хонаси томон боришаркан, у ярим йўлда тўхтаб қолиб деди:

— Вася! Менимча, сени кутиб олишга чиқишибди! Хув ана «эмка», ёнида Степанов турибди. Сендан бошқа кимни ҳам кутишарди!

Икки қаватли чоғроққина уйнинг олдида чиндан ҳам «эмка» ва ёнида Лёва Степанов турарди. Лекин Лопатин буларга кўзи тушар-тушмас Степанов ёнида турган аёлни кўриб қолди-да, энди кўзига ундан бошқа ҳеч ким кўринмай унинг истиқболига шошилди.

Унинг эғнида, албатта, на офицерлар камари тақилган эски мўйнали пўстин, на қулоқчин бор эди-ю, лекин бу ўша аёл эди — у Лопатин илгари ҳеч кўрмаган чит кўйлақда, бошида эса рўмол, қўлида сумкаси бор эди.

Лопатин яқинлашиб қолганида шунгача қимир этмай турган Ника шиддат билан ўрнидан қўзғалиб бир неча қадам югурди-да, сумка тутган чап қўлини унинг елкасига ташлаб, ўнг қўли билан эса худди йўқолиб қолган боладек бошини қучоқлаб олди-ю, унинг лабидан, юзидан, кейин яна лабидан ўпди, сўнг бошини елкасига қўйиб алам билан — унга шундай туюлди — йиғлаб юборди.

— Нега йиғлаяпсиз? Сизни кўрганимдан жудаям хурсандман, — деди Лопатин.

— Мен ҳам, — деди Ника ҳамон йиғлаб.

У қопчиғи билан чамадонини энди ерга қўйиб, уни қучоқлади-ю, бир пайтнинг ўзида Ника кўкраги билан унга маҳкам суйкалганини ва аёлни қучоқлаганда унинг қанчалик озиб кетганини сезиб қолди.

— Нега энди йиғлаяпсиз? — ҳамон «сиз»лаб так-рорлади у.

— Сизни ўлдириб қўйишади, деб росаям кўрқдим. Илгари ҳеч бунақа кўрқмагандим, — деди у ва ўнгайсиз бир ҳолда бурнини тортиб, кафти билан ёшларини артди-да, энди аввалги сал қийиқ, кулгига мойил кўзларини унга тикди.

Лопатин ортига ўгирилиб, оёғининг ёнида чамадонни, елкасида қопчиғи билан қўлларини чирмаб, энди нима бўлишини кутиб турган Петр Ивановични кўрди.

— Менинг хотиним билан танишиб қўй, — бехосдан деди у Петр Ивановичга юрак ютиб қилган

журъати учун ўзини гуноҳкор сезмай Никанинг кўзига дадил боқиб.

— Танишганимдан миннатдорман, — такаллуф ила эгилди Петр Иванович ва унга қўлини чўзди.

Лекин Ника: «Ҳозир!» — деди-ю сумкачасини титкилаб дастрўмолини олди ва йиғидан ҳўл бўлган юзини яна артиб, қўлини узатди:

— Салом.

— Белянкин, Петр Иванович бўламан, — ҳамон такаллуф билан эгилиб унинг қўлини қисди у.

— Кутиб олганинг учун сенга раҳмат, Лёва! — деди Лопатин шу пайтгача нарироқда кутиб туриб, эндигина яқинлашган Степанов билан қучоқлашиб кўришар экан.

— Нариги дунёдан редакциямиз қучоғига қайтиб келганингиз учун сизга раҳмат, Василий Николаевич. Яна бунинг устига бус-бутун, — кулиб деди Лёва. Редакцияда ёшдаги фарққа эътибор беришмайди-ю, лекин у Лопатинни «сиз»лаб гапирадиган озсонли одамларнинг бири эди.

— Кетдик! Муҳаррир тўғри ҳузурига олиб боришимни буюрган.

— Мени йўл-йўлакай «Известия»га ташлаб ўтасизларми? — сўради Петр Иванович.

— Агар бизни доғда қолдирмасликка ваъда берсангиз, ташлаб ўтамыз! — деди Лёва Степанович.

— Доғда қолдириб бўларканми! Турли воқеаларни кўрдик — турлича ёзамиз-да.

Лопатиннинг чамадони билан қопчигини оёқ остига қўйиб уч киши «эмка»нинг орқа ўриндигига сиқилиб жойлашди. Петр Иванович эса ўзининг баҳайбат қопчигини тиззасига қўйиб олдинда ўтирди. Рулни редакция гаражининг мудирини Капитоновнинг ўзи бошқарди.

— Кўряпсизми, сизни қандай ҳурмат билан кутиб оляпмиз, — деди Лёва Степанов.

— Ҳамма иш билан тарқаб кетган, — тушунтирмақчи бўлди Капитонов. — Қўнғироқ қилиб «машина бер», дейишганда, аксига олиб менда битта ҳам йўқ эди. Мана буни ремонтдаги слесарлардан олдим — ишини тўхтатиб қўйиб жўнайвердим. Чап рессори нимагадир менга ёқмаяпти.

Иززатталаб ва шу билан бирга техник-лейтенат унвонига эга бўлган гараж мудирини аввал нега рулга ўтир-



ганини тушунтиришни лозим топиб, шундан кейингина сўради:

— Василий Ивановичнинг аҳволи қалай? У озор чекмадами?

— Озор чекмади, — деди Лопатин шу саволдан кейин ўзи бошидан кечирган воқеалар редакцияда маълум эканини фаҳмлаб. — Айтгандек, мана буни оиласига бериб қўйинг. — Гараж мудирига Василий Ивановичнинг хатини узатиб у елкасини Никанинг шу пайтгача ҳарорат тафти сезилиб турган елкасига суйкади.

Лёва Степанов аэродромдан Пушкин майдонига етиб келгунларича Лопатинга уни қандай кутиб олишганини тушунтириб берди. Маълум бўлишича, Гурский кеча эрталабоқ Лопатинни кузатиб қўйиши билан фронт штабининг алоқа бўлимидан муҳаррирга телеграмма йўллаб, унда юз берган воқеаларнинг ҳаммасини батафсил ёзган ва самолёт бортининг номерини маълум қилган экан.

— Кеча бир ўзим кутгани чиқувдим. Нина Николаевнани ола кетмадим, фақат қўнғироқ қилиб қўйдим — телефон номерини менга Гурский берувди. Бугун эса бирга келдик, чунки учинингиз муқаррар эди. Ички ҳаво флотининг бошлиғи билан учганингиз омадингиз келгани: бундай пайтларда улар ҳамма нарсадан огоҳ бўлишади, биз, оддий авом эса ҳеч нарсадан воқиф бўлмаймиз. Уларга қўнғироқ қилиб билиб олдим-да, Нина Николаевнанинг ҳузурига йўл олдим ва кутиб олиш, менинг фикримча, юксак даражада бўлди — рулда гараж мудирининг ўзи-я! Нина Николаевна ҳарбийчасига бирпасда ҳозирланди. Уйига борсак пастда кутиб турган экан! — деди жилмайиб Лёва. Ўзларининг бемаза чоллари ҳисобланмиш Лопатинни бугун аэродромда мана бу унчалик ёш эмас, лекин, барибир, қиёсий ёш ва ҳали гўзаллигини сақлаб қолган аёл кутиб олгани, қучоқлагани ва ўпганидан у беғараз қувонди.

Лопатин қирқ иккинчи йилда мана шу Лёва Степановнинг ўзи у Ксения билан ажралишга рози эканлигини имзо ва муҳр билан тасдиқлаш учун олиб кирганида унга ачиниш билан қараб қўйганини эслади.

— Мана, ҳозир мени манзилимга элтиб қўйяпсизлар-у, — Пушкин майдонига яқинлашиб қолганларида деди Петр Иванович, — мен бўлсам қирқ биринчи йилнинг қишида сизларнинг муҳаррирингиз азонлаб аэро-

дромга келиб шахсан ўзи мухбирингизни Жануби-Гарбий фронтга, Елец остонасига учуриб юборганини эсладим. Ўшанда мен ҳам унинг олдига бориб: «Ўртоқ дивизион комиссари, ёрдам беринг, менга ҳам учиб кетиш ниҳоятда зарур!» дедим. Унинг жавоби нима бўлди денг?! «Бизнинг «Красная звезда»га ишга ўтсангиз, ўртоқ Белянкин — бунга мен аввалдан розиман — ўшанда сизни самолётга ўтқизиб жўнатаман. Ҳозирча эса муҳаррирингизга қўнғироқ қилиб, уйқидан уйғотинг, иссиқ ўрнидан турсин-да, ўзи келиб сизни жўнатиб юборсин», деди.

— Ҳа, — деди Лёва Степанов, — у шунақа одам эди. Энди булар биз учун бир хотира бўлиб қолди.

«Эмка» Пушкин майдонида тўхтагач, Петр Иванович машинадан тушаётди Никага деди:

— Илтмос, эсингизда бўлсин, Лопатин унутиб қўяди: унинг қопчигида кўзиқорин тўла декча бор. Бугуннинг ўзида қовуринг, эртагача бузилиб қолади.

— Хўп бўлади, — деди Ника.

— Декчани эса қайтариб берсин. Декча меники. Унга эслатиб қўйинг.

— Албатта, эслатаман, — деди Ника гўё буларнинг ҳаммаси одатий бир нарсасдек самимийлик билан.

Петр Иванович қопчигини елкасига ташлади-да, Горький кўчаси бўйлаб «Известия» томон юрди. Бир марта яшил нурдан кечикиб қолган «эмка» эса яна қизил нур рўпарасида тўхтаб қолди.

— Биз ҳозир сизни олиб бориб қўямиз, — деди Никага Лёва Степанов.

— Биласизми, бунинг ҳожати йўқ. Муҳаррирингиз кутиб турган эканми, тўғри редакцияга бораверинглар, мен шу ерда тушиб қоламан, буёғи яқин. Ишинг тугаши билан менга қўнғироқ қиларсан, майлими? Машинадан тушиб туринглар, акс ҳолда мен чиқолмайман.

Улар чиқишгач, Ника машинадан тушди.

— Қўзиқоринларни менга бер, — деди у йўлкада туриб. — Қани улар?

Лопатин итоаткорлик билан қопчигининг боғичини ечиб, унга Петр Ивановичнинг декчасини узатди.

— Хайр. Сизга катта раҳмат. Лев Васильевич. Сизга ҳам раҳмат, — у Капитоновга бош ирғаб декча билан сумкасини олди-да, орқасига ўгирилмай, ўзининг Лопатинга таниш бўлган алоҳида равон юриши билан илдамлаб кетди.

Шу аёлнинг Лопатинга турмушга чиқаётгани ростми-йўқлигини сўрамоқчи бўлаётган Лёванинг чехрасидан шундоққина кўришиб турса ҳам лекин у сўрамади, ўзини тутди.

— Хатни Василий Ивановичнинг уйдагиларга бераётганингизда, — деди Лопатин Капитоновга, — уларга айтиб қўйинг, яқин кунларда ўзим кириб ҳаммасини гапириб бераман.

— Нима, шу сафар пайтида у билан дўстлашиб қолдингизми? — сўради Василий Ивановични назарда тутиб Лёва Степанов.

— Шундай бўлиб қолди.

— Сиз у биланми ё у сиз билан дўстлашдимиз?

— Мен у билан, у эса мен билан.

— Менимча, сиз биринчисиз — ҳарҳолда редакция-мизда шундай.

— Редакциямиз ҳали бутун олам дегани эмас, — деди Лопатин.

Улар редакцияга етиб келишганида муҳаррир кабинетида йўқ экан: уни қўққисдан бошлиқлар чақириб қолишибди. Лекин у ўшоқдан кўнғироқ қилиб, Лопатиннинг келган-келмаганини суриштирибди ва йўлга чиқаётганини, йигирма минутдан кейин етиб боришини айтибди.

Мана шу йигирма минут редакция йўлаклари бўйлаб у ёқдан бу ёққа юриш, нарёқда Лопатин, сирасини айтганда, қанақанги воқеаларга дучор бўлгани, қандай қилиб худога омонатини топширишга сал қолгани ҳақида суриштиришлар билан ўтди. Суриштирувчилардан бири редакциянинг «виллиси» бутунми, Гурскийни олиб юришга ярайдими, деб қизиқиб қолди.

— Мана, кўрдингми, қанақанги нусхасан, — истехзоли кулиб қўйди Лопатин. — Бизнинг Капитонов сенга неча марталаб бир канистрдан бензинни кам бериб, ўзинг топиб оласан, деганида, бунинг учун уни сен расмийатчи ҳисоблагансан. Агар билсанг, мана шу расмийатчи мендан «виллис» бутунми, деб сўрагани йўқ, фақат Василий Ивановичнинг саломатлигини суриштирди. Сен бўлсанг, аксинча, расмийатчи эмас, балки инсон қалбининг инженерисан-у, аммо инсонни эмас, балки «виллис»ни суриштиряпсан.

— Қўйил-э, бизнинг Капитонов «виллис»ни суриштираманмиш! Қани, ўзинг айт, ажиб бир ҳол-а?

— Тўғри, ажиб ҳол! Ажабланадиган бирор нимаси

бўлмаган одамларни хуш кўрмайман. Бундайлар ҳақида ёзиш эмас, балки ўйлагинг ҳам келмайди.

— Ҳа, майли, кўрамиз, янги муҳарриримиздан ажабланадиган қанақанги нарса топаркансан?

— Бирор нима топарман, — Лопатин хали ходимлар уни тўхтатиб кўп марталаб сўраб-суриштирадиган йўлак бўйлаб юрди. Гурский телеграмма йўллаганидан кейинги қисқа вақт мобайнида у редакцияда яқиндагина, бунинг устига, бир йилда иккинчи марта ўлдириб қўйишларига сал қолган шу куннинг қаҳрамонига айланганини ҳис этди. У ўзи тушиб қолган вазиятнинг қулгили томонини сезса-да, барибир, қалбида бемаъни бир ғурур ялт этиб пайдо бўлганди. «Ўлдириб қўйишларига сал қолган» сўзининг ўзи энг бемаъни гап эканини у тушунарди, чунки урушнинг уч йили мобайнида ҳар ҳолда отишмага дуч келганларнинг ҳаммаси неча марталаб ўлим билан яккама-якка олишган.

Мақтов идрокни ўтмаслаштиради. Бироқ у редакция йўлаклари бўйлаб юрган йигирма минут мобайнида Лопатин қолган-қутган идроки билан буларнинг ҳаммаси ўзининг бошқа томонига ҳам эга эканини ҳис этди: унинг бошидан кечирганларига бўлган ўта қизиқишнинг моҳияти шундан иборатки, бунақа воқеаларга кўпам мухбирлар дуч келаверишмайди ва қаламингни ҳар қанча найзага қиёс қилсанг ҳам, барибир, солдатнинг кундалик қисмати билан уларни таништириб бўлмайди.

Бошлиқлар ҳузуридан қайтган муҳаррир ўрнидан туриб ва кабинетининг ўртасига келиб Лопатинни кутиб олди. Эғнида учта Қизил байроқ орденининг белгиси тақилган таранг китель, оёғида пошнаси билан бўйига бўй қўшиб ярқираб турган этик, на сочида ва на мўйлабида бирорта оқ бор, ёшига нисбатан тетик ва бақувват. Ҳарҳолда ўзининг тенгдоши Ефимовдан кўра анча ёш кўринарди.

— Уч йилдан бери барча ёзганларингизнинг серҳафсала мухлиси бўлиб, ниҳоят сиз билан шахсан танишганимдан бениҳоят хурсандман. Марҳамат, ўтиринг, — у Лопатиннинг қўлини маҳкам қисиб стол олдидаги креслога ишора қилиб, ўзи унинг рўпарасига ўтирди. Бу креслолар янгилик эди, илгари бу ерда эмасди: аввалги муҳаррир агар иш столи ёнида депсиниб турмаган ёки хона бўйлаб югурмаётган бўлса, у ҳолда ҳузурига кирган одам ўтирибдими-турибдими,

бу билан иши бўлмай, стол ёнида ўтираверарди. Айтгандек, кўпинча ўзи ё турарди ёки югурарди ва агар югураётганида кимдир ўтирса — бунга ҳам эътибор бермасди.

Лопатин юшоқ креслога суянган эди, елкасидаги оғриқни сезиб қадини тиклаб ўтирди.

— Хуш муомилангиз учун раҳмат, — деди у. — Иван Петрович Ефимов сизга салом айтиб юборди.

— Миннатдорман, — деди янги муҳаррир. — Польша fronti бўйича собиқ хизматдошларимдан бири бўлган Иван Петрович ҳаммамизни ортда қолдириб кетди. Хизматига яраша! Унинг ҳузурида бўлганингиздан ва умуман сиз ҳақингиздаги ҳамма гаплардан хабардорман. Қайфиятингиз қалай?

— Ўзимни яхши сезяпман, ўртоқ генерал, аммо, агар иложи бўлса, ёзишни бошламасимдан аввал уч-тўрт кун дам олмоқчийдим.

— Албатта, дам олинг. Чиндан ҳам саломат эканингизга ишонч ҳосил қилишингиз учун Марказий госпиталимизга учрашишни маслаҳат бераман. Агар бунинг учун менинг кўмагим лозим бўлса — марҳамат! Ижозатингиз билан исм-шарифим — Михаил Александрович. Исм-шарифимни айтиб мурожаат қилаверинг. Бу, орамиздаги хизматий муносабатларга халақит бермайди, деб ўйлайман, зарурати бўлмаганда сизга унвонингиз бўйича муомила қилишни ўзимга эп кўрмайман.

— Хўп бўлади, — деди Лопатин ёзувчиларга командирлик қилишга одатланмаган бу генерал учун у майор эмас, балки ёзувчи экани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига узил-кесил ишонди.

— Қалай, Василий Николаевич, қайлигингиз билан учрашдингизми?

«Қайлиқ» сўзини айтишдан аввал янги муҳаррир бир оз тутилиб қолгани Лопатиннинг эътиборидан четда қолмади. «Ёшимга нисбатан кўринишим ҳам ёмонга ўхшамаётгани учун «қайлиқ» сўзига тили келишмади», — ўзича кулиб қўйди Лопатин.

— Раҳмат, учрашдик.

— Тўрт кун сизнинг ихтиёрингизда, — деди генерал. У стол устидаги блокнотини ёнига суриб, қайсидир варағига қаради-да, ниманидир ёзиб қўйди. — Кейин сизни худди шу пайтда кутаман. Сизга ижозат.

У ўрнидан тураётиб шу сўзни айтди.

— Хўш янгиси қалай? — Лопатин муҳаррир каби-

нети билан ёнма-ён хонага кирганида сўради Лёва Степанов.

— Мухаррирлик юмушини қандай бажаришини билмайман-у, аммо дастлабки таассуротим бўйича ўта тарбия кўрган одам, ҳатто биз мухбирлар учун ҳаддан ташқари маданиятли.

— Айни шунақа,— деди Лёва.— Айрим одамлар ҳалитдан интизомсизлик йўлига киришди. Аммо кеча буйруқ билан биринчи ҳайфсан ёпиштирилди.

— Конторка ёнида турадими? Саҳифа ўқияптими?

— Турибдям, саҳифа ўқияптиям: иложи борича изчилликни сақлашга ҳаракат ҳам қиляпти. Нина Николаевнага кўнғироқ қиласизми?

— Ҳа,— Лопатин ўгирилиб телефонни ёнига сурганди, Лёва уни тўхтатиб қолди.

— Сабр қилинг. Аввалига Нина Николаевнанинг олдида айтгим келмади. Кейин иш билан бўлиб унутиб юборибман! Қизингиз хат йўллабди. Кеча келганиди.

— Қани, бер!— телефондан қўлини олиб деди Лопатин. Қанчалик тезроқ Никага кўнғироқ қилишни истаса ҳам, барибир, нимадир уни гўё бусиз кўнғироқ қилишга ҳаққи йўқдек аввал қизининг хатини ўқишга ундарди.

Хат анчагина катта бўлиб, Лопатин кутган нарсадан эмас, балки у мактабни қандай битиргани ҳақида гаплар билан бошланганди. Мактабни яхши битирибди, аммо хатнинг оҳанги буни ёзиш осон бўлмаганини ҳис қилишга Лопатинни мажбур этди— афтидан, Москвага келиб-кетиши бир маромдаги ҳаётини бузиб юборган. Бузиб юбормаганда ҳам ғалати бўларди-да! Хатда муваффақиятга эришганлик ҳисси сезилиб турарди, у ҳамма имтиҳонларни яхши топширганидан ҳам, Москвага келганида унга айтганидек, аттестатни олганидан кейин бешинчи кунёқ медицина ҳамширалари курсига ўқишга кирганидан ҳам мамнун эди.

Кейин уйдаги ишлар хусусидаги гаплар бошланди. Аммаси ҳақида ўз қарамоғига қолган аёл, ўзи ҳақида эса хонадон бекаси сифатида сўз юритибди-да, хатнинг шу қисмини: «Аня аммамдан ўзининг саломатлигини эҳтиётлашни талаб этганимда у баҳслашиб ўтирмай, гапларимга қулоқ солади», дея бетсизларча жумла билан хулосалабди.

«Ҳа, агар у кимгадир қулоқ солибдими, демак, аҳволи яхши эмас,— деб ўйлади опаси ҳақида Лопатин.—

Бу итоатгўйликда қандайдир хавфли бир нима, шахсиятни барбод этишнинг аллақандай аломати бор эди: бу қайталанадими ёки қайталанмайдими — фақат опасиникига бориб, уни кўриб ишонч ҳосил қилиши мумкин: шунда бутун уруш мобайнида бажаролмаган унинг олдидаги бурчини ниҳоят адо этган бўлади. Ва агар вазият имкон берса, шу ойнинг ўзида фронтга қилинган савар ёзишмаларини тугаллаб тезда учиб бориши керак».

У кутганидек, қизи хатини бошлаши лозим бўлган унинг саволига жавоб энг охирида ва ҳаммаси бўлиб бир неча сатрни эгаллабди.

«Марҳамат қилиб мени кечиринг-у, дада, лекин, менимча — мен ҳатто хафа бўлдим — менимча, бу нарсасага менинг муносабатимни суриштириш бемаънилик! Сизда ахийри нимадир бўлиши, бу шунчаки оддий бир ҳол экани ҳаммавақт хаёлимда эди, — гўё ёш бола билан гаплашаётгандек ёзганди у. — Башарти унинг ўғли энди ўн ёшга тўлган экан, агар бошқача тарбия топган бўлса ҳам, бунинг уддасидан чиқасиз, деб ўйлайман. Умуман олганда, мен фақат бир нарсани — ҳар жиҳатдан яхши бўлишингизни исташимни, бундан бошқаси билан ишим йўқлигини наҳотки тушунмаган бўлсангиз», — деб мардлик билан хулосалабди хатини.

«Ҳа, ўжар табиатли қизча, — хатни охиригача ўқиб бўлиб мамнунлик билан қизини ўйлади Лопатин. — Авлодига тортган-да. Аммаси ҳам бир пайтлари шунақа эди. Албатта, агар жиддий ўйлаб кўрилса — жиддий ўйлаб кўришга тўғри келади — ҳозир ҳеч ким: на ўжар табиатли бу қизча, на сен ўзинг, на Ника ўғли билан ҳеч ким бўлажак муносабатлар қандай бўлишини олдиндан билиб олиши мумкин эмас». Лекин қизининг хати қалбини эзиб турган бир нимадан ҳалос этгандек бўлди. Кейинчалик маълум бўлишича, қизи ўткир одам бўлиб етишибди. Ўткир одамлар билан иш юриштиш анчагина оғир, лекин қаланги-қасангилардан кўра шуниси маъқул. Балки, қайси бир тоифадаги одамлар учун бундай эмасдир, бироқ бунақанги ишларда фақат шахсий ҳаёт тажрибаси қўл келади.

У гўшакни олди-да, сиполик билан чиқиб кетиш учун ўрнидан қўзғалган Лёвага бемалол ўтираверишни ишора қилиб номерни терди.

— Эшитаман, — деди телефонда Ника.

— Ишларимдан қутулдим.

— Мен бўлсам кўзиқоринларни тозалаб бўлдим.

Қанчада етиб келасан?— Унинг овозидаги сезилар-сезилмас бир нима у ерда, Зинаида Антоновнанинг уйида Ника бўм-бўш квартирада ёлғиз ўзи телефонда гаплашиб турганини етказгандек бўлди.

— Иложи борича тезроқ ҳаракат қиламан.

У энди гўшакни қўймоқчи бўлувди, Ника сўраб қолди:

— Мен билан бемалол гаплашишинг мумкинми?

— Ҳа, албатта,— деди у ўзига саволомуз тикилиб турган Лёвани яна имо билан тўхтатаркан.

— Агар уйингга кириб чиқмоқчи бўлсанг, бугун кўятур— эртага борарсан. Мен бу ерда ёлғизман,— деди Ника гўё унинг фикрини уққандек бўлиб.

— Хўп.— У гўшакни жойига қўйди.

— Мурувватингни дариғ тутма, Лёва, менга яна йигирма минутга машина топиб бер.

— Топиб қўйдим. Аниқроғи нақд турибди. Бу ердан муҳаррирнинг ҳузурига етиб боргунингизча у қўнғироқ қилиб, сиз хоҳлаган жойга унинг машинасида элтиб қўйишимни буюрди.— Қувонган ҳолда иккала қўли билан Лопатиннинг қўлини қисди-да, ўзини тутолмай қўшимча қилди:— Олло-таоло сиздан саховатини дариғ тутмасин. Сизга ҳавасим келади, шунақанги гўзал аёлингиз бор.

«Шунақаям гўзал аёл... Шунақаям гўзал аёл...»— Такрорлади ўзича Лопатин редакциянинг эски, тор зинапоясидан биринчи қаватга тушаркан. Шунчаки такрорлаётгандек туюлса ҳам, аслида Москвада ўтказилган дастлабки куни нақадар ажойиб, беқиёс даражада яхши ўтаётганидан юраги бир оз ҳаприқиб кетди.

Пастда қоровулда қолдирилган чамадони билан қопчигини олиб у редакциядаги барча бошқа машиналар каби бўялмаган, нотаниш ҳайдовчиси бўлган нота ниш яп-янги «эмка» турган ҳовлига чиқди.

— Кечирасиз, янглишмадимми?— сўради у эшикни очиб.

— Агар сиз ўртоқ Лопатин бўлсангиз, унда янглишмадингиз, ҳаммаси тўғри,— жавоб берди ҳайдовчи. Лопатин унинг ёнига ўтириб, орқа ўриндиққа қопчиқ билан чамадонини жойлаштириб бўлгач, сўради:— Қаёққа олиб бориб қўяй?

— Аввал, ўн минутга Горький кўчасига, кейин эса— ўша ерга яқин, Брюсовск торкўчасига, биласизми?



Шофёр бошини ирғаб қўйди-да, машинани ўрнидан қўзгатди.

Лопатин телефонда Никага «хўп» деган бўлса ҳам, аммо мана шу «хўп»ни айтаётгандаёқ, барибир, уйига бирров кириб чиқиши лозимлигини биларди-ю, фақат буни унга телефонда тушунтириб беришни истамади. Ҳарҳолда у билан дийдор кўришишдан аввал у ерда, ўзининг квартирасида ҳозир собиқ хотини яшаяптими-йўқми, билгиси келди. Тўғри, Гурский ўтган куни Ксения ҳали Тошкентда эканини айтганди-ю бироқ бу гап ўтган куни бўлганди. Бундан ташқари, буни ҳам айтгиси келмади, у чамадонидан ул-булни олиб қўйиши, нимадир солиши лозим эди.

Уйнинг ёнига етиб келишгач, у қопчиғини машинада қолдириб, чамадонини олди-да, зинапоядан юқорига кўтарилди. Унинг хотирасида мана шу зинапоя билан боғлиқ бўлган ҳамма воқеалар ва июннинг бошларида қизи билан бу ерга госпиталдан қайтаётгандаги эсида қолган воқеалар ҳозир унга аҳамиятсиз эди. Ҳозир у ерда, ўзининг хонасида собиқ хотини яшаяптими-йўқми, унга деярли фарқи йўқ эди. Лекин Ника учун фарқи борлиги бошқа гап эди.

Квартирага кириб ва чамадонини полга қўйиб, у дарров ўзининг хонасига шошилмади, балки ваннахонага мўраллади-да, ҳеч нарсанинг сочилиб ётмагани ва ҳеч нима осиб қўйилмаганидан Ксенианинги йўқлигини, балки ўтган кунлар мобайнида умуман келмаганини фаҳмлади.

У полдан чамадонини олиб ўзининг хонасига кирди.

Хона дим эди, ёз ҳарорати уни қиздириб юборган бўлса ҳам у дарчани очмади— ортиқча бирор нима қилгиси келмади. У катга чамадонини қўйиб, қопқоғини очди-да, ичидагининг ҳаммасини: қопчиққа сиғмаган иккита консервани, қуюлтирилган сут банкасини, Василий Иванович ювиб берган, лекин дазмолланмаган, қон юқи қолган ғижим-ғижим формали уст-бош, қирланган ич кўйлак, пайпоқ ва дастрўмолни ағдарди. Бу кир ичкўйлақдан уялиб, уни шу ерда қолдирмоқчи бўлди. Тоза, ювилмаган формали уст-бош ҳам ортиқча гап-сўзга сабаб бўлиши мумкин.

Консерва ва қуюлтирилган сут банкаларини у қайтиб чамадонига солди-да, қизи жўнаб кетмасидан олдин ювиб қўйган тоза ичкийим билан пайпоқларни яшиқдан олиб устига қўйди.

Хонадаги димликдан ҳатто яшиқдаги кийимлар ҳам илиб қолганди.

Чамадонини ёпиб, кат устида сочилиб ётган буюмларни кўрди-да, ҳеч қайсиси кўзга ташланмаслиги учун катга ёпилган адёлга ўраб қўйди. Эртага иккаласи бу ерга келиши мумкин, агар буларни шу аҳволда кўрса ноқулай бўлади.

«Эмка» бир неча минутдан кейин уни Зинаида Антоновнанинг уйига элтиб қўйди. У зинадан кўтарилди ва қопчиги билан чамадонини ерга қўйиб эшик қўнғироғини чалди.

Эшикни Ника очди. Лопатиннинг қўймаганига қарамай, қўлидан чамадонини олди-да, уни кутиб олгани ва ёрдамлашиш мақсадида пастга тушганини, лекин нимадир ўзгариб телефон қилиб қолишидан хавфсираб пастда туришдан қўрққанини айтди.

— Энди менда бирор нима ўзгариши мумкин эмас,— деди у қопчиқни полга қўйиб унинг қўлидан ушлар экан.— Дунё ташвишларидан форуғ бўлиб, тўрт кунга отпуска олдим. Сенинг вақтинг қалай? Менинг ҳисобимга кўра эртага қайтиб кетишинг керак.

— Ҳа, жўнашим керак,— деди у.— Лекин эртага эмас, индинга кечқурун, шундай экан, бугунни ҳисоблаганда икки ярим кун вақтимиз бор. Кеча кечқурун билетимни алмаштириб келганман.

— Ҳали аэродромдаёқ сендан сўрамоқчи эдим-у, лекин ҳамманинг олдида уддасидан чиқолмовдим.

— Кўришган заҳотимиз сенга айтмоқчи бўлувдим-у, лекин мен ҳам уддасидан чиқолмовдим.

Ҳамон бир-бирининг қўлини ушлаб туриб кулиб юборишди.

— Мана шунақа,— деди Ника.— Сизнинг буйругингизга биноан етиб келдим. Бир пайтлари, бундан анча аввал биринчи эрим — ўғлимнинг дадаси менга шунақа дейишни ёқтирарди.

Ҳа, барибир, бу аёлда ҳатто мана шу ярим кулги аралаш айтилган сўзларида ҳам аллақандай саркаш бир ҳақиқат бор эди. Бу сўзларда ҳаммаси— аввал турмуш кўргани ҳақида эслатиб ўтиш ҳам, ўзи ҳали ёш эмаслиги ҳам, ёлғиз ўзи эмас, балки биринчи эридан ўғли борлиги ҳам жо бўлганди. Бошқа аёл бўлганида бунақа пайтда «биринчи эрим» демаган бўларди. Бу эса дангалига айтаверди.

— Нега кечикдинг? Уйингга кириб чиқдингми?

— Ҳа.

— Ўзимам шунақа деб ўйлагандим. Уйда Ксения-нинг бор-йўқлигини билмоқчи бўлгансан. Шундайми?

— Фақат шугина эмасу буниси ҳам бор.

— Ўзимам шунақа деб ўйлагандим,— такрор деди у,— сенга телефонда Ксения ҳали Тошкентда эканини айтмаганимга афсусландим.

Улар бир-бирлари билан дийдор кўришишганига кўникиб олиш мақсадида ҳамон эшик ёнида туришарди.

— Сен уни кўрувмидинг?

— Ҳа. Сенинг хатингни олганимдан кейин орадан кўп ўтмай учратувдим. Уни кўрдим-у, сен мени ўзингга турмушга чиқишимни истаётганингни ва иложи бўлди, дегунча сенинг олдингга боришимни айтдим. Унинг олдида гуноҳкор бўлиб қолишни истамадим, агар индамаганимда гўё мен айбдордек бўлиб қолардим.

— У ҳайрон бўлмади? — сўради Лопатин.

— Менимча, ҳайрон бўлмади. Москвадан қайтиб келгач, сендан узил-кесил умидини узганди.

— Илгари умиди бормиди?

— Менимча, йўқ.

«Ҳа, буниси ҳам рост,— у Ксения билан бўлган сўнгги учрашувни эслади.— Илгари умидини узмаган— ҳар аҳтимолга қарши шундай қилган. Энди бўлса умидини узган».

Ника унга ниҳоят даражада ёқиб қолган, мана шу ўтган бир ярим йил мобайнида Лопатин неча марталаб эслаган ўзининг алоҳида нимтабассуми билан қараб қўйди. Кўзларини сал қисиб нимтабассум қилди.

— Ўғлингни қаерда қолдирдинг?

— Ёлғиз қолдириб келавердим, у мустақил яшашга одатланиб қолган, ўқишлари ҳам яхши. Лекин мактаби анчагина олисда. Овқатидан эса ленинградлик қўшнилар хабар олиб туришади. Улар ҳали жўнаб кетишгани йўқ, энди отланишяпти. Озиқ-овқатдан иложи бори-ча сотиб олиб бердим, бир оз пул ҳам қолдирдим. Лекин, барибир, хавотирдаман. Мен авваллари ҳам сайёр спектакллар билан бошқа шаҳарларга борардим-у, аммо кўп деганда уч-тўрт кунга эди. Ҳеч қачон уни шунчалик кўпга ёлғиз қолдирмагандим.

— Унинг исми нима?— Лопатин, барибир, вақт ўтган сайин қовушмайдигандек туюлган саволни берди ўзини мажбур қилиб.— Шу пайтгача билиб олмаганимдан уятлиман.— Буни ҳеч бўлмаганда Зинаида Анто-

новнадан билиб олган бўлишини ўйлаб «уятлиман» сўзини ишлатди.

— Унинг исми сеники каби Вася.— У яна нимта-бассум ила кулиб қўйди.— Кулгили бўляпти: қизингни исми меникидек, ўғлимники сеникидек.

Лопатин уни қучоқлаб ўпди, Ника эса ўзини олиб қочмай ва унга интилмай шунчаки ўпиб қўйди.

— Олдин нима қиласан: овқатланасанми ёки ювинасанми?

— Ювинганим маъқулов.

— Жудаям яхши. Ҳозир газни ёқаман. Бундан беш кун аввал тўсатдан келиб газ колонкасини тузатиб кетишди ва Зинаида Антоновна шунчалик хурсанд бўлиб кетганидан кунбўйи — эрталабдан кечгача ювинди. Тоза ички кийиминг борми?

— Бор. Йўл-йўлакай уйдан шуни олакелувдим.

— Қаерда, чамадондами?

— Ҳа.

— Мени қўйвор. Сен хонага кириб ўтиратур, ҳаммасини ўзим тайёрлаб бераман.

— Айтгандек, Зинаида Антоновна қаерда?— сўради уни қўйиб юбормай.

— Қолган учта хайрлашув спектаклида ўзи қатнашиш ва барча труппа билан биргаликда қайтиб келиш мақсадида бундан уч кун аввал Тошкентга жўнаб кетувди.

— Унинг Елена Лукиничнаси қаерда?

— Унинг Елена Лукиничнаси Верея яқинидаги ўзининг қишлоғига, қариндошлариникига жўнаб кетди. У ерда картошка ковлашда ёрдамлашади-да, улушига берганини олиб қайтади. Сенга бу ерда ёлгизман, девдим-ку! Нима, ишонмовмидинг?

У гоҳида фақат ёмонликка эмас, балки яхшиликка ҳам ишониш даҳшатли бўлишини айтмоқчи бўлди-ю, лекин бунинг ўрнига гуноҳкорона жилмайиб қўйди.

— Агар истасанг, эртагаёқ сеникига боришимиз ва жўнаб кетгунимча ўша ерда бўлишимиз мумкин.

У индамади. Ҳозир фақат бир нарсани— Никанинг ўзи билан бирга қолишини истарди.

— Хўш, нима қиламиз? Мени қўйворасанми?— сўради Ника.

Лопатин уни қўйвориб хонага кирди ва бундан деярли икки ой илгари Никага хат ёзган қадимги стол ёнидаги креслога ўтирди.

Мана, у шу ерда бўлган ўша кун ва соатга ҳамдусанолар айтиб яна ўша стол ёнида ўтирибди, Никанинг гугурт чақиб газни ёндирганини, ваннанинг тагида қолган сувни тушириб юбораётганини, даҳлизда унинг чамадонини шақирлатиб очиб ичкийим олганини, даҳлиздан ваннахонага шипиллаб бориб-келаётганини эшитиб ўтирди.

«Унинг бахтли бўлишини истайман,— Никанинг қадам товушларини эшитиб ўтириб ўйлади у.— Мен билан бирга бахтли бўлишини истайман. Шунақа бўлиши мумкинми? Мен билан бирга бахтли бўлоладими?»

У ўзининг ёши, ўртадаги ўн етти йиллик фарқ хусусидаги кўнгилсиз, таҳқиромуз оғир фикрни хаёлидан чиқариб ташлашни истарди-ю, буни уддалолмасди. Бу ҳақда ўйлашни истамаса ҳам, бу фикр барибир, миясида чарх урар ва уни ҳайдаб юборолмасди. Ксения билан ҳам ораларидаги фарқ унчалик кам эмасди— ўн ёш фарқ қиларди. Лекин улар фақат мана шунинг учун бахтсиз эмасдилар. У кеча эрталаб белигача ечиниб ювинаётганида Гурский унинг елкасидаги кўқарган ва шилинган жойларини кўриб ҳасадгўйлик билан:

— Нима десанг деявер-у, Вася, росаям соғломсанда,— деганини эслади.

Тасалли бергани учун ҳам буни эслади. Росаям соғломми, соғлом эмасми, бундан беш йил аввал, Халхин-голдан қайтиб келганидан кейин охириги марта безгак билан оғриганди. Ўшандан бери на фин урушида, на бунисида, на қишда, на ёзда— ярадор бўлганидан бошқа бирор касалга чалинмади. Барибир, ўн етти йил— ўн етти йил-да! Ўшанда, Тошкентда Ника у билан ўзини бахтли ҳис қилишини сезганди. Аммо ҳозир, бир-бирини бир ярим йилдан бери кўрмаганларидан кейин буни ўйлашнинг ўзи даҳшат: балки ўшанда унга шундай туюлган бўлса-чи? Балки у шунчаки жудаям ғамхўр, унга меҳрибонларча муносабатда бўлаётган яхши бир аёл бўлса-чи? Икки кишининг ўзаро муносабати ҳақида гапириб, улар бир-бирига муносиб, дейишлари сароб бўлиб чиқса-чи?

— Сенга нима бўлди?— эшикни очиб унинг кўзларига диққат билан тикилиб сўради Ника.

— Ҳеч нима,— ёлғонланди у.— Ҳеч нима бўлгани йўқ.— Никанинг ҳушёрлигидан қувонмади, балки ваҳимага тушиб иккинчи марта ёлғонлади у. Никанинг

«сен»лаши у ерда, аэродромда ниҳоятда табиий чиққанди! У «сиз»лади, Ника бўлса «сен»лаб, гўё кўпдан бери хаёлан унинг истиқболига югургандек, Лопатин томон отилди.

Йўқ, буларнинг ҳаммаси алдов бўлиши мумкин эмас, агар бўлган тақдирда ҳам эзгуликни муҳаббат сифатида қабул қилган аёлнинг ўзини ўзи алдагани бўлади.

Лопатиннинг чеҳрасидаги аллақандай бир нима уни ташвишга солиб қўйди—бу бекорга эмасди! Ўзининг ўй-ўйлари билан ва булардан халос бўлолмай эзилаётган Лопатин энди аэродромдаги учрашувнинг дастлабки дақиқаларида юз берган чексиз кувонч ҳолатига қайтолмасди.

— Нима ёқмаяпти?— сўради Ника.— Бирон нима ёқмаяптими? Тўсатдан ниманидир эслаб қолдингми?

— Ҳа, тўсатдан эслаб қолдим,— деди у нимани эслаганини тушунтириб ўтирмай. Чунки буни тушунтириб бўлмасди.

Ника қанчалик сезгир бўлмасин, бу сафар унинг гапига тушунмади, бутунлай бошқа нарса— уруш ҳақида, деб ўйлади.

— Тушуниб турибман,— деди Ника.— Биз аэродромга кетаётганимизда Лев Васильевич редакцияга келган ўша телеграмма ҳақида менга гапириб берганди. Ўзинг билан бирга бўлганларнинг ҳаммаси тўсатдан ўлдирилса-ю, биргина сен тирик қолсанг, қанчалик даҳшат эканини билиб турибман. Сени кутиб олгани чиққанимда сени таниб олиш қийин бўлиши мумкинлигига, балки, ҳатто ўзингча қимир этолмаслигингга ҳам ўзимни шайлаб турдим. Биз ҳатто «эмка»да тўғри самолётнинг ёнига бормоқчи бўлувдик, лекин бизга рухсат беришмади.

— Агар қимир этолмаганимда госпиталга ётқизган бўлишарди, Москвага, сенинг олдингга юборишмасди,— деди Лопатин.— Биргина мен эмас, балки механик-ҳайдовчимиз ҳам, балки яна бир одам тирик қолган.— У йўлнинг ўзида бинтини алмаштиришган товонсиз танкчини эслади.— Степанов буларни сенга оғиз кўпиртириб айтишининг ҳожати йўқ эди. Ёлгонни дўндирмай, мени кутса бўларди.

— Назаримда, у, аксинча, мени хотиржам қилмоқчи бўлди.

— Қанчалик хотиржам қилганини кўриб турибман,— ҳамон жаҳлидан тушмай деди Лопатин.

Ника жилмайиб қўйди.

— Мана, худога шукр, у ерда, Тошкентда уруш ҳақида гапириб бераётганинда қандай жаҳлинг чиққан бўлса, ҳозир яна худди ўшанақа бўлясан.

— Албатта, жаҳлим чиқади-да,— деди Лопатин.— Опқочган одамни ёқтирмайман. Орқамда иккита шилинган жой бор, холос...

— Ҳамма нарсангни тайёрлаб қўйдим, ваннага сув тўлдириб қўйдим, душ ҳам бор. Лекин, балки сенга чўмилиш мумкин эмасдир?

— Мумкин ва жудаям зарур.— Никанинг ёнига бориб эгилди-да, қўлларини ўпди: аввал биттасини, кейин иккинчисини.— Агар шу уйдан орқамга суриш учун йод топиб берсанг, нур устига аъло нур бўларди.

— Топаман, йод бор,— деди у жилмайиб ва Лопатин ҳамон ушлаб турган чап қўлининг кафтини очди. Кафтида ҳозир ёки яқиндагина йод суртилган кичкина яра бор эди.— Мен уйимда ўткир пичоқларга одатланиб қолганман. Зинаида Антоновнаники эса ҳаммаси ўтмас.

— Ўтмас пичоқ қўл кесади, деб бекорга айтишмаган.

Лопатин унинг кўнглидагини қилди: Никанинг мана шу ярасига йод суртилган, териси ёрилиб гўдирлашган, аввалдан эски қадоқли кафтидан ўпди. Аввал биттасини, кейин иккинчи қўлининг худди ўшанақа-ю, лекин яраси бўлмаган ва йод суртилмаган кафтини очиб ўпди: ўпди-ю, хаёлан уни ўшанда Тошкентдан ўзи билан мана шу гўлдирлашиб, бармоқларига игналар санчилган қўлларини ҳам олиб кетганини эслади. Кейин томоғига бир нима тиқилгандек бўлди-да, индамай хонадан чиқди.

— 20 —

Улар бегона уйда қадимги суянчиғи баланд, деворнинг деярли ярмига етадиган қизил ёғочдан букиб ишланган бегона каравотда ётишарди. Бошларидан кечирганларининг ҳаммаси табиий ва оддийлигидан парижон бўлиб, ҳориб-чарчаб ётишарди. Ўзининг сезгирлиги билан ҳар сафар уни лол қолдираётган Ника ноқулайлик— ўзига бўлган ишончсизлик ҳиссиётидан фориг бўлишда унга ёрдамлашиб юборди. Лопатин бах-

тиёр эди ва Никанинг олдида ўзини қарздор эканини хис этарди.

Девордаги қаттиқ чиқиллаётган тебрангич узун ос-ма соат энди кечки соат тўққизни кўрсатиб турса ҳам, лекин урушнинг тўртинчи ёзи тугаб, куз бошланаётганини эслатиб, сезиларли даражада қоронғи тушган эди.

Орқаси ҳамон оғрирди-ю, аммо Лопатин барибир чалқанча ётарди, чунки шундай ётганда ўйлаш ва гапириш осон эди.

У аввалига истамаса ҳам, Ника, барибир, Лопатинни уруш ҳақида гапириб беришга ундади. Бир пайтлари Тошкентда мажбур қилганидек мажбур этди. Жавоб бериши мумкин бўлмаган саволларни берар экан, бу билан ўзи уруш борасида ўйлаганларининг ҳаммасини синчковлик билан текширувдан ўтказарди. Унга қачон, нима бўлганини кунма-кунига суриштириб ўтирмади, балки энг мушкулени билмоқчи бўлди. «Нега сенин-ча мана бу яхши, мана буниси ёмон, буниси тўғри, манависи нотўғри?» деб суриштирди.

Дастлабки саволининг ўзиданоқ Ника Тошкентда яшаб, газеталарни ўқиб, радиони тинглаб ва Лопатин урушдан ёзганларининг биронтасини ҳам назардан қочирмай у ҳақда билиши мумкин бўлганларининг ҳаммасидан хабардор эканини фахмлади у. Лопатин ёзган мақолалар Никанинг ёдида йўқ эди, аммо гўё мана шу ўтган бир ярим йил мобайнида унинг ортидан изма-из боргандек ёзилганлардан бошқа нималар қолгани, ҳамон давом этаётган уруш унга нималарни ёзишни таъқиқлагани ҳақида деярли тутилмай суриштирарди. Лекин унинг бундай суриштириши Лопатин нима ҳақда ёзганларининг ҳаммасини ёдида сақлаганидан далолат берарди.

Лопатин унга шуни айтди.

— Йўғ-е, — деди у, — ҳаммасини эслолмайман. Ҳаммасини ўқиганман-у, аммо ёдимда йўқ. Бироқ, албатта, гапларинг тўғри — сендан ўқимаганларимни суриштириб билипман. Биз ҳам у ёқда, мамлакат ичкарасида яшаб, теварак-атрофда нималар бўлаётганини кўрипмиз. Аммо кўпгина нарсалардан беҳабармиз: бир хил нарсаларни ёзишади, бир хилларини эса ёзишмайди. Уруш пайтида бошқача бўлиши мумкин эмаслигини тушунаман-у, лекин бу ерда ёлғиз иккаламиз ўтирибмиз. Шундоғам сендан ҳарбий сирни эмас, балки ўзингни суриштиряпман. Сен ҳақингда ва ўзимни ўйлаётган



нимда, агар тўсатдан менга шу йиллар мобайнида кўрган-кечирганларимнинг ҳаммаси ҳақида, нималарни ўйлаётганим, ўзим учратган барча одамлар ҳақида, нимадан кўрқаман-у, нималардан кўрқмаслигим. нималарга ишонаман-у, нималарга ишонмаслигим ҳақида ёзишимни ва буларнинг ҳаммасини босиб чиқаришларини, ҳамма уни ўқишини айтишса, мен рози бўлмасдим. Мен буни фақат сенинг ўзингга айтиб берган бўлардим. Деярли ҳаммасини, балки, ҳатто ҳаммасини. Балки сен ҳам шундайдирсан?

Буни эшитиб ўзича ўйланиб қолди: йўқ, ҳарҳолда Лопатин у ўйлаганчалик эмас, чунки урушдаги у кучи етганча виждонан бажаришга уринаётган лавозими, аслини олганда, ўзи билган ўша уруш ҳақиқатига иложи борича яқинроқ бўлишга интилишдан иборат. Мана шу ҳақиқат оқибатда ўзидан кўра бошқаларга зарур. Йўқ, тўсатдан ҳаммасини ёзиб чиқиш буюрилади, деган хаёлда юрган Никага қараганда унга шу вазифада анча мушкулроқ! Лекин, барибир, асосий масалада Ника ҳақ эди. Лопатин энди бугун биринчи марта унга ўзи нималар қила олиши ҳақидагина эмас, балки Ника унинг учун нималар қилиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолди. Бу ерда гап шунчаки ёлғизликдан қутулишда эмас. Бундай аёл билан ҳозиргига қараганда янада кучлироқ бўлиш мумкин. Ва ўз вазифасини янада дадилроқ, янада саркашлик билан адо этса бўлади.

Ҳа, мана, шахсий турмуш деб аталмиш ўша ҳаёт... Шахсий турмуш нима дегани? Сўзларни ишлатаверамиз-у, маъносини ўйлаб кўрмаймиз. Ахир одамда шахсийдан бошқача яна аллақандай ношахсий турмуш бўлиши мумкинми? Нариги дунё турмушими? Агар одам журъатсизлик қилиб ўзича турмушини икки қисмга ажратиб қўймаса, табиатда умуман бошқача ҳаётнинг ўзи йўқ.

Саволларига очиқчасига берилган жавоблардан қониқиб, Ника ўзи ҳақида гап бошлади:

— Бир пайтлари шунақаям озиб кетувдимки, ҳатто ўзимга ўзим ёқмай ҳам қолувдим. Ҳозир эса, ўзим ҳам биламан, анчагина тўлишиб қолдим.

— Бу оламда энг гўзали ўзингсан. Тўғри, бир оз озиб кетгансан.

— Хасталаниб қолганим учун шундай бўлган.

— Биламан.— У кўричак операциясидан кейин қолган узун энсиз чандиқни гўё ҳали ҳам оғриғи бордек бармоғи билан эҳтиёткорона силаб қўйди.— Буни менга Зинаида Антоновна айтганди.

— Мен касалхонага жудаям кечикиб тушдим: оғри-са оғрибди-да, деб эътибор бермай юраверибман. Аввалига онамни дафн этдим. Юрак хасталигидан одам энгил ўлим тонади, дейишади-ю, аммо онам ўлим олди-дан росаям қийналдилар. Кўп ўтмай Вася юракбуруғи билан оғриб қолди. Кейин эса мени ишдан тўғри касалхонага олиб кетишди. Шикоятимнинг ҳаммаси шу.— У қоронғида Никанинг жилмайиб қўйганини сездим.— Ҳарбийларда гапни шундай бошлаш одати бор, албатта: «Шикоятинг борми?» деб сўрашади. Менда бошқа шикоят йўқ, бошқаси ҳақида эса ўзинг савол беравер. Агар истасанг.

У бу гапни секин, жўнгина айтган бўлса ҳам, жавобини кутиб жиддийлашганини сездим Лопатин.

— Биласанми, нима...— У Никани қийнаётган масалани ўз зиммасига олмоқчи бўлди.— Ўтган қишда Москвага фронтдан қайтиб келиб бунақа гапларнинг унга ҳам, менга ҳам аҳамияти бўлмаган бир аёлникида бўлдим. У ҳақда бирор ёмон гап айтишни истамайман, эҳтимол, ўзим ҳақимда ҳам. Буни хаёлимдан чиқариб ташлашни афзал кўрардим-у, лекин шунақаси бўлганди. Агар сен мендан шунга ўхшаш бирор нимани суриштиришимни кутаётган бўлсанг, мен сўрадим у сен жавоб бердинг, деб ҳисоблайвер. Маъқулми?

— Мен учун ҳаддан ташқари маъқул.— У ўзи гапирётганда Лопатин елкасига қўйган қўлини миннатдорчилик билан силаб қўйди.

— Сўраб-суриштиришни ёқтирмаслигингни биламан,— деди Ника унинг қўлини қўйиб юбормай.

— Сўраб-суриштириш— менинг касбим. Урушда мен фақат дам ундан, дам бундан сўраб-суриштириш билан шуғулланганман. Истасам ҳам, истамасам ҳам сўраб-суриштиришим лозим бўлади. Ўзим урушнинг юздан бир қисмини биламан, шундай экан, ё бошқасидан хабардор бўлмаслигим, ё сўраб-суриштиришим қолади— бошқа чорам йўқ. Сўраб-суриштириш менинг вазифамга киради. Аммо ишдан ташқари пайтда, гапнинг тўғри, сўраб-суриштиришни ёқтирмайман. Нега индамаяпсан?— сўради у узоқ сукутдан сўнг.

— Сенга кўникишимга анча вақт кетишини ўйла-

яшман — бошқа маънода эмас, — у елкаси билан Лопатинга суйканди. — Шунчаки айтяшман. Энг даҳшатлиси — бу, бир-бирига кўникиш, дейишади-ю, гоҳида, лекин мен шуни истайман. Битта тентаклик қилганимни сенга айтиб берайми?

— Албатта.

— Сени бу ерда, Москвада кутаётганимда неча мартаб сен яшаётган квартирага бориб ҳеч бўлмаганда дераза орқали ичкарига разм солгим келувди. Эртага азонда бирга борамиз. Қандай яшаётганигни, хонанг қанақа эканини, нима қаерда турганини кўрмоқчиман. Мен ҳатто буларни ўзимча тасаввур ҳам қилиб кўрдим.

— Эртага борамиз. Агар хоҳласанг, ўша ерда қоламиз. Менинг учта хонам бор. Аниқроғи ҳаммаси меники эмас, умуман учта. Биттаси Ксенияники, бошқаси қизимники, учинчиси меники. Бошқа жойга алмаштиргунча шу хонада яшашга тўғри келади: қизим билан биргами ёки алоҳида алмаштирамизми — буни у билан бирга ҳал қиласизлар.

— У ўн етти ёшга тўлдими?

— Ўн еттида.

— Бўлаётган воқеалар қизинг учун кутилмаган катта бир гап бўлишидан кўрқмайсанми?

— Кутилмаган гаплигидан кўрқмайман. Энг асосийсини ёзган хатимдан билиб олган.

— Нимани билади?

— Сендан бу ерга келишингни илтимос қилганимни.

— Барибир, буларнинг ҳаммаси жудаям қийин бўлади, — деди бир оз сукутдан кейин Ника. — Сенинг учун ҳам, мен учун ҳам ва энг асосийси қизинг учун ҳам буларнинг ҳаммаси қанчалик қийин бўлишини яхши тасаввур қилоламан.

— Балки шундайдир. Ўйлашимча, сенинг болангга ҳам мен билан айниқса бошида осон бўлмаса керак.

— Барибир, унга жўн.

— Сендан сўрамабман — отангни аҳволи қалай? Ҳали ҳам ўшандайми?

— Ҳали ҳам ўша аҳволда. Сендан хат олганимдан кейин Қизил Ўрдага уни кўргани бордим. Хотининикида ётиб азоб чекапти. Мени олдимда хотинига ялиниб, ўзини яна госпиталга топширишни сўради. Лекин менимча, хотини ўлсаям бунга рози бўлмайди. Эҳтимол, бу шунчаки ўлим топганидан кўра энг даҳшатлиси бўлса керак. Мени кечирасан-у, аммо сендан хавотир

олганимда шу ҳақда ҳам ўйлагандим. Ўйламаслигим мумкин эмасди.

— Мен нимагадир ҳечам буни ўйламагандим. Ўлдиришлари мумкинлигини ўйлардим-у, бироқ у каби мана шунақа мажруҳ бўлиш хаёлимга келмаганди. Илтимос, мени кечир,— айтганларининг ноқулайлигини сезиб деди у.

— Кечирсам-кечиравераман-да. Кейинги кунлари бутунлай бўш бўласанми?

— Ҳа.

— Лекин шу кунларда мен, аксинча, кўпроқ югур-югур билан шуғулланишимга тўғри келиши ачинарли-да! Кийимхонамизнинг ярми ҳозир шу ерда янги спектакллар учун ишляпти. Шу боисдан ҳам анча вақтга шу ерда қолса бўлаверади. Бугун эрталабдан театрда эдим: тушлик қилгани келувдим, тўсатдан Степановинг қўнгироқ қилиб мени олакетинини айтди. Дарров мен театрга телефон қилдим-да, менга қирқ метр бўз топиб беришга ваъда қилишувди, уни қўлдан чиқармаслик учун елиб-югуришимга тўғри келади, деб сурбетларча алдадим. Энди эртага мана шу бўзни қаердан топишни ҳам билмайман.

— Эрталабдан бўз олгани борамиз. Иккаламиз топамиз!

— Қаердан топамиз? Жойини биласанми?— жилмайиб сўради у.

— Ахир қаердадир бўлиши керак-ку!

— Бор жойда ҳам менга ваъда беришолмади.

— Иккаламиз бориб ундирамиз. Афсус, Гурский йўқ-да. Акс ҳолда учаламиз, албатта, ундирган бўлардик!

— Сени Гурскийнинг менга ёқиб қолди. Ўзини энг жоҳил ва энг доно қилиб кўрсатса-да, аслида эса аёл каби ғамхўр ва меҳрибон.

— «Меҳрибон» масаласи қачон ва қим билан бўлишига боғлиқ, «жоҳил» масаласида ҳам шундай, «энг доно»лик масаласига келсак, дарҳақиқат топиб айтилган.

— Мен эсам ўзимни нодон деб биламан. Қанча ўйласам-да, эртага ҳам, индинга ҳам сенсиз камроқ югуриш йўлини тополмаяпман.

— Қачонлардир итинг бўлганми?— сўради Лопатин.

— Ҳеч қачон бўлмаган.

— Шу икки кунда пайдо бўлади. Яхшиямки, ҳозир ёз ва мен бўш юрибман. Аввал иккаламиз бориб ўша бўзни ундирамиз. Кейин эса, сен театрда ишингни тугатгунча, йўлакда қулоғим ортини қашиган ҳолда чекиб ўтириб сени кутаман. Эртага ва индинга ҳам. Фақат гоҳида мени овқатлантиришингга тўғри келади. Албатта, менинг кўмагим билан: димлаб пиширилган гўштли банкаларни, ўргатилган итлар орасида бўлганидек, очишни биламан, тухум талқонидан қўймоқ пиширишга ҳам ўрганганман.— У келажак планини қандай таърифлаётганингни эшитиб кулаётган Ника тўсатдан ўрнидан туриб кетди ва чироқни ҳам ёқмай оёқяланг қўшни хонага югурди— у ерда телефон жинглаётган экан.

— Ҳозир ўша лаънати бўзни мендан суриштиришди,— ҳамон кулиб деди у гўшакни оларкан.

— Ҳа, шу ерда. Хўп, ҳозир. Майли, такрорлашим мумкин.— Ника адресни: уй ва квартиранинг номерини дона-дона қилиб секин айтаётгани Лопатинга эшитилиб турарди.— Ҳа, сизда ҳаммаси тўғри ёзилган. Ҳозир уни чақираман.

У қайтиб кирганида Лопатин каравотдан тушиб шимини киймоқда эди.

— Борақол, сени редакциядан телефонга чақиришяпти. Адресни текшириб кўришди.

— Ўртоқ Лопатинми?— гўшақда нотаниш овоз эшитилди— янги муҳаррир билан бирга келган янги-лардан бўлса керак.

— Ҳа, эшитаман.

— Генерал Никольский сизни шошилиш равишида редакцияга чақиришни буюрди. Сизга машина юборяпмиз.

— Шундоқ боравераман. Яқин жойдаман,— деди Лопатин.

— Жўнатиб бўлдик. Тезда етиб келиш буюрилган.

— Нима гап ўзи?

— Билолмадим. Менга фақат сизни тезда чақириш буюрилган.

— Майли, кетяпман.— У гўшакни қўйди.

— Сенга чой қайнатиб беришга улгураманми?— сўради Ника.

— Балки улгурарсан. Раҳмат.

— Мен ошхонага чиқай, сен чироқни ёқиб кийинавер,— деди Ника.— Сенингча, анча қолиб кетасанми?

— Билмадим.

— Нима гап ўзи?

— Билмадим,— жаҳли чиқиб деди Лопатин.— Эҳтимол, Япония билан уруш бошланиб, мени Халхин-голда бўлганимни эслаб қолишгандир. Балки юқоридан мен қайтиб келган фронт ҳақида шошилинч равишда икки юз сатр мақола ёзиб номерга топшириш буйруғи олингандир. Бизда ҳеч қачон олдиндан бирор нимани билолмайсан. Қисқаси, бир-биримизга кўникишга ёрдам беришяпти.

— Ҳатто бирор жойга жўнаб кетишингга тўғри келса ҳам, барибир, врачга бориб ўзингни кўрсатишинг керак,— деди Ника у кийиниб бўлиб ошхонада шоша-пиша чой ичиб ўтирганда.— Гап шилинганида эмас, ростанам арзимаган яра, лекин елканг оғриб турибди. Бу билан сени ранжитмоқчи эмасдим, эртагача қолдирмоқчи бўлувдим, аммо оғриётганини ахир сезиб турибман! Агар бирор жойга жўнаб кетадиган бўлсанг унғача врачга учрашинг керак. Эшитясанми?

— Эшитяпман.— У сўнги қултумни ичиб ўрнидан турди.— Хавотир олма, бирор муҳим гап бўлмаган. Япония хусусида мен шунчаки айтдим-қўйдим-да. Агар ёзишга мажбур қилишса, битирмагунча ўрнимдан турмайман, битиришим билан қайтиб келаман.

У Никани қучоқлаб ўқиди-да, кейин эшикни очиб зинапоя майдончасига чиқиши билан наstdа машина сабрсизлик билан сигнал чалаётганини эшитди. Зинадан тушаётганида мана шу сигнални эшитиб ўзини босиб олди. Ҳа, нима бўпти, зарур бўлиб қолгандир, ҳа, редакцияда ўчирилиши лозим бўлган ўт тушган — тайёр саҳифада очиқ қолган жойни икки юз сатр мақола билан тўлдириш керак бўлган. Буни ҳам уddалайди, сабаби қўлидан келади— гоҳида шунақа ишни ёқтирарди. Нима бўпти, ўтириб олиб, бир-бир ярим соатда қотириб ташлайди. Умрбодга эмас, номерга! Қайтиб келади, осмон узилиб ерга тушмайди. Бахтдан талтайиб кетиб Япония хусусида ўринсиз гапириб юборди.

Бу сафар машина рулида фронтларга қилинган кўпгина сафардан бери таниш бўлган шўх, ҳаммавақт йўлга шай лўли йигити— Коля Шумов экан.

— Нима гап, Коля?— унинг ёнига ўтириб эшикни ёпаркан сўради Лопатин.— Ярим кеча бўлишига қарамай, нега мени чақиртиришганини албатта, билсанг

керак? Сен одатда ҳамма гапдан хабардор бўлиб юрасан.

Коля машинани шиддат билан ўрнидан кўзгатди. Шундан кейингина пилоткаси зўрға илиниб турган жингалак сочли бошини Лопатинга ўгирди.

— Биламан. Гурскийни ўлдиришибди.

— Қанақасига ўлдиришади?— Гўё уни койигандек анқовланиб сўради Лопатин.— Бўлиши мумкин эмас. Қаёқдан биласан?— Шу бемаъни саволларни бераётгандаёқ бу рост эканини тушунди.

— Степанов билан алоқа бўлимига борувдик— муҳаррир учун муҳрланган пакет олиб келдик. Лекин Степановга бор гапни оғзаки ҳам айтиб беришди. У йўл-йўлакай мени хабардор қилди.

— Қачон бўпти?

— Бугун азонда, дейишди.

Редакцияга етиб боргунча Лопатин бошқа ҳеч нимани суриштирмади. Индамай ўтираверди. Демак, бугун шу ерда, Москвада, аэродромда Ника сенинг бўйнингга осилганда, Гурский ўлдириб бўлинган экан. Бундан чиқдики, у «виллис» устида туриб олиб фуражкага алмаштирамоқчи бўлган ўзининг пилоткасини самолётга силкиб хайрлашганда сен уни сўнгги марта кўрган экансан. Ва унинг: «Қизил хошияли шимда қанчалик зўр бўлишимни бир т-тасаввур қилиб кўр-а!» дегани сен эшитган охириги сўзлар экан. Сизлар ярим соат илгари ўринда ётиб уни шунчаки эслаганларингда Гурский қаердадир аллақачон ўлиб ётган экан...

Лопатин гўё Ника билан иккаласи нуқул ўзлари ҳақида эмас, балки Гурский ҳақида ўйлаганларида, уни гапирганларида балки у тирик қолган бўлиши мумкиндек аллақандай ноаниқ гуноҳини ҳис этиб шуни ўйларди. Нимадан эканини билмайди-ку, аммо бир нимадан хижолат чекиб Лопатин гапни чувалаштирмагани маъқул, акс ҳолда бўлажак суҳбат учун мажоли қолмаслигини сезиб ўзининг эшигидан бошини чиқариб турган Лёва Степановнинг олдига ҳам кирмай, тўғри муҳаррирнинг кабинети томон юрди...

«Балки у ҳақда кичкина мақола ёзиб беришингиз учун сизни чақираётгандир?»— кабинетга кирар экан ҳайдовчининг сўзини эслади у. Бироқ муҳаррирнинг дастлабки сўзиданоқ бунинг учун чақирилмаганини тушунди. Муҳаррир хона бўйлаб юрган экан. Эшик гичиллаб очилганда юришдан тўхтаб, Лопатин томон

ўтирилди. Унинг ниҳоятда хафа экани кўриниб турарди. Бу ерда, редакцияда унинг учун биринчи ўлим эди.

— Василий Николаевич, сизга қайғу билан шуни маълум қиламанки...

— Эшитдим, ўртоқ генерал, — тўсатдан муҳаррирнинг исми шарифини унутиб сўзини бўлди Лопатин.

— Ундай бўлса, армиялар бўйича бошлиқнинг Бош штаб алоқа бўлими орқали ВЧда биз учун йўллаган телефонограммасини сизга ўқиб бераман.

Генерал кителининг чўнтагидан кўзойнагини чиқарди ва стол устидаги бир варақ қоғозни олиб ўқий бошлади: «Красная звезда»нинг ҳарбий муҳбири Б. А. Гурский бугун, 18 август соат 5.45 да рота разведкаси составида Шарқий Пруссия сарҳадидаги плацдармда бўлиб, Шешуна кечуви орқали қайтиб келаётганида снаряд парчасидан оғир яраланиб ҳалок бўлди. «Красная звезда»нинг собиқ муҳаррири сифатида сизга шахсан мурожаат қилиб, дафи этиш маросимида қатнашиши, шахсий буюмларини қабул қилиб олиши, тугалланмаган «Ниҳоят» мақоласини шу ернинг ўзида ниҳоясига етказиш учун редакция вакилини жўнатишни сўрайман. Иложи бўлса Лопатин юборилсин. Армия ҳарбий кенгашида ўлимидан кейинги мукофот масаласини қўйдим. Начпоарм».

— «Ниҳоят» — у ёзган мақоланинг сарлавҳаси бўлса керак, — деди генерал телеграммани ўқиб бўлиб.

— Бўлса бордир, — деди Лопатин. У қайғудан додираб қолиб, телеграмманинг ярмисида «собиқ муҳаррир сифатида» сўзини эшитганидан кейингина телеграмма Матвейдан келганини ва Гурский унинг армиясида ҳалок бўлганини фаҳмлади. Уникига бориб, ўшоқда ҳалок бўлган.

— Хўш, нима қиламиз, ўртоқ Лопатин? — афтидан Лопатиннинг «ўртоқ генерал» деб қилган мурожаатини ўзича, аслидан кўра бошқачароқ тушуниб сўради генерал.

— Эртагаёқ жўнаш, аниқроғи учиш керак, — деди Лопатин. — Агар сиз розилик берган бўлсангиз.

— Мен ўрнига келган одамнинг шахсий илтимосига розилик бермаслигим мумкин эмасди. Менинг илтимосимга биноан фронт штабига етиб олишга самолётда биз учун ўрин қолдирилган. Бу ерда гап шахсан кимнинг учиши ҳақида боряпти.

— Гап мен ҳақимда бўляпти, Михаил Александро-



вич, — генералнинг исми шарифини эслаб деди Лопатин. — Ўзим учаман.

— Бошқа талабгорлар ҳам бор. Уларни муҳокама ҳам қилиб бўлдик. Лекин сиз етиб келгунигизча ҳал қилмай турдик. Сиз фронтдан бугун қайтдингиз ва сизга тавсия қилганимдек, врачларга кўринишингиз керак. Менинг ўтмишдошим телеграмма йўллаб, сизни чақиртираётганда, чамаси, сизнинг сиҳат-саломатлигингиздан беҳабар бўлса керак.

Буни эшитиб Матвейни эслар экан, Лопатин ич-ичидан кулиб қўйди; агар Гурскийни кўришга улгурган бўлса, албатта, ҳаммасидан хабардор. Аммо у кабилар учун ҳеч нарса чўт эмас.

— Қизишманг, Василий Николаевич. Марҳум билан дўст эканингизни ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам эшитганман, аммо уни энди тирилтириб бўлмайди. Сиз билан бизга саломатлик бир умрга берилган, буниг устига биз энди ёш эмасмиз. — Лопатиннинг сукут сақлашини иккиланишга йўйиб деди генерал.

Лекин Лопатин иккиланмади, шунчаки ўйлаётган эди: бу ерда ҳам, у ёқда ҳам жуда қийин бўлади. Балки бу ерда у ёқдагига қараганда қийинроқ бўлади.

— Сиз унинг онасига — у шу ерда, Москвада — ҳали хабар берганингиз йўқми? — сўради Лопатин.

— Ўйлашиб кўриб, ҳаммадан кўра сиз буниг уддасидан чиқасиз, деган қарорга келдик.

— Албатта, ўзим, бошқа кимга ҳам ишониб бўлади? Удалай олишмайди, Михаил Александрович.

Лопатин буларни бир-бирдан ажратиб бўлмаслигини жудаям яхши тушунарди. «Бу қанақаси, онасининг ёнига бориб унинг Боряси ҳалок бўлганини айтиб, кейин эса уни дафн этишга боришни сендан илтимос қилишган бўлса ҳам, аммо у ёққа сен учмаслигингни тушунтиришга қандай қилиб тил айланади?» — деб ўзича ўйлади-ю, лекин бутунлай бошқа гапни айтди.

— Мен бу телеграммани ўтмишдошингизнинг фақат сизга эмас, балки менга ҳам қилган шахсий илтимоси деб биламан. Шундай экан, бу масалани ўзимга қўйиб беринг.

— Нима ҳам дердим, сизнингча бўлсин, учақолинг! — Генерал хўрсиниб қўйди. Унинг юзидаги ифодага қараганда, бу гаплар унга ёқмаганди, бироқ Лопатиннинг мантиқий гаплари олдида чекинишга мажбур бўлди.

— Унинг тугалланмаган мақоласини уёқда, ўша жойнинг ўзида кўриб чиқаман,— деди Лопатин.— Зарур жойларни ёзиб, тугаллайман-да, ҳарбий алоқа йўли билан юбораман.

— Бунга шошилмасангиз ҳам бўлади, бу иккинчи даражали иш,— деди генерал.

«Яхши одамсан-у аммо газетчи эмассан-да»,— деб ўйлади Лопатин.— Айни мана шу нарса биринчи даражали иш эканини тушунмайсан».

У Никани, бир неча минутдан кейин унга қўнғироқ қилиши лозимлигини эслаб, эртага самолётнинг қачон учиши маълумми, деб сўради.

— Маълум. Менга айтишларича, роппа-расо соат еттида.

— Яна бир савол: унинг онасиникига борганимда, кейинчалик, агар қўшинларимизнинг янада илгари силжиши ва фронтдаги умумий вазият имкон берса, онаси ўглининг қабрини бориб зиёрат қилиши учун чора кўрилишини сизнинг номингиздан ваъда берсам бўладими? Шу билан умидвор қилиш мумкинми? Умидвор қиладиган бошқа нарса ҳам йўқ!

— Албатта, мумкин,— ҳеч иккиланмай деди генерал ва Лопатин у билан хайрлашар экан, унинг яхши одам эканлиги яна хаёлига келди.

Лёва Степанов ўзининг хонасида Лопатинни кутиб ўтирган экан.

— Учасизми?— сўради у.

Лопатин бош иргаб, стол ёнига ўтирди ва Никага қўнғироқ қилиш мақсадида телефон гўшагини олди-да, Лёвага қараб тўхтаб қолди:

— Мана бу сафар чиндан ҳам ташқарига чиқиб тур. Илтимос, мени ёлғиз қолдир...

— 21 —

Лопатин нима бўлишини тасаввур ҳам қилолмай Гурскийнинг онасиникига кетяпти. Мана, ҳозир у уйга киради, саломлашади ва ҳаммасини айтиб беради. Хўш, кейин-чи?

Уруш мобайнида уч марта— бир марта қирқ биринчи ва икки марта қирқ учинчи йилда— унга мана шу йўсинда уйларига бориб, тирик ҳисоблаб юришган одамнинг ҳалок бўлганини айтишга тўғри келган.

Қирқ биринчи йилда ўзи борувди, чунки воқеани

ўзи кўрган ва ундан бошқа борадиган ва воқеани айтиб берадиган одам бўлмаганди.

Қирқ учинчи йилда эса икки мартасида ҳам ўзи воқеанинг шоҳиди бўлмаган ва ҳалок бўлганларни ҳамда уларнинг кўчирувдан Москвага қайтиб келишга улгурган хотинларини редакциядаги бошқа ходимлар билганчалик таниган бўлса ҳам, айнан ундан — бир сафар муҳаррир, иккинчи сафар ўртоқлари — бориб айтишни илтимос қилишганди. Нимагадир буни бошқалардан кўра яхшироқ бажаради, деб ҳисоблашарди. Гарчи ўзи бундай деб ўйламаса ҳам, бу рад этиш мумкин бўлмаган илтимослар қаторига киради. Шу боисдан ҳам борган, гапириб берган, шундан кейин нима бўлганларини яхши эслаб қолган. Лекин учала сафар ҳам яна кимидир бўлган — болалари, оталари, оналари, ака-укалари, опа-сингиллари — ёш аёлларни учратган... Уларнинг ҳаётида тўсатдан йўққа чиққан одамидан бошқа яна кимидир бўлган. Бугун эса бор-йўгидан айрилганини айтиши лозим бўлган кампирниқига боряпти.

Лопатин тунги соат ўн иккида униқига қўнгироқ қилолмасди, олдиндан: «Ҳозир сизниқига бораман!» деёлмасди. Чунки у албатта: «Нима бўлди?» деб сўраши аниқ эди. Қўнгироқ қилиш мумкин эмас. Тўғри уйига боришдан ўзга чора йўқ.

Шу йилнинг ёзида униқига бир ярим ҳафта яшаб, унинг дам эрта, дам кеч ётишини билиб олганди ва ҳозир ухлаётган ёки ухламаётган бўлиши мумкин эди. У Информбюронинг кечки ахборотини эшитмай ҳеч қачон ухламаган, бироқ гоҳида эшитганидан кейин ҳам хонада у ёқдан бу ёққа юриб у-буни йиғиштирган ёки саралаган, гоҳида эса, агар эрталабдан магазинма-магазин юриб, навбат кутиб толиққан бўлса, ўринга ётиб радиони тинглар ва эшитиб бўлиб қоронгида репродукторнинг тиқинини сугуриб олиб ўша ондаёқ ухлаб қоларди.

— Мени қуш уйқи эканимдан Боря кулиб юради, — деганди у ўғли ҳақида.

Ҳа, у ҳақда Боря шундай деганди, фақат онасига эмас, кеча эрталаб фронт штабида уни уйғотганда Лопатинга ҳам айтганди:

— Бу менга она мерос: У-ухласам қойилмақом ухлайман, у-ухламасам бутунлай ухламайман!

Аммо Лопатин унинг уйига яқинлашган сайин она

ҳозир ўгли айтганидек, қуш уйқисиди эканини ҳечам тасаввур қилолмасди.

Урушда томир отган одат— одамларнинг ўлимини ўзининг ҳам, бегоналарнинг ҳам олдиндан сезиши билан боғлаш одати уни ҳам четлаб ўтмаганди. Унга Гурскийнинг онаси бугун ухлаши мумкин эмасдек туюлганди. Лекин у ухлаб ётган экан. Лопатин йўлақда эмас, балки онанинг хонасида жиринглайдиган қўнғироқ тугмасини у тунги қўйлаги устидан пахмоқ газламадан тикилган халат кийиб уйқили кўзлари билан эшикни очгунча бир неча марта босди. Уни ҳайрон қолдирган нарса онанинг чехрасидаги табассум эди— гўё ярим кечада бесабр қўнғироқдан кейин у даҳшатли бир нимани эмас, балки аллақандай қувончли хабар кутаётгандек эди. У Лопатинни кўрганида ҳам чехраси ўзгармади. Эшикни ёпиб ва иссиқ қўллари билан Лопатиннинг қўлидан тутиб, уни нақ шининг тепасида битта лампочка хира ёритиб турган нимқоронги узун йўлак бўйлаб бошлади. Тунги сокинликда Лопатин этини билан бирор нимани тарақлатиб юбориб, қўшнилари уйғотиб қўймаслигининг эҳтиётини қилиб ортидан эргаштириб борди-да, хонага кирганларидан кейингина қўлини қўйиб юборди.

Унга яхшигина таниш бўлган бу хонада иккита лампочка бор эди— биттаси стол устидаги эски яшил қалпоқли, иккинчиси хонанинг ўртасидаги шиндаги қалпоқсиз ёруғ лампочка. Ҳозир айни мана шуниси ёниб тургани учун теварак-атроф ён-ёруғ.

У Лопатинни стол ёнидаги юмшоқ креслога ўтқизди, ўзи эса ҳамон жилмайиб турарди.

— Мен, тентак, уйқисираб, Боря қайтиб келди, деб ўйлабман— қарасам сиз! Сиздан қанчалик хавотир олганини ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсиз; улар сизни бу ёққа чақиртиришяптию сиздан эса узоқ вақтгача дарак тополмаслик мумкинми ахир? Улар сизни тезроқ чақиртириши учун Боря шунақаям ҳаракат қилдики, сиз бўлсангиз гинг деб жавоб бермадингиз!

Она саволомуз унга қаради ва шунда яқиндагина жўнаб кетган ўгли бир нимага дучор бўлганини у шунчаки тасаввур қилолмаслигини, балки ўгли учиб кетган жойдан қайтган Лопатин ҳозир ўгли ҳақида гапириб бериши ёки у бериб юборганини топиши кутаётганини, шунини деб кечаси бўлса ҳам келган, деб ўйлаётганини фаҳмлаб қолди.

— Балки сизга бугун тунаб қоладиган жой йўқдир? — У ҳамон саволомуз Лопатинга тикилиб турарди.

Маълум бўлишича, у шуни ҳам ўйлаган экан. Лопатинни бу ерга бошлаб келган ягона важдан бошқа ҳамма сабабларни хаёлидан ўтказишга улгурибди. Мана шу ўз-ўзини алдашда чидаш бериш мумкин бўлмаган шунақаям бир нима бор эдики, уни ички бир титроқ босиб, шиддат билан ўрнидан турди-да, онанинг қўлидан тутди. Ўрнидан прғиб туриб, унинг қўлидан тутган ўша дақиқада онанинг табассумли чеҳраси ваҳимали тус олди, ҳали табассумини йиғиштирмай, ваҳимага тушгани учун ҳам даҳшатли эди.

Лопатин ўрнидан туриб қўлидан тутган заҳоти у тушунганди, ўша ондаёқ ҳаммасига тушуниб, бу билан кимнидир бунга тайёрлаш— гўё бунга тайёрлаш мумкиндек— лозим дейилиши кўзда тутилган ўша беҳудаликка ўрин қолдирмади.

— Боря ҳалок бўлди,— деди Лопатин унинг қўлини сиқиб, даҳшатдан қотиб қолган кўзларига тикилар экан.

— Шундай бўлишини билгандим,— деди у шивирлаб. Бундан ярим минут аввал ҳеч нарсадан хабари бўлмаса ҳам тўғриси айтди, чунки бундан олдин айтган ва ўйлаганларининг ҳаммаси унинг учун энди умрбод аҳамиятсиз эди. Энди унинг учун фақат Борянинг ҳалок бўлгани ҳақида Лопатин келтирган хабар мавжуд эди.

Лопатин агар унинг мазаси қочса ушлаб қолишга улгуриши учун ҳамон қўлидан тутиб турар, аммо она ҳеч қандай беҳоллик учқунини ҳам кўрсатмай, ёшсиз қушпа-қуруқ кўзлари билан унга тикилиб рўпарасида туриб қолганди. Кейин бирор нимадан жудаям ҳайратга тушган одамдек бошини сарак-сарак қилди-ю, ичичида, қалбининг тубида фиғон пайдо бўлди. Эшитилар-эшитилмас нола қилиб ва бошини чайқаб, Лопатиннинг рўпарасида яна бир-икки минут турди-да, сўнг қўлини бўшатиб стол ёнидаги юмшоқ креслога — у келганда ўзи ўтқизган креслога эмас, балки бошқасига, рўпарасидагига ўтирди. Лопатин энди нима дейишни, нима қилишни билмай унинг қаршисида тураверди, у бўлса афт-ангорини ўзгартирмай, ўша сокин ноласини тўхтатмай, бошини галати равишда сарак-сарак қилиб ўтирарди. Кейин диққат билан ўзини кўздан

кечирди, қўли билан сочини тартибга келтирди, сўнг эгилиб паҳмоқ халатининг энг пастига қдалмаган тугмасини солиб қўйди. У гўё ҳозиргина уйқидан туриб, бегона одам олдида қандай кўринишда эканини эслагандек шундай қилди-да, Лопатинга бошдан-оёқ қараб қўйиб, қўққисдан креслода бужмайиб олиб, дард-ҳасрат, ожизлик билан ачинарли аҳволда ҳўнграб юборди.

Одамлар турлича йиглашади: бир хиллар деярли ўзгармайди, бошқалари эса — одатда кучли одамлар — йиглаб бўлиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади, деярли таниб бўлмайди. Улар нола қилишади, гўё телба бўлиб қолгандек, гўё узоқ ёки қисқа вақтга эс-ҳушини йўқотгандек бўлишади.

Лопатин шу пайтгача билган Гурскийнинг онаси қариб қолган бўлишига қарамай, ҳаётий куч-ғайратга тўлиб-тошган аёл эди. Аммо ҳозир мана шу куч-ғайратнинг ҳаммаси гўё ичига қайтиб кириб унинг ўзига ташлангандек эди. У Лопатин излаб топган валерьянкани — буни ўзига эмас, бошқалар учун ҳар эҳтимолга қарши уйда сақларди — рад этиб анчагача даҳшатли равишда фарёд чекди. Лопатин унга бир стакан сув тутганди, бир силтаб қўлидан тушириб юборишига сал қолди ва дастрўмол узатганда шиддат билан қўлини итариб ташлади. Шунда у онанинг тепасида бу қанча давом этишини билмай довдираганича тураверди.

Она бир сўз демай дам бошини кўтариб, дам тиззасига уриб нола қилди-да, буларнинг ҳаммаси қандай бошланган бўлса худди ўшандай тез, тўсатдан, бир дақиқада тугади. У ўрнидан туриб эшикни ҳам ёпмай чиқиб кетди, Лопатин эса нима қилишини билмай, унинг йўлак бўйлаб ошхона томон кетаётган қадам товушини эшитиб турган жойида тураверди. Кейин бир минутча ҳеч нима эшитилмади ва шунда ортидан бориш-бормасликни ўйлаб иккиланиб турганида қайтаётганини эшитиб енгил нафас олди.

У қўлида чойнак билан хонага қайтиб эшикни беркитди-да, Лопатинга қарамай стол устида турган электр плитага тиқинни суқди, устига чойнакни қўйди, кейин идиш-товоқлар жавони ёнига бориб иккита пиёла билан тақсимча олди, тортмасини титкилаб иккита кичкина қошиқ топди-да, тақсимчага солиб, ҳаммасини столга қўйди. У қилаётган ҳамма ишда нажотбахш одат — яшаш истаги бор эди. Гўё бу унинг учун энг асосийси

ва заруридек шуларнинг ҳаммасини бажариб бўлиб у Лопатиннинг рўпарасига ўтириб деди:

— Мана шунақа!

— Мен буни телеграммадан билиб қолдим, мени редакцияга чақиртириб телеграммани кўрсатишди.

У ҳеч нима демади, Лопатин унга телеграммани нақл қилгунча ва қандай қилиб унинг ўғли билан фронтда учрашиб қолгани, ўғли қаёққа бормоқчи бўлгани ҳамда Лопатинни аэродромда кузатар экан, сўнгги дақиқада «виллис» устида туриб, пилоткаси билан қўлини боши узра силкитгани ҳақида гапириб бергунча индамай эшитиб ўтирди.

Лопатиннинг овози титраб кетди, она бўлса унга қарамай, бир оғиз ҳам гапирмай ўтирди. У кўзларини юмиб — ким билади дейсиз, балки ақл бовар қилмайдиган даражада ўғлидан жудо бўлганини хаёлига сиғдирилмай жиддий қиёфада ўтирарди.

Шунда Лопатин унга назар ташлаб, ўлимнинг муқаддимаси қанчалик қисқа бўлса, унинг хотимаси шунчалик даҳшатли бўлишини ўйлади. Тасодифийликнинг бир дақиқали даҳшати кейинчалик хотирада шафқатсизларча узоқ йилларга чўзилиб кетади. Рўпарасида ўтирган бу кекса аёл энди нима билан яшасин? Одамларга «салом» ва «хайр» дейиш одати, эрталаб магазинларга бориб навбатда туриш, кечқурун эса чой ичиб ўтириш, тунда ухлаш, эрталаб ўрнидан туриш одати биланми? Қўнғироқ товушини эшитиб ортида ҳеч ким йўқ ва агар кимдир келиб эшик ортидан қўнғироқ чалганда ҳам, барибир, кимдир келади-ю, аммо ўғли келмайдиган эшикни очиш учун йўлак бўйлаб бориш одати биланми?

Лопатин бунақа воқеа унга эмас, балки ўзининг бошига тушишини, энди ҳеч кими қолмаслигини ва энди унга ҳеч ниманинг ҳожати йўқлигини кўз олдига келтиришга уриниб кўрди. Шунақа бўлиб қолган тақдирда чаккасига тўшпончани тираб ўқ узиш яхшироқ бўлишини ўйлаб, Никанинг отасини эслади. Хўш, агар унинг отаси каби мана шунақа — умуртқаси синган, қўл-оёқлари кесиб ташланган — бўлиб қолган тақдирда ҳам чаккасидан ўқ узиши яхшимиди? Балки, шуниси маъқулдир? Лекин қандай бўлсанг шундай қолмай, бошқача бўлиб қолишинг мумкинлигини олдиндан қандай билақоласан? Сен бу ҳақда ҳозир ўйлаётганинг маълум: аммо ўшанда бу ҳақда нималарни ўйлашингни

қаёқдан биласан? Одам ўзи маҳрум бўладиган ҳамма нарсани олдиндан тасаввур қилиши мумкин, бироқ ўзида қоладиган нарса ўшанда қандай қийматга эга бўлишини олдиндан тасаввур қилолмайди.

— Мен унинг олдига бормоқчиман,— деди Гурскийнинг онаси.— Уларни билмадим-у, аммо сиз Боряннинг хотираси учун менга шу масалада ёрдам берасиз. Менга айтиб берганларингиздан бошқа ҳеч нимани билмайсизми? Агар яна бирор нимадан хабардор бўлсангиз, ҳайиқмай айтаверинг.

У бошини чайқади:

— Қайтиб келганимдан кейин кўрганларимнинг ҳаммасини сизга айтиб бераман.

— Қачон қайтасиз?

Ўзи ҳам хаёлан ҳисоблаб чиққанди-ю, аммо уни қанчалик орзиқиб кутишини ўйлаб, ҳар эҳтимолга қарши икки кун қўшиб деди:

— Етти-саккиз кундан кейин қайтаман. Азонда учиб кетяпман, лекин эртага редакциядан сизникига ўртоқларимиз келишади.

У бегонасираб қўлини силтаб қўйди-да, хаёлига берилиб бир минутча индамай ўтирди, кейин Лопатиннинг учиб кетишини, бу тез орада, бир неча соатдан сўнг бўлишини ўйлаб ташвишга тушиб қолди. Ўрнидан туриб, ҳамон қайнамаган чойнакнинг қопқоғини дам очиб, дам ёпиб, плиткаси кучсиз эканини, Боря симини алмаштирмоқчи бўлганини айтиб, тилини тишлаб қолди ва бошини қуйи эгиб, бир нафас сукут сақлади-да, сўнг ўзини енгиб Лопатинга боқди:

— Ҳамма ишларингиз яхши, тунайдиган жойингиз ҳам бор, шундайми?

— Ҳа.

— Боря энди сиз одамлардек яшашингиз лозимлигини менга айтувди. Аёл сизни кутмай кетиб қолади-ми, деб ниҳоятда хавотир олганди. Кетмабдими?

— Йўқ, кетмабди,— деди Лопатин бу саволдан ташвишга тушиб ва унда эзгулик ва саховатнинг тўлиб-тошиб ётганидан ҳайратланиб.

— Шундай экан, сиз унинг олдига бораверинг. Мана бу чойимнинг сизга ҳожати йўқ. Боринг, бораверинг,— такрорлади. Лопатин эътироз билдирмоқчи бўлгандек туюлди унга.— Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганида, ўзи учиб кетмоқчи бўлибдими, бошқа бировдан меникига боршни илтимос қилган, ўзи эса



қайтганидан кейингина меникига келган бўларди. Сиз чунки Боряни у сизни ниҳоятда ёқтиргандек жудаям яхши кўрасиз. Шу боисдан ҳам меникига ўзингиз келдингиз. Энди борақолинг. Барибир сиз билан ўтирсам ҳам хаёлим бутунлай бошқа жойда бўлади. Ҳозир плиткани ўйлаяпман, уни ўчиришим керак, кейин унутиб қўйишим мумкин.— У шундай деб тикинни суғуриб олди.— Кейин чойнакка сув қуяётганимда ошхонадаги чироқни ўчирдимми-йўқми, эслашим керак. Бошқа ҳеч нимани ўйлолмайман. Ҳозир сизни кузатиб қўяман-да, кейин ўчирган-ўчирмаганимни текшириб қўраман.

У йўлак бўйлаб Лопатин билан ёнма-ён эшиккача борди ва хайрлашиш олдидан Лопатин эгилиб унинг қўлини ўпаркан, она гўё уни бағрига босмоқчи бўлиб интилди-ю, аммо қучоқламади, яна ҳўнграб юборишдан ҳайиққан бўлса керак.

Ортидан эшик ёпилиб, у кўчани кесиб ўтар экан, шу уйнинг ҳозир қоқ-қоронги деразасига ўгирилиб қараб Гурскийнинг ғамгин ҳазилини эслади: агар Лопатинга бирор нима бўлса, у, Гурский унинг қизини қиз қилиб олади, агар аксинча бўлса, сени онам ўғил қилиб олақолсин, деганди.

Ушанда Гурскийнинг бу сўзлари галати чиққанидан кулиб қўяқолганди, ҳозир бўлса бу сўзларнинг замирида яширин бир илтижо— агар тўсатдан унга бирор нима бўлиб қолса, онасидан хабар олиб туриш илтимоси бўлганини ўйлаб қолди. Балки, шундайдир. Гурский ўлим ҳақида— на ўзининг, на бегоналарнинг— ўйлашдан ҳам, гапиришдан ҳам қўрқмайдиган ва эртами-кечми вафот этиши лозимлиги ҳақидаги фикр билан ҳеч келишолмайдиган одамнинг бу ёруғ дунёга умуман келмагани маъқул, деб такрорлашни ёқтирадиган кишилар тоифасидан эди.

«Унинг учун нима қилишим мумкин?— ўйлади Лопатин ўзича Гурскийнинг онаси ҳақида.— Ҳа, у ёқдан қайтиб келганимдан кейин, албатта, бирор нима қилишим мумкин. Қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан— шошилиш равишда ҳам, кейин ҳам, ҳар доим, зарур бўлиб қолганда. Хўш, ҳозир-чи? Ўзим қайтиб келгунимга қадар ягона удалайдиганим— бу, Ника қанчалик банд бўлса ҳам ундан эртага, балки индига ҳам бу ерга келиш учун вақт топишни илтимос қилиш. У албатта, шунақа қилади», деб ўйлади у Гурскийнинг ҳалок бўлганини телефонда айтганида Ника алам билан

додлаб юборган, редакциядан тўғри Гурскийнинг она-синикига боришини айтганда эса: «Албатта. Агар бирор нимада менинг ёрдамим лозим бўлиб қолгудек туюлса, қўнгироқ қил, мен ахир аёлман-ку...» деганини эслар экан.

«Ҳа, сен барибир аёлсан! — ўйлади ўзича Лопатин. — Юз берган воқеаларнинг ҳаммасини, бунинг бутун оғирлиги менинг зиммамга тушишини ҳам билиб мени кутиб ўтирибсан. Лекин редакциядан қўнгироқ қилганимда сенга айтишни истамаганимни ва телефон орқали айтолмаганимни билмайсан. Энди иккаламиз учун икки кун эмас, ҳатто бир кун ҳам йўқлигини, Гурскийни ўлдиришган жойга учиб кетаётганимни ва бунгача ҳаммаси бўлиб, уч соат, ҳатто уч соат эмас, ундан ҳам оз вақт бирга бўлишимизни сен билмайсан».

У борган сайин қадамни тезлатиб тунги Москва бўйлаб борарди, содир бўлган фожнадан, кутилаётган воқеалардан гангиб одимларди. У Никага ҳаммасини ўша ондаёқ айтмагани учун ўзидан нолимасди: юзмаюз тушунтириш мушукул бўлган гапни телефонда айтишнинг ҳожати йўқ. У Никага бор ҳақиқатни, у ёққа ўзи учиб боришини қаттиқ туриб талаб этганини, акс ҳолда бошқа одам бориши лозимлигини айтишини олдиндан биларди. Лекин, агар у қаттиқ туриб талаб этмаганида, бу ерда, Москвада Ника билан у эмас, балки бошқа одам қолган бўларди. У эса бошқа одам бўлишни истамайди. Мана шуни унга тушунтириши лозим эди, бу осон бўлмаслигини биларди. Агар унга ижозат бериб, ўзидаги аёллик аламини босишга куч топган тақдирда ҳам ўзидаги ваҳимани бартараф этишга мадори етармикан? Бундай вазиятда одамлар кеча биров ўлдирилган жойда сени ҳам ўлдиришлари мумкин, деб ўйлашади. Ўзи ҳам шу фикрда эди: ким билади, урушда ҳамма ишларинг жойида бўлаверадими-ю, кейин эса тўсатдан бир нимага дуч келиб қоласан... Бу фикр янги эмас, аммо сен тарк этиб жўнаётган ва ўзингдан хавотир олмаслигини тайинлаётган аёлнинг олдига бораётганингда жуда оғир гап.

Унинг ҳузурига шу фикрда бораётганди. Лекин гап бошқа мавзуга айланиб кетди, чунки Ника дарров Гурскийнинг онаси хусусида суриштираверди: ҳушидан кетиб қолмадими, ҳолидан хабар олиб туришларини қўшилларига тайинладими?

— У валерьянка ичадиган одамлар тоифасидан

эмас,— деди Лопатин,— Энг огири ортда қолди. Ўзимни гўё бориб уни ҳалок этгандек ҳис этяпман. Бундан баттари бўлиши мумкинми? Уруш бошланганидан бери тўртинчи марта шунақа иш билан шуғулланяпман. Сенга буни қандай тушунтиришни ҳам билмайман.

Бироқ Ника унинг ҳоргин чехрасини кўриб бирор нимани суриштирмади, фақат эртага у билан бирга Гурскийнинг опасиникига боришини айтди.

— Афсуски, иложи йўқ,— деди Лопатин.— Агар эртага бир амаллаб уникига борсанг яхши бўлади. Агар индинга ҳам борсанг— нур устига аъло нур! Бирга боришнинг эса иложи йўқ. Эрталаб у ёққа учиб кетаман, уни дафн этиш, буюмларини олиб келиш, у бошлаб тугатишга улгурмаган мақоланинг давомини ёзиш керак. Шу боисдан ҳам учинга тўғри келади.

— Қачон?— сўради у.

Ника буни мутлақо кутмаган бўлса-да, чиндан ҳам у ёққа учини зарурми ва нега энди, албатта, у учини лозимлиги ҳақида савол бермоқчи экани афтидан сезилиб турса ҳам бу саволни бермаслигини Лопатин биларди. Бунга на ўзининг ва на унинг вақтини ҳам, кучини ҳам сарфламайди.

— Самолёт соат еттида учади,— деди у.— Лекин узоқда. Мен ҳарбий чопарлар билан бирга улар учадиган аэродромдан жўнаб кетаман, у ёққа бориш эса сенга мумкин эмас. Соат бешдан ўн беш минут ўтганда бу ердан чиқиб редакцияга бораман, у ерда соат беш яримда машина кутиб туради. Ўшатдан жўнаб кетаман.

— Нега энди соат бешдан ўн беш минут ўтганда бу ердан чиқар экансан?— сўради у.— Ҳа, майли, у ёққа, аэродромга мумкин эмас экан, лекин редакциянгизга бориш мумкиндир?

— Мумкин-у, лекин...

— Нимаси лекин? У ёққа неча кунга кетяпсан?

— Йўлни ҳам ҳисоблаганда беш, кўни билан олти кунга,— деди у кўнглидагини айтиб.— Қопчиқни олмайман, фақат шу ердаги чамадонни олакетаман. Кичикрогини олсам ҳам бўларди-ю, унда уйга боришга тўғри келади-да. Уйда у-бу ишларни қилиш лозим эди, аммо вақтни бой бергим келмаяпти.

— Бой беришингга ҳам қўймайман-да,— деди Ника.

— Ҳа, албатта,— деди у.— Тўғри. Аммо мен чамадонни назарда тутаётганим йўқ...

У кундаликнинг сўнгги дафтари бор дала сумкаси

ётган деразанинг токчаси ёнига келди. Ефимов ҳақида ёзилганлардан бошқа дафтарда яна бир неча тоза варақ қолган, дафтарни тўлдириш эса унинг одати эди: аммо бу сафар у одатига хилоф иш тутди, дафтарни сумкадан олиб Никага узатди.

— Бу менинг ҳарбий кундалигим. Олдин ёзганларимнинг ҳаммаси у ерда, Гурскийникида. Илгари муҳаррирда эди, кейин у жўнаб кетаётганида Гурскийга берибди. Қайтиб келгунимча ўша ерда ётаверсин. Бунга эса яна у ёқ-бу ёққа олиб юрмаслигим учун қайтиб келгунимча шу ерда, Зинаида Антоновникида бирор жойга яшириб қўй. Қайтиб келгунингча мен аллақачон Москвада бўлман ва сизларни кутиб олиб ўзимизникига олиб бораман... Тошкентдаги уй-жойинглари нима қилмоқчисан? Уни сотасанми?

— Сотиш — харид қилиш эмас. Ҳали билмайман. У ёқда бу ҳақда ўйлагандим, ҳозир эса — сен билан бирга пайтимда — ҳатто ўйлашни ҳам, гапиришни ҳам истамайман, — деди у қўлидаги дафтарни қисимлаб. — Уни бу ерда қаёққа қўйсамикин? Шундай қилиш керакки... — Гўё бу ҳаммасидан кўра ташвишга солаётгандек эди. — Аҳа, топдим. Бўпти. Бирор нимага ўрайман-да, ип билан атрофидан қавиб чиқаман, чунки бу ерда слим йўқ, кейин бу сеники эканлиги, унга тегмаслигини тайинлаб Зинаида Антоновнага хат қолдираман. Хавотир олма, йўқолмайди. Балки, яна бирор нимангни қолдирмоқчидирсан?

— Йўқ, бошқа ҳеч нарсани қолдирмайман.

— Чой бор. Икки марта иситгандим.

— Биласан-ку, ҳеч нимага иштаҳам йўқ, ҳатто чойга ҳам.

У чиндан ҳам бирор нимани истамасди ва аллақандай паршон бир ҳолда турарди. Бошқа, янада каттароқ қайгу-алам таъсирида ўзининг гам-гуссасини ичига ютган-у, ҳозир эса ўша гам-гусса оҳисталик билан қайта ўзлигини намоён этмоқда эди.

— Ҳеч нимага иштаҳам йўқ, — такрорлади у.

Улар Зинаида Антоновнанинг ётоқхонасида, йиғиштирилмаган-у, лекин усти ёпиб қўйилган каравот ёнида туришарди: аёлнинг остидан ёстиқ билан чойшабнинг учи кўрниниб турарди.

Ника ўгирилиб, бугун аввал ёруғда, кейин эса қоронғида вақтни санаб берган тебранғичли қадимги

соатга қаради. Ҳозир хона чирогдан ёруғ бўлиб, соат рошпа-роса учни кўрсатиб турарди.

— Ўринга чўзилақол, — деди Ника. — Ҳали икки соат вақтинг бор. Ечиниб ётақол. Ёки, агар истасанг, ечинмай ётавер, этигингни тагига бирор нима қўярман. Ётиб озгина бўлса ҳам мизгиб олишга ҳаракат қил. Рўйи-рухсорингга қараб бўлмайди. Мен сени ҳали бу аҳволда ҳечам кўрмагандим. Лекин, яхшиси, ечиниб ётақол. Сенга, албатта, уйқинг келмайдиганга ўхшаб туюлаяпти-ю, аммо ухлаб қолсанг ажабмас. Ҳарҳолда икки соат вақт бор. Ечиниб ётавер. Мен сенга чой қуйиб келаман. Ҳозир ичгинг келмаса, беш минутдан кейин кўнглинг тусаб қолади. Ҳозир олиб келиб мана бу ерга, ёнингдаги стулга қўяман, олиб ичарсан.

Мана шунақа, ҳеч нимани суриштирмай ва Лопатин унинг олдига келаётганида тушунтирмоқчи бўлган гапларни айтишга мажбур қилмай юмшоқлик билан, лекин қатъий равишда унинг чекига тушган ўша икки соатдан қандай фойдаланишни белгилаб чиқди.

У ҳам каравотда ўтириб мажолсизлик билан гимнастёркасини ечиб, камар ва тўпшончаси билан бирга ўриннинг ёнгинасига, полга ташлар экан, ҳеч бўлмаса онда-сонда, ҳеч бўлмаса мана шунақа дақиқаларда кишига ёлғиз қолмаслик лозимлигини хаёлидан ўтказди.

## — 22 —

Лопатин ҳарбий чопарлар билан учаётганидан хурсанд эди: чопарларнинг самолёти йўлда камдан-кам тутиб қолинади.

Аммо моторларнинг биридан мой оқиб кетиб, самолёт фронт штабидан деярли икки юз километр беридаги бомбардимончи самолётлар аэродромига қўнди.

Чопарлар авиация дивизияси командиридан ялиниб-ёлвориб унинг шахсий У-2 самолётини ундиришди-да, иккови жойлашиб олиб — бош штаб почтасини якка-якка ташиш мумкин эмасди — фронт штабига учиб кетишди. Лопатин эса аэродромда қолди. Агар У-2 уч соатда қайтиб келса кундузги вақт яна бир марта бориши учун имкон беришини ҳисоблаб чиқиб Лопатин дивизия командирига учрашганди, лекин полковник эшитишни ҳам истамади.

— Агар имкон бўлганда ҳам, нима, ўзим чумчуқ қўриб ўтирайми? Агар тўсатдан бирор жойга учишим лозим бўлиб қолса, бомбардимончи самолётдан фойдаланайми? Икки ойлик ҳужумлардан кейин ёқилги масаласи, биласизми, қандай? Бугун тунда полклардан бирига, барибир, ёқилги келтиришмади, улгиришолмади, эрталабдан иккита полкни учириш мумкинлиги, биттасининг иложи йўқлиги ҳақида ахборот беришга тўғри келди. Сизларда қандай, бунақа пайтда бошлаб сўкасизларми?

— Сўкмаганда ҳам, — деди Лопатин, — шунга ўхшаш бир нима дейилади...

— Сизларда бир нима дейилади, бизда эса рўй-рост сўкилаверилади. Фронт орти ёмон ишляпти деёлмайман, бизга юқоридан яққол кўриниб туради — машиналар барча йўллар бўйлаб худди чумоли каби у ёқдан бу ёққа бориб-келади, гўё имиллаётгандек бўлади-ю, лекин аслида кеча-кундуз иложи борича елиб-югуради. Бизга келаверишдаги айрилишда иккита «студебеккер» ағдарилиб ётибди. Шофёрлардан бирининг кўзи илиниб қолибди, бошқаси эса ортидан келиб шунақаям урилибди-ки, натижада иккаласи ҳам уч марта думалабди! Ўша жойнинг ўзида дафн этишибди. Рулда ухлаб қолишади. Бизни сўкишади, биз сўкамиз — беш юз километр йўл босганингдан кейин нима ҳам қилолардинг...

Полковник яна бир оз гаплашиб юрагини бўшатиб олгач, Лопатиндан фронт штабига қандай етиб олмоқчи бўлаётганини сўради.

— Бирор йўли топилиб қолар. Нарироқдаги тошйўлга чиқиб илтимос қилиб кўраман.

— Унда сизга «виллис»ни бериб тураман, тошйўлгача олиб бориб қўяди, — деди полковник. — Фронтга йўл олаётган автоколонналарга тўхташ таъқиқланган. Аммо, агар, «виллис»да туриб қўл кўтарсангиз тўхтаса ажаб эмас!

Ўн минутдан кейин Лопатин тошйўлда бир чеккада бурилиб олган «виллис»да қўл кўтариб турарди.

Фронт томон кетаётган усти брезент билан ёпилган машиналарнинг дастлабки колоннаси тўхтамай ўтиб кетди, аммо орадан кўп ўтмай снарядли яшиқлар ортган иккинчи колонна кўринди. Олдиндаги машина тормоз берган эди, ғижимланган погонларида интендантлик белгиси кўриниб турган кекса лейтенант кабинадан бошини чиқарди:

— Нега тўхтатяпсиз? — жаҳл билан сўради у.

Олдиндан тайёрлаб қўйган буйруқнома билан гузоҳномасини Лопатин унга узатиб, ўзини Гродно-Каунас чорраҳасигача, агар ундан олдин бурилиб кетилса — ўша жойгача элтиб қўйишни илтимос қилди.

— Майли, — ҳужжатларни тез, лекин диққат билан кўриб чиққан лейтенант гўё майдонда юргандек баланд овоз билан чақирди: — Никифоров!

Учинчи машинадан ҳайдовчи бошини чиқарди.

— Майорни ёнингизга олинг! Тезроқ бўлақолинг! — Бу энди Лопатинга айтилганди. У қўлида чамадонни билан учинчи машинага югуриб боргунча олдиндаги машина ўридан қўзгалди.

Лопатин машинанинг зинасига сакраб чиқиб ўзини ўридиққа ташлади ва чамадонини оёғи остига қўйиб эшикни ёпди.

Унга урушга турли вазиятда кириб боришга тўғри келган: имтиёзли равишда, машинасида суҳбатлашиб бораётган ёки ухлаётган бошлиқлар ортида ўтириб ҳам; ўз ҳолича, редакция «эмка»сининг олдинги ўриндигида немисларнинг ёнига бориб қолмаслик учун қўлида харита билан ҳам; мана бунақа йўловчи машиналарда ҳам.

Шофёр — соқол-мўйлови ўсиб кетган ёшгина солдат рулнинг чамбарагига маҳкам ёнишиб, олдиндаги машина бортидан қўз узмай бораркан, дастлабки ярим соат мобайнида Лопатинга бирор марта ҳам қарамади. Кейин, қаддини ростлаб, қотиб қолган елкасини ўридиқнинг суянчиғига ишқаб бўлганидан сўнг ўгирилиб сўради:

— Сиз, нима, бизнинг қисмимизданмисиз, ўртоқ майор?

— Йўқ, сизникидан эмас.

— Мен бўлсам бизникидан, деб ўйлабман. Бизнинг лейтенант ҳар қандай одам қўл кўтарса ҳам ҳеч кимни машинага олдирмайди. Машинани тўхтатмайди. Бизга ҳам таъқиқлаб қўйган. Трибуналга беришдан ҳам тоймайди. Сиз қайси томонга кетяпсиз?

— Агар йўлингиз бўлса, унда Гродно-Каунас чорраҳасигача.

— Ундан ҳам ўтиб кетамиз, — деди шофёр асабий равишда эснаб. Шунда Лопатин йўлнинг ёнбағрида аганаб ётган, пачағи чиқиб кетган ўша иккита «студебеккер»ни эслади.

Дастлабки икки соат мобайнида улар ёруғда кетишди. Аввалига куёш қиздирди, кейин ёмғир ёғиб йўлни сирпанчиқ қилиб қўйди.

Қисман одати бўйича, лекин кўпроқ бошқа масалада, ўзига тегишли нарсаларни ўйламаслик учун Лопатин шофёрни суҳбатга тортмоқчи бўлди. Бироқ у камгап чиқиб қолди, саволларга қисқа-қисқа жавоб берарди: овқат хусусида — овқат етарли-ю, ammo кўпроқ қуруғидан бўляпти; чекимлиқ масаласида — дам бўлади, дам бўлмайди, ҳозир эса бор; йўл борасида — йўлларга чидаса бўлади, бундан бешбаттарларини ҳам кўрганмиз. Тўйиб ухламасликни Лопатин суриштириб ўтирмади — аини шу нарса кўпроқ қийнаётгани шундоғам кўриниб турарди.

Қоронғи тушганда машинанинг кичик чироқларини ёқиб бораверишди ва чамаси бир соатдан кейин олдинда бораётган автоколоннага етиб олиб анчагача туриб қолишди.

Лопатин тикилинчга дуч келиб қолдикмикан, деб ўйлаганди, лекин, чорси орқали, йўлни тўсиб шатакка олинган оғир артиллерия ўтаётган экан.

Машина тўхташи билан ҳайдовчи рулга бошини қўйиб уйқига кетди.

Лопатин машинадан тушиб, чекиб олиш учун гугурт ёқаркан, ёнгинасида овоз эшитилди:

— Учирманг, тутатиб оламан.

Ўчаётган гугурт ёригида колонна бошлигининг қаримсиқ ва ҳорғиқ чехраси кўринди.

— Ҳа, сизларга оғир, — деди Лопатин фақат жавобини эмас, балки буни тасдиқлашини кутиб. Ammo тасдиқ ишораси бўлмади.

— Нега бизга оғир бўларкан? — деди лейтенант. — Аксинча, бизга осон. Немислар бомбардимон қилмаяпти, бир ой ичида ҳаммаси бўлиб атиги икки марта бомбардимон остида қолдик: битта одамимиз ҳалок бўлди, учтаси яраланди — талафотимиз шу холос! Талафот кўрмасанг — оғир бўларканми? Талафот кўрганингда оғир бўлади. Бу у ёқдагиларга оғир, — лейтенант боши билан ўзлари бораётган томонга ишора қилди. — У ёқда ҳали бўлганингиз йўқми, энди кетяпсизми?

— Бўлганман.

— Ундай бўлса ҳаммаси ўзингизга маълум. Бирор нима ёзиш учун кетяпсизми?

Лопатин урушда кўп марталаб эшитишга тўғри



келган, яъни, сиз, мухбирлар нуқул бир хил нарсани ёзаверасизлар-у, бошқасини эса — масалан, одамлар куну тун олдинги маррага снаряд ташиётгани, қайтаётганда эса ярадорларни олакелишаётганини — сизлардан кутишнинг ҳожати йўқ, деган гапни кутиб боши билан тасдиқ ишорасини қилди...

Аmmo, маълум бўлишича, лейтенантни бутунлай бошқа нарса ташвишга солган экан.

— Колоннанинг бош томонига борувдим, — деди у, — бизни ўтказиб юборишга кўндираман, деб ўйлагандим — эшитишни ҳам исташмаяпти! Бу қанақаси — жанговар қисм бизни автоколоннамиз ўтиб кетгунча кутиб ўтирармиш-а! Биз бу ерда кутяпмиз, бизни эса у ёқда кутишяпти! Снарядсиз қойил қилиб урушолмайсан! Агар сен полковник бўлсанг, мени бу ерда «смирно» ҳолатида тургазиб қўй, у ёқда, жангда эса снарядсиз қолганигда немисни «смирно» ҳолатида тургазиб қўёлмайсан! Биз снарядларни олиб бормагунча кутиб ўтиравер!

— Росмана хизматда қандай вазифани бажарардингиз? — сўради Лопатин лейтенант шу ёшида фақат росмана хизматдаги юмушини бажаришини англаб.

— Шу ерда нима қилаётган бўлсам, шуни бажарардим, — деди лейтенант. — Магниткада автобазага мудирлик қилганман. Икки юзта автомашинам бор эди. Албатта, урушдан олдин. Ҳозир у ерда бунинг ярмиси ҳам йўқ. Бунинг устига, ҳаммаси эски-туски — яқинда ўртоғимдан хат олгандим. Уша ёзибди. Фронтга юборишларини илтимос қилганимда, ҳаммасидан кўра оғирроқ участкага кетяпман, деб ҳисоблагандим-у, аксинча, енгил ишга дуч келиб қолдим. Хатнинг мазмунидан шуни тушундим. Яна олдинга бориб кўрай-чи, нималар бўлаётганийкин? — У папирос қолдигини ерга ташлаб пошнаси билан эзгилади-да, машиналар ёқалаб қоронғилик қаърига, шатак машиналари ҳамон гумбурлаб ўтаётган жойга йўналди.

Лопатин ҳам чекиб бўлиб, яна машинага чикди, эшигини ёпиб мизғиб олиш мақсадида бурчакка яхшилаб ўрнашиб олди. Лекин уйқиси келмади. «Ҳа, — деб ўйлади у. — «уруш» ҳамма учун бир оғиз сўз, лекин ундаги қисмат, эҳ-ҳе, қанчалик ҳар хил. Агар уруш ва ўзи хусусида мана шу лейтенант каби фикр юритилса, кимларгадир таққослаб бўлмайдиган даражада машаққатли, кимларгадир беқиёс енгил. Гарчи орамизда

ҳали уруш тугамай, бир-бирини лақиллатиб ўтирганлар бўлса ҳам. Бундайлар тўрт қўллаб ўзларига шон-шухрат яратиб ўзаро бўлиб олишади. Улар валақлашиб ўтиришганида яна кимдир бу оламдан кўз юмади, яна кимдир эса...»

У мизғиёлмагани учун жаҳли чиқарди ва истиқболга шошилаётган оғир йўқотиш аламини борган сайин кескинроқ ҳис этабошлади.

Операциядан кейин, наркознинг таъсири кетиб оғриқ кучайганда мана шунақа бўлади. Лекин унда тананг оғрийди, бунда эса қалбинг...

Ҳаёт пайтида таниган дастлабки танишини у Халхин-голда дафн этди. Иккинчисини фин урушида нариги дунёга кузатиб қўйди. Кейин эса шу билан бошланиб кетди: урушдан аввал танигани ҳам, бирга юрганлари ҳам, хузурига борганлари ҳам...

У Симферополь йўлида Велихов ва шофёр билан уч кишилашиб дивизия комиссари Пантелеевни қонли асфальтдан кўтариб машинага солишганини эслади. Ушанда икки киши танаси билан бутун қолган чан қўлидан, ўзи эса ҳали қони қотмаган оёгидаги ҳароратни сезиб тиззасидан кўтарганди.

Гурский эса ўшанда, қирқ биринчи йилнинг кузида уни Москвада редакцияда учратиб, у ёқда, Қримда Пантелеевга нима бўлганини батафсил суриштирганди.

Ҳар қандай одам тириклигида бирор нимага улгуролмай қолади. Уни эслаганинда, шунисини ҳам ўйлаб ачиниб қўясан. Гурский ўзининг келажаги хусусида деярли ҳеч қачон гапирмаганди. Аксинча, ўзини фақат бугунги кун билан яшаётгандек қилиб кўрсатишни хуш кўради. Аммо келажак ҳақида, албатта, ўйлаган ва ниманидир орзу қилган.

«Ким билади, балки, ҳатто менинг ҳам хабарим бўлмаган бирор нима ёзган бўлса-чи? — деб ўйлади Лопатин. — Кундаликларим ёзилган менинг дафтарим унинг уйида ётибди. У эса, балки, нимадир ёзгану бу ҳақда ҳеч кимга билдирмаган. Ҳатто мен ҳам унинг ёзганлари қаердалигини билмайман».

Ҳаётда фақат битта нарса — у ҳам бўлса ўлган одамни тузатиб бўлмаслик албатта, бемаънилик. Ҳаётда тузатиб бўлмайдиган нарсалар, тўғрироғи, бошқача қилиш мумкин бўлган нарсалар кўп-у, аммо вақт ўтганди. Лекин, барибир, ўлган одамни тузатиб бўлмаслик аниқ. Кимнингдир ҳаёти сенинг ҳаётингнинг бир

бўлаги ҳисобланса — агар муболағасиз, дарҳақиқат шундай бўлса — унда бундай одамнинг ўлими сенинг ўлиминингнинг бир бўлаги ҳисобланади. Сен ҳали тириксан, лекин сендаги бирор нима ўлган ва энди қайта тирилмайдиган бўлади. Сен ўзингни бус-бутун одам қилиб кўрсатишинг мумкин. Чунки қалбингдан юлқиб олингани — бу қўл ёки оёқ эмас ва унинг юлқиб олингани ҳеч кимга кўринмайди.

Олдинда шатакка олинган сўнги тўп гумбирлаб ўтди-ю, шофёр уйғониб рулнинг чамбарагидан бошини кўтарди.

Колонна йўлга тушди.

— Кўп туриб қолдикми, ўртоқ майор? — сўради ҳайдовчи.

— Анчагина турдик, бир соатдан кўп.

Ярим соатча индамай кетипди. Бошқа хаёллар билан чалғиб кетмаслик учун Лопатин фронтга неча марта борганини санашга киришди: ҳаммаси бўлиб неча соат ва неча кун машинада — ўзиникида ҳам, бегоналарникида ҳам, мана бунақа йўл-йўлакай ҳам — юрганини ҳисоблади. Ҳисоблаб-ҳисоблаб адашиб кетди, Халхин-голни ҳам ҳисоблаганда машинада юрган вақти ҳақиқатга тўғри келмайдиган даражада кўп чиқди.

— Нега сукут сақлаб ўтирибсиз, ўртоқ майор? Бирор нима денг, акс ҳолда кўзим юмилиб кетяпти, — деди қўққисдан ҳайдовчи.

Лопатин чекиб олди-да, Мўғулистон ҳақида гапириб берди: қанақанги теп-текис дашт экани, фақат аҳён-аҳёнда шўрхок минтақа учраб туриши, агар шулар бўлмаса ҳеч қандай йўлсиз исталган томонга худди стол устида юргандек етиб бориш мумкинлигини, у ёқларда турфа ранг оқшомлари ҳеч нима билан таққослаб бўлмаслигини, сувнинг қанчалик камлиги, жазирамада кўзингга уфқда қўл, унинг ортида ўрмон кўрингандек бўлишини айтди.

— У ёқда қанақанги уруш бўлганидир? — сўради ҳайдовчи. — Биз бу ҳақда деярли ҳеч нимани эшитмагандик.

Унга Халхин-гол хусусида ҳозирги тушунча бўйича қисқа, у пайтда эса, аксинча, жудаям чўзилган — май ойдан сентябргача, бутун ёз бўйи давом этган унча катта бўлмаган қонли уруш ҳақида гапириб беришга тўғри келди.

Яна икки марта — биттаси йўл тиқилинч бўлгани-

да, иккинчиси айланиб ўтиш йўлида — тўхталгандан кейин саҳар пайтида Гродно-Каунас чорраҳасига етиб келишди.

Лопатин чамадонини олиб, чорраҳада бир неча дақиқа тўхтаган машинадан тушиб қолди.

Шинелининг поғонида сержантлик белгиси, елкасида милтиғи бўлган кўча ҳаракатини тартибга солувчи киз кўринишидан ўзига озор етказишларига қараб турадиганлардан эмасди: гавдали, чеҳраси жиддий, кўзлари чақноқ — қани, белгиланган тартибга мувофиқ мурожаат қилмай кўр-чи, дарров адабингни бериб қўяман! Лекин Лопатин унга белгиланган тартибга риоя этиб мурожаат қилди-да, тошйўл бўйлаб ўнгга, шимол томонга кетаётган бирон машинани, иложи бўлса, бошлиқ ўтирган бирорта «виллис»ни тўхтатиб беришни илтимос қилди.

— Қанчалик каттароқ бошлиқ бўлса, мени шунчалик узоқроққа элтиб қўяди! — қўшимча қилди у кулиб.

Бу жўнгина ҳазилми, Лопатиннинг ёшими ёки у шахсий гувоҳномасини олмоқчи бўлиб шинелининг тугмасини ечганда кўриб қолган орден ва медаллар лентасими — ҳар ҳолда бирор нима йўл хизматининг жиддий сержантини унга нисбатан илтифот кўрсатишга ундади. Қиз унга жавобан жилмайиб қўйганди, поғонли шинель кийган ўн тўққиз ёшли қизчанинг ўзи бўлди-қўйди.

— Хўп бўлади, ўртоқ майор, сизга каттароқ бошлиқлардан бирини тўхтатиб бераман. Агар бирдан генерал учраб қолса қўрқмайсизми?

— Қўрқмайман. Мен ҳарбий киши эмасман.

— Шунча мукофотларингиз бўлатуриб қанақасига ҳарбий бўлмас экансиз, ўртоқ майор?

— Буларни менга узоқ муддат хизмат қилганим учун беришган. Менинг ёшимда ҳеч нима тақиб юрмаслик ноқулай бўлади. Мана шу сабабли беришган!

Ёнларидан бир неча юк машинаси ўтди-ю, аммо «виллис»дан ҳозирча дарак йўқ эди.

— Балки юк машинасини тўхтатиб берсаммикан, ўртоқ майор? — сўради йўл ҳаракати бошқарувчиси. — Вақт эрта, бошлиқлар ҳали камроқ йўлга чиқадиган пайт. Бир соатлар чамаси кутиб қоласиз-да.

— Биринчи келганини тўхтатаверинг, — деди Лопатин унга тикилиб ўзининг қизини ўйларкан.

— Нега менга ғалати қараянсиз, ўртоқ майор? —

сўради у гўё Лопатиннинг олдида гуноҳ бир иш қилиб қўйгандек хижолат чекиб.

— Ёшингиз нечада? Ўн тўққиздами?

— Ўн тўққизда.

— Кўпдан бери урушдамисиз?

— Иккинчи йили.

Лопатин ҳамон қизини ўйлаб хўрсиниб қўйди: фронтга боришга улгурармикан ё улгурмасмикан?

— Қаерлик бўласиз?

— Кўчириб оборилган жойда эдим. Семипалатинск яқинидаги совхозда ишладим. Ўша ердан армияга келдим. Ўзим асли Смоленск областидаги Пнёв районининг Пнёв қишлоғидан бўламан. Қирқ биринчи йилда шу ерда кечув жойи бўлганди — Соловьев кечуви — балки биларсиз?

— Билганда қандоқ! — Лопатин ўша пайтда нақ дўзахнинг ўзи бўлган Соловьев кечувини эслади.

— Биз ўша ердан қўшинларимиз билан бирга чекиндик. Санитаркаликка қабул қилишларини сўраб ҳатто ўзимни бир ёш катта қилиб кўрсатсам ҳам ўшанда мени олишмаганди. Кейин ахийри ўн саккиз ёшга тўлганимдан сўнг Семипалатинскда ҳарбий комиссариатга учрашган эдим — қабул қилишди. Ҳозир менга айрим одамлар йигирма бир, йигирма икки ёш беришади. Ёшинга нисбатан каттароқ кўринасан, дейишади.

— Тегажоқлик қилишади-да. Ёшингизга монанд кўринишдасиз, шундай экан, хафа бўлаверманг.

— Хафа бўлмайман-у, фақат...

Гапи оғзида қолди. Яқинлашиб қолган юк машинасини кўриб, йўлнинг ўртасига чиқиб, уни тўхтатди.

— Кўча ҳаракати бошқарилаётган кейинги постга-ча сизни етказиб бошқа томонга бурилиб кетаркан. Хўш, кетаверасизми ё қоласизми? — юк машинаси ёнида кабинанинг очиқ эшигини ушлаб туриб сўради у Лопатиндан.

— Кетавераман. — У уйдим-чуқур асфальтдан чамадонини олиб юк машинаси томон юрди.

— 23 —

Ўша куни эрталаб унинг омади юришмади. Фронт штаби бўлган жойга, аниқроғи, бу ёғига машиналар ўтказилмайдиган кўтарма говга тушдан кейин ахийри етиб келгунча, у яна уч марта машина кутишига, уч

марта у машинадан бунисига ўтиришга тўғри келди.

Бундан атиги уч кун аввал, ўн еттинчида, эрталаб соат бешда қовоғини уйган Василий Ивановичнинг ёнида ўтириб бу ердан жўнаб кетганига ақл бовар қилмайди. Ўшанда уйқи аралаш эснаган Гурский панжасининг ёни билан унинг елкасини муштлаб:

— Эҳтиёт б-бўл, совқотиб қолма. Эсингда бўлсин, энди сенинг ўпканг т-тешик ўпка!— деганди.

Кўтарма ғовдан оператив бўлинмагача бир ярим километр ва қайтишда яна шунча одимлашга тўғри келди.

— Бизга кечаёқ у ёқдан сизни армияга олиб кетиши лозим бўлган машина билан армия сиёсий бўлинмаси бошлиғининг мактуби келганди,— деди Лопатинга оператив бўлинма навбатчиси.— Машина билан унинг ҳайдовчиси мазгилда туришибди— сиз унинг қаердалигини биласиз, аввалги жойи дарахтзорда, ўша ердан топасиз.

Штаб ошхонасига бориб овқатланишни таклиф этишса ҳам Лопатин тушлик қилмади— вақтни бой бергиси келмади. Дарахтзорга дарров етиб бориб бошқа машиналар орасидан редакциянинг «виллиси»ни осонгина топди. Василий Иванович кўринмасди: бошқа шофёрларнинг айтишига қараганда, кутиб-кутиб ҳозиргина тушлик қилгани кетибди: демак, энди уни чамаси бир соат кутишга тўғри келади. Лозим бўлганида суткалаб қўлини рулдан олмаслиги мумкин, лекин, агар иложи бўлса, овқатни иссиқлигида еб олиш имкониятини қўлдан бермасди ва шошилишни ҳам ёқтирмасди.

Лопатин «виллис»нинг орқа ўриндиғига жойлашиб, бошига шинелини қўйди ва эшигини очиб қўйиб оёғини чўзиб юборди-да, кўзларини юмди.

Қуёш қиздирар, боши узра дарахт шохлари шабадада чайқалар, барглар сояси унинг юзида рақсга тушарди.

У машинанинг сигналдан уйғониб кетди. Василий Иванович рулда ўтирган экан.

— Олдинга ўтиб ўтирасизми ёки шундоқ кетаверасизми?— ўгирилиб сўради у гўё бир минут олдин кўришгандек.

Лопатин тепага қараб, боши узра чодир тортилганини кўрди— демак, Василий Иванович раҳми келиб унга бир неча минут кўпроқ ухлаб олишга имкон берибди. Аввал чодирни тортган, ҳар сафаргидек йўлга чиқини

олдидан капотни очган, свечаларини кўздан кечирган, тўртала гилдиракни этиги билан уриб-уриб қўйган — ҳаммаси жойида эканига ишонч ҳосил қилганидан кейингина рулга ўтириб Лопатинни уйғотганга ўхшайди.

— Қиздирашти, — Лопатин чодирга қараб қўйганини сезиб деди Василий Иванович. — Хўш, бу ёққа ўтасизми?

Лопатин ўрнидан туриб шинелини қоқди-да, икки буклаб орқа ўриндиққа қўйди ва олдинга ўтиб ўтирди.

— Кетдик. Манзилга қанчада етамиз?

Бундай саволларни ёқтирмайдиган Василий Иванович елкасини қисиб қўйди. Бу, қанча юрсак шунчада етиб борамиз, беҳуда тўхтамаймиз, дегани эди.

— Қанчада етиб борамиз? — бу сафар унинг қайсарлигини енгмоқчи бўлиб сўради Лопатин.

— Бу ерга уч соатда етиб келувдик. Йўллар тор, айланиб ўтиладиган жойлар кўп, шошилсак — ўзимизга қийин бўлади!

— Мен сизни шоширмоқчи эмасман, — деди Лопатин у ёққа на кеча, на бугун эрталаб етиб боролмаганини — у ерда дафн маросимини кунбўйи кутмасликларини ўйлаб. — Энди сиз билан менга шошилишнинг ҳожати йўқ.

— Ҳақ гап, — деди Василий Иванович, — шошилиб бўлдик. У шунақаям шошилди, шунақаям шошилди, янада тезроқ ҳайдашим учун фақат елкамга туртмади холос. Нимага шошилди, у ёқда нимани кўрмабди? Худди Клязьма каби оддий бир анҳор, бирор кўримли жойи йўқ — на бу томонида, на у томонида. Шошилмасам ҳам бўларди, орқа-ўнгига қараб олсам бўларди. Биринчи бўлсанг — майли эди-я! Ахир сен биринчи етиб бормадинг — солдатлар шундоғам нариги томонда бир суткадан бери ўтиришган экан. Йўқ, барибир, у етиб боришимиз билан дарров йўлга тушмаслиги лозим эди!

Гурскийнинг ҳалокати ҳақидаги Василий Ивановичнинг таассуф ва ўкинч аралаш ҳикояси мана шундан бошланди.

Маълум бўлишича, Лопатин тахмин қилганидек, улар аэродромдан фронт алоқа бўлимига боришибди-да, ўша ердан тўғри армия сиёсий бўлимига йўл олишибди. Аммо муҳаррирнинг ҳузурида — Василий Иванович ҳамон уни шундай атарди — узоқ қолишмабди, салкам бир соат бўлишибди. Гурский тушлик қилиб олишга ҳам имкон бермай Василий Ивановични муҳаррир

истиқомат қилаётган уй олдида йўлга шай ҳолда тутиб турибди ва ўзи ҳам на ўша ерда, на кейинчалик дивизияга кетилаётганда овқатланмабди— кунбўйи иккаласи туз тотмабди. Тунда полк штабига етиб боришгандан кейингина тамадди қилиб олишибди.

Иккаласи— муҳаррир ҳам, Гурский ҳам— уйдан бирга чиқишибди ва ҳар бири ўз «виллис»ига ўтириб ҳар томонга кетишибди.

Гурский ичкарида, муҳаррирникидан олиб чиққан харита бўйича йўлга чиқишибди. Ҳеч кимдан йўлни суриштиришмабди, фақат харитага қараб кетаверишибди, шу боисдан мўлжалдан кўра кўпроқ йўл босишибди, уч марта йўлдан адашиб, беҳуда вақт кетказишибди.

— У бўлса, бўлақол, ҳа бўлақол, дея команда беришни билади! Тўхтаб одамлардан суриштириш ўрнига ўн километр ортиқча йўл босишни афзал кўради. Ҳеч кимдан суриштирмайдиган одати бор, ҳаммадан кўра ўзини билагон ҳисоблайди,— жаҳл билан деди Василий Иванович гўё тирик одам ҳақида гапирётгандек.

Полкка етиб келишгач, бундан бу ёғи— Василий Ивановичнинг таъбирича— ҳаммаси рисоладагидек бўлибди. Гурский полк командири билан гаплашиб чиқиб, эртагача шу ерда қолишини, азонгача машинага эҳтиёж бўлмаслигини айтибди. Василий Ивановичга полк командири ўзининг солдатини қўшиб берибди. Биргалашиб машинага ёнилги солишга боришибди, хўжалик взводида овқатланишибди, шу солдат ва автоматчилар взводидаги бошқа солдатлари билан полк штаби жойлашган уй яқинидаги ничахонада ухлашибди. Эрталаб уйғонишгач, кеч эмас, балки соат еттиларда Гурский ҳалок бўлгани ҳақида қўнғироқ қилиб қолишибди. У билан яна уч киши: полк штабининг капитани, старший сержант билан солдат. Ярадорларни— қанча ва қимлигини— Василий Иванович билмайди. Ярадорлар ҳам бўлганини эшитганди-ю, лекин полк командири билан бирга унинг «виллиси»да ўша жойга етиб боришганда ярадорларни олиб кетинган, фақат ўлганлар қолган экан.

— Нима, полк командири у ерда Гурский билан бирга эмасмиди?— сўради Лонатин.

— Йўқ. Полк командири билан ўшоққа кетаётганимизда тунда яна аллақерда фавқулодда ҳодиса юз бергани ва ўзининг ўрнига Гурский билан капитани



юборганини айтиб, йўл-йўлакай сўкиниб борди. «Агар капитан эмас, ўзим борганимда,— деди у,— менга қулоқ солган бўларди, Шешупадан тундаёқ қайтиб келишга мажбур қилган бўлардим. Шунда ҳеч қандай воқеа юз бермасди».

«Доим шунақа бўлади,— ўзига нотаниш полк командири ҳақида ўйлади Лопатин.— Нимагадир, биз, тирикларга, агар биз ўша ҳалок бўлганлар билан бирга бўлганимизда нимадир ўзгарган ва улар тирик қолган бўлиши мумкиндек туюлаверади...»

Василий Иванович командири ва унинг ординареци билан «виллис»да батальонга боришгани, снаряд тушиб вайрон бўлган ва ҳозирда батальон кузатув пункти жойлашган уй ёнида «виллис»ни қолдиришгани, тепаликдан ошиб ўтиб дарё бўйига тушишгани ҳақида гапириб берди.

— Сиз ҳам бордингизми?— сўради Лопатин.

Василий Иванович одатдагидек бу саволни бефойда ҳисоблаб елкасини қисиб қўйди. Қирғоқ бўйлаб чўзилган зах ўтлоқда снаряддан ҳосил бўлган чуқурчалар— эскилариям бор, бир нечта унча катта бўлмаган янгиси ҳам борлигини айтди. Мурдаларни олиб бир қатор қилиб ётқизишибди-да, биродарлар қабрини қазимоқчи бўлишибди. Қабрнинг четларини белгилаб ярим белкурак қазинганда полк командири тўхташиб қўйибди. Бошқа жойга дафн этилишини, бунгача қўнғироқ қилиб ахборот беришини айтибди.

— Улар қандай...— Лопатин ўлдирилганлар қандай кўринишда эканини, қандай ўлдирилганини суриштирмоқчи бўлди. Аммо Василий Иванович унинг гапини бўлиб, ўзи сержантнинг бош суяги мажақлангани, капитаннинг қорнига снаряд парчаси тегиб ичакчавагини ўйнатиб юборгани, солдат билан Гурский елкасидан ўқ еганини гапириб берди.

— У ёқда, ўша Пруссияда унга нима бор эди— билмадим. Уч чақиримдан қуббалар найзаси кўриниб туради— черковники бўлса керак, соҳил бўйлаб эса деярли ҳеч нарса йўқ— фақат «п» ҳарфи шаклидаги омборхона ёки аниқроғи оғилхоналарни кўрасиз. Тўғри, ғиштин, қалин қилиб ишланган, деразалари эса тўйнуқ каби тор. Буни кечувга бормаи, шу ердан ҳам кўриш мумкин. Бошқа ҳеч нарса йўқ. Теварак-атроф молхона.

Молхона хусусидаги унинг мана шу сўзларида

одамлар, барибир, бекорга ўлиб кетишди, маъносида ўкинч бордек туюлди Лопатинга.

— Уларни қаерда ўлдиришибди? Менинг тушунимча, дарёнинг бериги қирғоғида бўлса керак?—сўради Лопатин.

— Ҳа, шу қирғоғида. Нарёғида бўлишганида немис отмаган, солдатларнинг айтишича, немис кўпинча эрталабдан ва кечга яқин отар экан. Улар эса у ёқда ушланиб қолиб, тонг ёришганда қайтаётганларида бомбардимонга учраб қолишган. Менга шунақа дейишди,— ўзи одатланмаган гапдонликдан чарчаб хўрсинди Василий Иванович ва бир соат мобайнида чурқ этмади. Фақат армия штабига яқинлашиб қолганларидан кейингина оғиз очди:— Ҳозир етамиз. Муҳаррир келишимиз билан ўша ондаёқ— кечасими, кундузими—тўппа-тўғри ҳузурига олиб киришимизни буюрган.

«Виллис» Лопатинга номи Информбюро ахборотидан маълум бўлган чоғроққина шаҳарчага кираверишдаги доғ босган уй олдида тўхтади. Уйнинг битта девори қўл гранатасининг парчаларидан илма-тешик бўлиб кетган, улар ёқалаб бораётган девор эса бусбутун, ҳатто ойналари ҳам синмаган. Дарвозахона ёнида автоматчи турган экан. Лопатин унга ҳужжатларини кўрсатиб, генерал шу ердами, деб сўради. Автоматчи Лопатинни ҳайрон қолдириб, қайсиниси, деб суриштирди. Маълум бўлишича, бу ерда бирварақайига икки генерал жойлашган экан. Армия штабининг бошлиғи йўқ экан, Сиёсий бўлим бошлиғи эса, автоматчининг сўзига қараганда, яқиндагина қайтиб келибди.

Лопатин иккинчи қаватга кўтарилди-да, ярмиси шинамлигини сақлаб қолган, ярмиси эса уй жиҳозлари чиқариб ташланган бўм-бўш каттагина хонага кирди. Атрофга аланглаб, бурчакдаги яшил бахмал қопланган улкан диванда болалар каби бурнини суянчиққа тираб ва чанг босган этикли оёқларини букиб олиб генераллик формасида ухлаб ётган ўзининг собиқ муҳарририни кўрди.

Лопатин энди хонанинг ўртасига бориб қолганида у ирғиб ўрнидан турди-да, иккала қўли билан шошиб юзини ишқалаб ҳали уйқиси ўчмаган шўх кўзларини унга тикди.

— Салом,— деди у Лопатинга, кейин ҳар галги гапини айтди:— Ажаб, қанча ухлаганийкинман?

— Билмадим. Кўп бўлмаса керак. Пастдаги автоматчи яқинда келганини айтди.

Муҳаррир соатига қараб қўйди-да, Лопатиннинг истиқболига шахдам келиб шошганча қучоқлаб лабини юзига қўйди, сўнг ўшандай шошиб уни қучоғидан бўшатди ва ҳарбийча камзулининг тугмаларини қадар экан, бир қадам ортга чекиниб сўради:

— Хўш, нима дейсан?

— Мен нимани гапирай? Сенинг нима дейишингни кутяпман.

Муҳаррир Лопатинга қарамай хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юрди, яна соатига, кейин Лопатинга қараб деди:

— Ўтир.

— Хўш, мана ўтирдим,— деди Лопатин диванга ўтирар экан.— Ўзинг-чи?

— Мен фронт сиёсий бошқармасига боришим керак. Ҳозиргина келувдим, қўнғироқ қилиб ўшоққа боришимни айтишди. Азонда қайтиб келаман, балки тунда келиб қолишим мумкин. Вақтинча мудрофаага ўтишимиз муносабати билан шошилишч равишда тўплашяпти. Сендан яширадиган гапим йўқ, бу бир неча кун аввал ҳал қилинган.

— Ўтир, кўз олдимда ғимирсилаверма, сенсиз ҳам бошим ғовлаб кетяпти.

— Ҳа, шунақа,— деди муҳаррир. Сўнг ирғиб ўрнидан туришга тайёрланаётгандек диваннинг четига омонатгина ўтирди.

— Ҳозиргина қаердан келдинг?

— Дафн маросимидан. Сени кечаям кутдим, бугун эрталаб ҳам кутдим, келавермаганингдан кейин маросимга ўзим боравердим. Бугунгача чўзиб келдим бу ёғига иложим бўлмади. Сиёсий бўлим бошлиғи сифатида мени нотўғри тушунишлари мумкин эди. Сирасини айтганда, мен уни деярли тирик кўрмадим ҳисоб,— деди муҳаррир Гурский ҳақида,— ҳатто, эсимда, ўшанда вақтни белгилаб қўйгандим— ўттиз беш минут, ундан ортиғига қанча истасам ҳам иложим йўқ эди. Шошилганча кириб келдию томдан тараша тушгандек, мени Шешупага юборасиз, деб туриб олди! Мен эса ўттиз беш минутдан кейин Ҳарбий кенгаш аъзоси билан бирга бошқа йўналишдаги бошқа корпусга боришим керак эди. Унга: «Эртагача шу ерда қолиб мени кут, эртага бирга борамиз»,— дедим. У бўлса: «Сиз мени,

афтидан, бошқа одам деб ўйлаётган бўлсангиз керак, мен сиздан сабоқ олганман. Бугун тундаёқ Шарқий Пруссия тупроғига қадам қўйишим, эртага кундузи эса алоқа бўлимига бориб мақола юборишим керак»,—деди. Шу билан мени йдириб юборди. Бу ҳам етмагандек, тўсқинлик қилмасликлари учун ўзининг олдида дивизияга қўнғироқ қилдим. Рухсат беришимни айтдим! Мана, рухсатимнинг оқибати. Ўз қўлим билан ўлимга йўлладим.

Унинг овози титраб кетди. Лекин у ирғиб ўрнидан туриш ва яна хона бўйлаб юриш билан ўзини овутди.

— Қолган ўттиз минутнинг ҳаммаси, албатта, унинг одатдаги ҳазил-ҳузулига кетди: менинг ишларим давомчиси тажрибаларимни— қизил қалам билан саҳифаларни чаплаштириш— қандай ўзлаштираётгани, узундан-узоқ мақолани қисқартиришни унга қандай ўргатгани, сени тезроқ чақиртириши учун унга қайлиғинг борлигини қандай тушунтиргани хусусида гапириб берди. Нима, ростдан ҳам қайлиғинг борми?

— Менинг ёшимда қанақанги қайлиқ бўларди? Шунчаки битта аёлни меникига келишга кўндирдим— унга уйланаман.

— Ўзим ҳам шундай тасаввур қилгандим. У ҳозир Москвада, сеникида эканини билардим-у, лекин бошқача ёзолмадим, юборган телеграммамни кўрганингдан кейин ҳатто сени чақиртирмаган бўлсам ҳам, барибир ўзинг истак билдирасан, деб ўйлагандим.

— Тўғри ўйлабсан.

— Қайлиғинг, балки ранжигандир?

— Йўқ, ҳолатимни кўриб ҳаммасига тушунди.

— Мен бўлсам ҳалигача тушунолмаяман. Қанақасига бўлди— ўз қўлим билан ўлимга юборсам-а! Қандай қилиб у мени беш минутда кўндирди-я? Тўғрисини айтсам, уни эмас, сени кутгандим. Мени бу ерда эканимдан хабар топишинг билан дарров етиб келасан, деб ўйлагандим.

— Сени бу ерда эканингни менга Москвага учиб олтидан тунда айтишди.

— Газетада ишлаганимда сизларни аяб ўтирмаганимни биласан. Сизлардан талаб қилган пайтимда нимани талаб этаётганимни билардим. Бу ерда менинг ишим талаб этиш эмас, балки рухсат бериш ёки рухсат бермаслик эди. Рухсат бериб ўлимга йўлладим. Рухсат

бермаганимда, у билан эртаси куни ўзим борганимда ҳеч нима бўлмасди.

— Балки бўларди, балки бўлмасди. Ўзинг ҳам у билан бирга нариги дунёга жўнашинг мумкин эди. Нима, шунда яхши бўлармиди?

— Одамни сақлаб қолиш мумкин бўлгани ҳолда уни ўлимга юборганингни билиб яшашнинг ҳожати йўқ.

— Менга қара, Матвей,— ўзи ҳам билмаган ҳолда жаҳл билан деди Лопатин.— Ўзингни ўзинг қийнайверма. Мен ўлимга йўлладим, деганинг нимаси? У ўзининг вазифасини бажариш учун борган, сен эса рухсат бергансан ва тўғри қилгансан. Мана шунинг учун ўзингни қийнашинг керакми? Нима, фронтда сендан бошқалар ўз талафотларидан ачинмайдиган бемехр одамларми? Агар сиз кабиларнинг ҳар бирингиз мана буни олдинги маррага жўнатиб ҳалок этганингиздан, мана бунга чекинишга рухсат бермай нобуд қилганингиздан сочингизни юлиб фарёд қилсангиз нима бўларди? Менинг олдимда қанчадан-қанча одамга мана шунанга буйруқ берилганини кўрганман. Шунақанги буйруқки, бажармай кўр-чи! Нима деяётганингни ўйлаб кўр. Янги лавозиминг шуни талаб этади. Нима, бунақанги ишлар бу ерда бўлмаса, бошқа жойда ҳар куни юз беришини билмайсанми?

У ўзининг собиқ муҳаррири билан худди катталардек, худди ундан кўп нарса биладигандек гаплашаётганини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмасди, чунки Матвейнинг шахсий мардлигига ва газетадан фронтга бўлган интилишига қарамай, Лопатин урушни ундан кўра яхшироқ биларди.

«Балки армия сиёсий бўлимининг бошлиғи сифатида энди урушни мендан кўра сен яхшироқ билиб оларсан, аммо ҳозирча ундай эмас,— ўйлади ўзича Лопатин.— Сенга нима сабабдан ҳозиргидек, «ўлимга йўлладим» дейиш ва ўзингни гуноҳкор ҳис этиш мумкин эмаслигини мен тушунаман, сен эса ҳали тушунмайсан. Мени олдимда у-бу нарса дейишинг мумкин, бошқалар олдида эса мумкин эмас. Нотўғри бўлади. Ўшоқда Гурский билан бирга ҳалок бўлганлар-чи—ким уларни ўлимга йўллабди? Сен, нима, улар полкда у ёққа, Шарқий Пруссияга биргина Гурскийнинг ўзини ўтказиб қўйишади, ҳеч кимни қўшиб беришмайди, деб ўйлаганмидинг?»

— Гапларинг ҳақ,— қисқа сукунатдан кейин деди

Матвей. Юз ифодасидан Лопатиннинг сўзи уни ранжитмагани, балки хафа қилгани кўриниб турарди.— Сиёсий бўлим бошлиғи эканимга ҳали кўникологанимча йўқ. Сизлардан хавотирланиш одатимни у ёқда, Москвада орттирганман, агар фронтга келсам мендан хавотир олишларига кўникиб қолганман. Лекин буларнинг ҳаммаси ҳозирги ишларим олдида ҳеч гап эмас.

Пастдан «виллис»нинг сигнали эшитилди.

— Ҳар аҳтимолга қарши мени уйғотяпти!

У яна соатига қараб қўйди ва гўё ўзи эмас, балки Лопатин шошилаётгандек: «Бир нафас сабр қил», дедида, бошқа хонага чиқиб, Лопатинга жудаям таниш бўлган Гурскийнинг чамадони билан муқоваси қора клёнкали дафтарни олиб чиқди. Чамадонни диваннинг ёнига қўйди, дафтарни эса Лопатинга узатди.

— Мен ўқиб чиқдим. Ёзуви одатдагидек, лекин ўқиш мумкин. Очерк учун деярли ҳаммаси бор, аммо қисқароқ. Машинада беш бетдан ошмайди. Таҳрир қиласан-да, кейин юлдуз қўйиб яна ўзинг уч бет ёзасан— ҳаммаси иккинчи ёки учинчи саҳифанинг пастки қисмини тўлдиради. Учта устун қилиб ҳам бериш мумкин.

У ҳамон муҳаррирликни унутмаган ва хаёлан газетани саҳифаларди.

— Чамадонда,— у чамадонга ишора қилди,— бирор эътиборга молик нарса йўқ, ўзим кўриб чиқдим. Аммо ўзинг ҳам кўздан кечириб чиқ. Менимча, дафтардан бошқа бирорта ҳам қоғоз йўқ. Сабабини билмайман-у, лекин нимагадир унинг дала сумкаси чамадонда бўмбўш ётибди, мана бу дафтарни эса у трубка қилиб ўраб харита ва қалам билан бирга шимининг чўнтагига солган. Қолганларини — партия билети, гувоҳномаси, фармойишни олиб, ҳаммасини темир сандиққа солиб қўйишди. Гимнастёркасидан бураб олишган иккинчи даражали Ватан уруши орденини ҳам. Қоидаси бўйича, уни туғишганларига— демак, онасига топширишимиз керак эди— лекин ким олиб боради— билмадим. Сендан бериб юборишимиз ҳам мумкин, панетга солиб редакция орқали етказишимиз ҳам мумкин. Ўлимидан кейин мен уни яна битта Ватан уруши— энди биринчи даражалисига тақдим қилгандим, аммо қўмондон имзо чекаётганида иккинчи қилиб тузатибди. Қайтиб келганимдан кейин бу ҳақда ҳали яна гаплашамиз. Шу ерда ухлайвер. Ординарец менга овқат олиб келади, шуни

тановул қилиб диванда ётақол. Ёки нариги хонадаги менинг каравотимда — хоҳлаганингни қил. Мен энди кетишим керак. Эртага азонда эса, истасам ҳам, сен билан бирга боролмайман. Полкка ўзинг бориб келавер. Нима бўлганини суриштирасан. Менга энди қисқагина ахборот беришади. Сенга батафсилроқ гапириб беришлари мумкин. Эртагача хайр. Мен кетдим.

— Елғиз ўзим бу ерда эртагача нима қиламан? — деди Лопатин. — Яхшиси, мен бугун, сен йўғингда борақоламан. Эрталаб қайтиб келаман-да, мақолани ёзаман, сен эса тезроқ редакцияга узатишлари учун команда берасан. Агар эртага бирга борганимизда — бошқа гап эди, модомики, боролмас экансан, кимни ҳам кутардим?

Муҳаррирнинг юзидан иккиланиш ифодаси пайдо бўлди. Бундай пайтларда айтиладиган: «Фақат эҳтиёт бўл!» ёки «Тентаклик қилма!» сўзларини демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини тўхтатиб қолди.

— Рост, вақтни бекор ўтказишнинг нима кераги бор? Борақол. Ишни қоронги тушмасдан қабрни зиёрат қилишдан бошла. Қабр полкнинг команда пункти жойлашган тепаликнинг ёнгинасида.

— Шундан бошлайман.

Лопатин Гурскийнинг дафтарини очмай, дала сумкасига жойлади-да, муҳаррирга эргашиб хонадан чиқди.

Уйнинг олдида энди битта эмас, балки иккита «виллис» турарди. Василий Ивановични кўриб муҳаррир унга бош ирғаб қўйди ва шоша-пиша Лопатиннинг қўлини сиқиб, ўзининг «виллис»и томон юрмоқчи бўлди. Аммо Лопатин уни тўхтатиб ахийри сўради:

— Матвей, икки оғиз гап. Газетадан кетганингга кўнглинг жудаям ғашми?

— Аёлларнинг кўнгли ғаш бўлади, — жаҳл билан деди муҳаррир. — Суриштирадиган бемаъни бошқа нарса тополмадингми?

— Ҳозирча тополмадим.

— Бекор қиласан! — ҳамон жаҳли чиқиб деди муҳаррир. — Сенга ҳурматим баланд эди. Хафалигим масаласига келсақ — ҳали сиёсий бўлимга қандай бошлиқ бўлишимнинг тагига етолганим йўқ. Бошқалардан кўра ёмон бўлишга одатланмаганман. Бошқалардан кўра яхши бўламанми-йўқми — буни билмайман. Ташқаридан қараганда, унчалик қийин эмас. Иш бошлаганимдан кейин ўз ёғимга ўзим қовирилиб юрибман.

— Тушундим. Бошқа сафар гаплашамиз, — деди Лопатин.

— Нима ҳақда гаплашамиз? Агар қандай қилиб ўз ёғимга ўзим қовирилаётганим хусусида бўлса вақт топаман— тушунтириб бераман. Агар ўтмиш хусусида бўлса— унга қайтмаймиз. Сен бораётган полк командири сени госпиталдан биларкан, сен билан шахмат ўйнаган экан. Гурский ҳам сеникида бир марта кўрган экан, шуларни менга гапириб берувди.

— Бунгача ҳам мени танишини айтмадими?

— Қачон? Қаерда?

— Қирқ биринчи йилда, Қримда. У Пантелеевнинг адъютанти эди.

— Пантелеевни-я? Унда яхши сабоқ олинади. Адъютант бўлганини билмаган эканман.— Матвей ўзининг «виллис»и ёнига борди ва ичкарига жойлашиб олганидан кейин бошини чиқариб деди:— Менинг ортимдан юрманглар, дарров бурилинглар-да, кўчанинг охиригача, кўрсаткич белгисигача бораверинглар.

«Виллис» шиддат билан ўрнidan кўзгалиб, тош ётқизилган кўча бўйлаб елиб кетди.

— Биз қаёққа борамиз? Ўша ёққа, Шешунагами?— Лопатин ёнига чиқиб ўтиргач сўради Василий Иванович.

— Ўша ёққа. Қаёққа ҳам борардик.— Лопатин аллақачон Василий Ивановичга айтиши лозим бўлган гапни эслаб қолди:— Ёзган хатингизни гараж мудирини орқали хотинингизга етказдим. Ўзим уникага боролмадим. Шундай экан, жавоб хатини ҳам олиб келолмадим.

— Бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмас,— Василий Иванович устунга тегиб кетмаслик учун орқасига ўгирилиб тор кўчада машинасини бурди.— Бугун бор одам эртага бу дунёдан кўз юмиб турганда хатга бало борми?

— 24 —

Олдинги маррага яқинлашганинг сайин турли нарсалар қалбингни ром этиб, эътиборингни ўзига жалб этади.

Гоҳида жанг шовқинига, айниқса, унда нимадир тўсатдан ўзгариб қолса, диққат билан қулоқ тутасан. Агар анча вақтгача ҳеч нима эшитилмаса, бу сокинлик



қачон тугаркин, деб ўйлайсан. Истайсанми, истамайсанми, барибир, ўлим ҳақ экани ёдингда бўлади, айни ана шундай сокинликда бу фикрни хаёлдан чиқариш қийинроқ кечади.

Гоҳида шунақа ҳам бўладики, олдинги маррани бировлардан эшитиб тасаввур қилишни эмас, балки ўз кўзинг билан яна кўришни истаб қоласан. Йўлда тева-рак-атрофга қараб борар экансан, ҳеч қандай қаршиликсиз босиб ўтган масофаларинг бизга ҳам, немисларга ҳам қанчага тушганини ўзингча чамалаб борасан. Яқин-йироқда ташлаб кетилган тўпларни ва ёндирилган танкларни санар экансан, бизнинг талафотимиз камроқ, уларники эса кўпроқ бўлишини истайсан.

Лекин бугун одатдагига сираям ўхшамаган ҳиссиёт чулғаб олганди уни. Чунки одатда у ёққа, олдинга, таниш ёки ҳали танимаган, лекин тирик ёки тирик ҳисобланган одамлар ҳузурига борарди. Энди бўлса марҳумнинг олдига, одамнинг ҳузурига эмас, қабрни зиёрат қилгани кетяпти. Бунда Велихов билан дийдор кўришишни ҳам ўйлапти-ю, лекин, барибир, қабрни зиёрат қилгани боряпти.

Мана шуларни ўйлагани учун ҳам дам у ерда, дам бу ерда биродарлар мозори кўзга ташланаётган бўлса ажаб эмас. Бу қабрлар йўл ёқасида ҳам, узоқдан ҳам кўриниб турарди. Ҳа, мозорлар кўп, деярли ҳаммаси биродарлар мозори. Ерга кўмилганларнинг барчасини бир-бирига яқинлаштирган сўз — биродарлар мозори азалдан пайдо бўлган.

Уруш — қабристон эмас, балки деярли ҳар маҳал ва ҳамма шошиладиган йўл. Аммо бу йўлнинг ўз гўрковлари — дафн этувчи командаси ҳам, ҳар бир полкда штаб бошлиқларининг тўртинчи ёрдамчилари тўлдирадиган дафн дафтари — талафот рўйхатлари ҳам бор. Ёрдамчилар зиммасига бошқа юмушлар билан бирга, қачон ўлдирилган, қаерда дафн этилган, ўзи қаерлик эканини ёзиб қўйиш, кимга ва қаерга қорахатни жўнатиш вазифаси ҳам юкланган. Қабрлар умумий, лекин ҳар бирида бошқа бегоналар билан ёнма-ён кимгадир қарашли бўлган одам ётибди ва унинг ёнида ётган ҳамма бегоналар ҳам кимнингдир ўз одами ҳисобланади. Мана шунинг ўзи ҳаммасидан кўра узоқ давом этиши билан даҳшатли бўлгани учун ҳам салмоғи жиҳатидан давомли ва сўнгги урушнинг ўзгинаси

ҳисобланади. Урушни ҳали, балки, қисқартириш ва шу билан яна кимларнидир ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўлса ажаб эмас. Аммо мана бу ерга кўмилган оғир хотирани эндиликда на сиёсий ўринбосарнинг хати билан, на ўлимидан кейинги мукофот билан, на бошқаси билан қисқартириб бўлмайди.

Бу фикр худди шундай бўлиши лозимдек жўн эди-ю, аммо унинг чорасиз соддалиги бутун уруш давомида биринчи марта Лопатиннинг хаёлига келганди.

Ўлимидан кейинги мукофотни эслаб, у Гурский учун собиқ муҳаррир ҳаракат қилган, лекин қўмондон биринчи даражани иккинчи этиб тузатган Ватан уруши ордени ҳақида ўйлаб қолди. Унга бу орден нима сабабдан берилди? Уни ўлдирганлари учунми? Агар шундай бўлса идрок етишмайди, идрок бўлмаганидан кейин гоҳида бекорга бир-бирига зид гапириладиган юксак идрок ҳам йўқ. Агар ўлимидан кейин мукофот берилишидан бирор маъни чиқса, демак, у ўлдирганлари учун эмас, балки ўлимидан аввал амалга оширган иши учун, ёзишга ўтиришдан аввал бировларнинг гапига асосланиб эмас, балки ўзи Шарқий Пруссиянинг дастлабки чақиримларини ўз оёғи билан босиб ўтгани учун берилган. Марҳумга ачиниб, кейинчалик у ҳақда гапирилганда, нега ўшоққа ўзини урди, дейилса ва бусиз ҳам ишини уддаларди, деб ҳисобланилса, унга ўлимидан кейин мукофотнинг ҳожати йўқ.

Йўлда кетишар экан, Лопатин дала сумкасига солиб қўйилган Гурскийнинг дафтарини бир неча марта олмоқчи бўлди-ю, аммо ҳар сафар ўзини тийганди. Энди у сумкасини очди.

— Тўғри кетяшмизу ҳаммаси жойида, шундайми, харитага қарашнинг ҳожати йўқми? — Гурский дафтари орасидаги харитани биринчи марта сезиб қолиб сўради у Василий Ивановичдан.

— Агар истасангиз қарайверинг, мен икки марта бориб келганман, қарамасам ҳам бўлаверади,— деди Василий Иванович.

Дафтар кўзига таниш — у урушдан олдин гўё унинг чўзилиб кетишини билгандек қирқ биринчи йилнинг июнида Арбатда, унда ҳали бомба вайрон қилмаган Вахтангов театри ёнидаги ёзув ашёлари дўконидан сотиб олган йигирмата қалин, қора клёнкали катак дафтардан бири эди. Бу дафтарлардан ўн бештасини тўлдириб бўлган: бу, ўн олтинчисини у госпиталдан чиқиб

яна ўзининг квартирасида яшаётганида Гурский стол устидан олиб чиқиб кетганди; охиригача тўлдирилмаган ўн еттинчиси Никада, қўл теккизилмаган учтаси уйда. Стол устида қолиб кетган.

У бу галги сафарга дафтар олмай чиқди. Уйига ўтиб олмоқчи, ҳатто бунди Никага тушунтирмоқчи бўлди-ю, лекин уйига ҳам ўтмади, дафтариини ҳам олмади. Ҳа, агар қолган мана шу учта дафтар урушнинг охиригача етиб берсайди!

Гўё бири иккинчиси билан боғлиқ нарса ҳақида ўйлаб, бу бемаъни фикрдан кулиб қўйди-да, ниҳоят дафтарни очишга ўзини мажбур қилди. Аввалига ўнтача варақдаги жуда қисқа — бир-икки сатр ёзувларга кўз югуртириб чиқди: жойларнинг номига қараганда, бу Гурский Карелия фронтдан ўз мақолаларини стенографчи қизларга айтиб туриб ёздирган ёзма хотира эди. Кейин нима учун қолдиргани номаълум бўлган тоза бетлар келади ва ҳеч қандай бошлама гап-сўзсиз зич ва ўқиб бўлмайдиган қилиб ёзилган текст бошланиб кетган: Гурский бунди Шешупанинг нариги соҳилидан қайтиб келганидан кейин телеграф орқали етказмоқчи бўлган.

Бу мазмунига қараганда шахсан ўзи қатнашгани билиниб турган мақолалардан бири эди. Ҳавасни келтирадиган ҳеч қандай муболага ёки чалкашлик йўқ. Аксинча, дастлабки солдатлар бир кун олдин нариги қирғоққа, Шарқий Пруссияга кечиб ўтишган бўлса ҳам теварак-атроф сокин, кутилмаганда ниҳоятда сокин экани ёзилган. Шундан кейингина ҳозирги замон — уруш сатрлари бошланади: «Қирғоққа келиб капитан билан нақ сувнинг бўйида ўтирибмиз: август ойи учун анчайин совуқ сувдан секин ҳовучлаб оламиз: старшина термос олиб кетган пуфлама солни нариги қирғоқдан, Пруссиядан қайтишини кутиб ўтирибмиз, эшакнинг оҳиста сувга урилиши эшитилипти».

Нариги қирғоқда солдатлар билан қилинган суҳбатгача мана шу йўсинда давом этади: мана, сўнгги жумла: «Уларнинг фикрини ёзиб оляпман, ўзимнинг мулоҳазаларимни кейинга қолдирыпман. Капитан шоширяпти, агар бир сутка бу ерда қолиб кетишни истама-сам, тезроқ қайтиш керак эмиш. Кундузи кечиб ўтишга ҳеч кимга рухсат берилмаганмиш...»

Капитан шоширяпти... Энди бошқа ҳеч кимни шоширмайди бу капитан...

Лопатин дафтарнинг орасидан харитани олди: дарёнинг ингичка яшиги бурилиш жойи бўйлаб йирик қора нуқталар ва Германия билан давлат чегараси — қалин чизик бор; бурилиш жойининг яқинига Гурский қалам билан полк команда пунктини белгилаб қўйган. Хаританинг орқасига яна қалам билан: «Берлиннинг рўпарасида душман армияси пайдо бўлишига ақл бовар қилмайди». Кичик-Мольтке. 1914 йил» деб ёзиб қўйилган.

Чегара йўлида бўлажак мақоласи учун Гурскийнинг хаёлига мана шу кўчирма гап келиб қолган бўлса ажабмас.

Лопатин йўлни харитага солиштириб ўтирмади, Василий Ивановичга ишонди. Дафтар билан харитани дала сумкасига жойлади-да, йўл-йўлакай ўқишдан толиққан кўзларига дам бериш мақсадида бир неча минут кўзларини юмиб олди.

Кўзларини яна очиб, кўзойнагини таққанида йўлнинг иккала томонида шу ерларга хос оддий табиатни кўрди: дала ва тепаликлар; тепаликларнинг у ер-бу ерида кўришиб қолган қум бу жойларни қум тепаликларига ўхшатиб қўйган; узокдан сийрак ўрмон ва бир неча уйлардан иборат чоғроққина қишлоқ кўзга ташланади; далада? кумтупроқдан чиқариб ташланган харсангтошлар ётибди.

Кейин олд томонда, тепаликлардан бирининг чўққисидида қад ростлаган қарагайнинг ортида узун гиштин молхона ва ёғочдан қурилган ўшандай узун саройи бўлган каттакон уйга кўзи тушди.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди Василий Иванович машинани уй томон бураркан. Лекин Лопатин нарида, ўнг томонда, қиялама бўйлаб сал юқорида, учта қарагай остидаги қабрнинг оппоқ сағанаси, унинг устида эндигина кўтарилаётган қуёш нурида кўзни қамаштирар даражада ялтираётган ниманидир кўриб уни тўхтатди.

— Ўшами? — сўради Лопатин.

— Ўша.

Сағана эски гиштлардан — буниинг учун снаряд тушиб вайрон бўлган аллақайси девордан олиб келинган бўлса ажаб эмас — ясалган бўлса ҳам синиқ ва илматешик гиштлар икки томонидан сип-силлиқ қилиб оппоқ бўялган. Сағанага тиги юқорига қаратилиб найза ўрнатилган бўлиб, унга снаряд гильзасидан қирқиб



ясалган юлдуз сим билан маҳкамлаб қўйилган. Узоқдан уларнинг эътиборини жалб қилган мана шу юлдуз ҳозир қуёшда шуъла таратарди.

Сағанада, аллақердан топилган ялтироқ елимқоғоз остидаги яхшилаб жилвирланган бир парча фанерга қуюқ бинафшаранг сиёҳ билан чиройли қилиб: «Ватанимиз учун бўлган жангларда ҳалок бўлганлар хотираси мангу яшайди» деган сўзлар ёзилган. Остида фамилиялар. Биринчисининг ёнида гвардиячи капитан Ю. С. Салимовнинг фуражка кийган, гимнастёркасига гвардиячи нишони билан учта орден тақилган сурати бор. Қолганлари суратсиз, фақат фамилиялари ёзилган: «Красная звезда» газетасининг ҳарбий мухбири капитан Б. А. Гурский, гвардиячи старший сержант С. С. Лаврик, гвардиячи оддий солдат С. А. Самохин».

Мана шу холос. Тўрттовига битта уруш, битта лавҳа, битта қабр, «Демак, агар янги муҳаррир сўзининг устидан чиқса, Гурскийнинг онаси шу ерга келади», — деб ўйлади Лопатин ва шу заҳоти ортидан Василий Иванович овоз берди:

— Ўртоқ майор!

Бу яна кимдир келганига ишора эди. Василий Иванович фақат бегоналар ҳузурида уни ўртоқ майор, деб чақирарди.

Лопатин ўгирилиб, шанкаси қўлида, бошланг турган Велиховни кўрди.

Велихов иккилағиброқ уни бағрига босиб ўз ҳамдардлигини билдириб нимадир деди — Лопатин нима деганини тушунолмади — чунки шу пайт тўсатдан Гурскийнинг ўлимидан, Велиховнинг ёшлигидан, қирқ биринчи йил ҳақидаги хотиранинг қалбни ларзага келтиришидан ва мана шу кутилмаган қучоқлашувдан ҳаяжони ошиб томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди: бирон эркакнинг лаби соқол босган юзимга теккудек бўлса, худди ватан учун жонимни қурбон қилгандек ва тобутда ётгандек бўламан, деб қўпол ҳазиллашарди Гурский.

Ҳаммаси шундай бўлди. Жонини ҳам қурбон қилди, мана ётибди ҳам, сен бўлсанг индамай турибсан, томоғингни бўғиб келган нарсани ҳам ютолмаяпсан.

— Мен бу ерда уни фақат иккинчи марта кўрдим, — деди Велихов. — Лекин сиз уни чексиз ҳурмат қилишингизни ва умуман энг яхши дўстингиз сифати-

да уни юксак баҳолашингизни Нинангиз менга айтиб берганди.

«Нина... юксак баҳолайди...» — бу гапларнинг ҳаммаси галати ва бу ерда юз берган воқеадан узоқ бўлгани сабабли аввалига Лопатин тушунолмади қолди. Қанақанги Нина? Гўё гап ўзининг қизи ҳақида бормаётгандек ўйга толди.

— Ҳа, ҳа, шундай, — деди у. Бу сўзни бир неча марта такрорлади: — Шундай... шундай. — Худди бошқасини тополмагандек шу сўзга ёпишиб олганди.

— Бир ўзингиз келдингизми? — сўради Велихов. — Сиёсий бўлим бошлиғи келмайдими? У сиз билан бирга келмоқчийди.

— Келмади, — деди Лопатин.

— Кўпам қайғураверманг, Василий Николаевич. Меники сизникидан кам эмас — унинг учун ҳам, капитан Салимов учун ҳам. Лаврик учун ҳам қайғураёрман. Солдатни танимасдим, янги келганлардан эди, булар билан эса бир полкда икки йил хизмат қилувдик. Айниқса, Юсуф Салимовга ачинаман. Қирқ иккинчи йилнинг қишида сиёсий ишдан жанговар сафга ўтганимизда курсни бирга тугатгандик. Шундай бўлгач, сиз кўпам куюнаверманг, — такрорлади Велихов.

Унинг уқувсизлик билан тасалли беришида, ўзининг қайғусини эслатиб сеникини енгиллатишга бўлган уринишида аллақандай чуқур адолат бор эди.

— Қайғураётганим йўқ, — деди Лопатин. — Шунчаки худди телбага ўхшаб турибман, ҳечам кўниқолмаёрман.

— Йўлга қараб туришни навбатчига тайинлаб қўювдим, — деди Велихов. — У хабар бериши билан шу ёққа югурдим. Аввалига бир ўзингиз келмагансиз, деб ўйловдим. Қарасам — ёлғиз ўзингиз. Хўш, яна бир оз турагимиз ёки жўнаб кетамизми? Ҳали овқатланиб ҳам олишимиз керак.

— Ҳа, овқатланаман. Фақат машинада эмас, яёв кетайлик. Икки кеча-кундуз машинада юравериб безор бўлдим.

— Сиз кетаверинг, ҳайдовчи, — Лопатин билан гаплашганидан бошқачароқ, командирларга хос одатий оҳангда Василий Ивановичга мурожаат қилди Велихов. — Овқатланиб бўлиб дамингизни олаверинг, ошхонани солдатлар кўрсатиб қўйишади. — У жўнаб кетгач, яна Лопатинга ўгирилди: — Бу ерда анча турдингиз.

Ортингизда туриб кутавердим, сиз бўлсангиз бир сўз демай қараб туравердингиз.

— Наҳотки кўп турган бўлсам?

Лопатинга, аксинча, жуда қисқа бўлиб туюлганди: келди, фамилияларни ўқиб чиқди ва Василий Ивановичнинг: «Ўртоқ майор!» деган огоҳлантирувчи овозини эшитди. «Бу болакай эса ортимда кутиб турган экан,— деб ўйлади у Велихов ҳақида. Болакай! Худди шундай деди.

Урушда кескин бурилиш бўлиб, у ғарбга кўчган ва ниҳояси кўриниб қолганидан бери ҳамон яшаётган ва курашаётган одамларнинг навқиронлиги тобора яққолроқ кўзга ташланиб қолди. Навқиронлик хатарли туюлиб, уни ўлимдан ҳимоя қилиш истаги пайдо бўлди — нима билан ва қандай қилиб ҳимоя этишни билмасди-ю, аммо, барибир, шуни истарди. Буни ҳозир ҳам Велиховга тикилиб туриб шуни ҳис этди.

— Гап бундай, Михаил...— Велихов отасининг исмини айтишини кутиб Лопатин бир оз сукут сақлади.

— Ҳожати йўқ, Василий Николаевич. Шунчаки Михаил деб чақираверинг.

— Хўп, майли. Ҳозир, албатта, полк штабингизга бориб овқатланамиз, сиз воқеа қандай юз берганини гапириб берасиз: аммо ҳозир, иккаламиз ёлғиз турганимизда менинг гапларимни тўғри тушунишингизни ва қилмоқчи бўлаётган илтимосимни адо этишга олдиндан ваъда беришингизни сўрайман.

— Албатта, Василий Николаевич, сиз учун қўлимдан келадиган ҳамма ишни бажараман,— деди Велихов ва унинг чеҳрасида ҳеч қандай хавотирлик аломати кўринмади.

— Мен газетамиз учун Гурский ёзишни бошлаб, лекин тугатолмаган мақоланинг давомини ёзишим керак.

Велихов маъқуллаб бош ирғади. У буни Лопатиннинг келиши олдидан Сиёсий бўлим бошлиғидан билиб олганди.

— Бунинг учун эса ҳамма нарса ҳақида ўзим шахсан тасаввур ҳосил қилишим керак,— давом этди Лопатин.— Бунинг учун эса давлат чегарасига қандай чиқишингизни ҳам, қандай кечиб ўтишганини ҳам сурштириш лозим. Фақат сиз билангина эмас, балки сизнинг қўл остидагиларингиз билан ҳам гаплашиб олишим керак.



Велихов яна маъқуллаб бош иргади.

— Фақат шу ернинг ўзида эмас, балки уёқда ҳам. Тунда у ёққа ўтамиз, тунда қайтамиз,— Велиховнинг авзои ўзгараётганини кўриб давом этди Лопатин.— Майли, қисқа бўлсин, аммо бусиз мақолани тўлди-ролмайман.

— Сиз бусиз ёзолмайсиз, мен эса бунинг учун сизга рухсат беролмайман,— деди Велихов.

— Нега рухсат беролмайсиз? Наҳотки буни сизга таъқиқлаган бўлишса?

— Йўқ, таъқиқлашмаган. Шунчаки, бўлиб ўтган воқеадан кейин сиз ҳам ўшоққа отланишингиз ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Бироқ, агар рухсат сўрайдиган бўлсам, албатта, таъқиқлашади, бунга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

— Мен шубҳа қилаётганим йўқ. Шунинг учун ҳам бирор бошқа одамдан эмас, балки сиздан илтимос қиляпман.

— Сиёсий бўлим бошлиғига бу ҳақда айтганингиз йўқми?

— Айтганим йўқ. У фронт Сиёсий бошқармасига жўнаб кетди, эрталабга яқин қайтиб келади.

— Лекин сиз у билан бу ҳақда гаплашмадингизми?— яна сўради Велихов.

— Яна айтяпман, гаплашганим йўқ.

— Сизни деб балога қоладиган бўлдим-да,— кўнгли гаш тортиб деди Велихов.

— Менга ҳеч нима бўлмаслигига имоним комил.

— Бирор ниманинг бўлишини хаёлимга ҳам келтираётганим йўқ. Бирор кориҳол бўлмаслигининг чоратадбирини кўриб қўямиз. Лекин, барибир, мен балога қоламан. Хабардор қилмай, шундай ишни зиммамга олганим учун.

— Полкдан четлаштиришмайдами?— сўради Лопатин.— Агар четлаштиришади, деб ўйласангиз илтимосимни қайтариб оламан. Сиздан эмас, бошқа бирор кишидан илтимос қилиб кўраман.

— Полкдан четлаштиришмайди, менимча, бунақа қилишмайди. Аммо роса судра-судра қилишади.

Велихов ростини айтаётгани ва судра-судрага дучор бўлишини, аммо таваккалига иш юритишга азму қарор қилиб энди чекинмаслигини билиб Лопатин жим турарди. Унинг бирор бошлиғи бу ишга тумшуғини суқишга улгурмаса бўлгани.

Маълум бўлдики, Велихов ҳам шу ҳақда фикр юртаётган экан, чунки йўл-йўлакай полкда бўлмадингизми, деб тўсатдан сўраб қолди.

— Ҳеч қаерда бўлмадим — тўғри шу ерга келдим.

— Бўлмаса, бундай қиламиз, — бир оз сукут сақлаб ўйлаб олгач деди Велихов. — Тунда батальон команда пунктига етиб олмагунимизча ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмайсиз! Кечувдан у ёққа ўтаётганимизда ва қайтишда — мен, албатта, сиз билан бирга бўламан — менга сўзсиз бўйсинишингизни илтимос қиламан. Яна огоҳлантириб қўяй: у ёқда фақат икки соат бўламиз, ўзим текшириб тураман, бошқасига гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Қайтдик, дейилдими — қайтамиз!

— Раҳмат, ҳаммаси тушунарли. Энди, юринг, овқатлангани борамиз, — деди Лопатин. — Сиёсий бўлим бошлигидан роса кўрадиганингизни кўрадингизми?

— У ёққа ўтказиб юборганим учун мени койимади, чунки унинг шахсан ўзи буюрганди. Ўзим кузатиб бормаганим учун эса аввалига эшитадиганимни эшитдим. Аммо дивизия сиёсий бўлими бошлиғининг ўринбосари ёнимни олиб, кузатиб қўймоқчи бўлганимни, лекин иложини қилолмаганимни, ўша тунда учинчи батальонда фавқулодда ҳодиса — разведка муваффақиятсиз чиққанини тушунтириб берди. Разведка қайтаётганида пистирмага дуч келибди: беш разведкачи қайтиб, олтинчисини немислар томонида қолдиришибди, ўзлари билан кўтариб олиб келишолмабди. Ҳалок бўлганди, дейишса ҳам, лекин бунақа пайтда қандай бўлишини ўзингиз биласиз — қолдириб кетиш мумкин эмас. Разведкачилар яна орқага қайтиб, уни олиб келмагунларича учинчи батальонда бўлдим. Ўрнимга штаб бошлиғини қолдирдим, мухбир билан эса штаб бошлиғининг биринчи ёрдамчиси Салимовни юборишга тўғри келди. У билан борса яхшироқ бўлади, деб ўйлагандим, лекин акси бўлиб чиқди.

— Нега акси бўлди? — сўради Лопатин.

— Салимов, умуман олганда, ичиб юрарди, шу томони хавотирли эди. Аммо уни огоҳлантирувдим, у ҳам ваъда берувди.

— Нима, сўзининг устидан чиқмадимми? — Гурскийнинг ўзи учун ҳеч қандай ёмон оқибатга ўрин қолдирмай ва бошқаларни гоҳида оқибати вой чиқадиган йўлдан оздириш қобилятини эслаб сўради Лопатин.

— Нега сўзининг устидан чиқмасакан? Ваъдасини

бажарди. Кейинчалик билишимча, у ёқда бу ҳақда оғиз ҳам очилмаган. У, — Велихов нукул фамилиясини атамай Гурскийни «у» деяверди, — фақат одамлар билан гаплашиб дафтарини тўлдираверган. Аммо Салимов қоронғида қайтиб келиш учун уни шоширганда Гурский: «Тонг ёришгунча ишимни тугатишга улгуролмайман. Шундай бўлгач, агар юрагинг дов берса эрта-лабми, кундузими қайтишга тайёрман!» — дебди. «Юрагинг дов берса» сўзини ишлатиб қитиқ патига тегиб кетибди. Юсуф қизиққон — шу боисдан уни ҳам шоширмабди, ўзи ҳам у билан тонг отгунча қолиб кетибди. Одамнинг табиати шунақаям бўларкан. Полкда энг жанговар офицер бўлса-ю, унга «юрагинг дов берса», деса-я! Ҳа, Салимов агар ичиб юрмаганида аллақачон майор ҳам, полк командири ҳам бўлиши мумкин эди. Мендан қолишмасди, балки яхшироқ командир бўларди. Салимов, агар зарурат тақозо этиб қолса, кунбўйи бомбардимон остида у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа бориб келиши мумкин-у, Гурский бўлса «юрагинг дов берса» деса-я! Ана шу биргина сўзни деб — биттаси айтган, иккинчисига тегиб кетган — фақат ўзларигина эмас, балки яна икки кишини нобуд этишди. Эсимга тушса ўзимни кечиролмайман.

Лопатин ўзини айбдор ҳис этди. Тўғри, бунақанги «юрагинг дов берса» сўзини ҳечам ишлатмаган-у, аммо барибир, касб-кор тақозоси билан одамларни — офицерларни ҳам, солдатларни ҳам — ўша дақиқада бориш зарурати бўлмаса ҳам ўзини бошлаб боришга, кечикишнинг ҳожати бўлмаган жойда савол-жавоблар билан тутилиб қолишга неча марталаб мажбур қилган, ҳаётларини янада хавф-хатарга қўйган.

Ўзини гуноҳкор сезиб, Велиховга сўзсиз бўйсинишини айтди.

— Буниси аниқ, — деди Велихов. — Бу ҳақда гапирётганим йўқ. Ўтган воқеаларни айтяпман. Эсиз одамлар. Сиёсий бўлим бошлиғи етиб келиб қабр ёнида турганида газета ходимларидан ўн еттинчиси ҳалок бўлганини айтди. Ўтган танишларимнинг қанчаси хотирамда қолганини биласизми? Сиз, балки, бизни бу нарсага шунчаки кўникиб кетишган, ачинишнинг ҳожати йўқ, деб ўйласангиз керак? Кўникиб кетганмиз-у, аммо аянчли.

У эшик олдида тўхтаб қолди ва Лопатинни ҳам тўхтатди.

— Мен қизингизга йўллаган хатимда дала почтамни ёзиб юборгандим, беш кун олдин ундан жвоб олдим. Наҳотки сиз у курсни битирганидан кейин, ўзи айтганидек, фронтга боришига рухсат берсангиз? Наҳотки сиз унга халақит беролмасангиз?

— Қандай қилиб?

— Қандайлигини билмайман. Сиз мен қаби полк командири эмассиз. Сиз, балки, илтимос қилсангиз, қизингизга фронтга келишга рухсат бермаслиги, унга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган одамларни билсангиз керак. Ахир у солдат эмас, армияга ҳам қақирилмаган, ҳали қизалоқ дейиш ҳам мумкин. Унга халақит бериш керак, тамом-вассалом!

— Ҳа, тўғри, мен тўсқинлик қилиши мумкин бўладиган одамларни биламан, — деди Лопатин. — Лекин буни қандай қилиб амалга оширса бўлади? Қизимга қандай қилиб тушунтираман? Битирмасдан олдин тушунтирайми? Ё битирганидан кейинми? Ёки умуман унга билдирмай қилиш керакмикан? Агар сиз ўзингиз менинг ўрнимда бўлганингизда нима қилган бўлардингиз?

Велихов ҳеч нима демади, аммо унинг нигоҳида, барибир, қизни фронтга келтирмаслик учун бирор йўлини ўйлаб топиш ҳақида овоз чиқариб айтилмаган илтижо бор эди.

— Балиқ тановул қиламиз, — деди у. — Кечки овқатга балиқ қовуришни буюрганман. Бугун Шешупада гранат билан беҳуш қилиб икки пақир балиқ олиб келишган. Сиёсий бўлим бошлиғи дафн маросимидан кейин тушликка қолармикан, деб ўйлагандим. У бўлса қолмади, ўша ондаёқ жўнаб кетди.

— 25 —

Стол, курси ва каравотдан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган чоғроққина ҳужрада иккаласи овқатланишди.

Келажакдан оғиз очишмади. Велихов кейинги кунлардаги унчалик катта бўлмаса ҳам, лекин одамлар этишмаслиги сабабли қийин кечган жанглар билан ўйлиб, яна бир оз юрилса Шарқий Пруссия ортидаги давлат чегарасига етиб олиш мумкинлиги хаёлларига ҳам келмаганини айтиб берди. Ўтган кун икки километрча илгари сурилишибди, кеча уч, бугун эса яна бир прим километр силжишибди-ю, учта батальоннинг ик-

китаси тўсатдан дарёга, чегарага чиқиб қолибди. Роталардан бири қўлбола сузув воситаларида ўз ҳолича, ҳеч қандай буйруқсиз, ҳеч қандай қаршилиққа дуч келмай нариги қирғоққа кечиб ўтганидан ярим тунда хабар топишибди.

— Бундан хабардор бўлганимдан кейин, албатта, ўша жойда мустаҳкамланиб олишни буюрдим ва ўзим ҳам ўшоққа ўтиб ўз кўзим билан кўриб келдим, — деди Велихов. — У ёққа миномётларни жўнатдим, бу соҳилга эса иккита батареяни ташиб келтирдик ва агар бошлаб қолишса, қўллаб юбориш учун снарядларнинг ярмини келтириб қўйдик. Кейин ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Биттасига нарёққа, нариги қирғоққа бориши-лозим, бошқаларнинг ҳам боргиси келади: бир хиллари буйруққа асосан, бошқалари буйруқсиз. Тартиб ўрнатишга тўғри келди.

— Сизнинг-ча, қандай, нега немислар кечиб ўтишга қаршилиқ кўрсатишмади?

— Қирғоқ нақ пастликда, биз томонимиз эса тепаликлардан бошланади. Немислар, барибир, қирғоқ бўйида қолишолмайди. Уларнинг чинакам мудофааси бу участкадан узоқроқда, қирғоқдан уч километрча нарида ташкил этилган. Яйдоқликдан олдинга силжимоқчи бўлувдик — шунақаям ўт очишдики, ўша ондаёқ чекинишга буйруқ берилди. Агар хужумга ўтилса, чиндан ҳам қулай жой зарур бўлади. Эгаллаб турганимиз бир парча ердан наф чиқмайди, шунчаки эгалланган экан, ташлаб кетишга кўз қиймайди. Немислар ҳозирча унинг ташвишини қилишмаяпти — эрталаб ва кечқурунлари бир оз снаряд отиб, ўзлари тирик эканидан огоҳлантириб қўйишади-да, сўнг яна жимиб қолишади. Жиддий тайёргарлик кўришаётгани бу ерда эмас, балки ичкарироқда экани сезилиб турибди. Бизнинг яна зарба беришимизни кутишяпти.

— Улар кутишяпти. Хўш, сизлар-чи? — сўради Лопатин. Аслини олганда бундан беш кун аввал худди шу саволни Ефимовга ҳам берганди.

— Бу ҳақда биз, полк командирларидан суриштиришмайди.

— Хўш, сиздан суриштираман-чи?

— Бошқалар каби қўшимча мадад кучлари керак, деган бўлардим. Жанглар бошланганидан бери эллик саккиз кун ўтибди-ю, шу вақт мобайнида қанчадан-қанча харита варағини алмаштирибмиз. Витебск

остонасидан Минскка бурилишни — яна битта бурилиш — ҳисоблаганда эллик саккиз суткада олти юз километр йўл босибмиз. Энди ҳисоблаб кўринг: агар босиб ўтилган ҳар бир километрда полк бўйича битта одам ҳалок бўлса кўп туюлмайди. Қўшиб ҳисобланганда эса — олти юз! Битта ҳалок бўлганнинг ёнида одатда уч-тўртта ярадор бўлади. Агар йўлда қўшимча мадад кучи қўшилмаса ва ярадорлар сафга қайтмаса полкнинг аҳволи ўзингизга маълум бўлади.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

— Шу боисдан, биз — полк командирларидан суриштирманг, дейман. Инчунин мендан сўраманг. Олтинчи август кунин Неман ортидаги плацдармда полк командири ҳам, штаб бошлиғи ҳам бир кунда, битта снаряд билан ҳалок бўлишди! Шундан кейин биринчи суткада командирнинг вазифасини бажардим. Иккинчи суткада полкни қабул қилиб олдим! Иккаласи ҳам кексайиб қолган, тажрибали, бу лавозимда кўпдан бери ишлаётган одамлар эди. Улардан кўп нарсаларни ўрганганман. Лекин охиригача етказолмадим. Улгурмадим. Сўнгги учта харита варақаси билан уларсиз жанг қиляпман. Ҳаммавақт ҳам бошим ишлайвермаяпти. Гоҳида ўзимча шундай деб ўйлайман. Аммо бу ҳақда полкда ҳеч кимга гапириб бўлмайди — мен ахир командирман! Сизга биринчи марта оғиз очдим.

Лопатин бош ирғаб қўйди. У Велиховнинг тўсатдан қилган дилизҳорини яхши тушунарди: нега полк командири Миша Велихов у билан очиқчасига гаплашаётгани ҳам, ҳеч кимни чақирмай иккаласи овқатланишини хоҳиш кўргани ҳам тушунарли эди. Хизмат тақозоси билан амр этилган ва ўзининг кундалик зарурий мансабида чорасиз инсоний қалбнинг толиқишидан кўра ёмони йўқ дунёда.

— Ҳар ҳолда сиз, Василий Николаевич, қизингизни фронтга келишига йўл қўйманг. Бу ерда фақат бўлиши зарур одамларгина хизмат қилиши лозим. Нозарурлар эса — яхшиси келмагани маъқул, — деди Велихов. У ана шундай дабдурустан бир мавзуни қўйиб, иккинчисига ўтиб кетишидан Лопатин нимага шама қилаётганини сезиб қолди. Демак, ундаги, ҳали анчайин ёшгина қизчадаги бир нима Велиховга жудаям ёқиб қолган. Шунчалик ёқиб қолганки, у бу ҳақда бошқа гапиришнинг ҳожати йўқлигини тушуниб турган бўлса ҳам, барибир, тоқат қилолмай яна гап очди. Ёш, қад-

ди-қомати келишган, омадли ва аёллар эътиборидан четда қолмаган йигитга қизи нимаси билан ёқиб қолганини? Қизининг табиатидаги муайян хусусият рўпарасида ўтирган мана бу кишини Лопатиндан иккинчи марта илтижо этишга мажбур қилмадимикан?

Лопатин дала сумкасини очиб, ичидан харитани олди.

— Ҳозир қаерда эканимизни текшириб кўрмоқчиман. Мана бу Гурский қўйган белги ўз ўрнидами ёки бошқа ердами?

— Тўғри қўйилган, — харитага кўз қирини ташлаб деди Велихов. — Лекин меникидан текшириб кўрақолайлик. Меники бешюзталиқ, яққолроқ кўринади.

У планшетидан юқори қисмида номери билан лите-ри бўлган, уларнинг ёнида тузилган, тузатилган, текшириб чиқилган вақти, пастда, ўлчам чизигининг тагида қизил қалам билан: «Д. Ч. Ч. З. 15. 17. 8. 44» деб ёзилган ва «М. Велихов» деб имзо қўйилган харита варағини очиб, Лопатиннинг олдига қўйди.

— Ҳозир биз мана бу ердамыз. Мана бу ерга, батальонга тепалиқни айланиб ўтамиз, кейин тўппа-тўғри дарёгача пастлаб кетаверамиз. Шешупанинг нариги томонида кўришиб турган қурилмалар молхона. Харитага қараб мен аввалига уйлар бўлса керак, деб ўйлагандим, йўқ, молхоналар экан, теварак-атрофи яйлов.

У харитани планшетиға солиб қўйди.

— Д. Ч. Ч. дегани нимаси?

— Ўзимча эслаб қолиш учун ёзгандим — бу, давлат чегарасига чиқиш, дегани. Кун ва соати. Улар ҳам урушнинг биринчи кунда шу ердан ўтишган, эрталаб соат учдан сал ўтганда... Шу варақни топширмай ўзимда сақлаб қолмоқчиман.

— Тўғри қиласиз, — деди Лопатин. — Сизнинг ўрнингизда бўлганимда мен ҳам топширмаган бўлардим.

Жанг билан бу ерга, чегарага деярли сезилмас даражада етиб келишганини Велихов жўнгина айтиб берганига қарамай, барибир, қизил қалам билан ёзиб қўйиши ва бояги харита варағини топширишни истамагани воқеалар моҳиятини яхши билишидан далолат берарди.

Майли, бу сафар ҳеч қандай қаршиликка учрамай кечиб ўтишгандир, майли, битта рота бўлсин, майли,

бир парча ер эгаллансин, майли, ўша ерда, бир парча ерда молхона ва яйловдан бошқа ҳеч нарса бўлма-син — барибир, харита варағида қизил қалам билан Д. Ч. Ч. давлат чегарасига чиқиш сўзи ёзилган: олдинда, хаританинг четида Германия, ортида, деярли Москвагача аввалига бой берганларимиз, кейин эса ҳаммасини қайтариб олганларимиз бор.

— Биз турган жойдан беш километрча ортимизда урушдан олдинги Д О Т турибди,— деди Велихов.— Уни бу ёққа келаётганимизда сезиб қолгандим, кеча эса яна бир марта кўриб келдим. Снарядлар нураб кетган бўлса ҳам кўринишидан деярли бус-бутун. Бетони қоп-қорайиб, дуд босиб кетган, бизникилар охириги дақиқагача чекинмаган, немислар эса уларни ё огнемёт билан, ё ёнилғи пуркаб ёндириб юборишганга ўхшайди. Ичкарига бошлайдиган йўл кўринмайди — балки, ер остидадир — билмадим, излашга вақтим бўлмади. Ўша ерда турибман-у ичкарида бирортаси қолган, қирқ биринчи йилдан бери ўтирган бўлса-я, деган фикр хаёлимга келиб қолди. Албатта, бемаъни гап, лекин кеча ўша эски ўт очин нуқтасини кўздан кечириётганимда қайфиятим шунақа эди. Агар, истасангиз, эртага сизга кўрсатишим мумкин.

— Истамайман,— деди Лопатин.— Балки кейинчалик борарман, ҳозир эса истамайман.

Велихов Лопатинга эшитилмаётган нимагадир қулоқ солиб турди.

— Ёмғир бошланди. Сиз мени шу ерда кутиб ўтиринг. Мен тезда қайтаман. Тунги кўрсатмаларни бераман-да, батальонга қўнғироқ қилиб, ўшоққа бораётганимиз ҳақида огоҳлантириб қўяман.

У чиқиб кетди. Лопатин ёлғиз қолди. Велихов эшикни очиб ёнганида Лопатиннинг қулоғига ёмғир ёғаётгани чалинганди, ҳозир эса ёпинғич тутиб қўйилган дераза олдига келиб, қулоқ солди-да, буни аниқ эшитди.

«Демак, ёмғирда борарканмиз-да»,— ҳам бугунги, ҳам кечаги, ҳам юк машинасида ўтказган уйқисиз тунги чарчоқни ҳис этиб ва ҳозир, тунда Велихов билан йўлга чиқишини ўзича тасаввур қилиб ўйлади у. Бу ердан батальонгача ҳар қалай чидаса бўлади — тепаликдан тепаликка ўтилади, қумли ер. Дарё бўйида юриш қийин бўлади, у ёқда, Шешупа ортида, молхона



ва яйловлари бўлган пастлик умуман ботқоқ бўлса керак.

Лопатин ўзининг эски хиром этигига қараб қўйди да, одатига кўра яна ҳар аҳтимолга қарши кирза этигини олмаганига ачинди. Айтгандек, ололмасди ҳам. Кирза этиги уйда, чамадонидан шоша-пиша олиб ташлаган кир ички қўйлак ва формали уст-бошлари билан катнинг устида қолганди.

У ёқда, Никаникида дафтарларини олиш учун уйга кириб чиқиш керакмиди, деб ўйлаганида кирза этиги ҳам ёдида эди. Кейин эса ҳатто буни хаёлига ҳам келтирмабди.

Иккаласи бирга ётган ўша сўнгги икки соат мобайнида Ника унга ҳеч нима демади. Эғнидаги формали уст-бошини ечиб ташлаб ўринга кирди-да, Никани кутиб ётди. Ника бўлса анчагача ёнига келмади, кейин эса унга чой келтириб берди, чойни эса у барибир ичмади. Аввалига Ника уни ухлашга ундаб кўрди, кейин эса, барибир, кўзини юммаслигига ақли етиб ёнига чўзилди. Лопатинга фақат бир нарса ғалати туюлди — Ника шу вақт мобайнида, бирга ётганларида ҳам, бирга бўлганларида ҳам индамади. Гўё айтишни истамагани ёки айтиши лозим бўлмаган бирор нимани унга айтиб қўйишдан чўчигандек бўлди. Ника унинг ҳаётидан хавфсираётганини, унинг жўнаб кетишидан, унинг ўлимидан қўрқаётганини Лопатин ўша ондаёқ эмас, балки кейинроқ тушуниб қолди. Қўрқади-ю ўзини ҳеч нима қилолмайди. Бирор нарса тўғрисида гапиролмади ҳам, чунки агар оғиз очса, шу ҳақда гап очиб қолиши мумкин эди.

Аmmo бир оғиз ҳам гапирмади. Ўринда ётганларида ҳам, турганларида ҳам, уйдан чиққанларида ҳам, редакциянинг ҳовлисига кириб машина ёнида хайрлашганларида ҳам оғиз очмади.

Лопатин борган сайин жадаллашаётган ёмғирга қулоқ солиб ўтирар экан, Никанинг бу сукутини соғинч ва миннатдорчилик билан қўмсади.

Бундан уч соат аввал, агар поезд вақтида ўрnidан қўзғалган бўлса, у Тошкентга қайтиб кетди.

Ника ёнида ётиб унинг ҳаётидан хавфсираётганида Лопатиннинг ўзи қўрқмаганди. Ўзига бу ҳақда ўйлашга имкон ҳам бермади, ўйламади ҳам. Ҳозир Ника Коломна билан Рязань оралиғидаги аллақайси станцияга етиб қолганида, Лопатин у ҳақда ўйлар экан, ўзини ҳам ўйлаб қўрқиб кетди. Бу кечқурун, бу ерга келиб қабри кўргандаёқ бошланганди. У ўшандаёқ бошлан-

ганини фаҳмлаган, Шешупа ортидан қайтиб келмагунча буни енгишга тўғри келади. Велихов билан гаплашиб, у ёқда бўлиши шарт эканини қаттиқ туриб талаб қилгани ва бу терсликда қўрқувни енгиш, деб аталмиш ўзига нисбатан зўравонликнинг зарраси бор эди. Кейин эса мана бу ёмғир ҳам тўсатдан ниманидир қўшимча қилди. Ақлга тўғри келмаса ҳам, худди шундай бўлганди: ёмғир бошланиб энди жалага айланганде унга у ёққа бориш янада даҳшатли туюлаверди.

Топталган шилта ерда, гилдирак излари сувга тўла балчиқда, ёмғир сувлари босган алоқа йўллари ва окопларнинг тагида, йўл бўйидаги атала лой билан тўлган хандақларда мурдалар ётибди. У буларни кўрган, неча марталаб кўрган, ҳозир, дераза ортида ёғаетган ёмғирнинг шовқинида буни эслашнинг ҳожати йўқлигини билади. Шунга қарамай, барибир эслади ва бугун тунда ҳеч қандай воқеа содир бўлмаслигини ақл-фаросати ҳамда тажрибаси билан тушуниб турса ҳам ўлимдан қўрқди, аҳмоқона тасодифдан қочиш урушнинг иккинчи кунидек Москвадан Минскка эмас балки Тошкентга жўнаб кетиши лозим эди.

Лопатин ёмғир сачраган ёпинғич кийиб яна битта ёпинғич билан кирза этик кўтариб олган Велиховни ўзини зўрға босиб табассум билан қарши олди.

— Сизга этик олиб келдим. Навбатчиликдан келиб ухлаётган солдатнинг оёғидан ечиб олдик.

— Агар билиб қолса-чи?— яна жилмайиб ва яна ўзини босиб олиш қанчалик қийинчилик туғдираётганини сезиб сўради Лопатин.

— Билмайди! Уйғонгунича қайтиб келамиз қалай, оёғингизга лойиқмикан?

— Менимча, тўғри келади,— этигини ечиб деди Лопатин ва сал каттароқ солдатча этикни кийди.

— Кетдикми?— унга ёпинғични узатиб сўради Велихов

— Кетдик...

**Симонов Константин Михайлович.**

**С 57 Кўришмаймиз энди сен билан. Қисса / / А. Абду-  
мажидов тарж./ .—Т. Камалак, 1991.—272 б.**

Атоқли совет ёзувчисининг трилогиясига мансуб бу учинчи қисса-  
да асар қаҳрамони — ҳарбий мухбир Лопатин уруш йилларида жасо-  
рат кўрсатган жангчилар ва ўз ҳамкасблари ҳақида сўз юритади.

**Симонов Константин Михайлович.**

**Мы не увидимся с тобой...**

**P2**

Адабий-бадий нашр  
Литературно-художественное издание  
На узбекском языке

**КОНСТАНТИН СИМОНОВ**

**МЫ НЕ УВИДИМСЯ С ТОБОЙ...**

Повесть

Муҳаррир Э. Сиддиқов  
Мусаввир Г. Жирнов  
Бадий муҳаррир Н. Абдуллаев  
Техн. муҳаррир Ж. Нодирова  
Мусахҳиҳ С. Сайдолимов

ИБ № 2912

У

Теришга берилди 12.12.90. Босишга рухсат этилди 31.01.91. Формат  $84 \times 108^{1/32}$ . Книжножурнальная қоғозга «Обыкновенно новая» гарнитурда юқори босма усулда босилди. Босма листи 8,5. Шартли босма листи 14,28. Нашр листи 14,61. Шартли кр. отт. 14,70. Тиражи 45000. Буюртма 4437. Шартнома 105—90. Баҳоси 90 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент, 700113 Чилонзор мавзеи, 8-маҳалла, Қатортол кўчаси, 60-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

### ЎУРМАТЛИ КИТОБХОН!

*Янги «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмасининг илк маҳсули бўлган турли мавзудаги китоблар қўлингизга тегди. Шунлардан бири Константин Симоновнинг «Кўришмаймиз энди сен билан» қиссасидир. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда яна қандай асарларни ўқишни тохлардингиз? Лозим кўрсангиз, шу ҳақда ёзиб юборинг.*

**«КАМАЛАК» НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ  
1991 ЙИЛДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ  
БОСМАДАН ЧИҚАРАДИ:**

**МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ**

**«Имон»**

**КОЛЛЕКТИВ**

**«Ўлимларни қолдириб доғда»**

**НУСРАТ РАҲМАТ**

**«Сабоқлар ва сўқмоқлар»**

**ЮСУФ САМАД ЎҒЛИ**

**«Қатл қуни»**

**ТУПЛАМ**

**«Қаҳрли кунлар»**